ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўғилой ЭРБЎТАЕВА, Ҳусниддин ЎРМОНОВ

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

Сирдарё вилояти мисолида

“Зиё нашр матбаа” ХК
Гулистон - 2022

КБК: 63.3
УДК: 94(575.1)
Э-73

Ўғилой ЭРБЎТАЕВА, Ҳусниддин ЎРМОНОВ. Қатағон қурбонлари Сирдарё вилояти мисолида. Гулистон: “Зиё нашр матбаа” ХК нашриёти, 2022. – 232 бет.

Монографияда олий ўқув юртларининг тарих йўналишида таълим олаётган талабалар ва мактаб ўқитувчилари учун “махсус курс” фанидан ўқитиш ўрганиш услубияти масалалари ёритилади. Муаллифлар кириш ва тўртта бўлимдан иборат мазкур монографияни университет тарих факультетларида ва мактаб ўқувчилари учун амал қиладиган “махсус курс” фанини ўқитиш услубияти дастури асосида ёзганлар. Қўлланма тарих факультетлари талабаларига ва ўрта мактаб ўқитувчиларининг ўқувчиларига таълим беришлари учун монография сифатида мўлжалланган.

КБК: 613.6:632.956.633А
УЎК: 34.36.

Монография Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 12 мартдаги 09-946-сонли топшириқ хатига асосан тайёрланди.

Тақризчилар:
З. ИШАНХОДЖАЕВА, тарих фанлари доктори, профессор,
Б. ТЎЙЧИБОЕВ, тарих фанлари номзоди, доцент

Масъул муҳаррир:
Б. ҲАСАНОВ, тарих фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-7338-1-7

© Гулистон давлат университети, 2022 й.
© “Зиё нашр матбаа”, ХК 2022 й.

МУҚАДДИМА

“Буюк аждодларимизнинг муқаддас хотираси ва жасорати олдида бош эгамиз.”

Ш.М.МИРЗИЁЕВ.

Истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, тарихимизни холис ва ҳаққоний ўрганиш, азиз сиймолар хотирасини эъзозлаш, маданиятимиз ва санъатимиз ривожига ҳисса қўшган ижодкорлар фаолияти, уларнинг бой маънавий меросини тадқиқ этиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчи Президентимизнинг 2001 йил 1 май куни чиқарилган “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармони асосида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи 2002 йилнинг 31 августида Тошкент шаҳрида очилди.

Мустақиллик йилларида ўтмиш тарихимизга назар ташлаб, “Қатағон қурбонлари” масаласига эътибор берадиган бўлсак, жуда кўплаб бегуноҳ инсонлар йўқ қилинганлигини ва уларнинг фожиали ўлимлари тўғрисида кўплаб маълумотларни ёритишимиз лозим эканлигини англаймиз.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва бойитишни ўзининг асосий мақсади сифатида белгилаб олган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 2010 йилда “Қатағон қурбонлари” музейи ва “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди, шунингдек, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорлик меморандумини имзолаган.

Ҳозирда ушбу ташкилотлар ҳамкорлигида мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонийлик шаъни, ғурури топталган Ватандошларимизнинг хотираларини тиклаш, мамлакатимиз тарихида рўй берган ижтимоий-сиёсий, маданий воқеалар ва қатағон сиёсатининг салбий оқибатларини холисона ўрганиш, фуқароларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат,

истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқимиз ўз тараққиётининг муҳим тарихий чорраҳасида яшамоқда. Мустақилликка эришган халқимиз республиканинг миллий давлатчилигини, ижтимоий-иқтисодий ва миллий камолотини таъмин этувчи ўз йўлини танлади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг ҳам, авлодларининг ҳам тақдири шунга боғлиқ бўлади.[1]

Жуда тўғри гап. Бу кўҳна заминда Аллоҳга шукроналар бўлсин, ҳали кўп авлодларимиз келиб, яшайдилар. Биз уларга қандай тузум, қандай давлатни яратиб қолдирамиз? Биздан сўнг ер, сув, ҳаво, одамзод насли, хулқ-атвори қай ахволда қолади? Келгуси авлодлар ҳам ўз насабларига кўз тикиб, одамдай яшаш умидида кутмоқдалар... Бизнинг авлодларимиз эса ўтмиш хатоларини такрорламайдилар, деган умидимиз бор.

Республикамизда мустақиллик шабадаси эсаётган бир пайтда ўтмишни эслайдиган бўлсак, мамлакатимизда юз берган қатағонликлар, “Ўзбеклар иши” деб аталган жабр-зулмли зуғумлар, ҳар қандай кишини ачинтиради. “Сталин шахсига сиғиниш халқимизга кўп азоб-уқубатлар келтиргани ҳақиқатдир, ҳақиқат бўлганда ҳам аччиқ ҳақиқатдир. У ҳақда сукут сақлаб бўлмайди”.[2]

Дарҳақиқат, шундай экан, 2017 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва олий таълим муасассалари тузилмасида қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 936-сонли қарори қабул қилинди. Қарорнинг ижросини таъминлаш учун 2017 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 869-сонли буйруғи эълон қилинди.

Шундан сўнг республикамизнинг барча вилоятларида қатағон қурбонлари музейлари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг мазкур масалага жуда катта эътибор

[1] И. А. Каримов. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, Тошкент, “Ўзбекистон” 1992 й. 3-бет
[2] Совет жамияти тарихи саҳифалари. Тошкент. “Ўқитувчи”, 1991 й. 305-бет.

бераётганлигининг яна бир ёрқин далили 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбир тўғрисида”ги 5598-сонли фармойиши бўлди.

Бу давлат ҳужжатида бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Фармойишни амалга ошириш борасида вилоят ва шаҳар ҳокимликлари билан малакали олимлар ва мутахассислардан иборат тегишли ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Музей ходимлари ва ишчи гуруҳ тамонидан, қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг авлодлари ва яқинлари ўша давр воқеаларини чуқур биладиган кишиларнинг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий материалларни, ноёб суратларни тўплаш, Ўзбекистон Миллий давлат архиви, вилоят архивлари, туман ва шаҳар архивларида бир қатор материаллар тўпланди.

Шу тўпланган материаллар асосида барча вилоятлар кесимида кўп жилдлик қатағон қурбонлари хотира китоби ва рамзий китоблар яратилди. Республикамизнинг барча вилоятларида қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Бу борада шаҳид бўлган юртдошларимиз номларини абадийлаштириш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида туманлар кесимида улар ҳақида кўплаб китоблар ва рисолалар ёзилди.

Қатағон қурбонлари бўлган тарихий шахслар ҳаётини ўрганиш борасида туман, шаҳар ва вилоят давлат архивларида маҳаллалар кесимида тадқиқот ишлари республикамиз миқёсида олиб борилмоқда. 2020 йил октябридан шу кунгача тадқиқот ишларимиз натижаси шуни кўрсатадики, республика бўйича 64 минг 391 нафар қатағон қилинган кишиларнинг номлари аниқланди. Сирдарё вилоятидан эса, 900 нафарга яқин қатағон қурбонлари аниқланди. 4 та меҳнат лагери “Боёвут” ва “Малик” давлат хўжаликлари ҳудудида мавжуд бўлганлиги маълум бўлди. Қатағонга учраган юртдошларимиз тўғрисида “Рамзий хотира китоби”, “Қатағон қурбонлари хотира китоби” (Сирдарё вилояти мисолида), шунингдек, “Миллатимиз фидойилари” китоби, 50–80-йилларда юз берган воқеалар асосида “Пахта иши” каби китоблар нашрга тайёрланди.

Фармойиш ижроси юзасидан олиб борилган тадқиқотлар жараёнида тарих саҳифаларидан шундай маълумот аён бўлдики, собиқ иттифоқ

даврида 30 мингдан ортиқ лагерлар, ГУЛАГ (лагерлар бош бошқармаси мавжуд бўлган). 1919-1923 йилларда 2 миллион нафардан зиёд одам Сталин томонидан ўлимга маҳкум этилган. Собиқ совет иттифоқида 1930-1936 йилларда 3 миллион нафар одам қатағон қилинган. 12 миллион нафар одам Сталин фармонига биноан мажбурий меҳнат лагерларида ўлдирилган. 3,5 миллион нафар одам 30-йиллардаги коллективлаштириш даврида очиқдан-очиқ қатағон қилинган.

Сахаровнинг 1940 йил 10 октябрдаги маълумотига кўра, НКВД қарамоғида 35 та меҳнат-тузатув лагери бўлган. 44 та лагерда 1 миллион 321906 нафар маҳбус сақланган. 1939 йил 1 январдаги маълумотга кўра, маҳбусларнинг 23 855 нафари ўзбек, 4, 266 нафари тожик, 9126 нафари туркман, 2, 489 нафари қирғизлар эди. 1930 йилларда Ўрта Осиё меҳнат-тузатув лагери бўлган. 1930-йилларда ташкил этилган бўлиб, 1939-йилларда қайта ташкил этилган. 1943 йилда лагерлар фаолияти тўхтатилди. 1938 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўрта Осиё лагерида 33 минг 936 нафар маҳбус сақланган”[3].

1923 йилда собиқ СССР бўйича 65 та концлагерь бўлган. Қамалган маҳбусларнинг лагердаги ўртача умри 4 йилдан ошмаган. 1929 йил кузида Соловкидаги монахлар яшаган Муксальм монастирида сиёсий маҳбусларнинг бир қисми отиб ташланган. Қолганлари очлик эълон қилганлар. Шунинг учун улар ҳам қатл қилинган. Уларнинг орасида ўзбеклар ҳам бўлган. Шулардан 10 нафари ҳақида маълумотлар бор. Дмитров лагерида 1923 нафар ўзбек бўлгани қайд этилган. Ўша лагерда 1923 нафар ўзбек “Зарбдор қурилиш” номли газетани чиқариб туришган.

1937-1939 йилларда учлик томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалган. Шулардан 37 минг нафари судланган. 6 минг 900 нафар киши отувга ҳукм қилинган. 1937-1938 йиллар катта қирғин деган ном билан тарихда қолди. 1937-1938 йилларда учликлар томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафари судланган.

Катта қирғин давоми сифатида 1945 йилда 6 милион нафар одам қамоққа олинган. Шундан 3 милион нафари отувга маҳкум этилган эди. Қатағон қурбонлари хотирасини ўрганиш даври 1860 йилдан 1990 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Шундай экан, тарихий

[3] Н. Абдуллаҳатов, В. Азимов. Аждодлар ёди. Олтиариқлик Қ.Қ. тарихидан. Фарғона нашриёти – 2012. 45 б. (қатағонлиқлар)

тадқиқотларимиз даврида биргина Сирдарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, минг нафардан ортиқ инсонлар ўз юртидан бадарға қилиниб, сарсон-саргардонликда репрессияга дучор бўлган. Негадир бизнинг ўтмишимиз, яъни “Шўро даври” деб аталган даврда Сталиннинг 30 йиллик ҳукмронлиги даврида қатағон қилишлар гўё давом этаётгандек, “Ўзбеклар иши” ва “Пахта иши” ниқоби остида кўпгина ҳамюртларимиз озодликдан маҳрум бўлиб, қамалдилар.

Хулоса шундан иборат бўлдики, Ўзбекистон “олтин бошли” одамларидан ажралди. Натижада республикамиздаги социал ва иқтисодий ривожланишлар бирмунча орқага кетди.

Мазкур монографиянинг биринчи бўлимида дастлабки қатағонликнинг юз бериш сабабларини Ўзбекистон Республикаси мисолида ёритиб берилган. Иккинчи бўлимда, собиқ шўро давридаги қатағонликнинг юз бергани, 80-йиллардаги советларга қарши туҳмат ва маломат тошларининг бегуноҳ халқ устидан ўрнатилиши тўғрисидаги маълумотлар таҳлили берилган. Учинчи бўлимда эса, Гдлян ва Ивановнинг Марказдан келиб, Ўзбекистон Республикасида улар худди саҳна орқасидаги режиссёрлар сингари иш кўрганлиги ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

Шундай номақбул йўллар билан одамларнинг нозик ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатдилар. “Агар Гдлян билан Ивановга айрим сиёсатчилар пишанг беришмаганида агар бу икки терговчи уларга вайрон қилувчи куч сифатида керак бўлмаганида эди, бу ҳодиса шу қадар зўрайиб кетмаган бўлар эди”.[4]

Гдлян ва Ивановнинг ноҳақлик сиёсати билан олиб борган ишига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чек қўйилганлиги ҳақидаги фикрлар тўртинчи бўлимда ўз аксини топган. Гдлян ва Ивановнинг терговчилик фаолиятида йўл қўйган қонунсиз хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ишлари батафсил баён этилган.

Мазкур монографияда шундай хулосага келиндики, бу бизнинг жафокаш, олийҳиммат халқимизга нисбатан уюштирилажак ҳар қандай уйдирма ва бўҳтонлар охир-оқибатда қоп-қора тутундек буруқсиб, йўқлик сари даф бўлиши муқаррар эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

[4] Қабоҳат ёхуд... Тошкент, “Ўзбекистон” 1993 й. 6-бет.

I БОБ
РУС МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

РУС МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА МИРЗАЧЎЛ

Россия томонидан Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш подшо Пётр I даврида бошланган эди. 1717 йилда Бекович-Черкасский бошчилигидаги 3 минг нафардан зиёд яхши қуролланган рус қўшинлари Хивага бостириб борган, лекин босқинчилар Хива хони Шерғозихон қўшинлари томонидан қириб ташланган эди. Подшо ҳукумати 1718 йилдан бошлаб Иртиш дарёси бўйида 7 та ҳарбий истеҳком қурди. Ҳукуматнинг мақсади Ўрта Осиёга яқинлашиш эди.

1830 йилда Оренбург генерал-губернатори Перовский ўз қўшинлари билан Хивага юриш бошлайди, бироқ босқинчилар йўлдаги оғир шароитга дош беролмай, орқага қайтиб кетишга мажбур бўладилар.

Россиянинг Ўрта Осиёга кўз олайтиришига асосий сабаблар қуйидагилардан иборат эди: XIX асрнинг 2-чорагида Россия иқтисодиётида жиддий ўзгаришлар юз бераётган эди. Капитализм ривожланиши билан Россия саноати, айниқса, тўқимачилик саноати жуда тез суръатлар билан ўсаётган эди. Бу ҳол, табиийки, хом ашё сотиб олинадиган бозорларни кўпайтириш, иложи бўлса, арзон хом ашё манбаини яратишни талаб қилар эди. Россия ана шундай арзон хом ашё манбаини Ўрта Осиё хонликларида кўрди.

Рус буржуазияси вакиллари ва ҳарбийлари ташвиқотлари натижасида Николай II ўзбек хонликлари тасарруфидаги ерларни босиб олишга астойдил киришдилар. 1847 йилда руслар Сирдарёнинг Оролга қуйилиш жойини эгаллаб, ерда Раим (Аральск) ҳарбий қўрғонини қурдилар. Бу даврда Оқмачит (Қизил Ўрда), Туркистон, Чимкент, Авлиё ота, Пишпак, Тўқмоқ ва бошқа жойларда Қўқон хонлигининг ҳарбий истеҳкомлари мавжуд эди. 1852 йилда рус қўшинлари Оқмачитга ҳужум қилдилар, лекин уни забт эта олмадилар. 1853 йилда қайтадан ҳужум бошлаган Перовский қўшинлари

мудофаачиларнинг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, Оқмачитни босиб олишга муваффақ бўлдилар. Оқмачитдаги мағлубият Қўқон хонини қаттиқ ташвишга солди. Тошкентда қайтадан куч тўпланиб, Сабдалхўжа бошчилигида 8000 нафар аскар ва кўнгиллилар Оқмачитга йўл оладилар. Қирғинбарот жангдан кейин катта талофат кўрган мусулмон аскарлари орқага қайтадилар.

1863 йилда подшо қўшинлари Ўрта Осиёда фаол ҳаракатларини бошлади ва полковник Черняев подшо ҳукуматининг розилигини олмай туриб, Қўқон хонлигининг Сузак шаҳрини эгаллади. Шундан сўнг Ўрта Осиёнинг ичкарисига қараб ҳаракат қилиш учун рухсат берилди.

1865 йил 28 апрелда Черняев Ниёзбек қалъасини ишғол қилади ва Тошкентга оқадиган Кайковус ариғини бузиб, уни Чирчиқ дарёсига буриб юборади. Натижада сувсиз қолган тошкентликлар оғир аҳволга тушадилар. Кўп ўтмай Қўқондан Алимқул Тошкентга етиб келади ва унинг қўшинлари рус қўшинлари билан Салар ариғи атрофида қаттиқ жанг олиб боради. Алимқул қўшинлари русларни чекинишга мажбур қилади. Жангларнинг бирида Алимқул қаттиқ яраланади ва ҳалок бўлади. Бундан саросимага тушган тошкентликлар Бухоро ва Хива хонликларига ёрдам сўраб, мурожаат қиладилар. Бироқ кутилган ёрдам етиб келмайди. Оғир вазиятдан фойдаланган Черняев 1865 йил 14 июнда Тошкентга бостириб киради. Шаҳарликлар рус қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатишда давом этадилар. Руслар 15 июнда шаҳарни деярли эгаллаб олишади, бироқ қаршилик кўрсатиш тўхтамайди. 1865 йил 17 июль куни шаҳар аҳолиси таслим бўлади.

Туркистон вилоятини бошқариш учун 1865 йил 6 августда “Муваққат низом” эълон қилинди. Унинг асосий мақсади Россиянинг янги босиб олинган ерларида бошқарувнинг умумий асосларини белгилаш орқали, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўлган. 1865 йилда император Александр II нинг қарорига кўра, Оренбург ва Ғарбий Сибирь генерал-губернаторлиги ҳамда Туркистон вилояти аҳолисининг турмуши ва умумий аҳволини ўрганиш учун “Дашт комиссияси” тузилади.

Дашт ҳайъати томонидан ишлаб чиқилган “Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш ҳақидаги қоидалар лойиҳаси” бўйича Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда қуйидагилар қайд этилади:

1. Лойиҳада кўрсатилган ҳудудларда Еттисув ва Сирдарё вилоятлари таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилсин.

2. Генерал-губернаторга ўлкани бошқариш учун лойиҳада назарда тутилган штатлардан келиб чиққан ҳолда бошқариш учун амалдорлар олишга имконият берилсин.

3. Генерал-губернаторга лойиҳада кўрсатилган ерларда, ўлкадаги маҳаллий шароит, тузем халқларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда сўнгги марта қонуний тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун унинг қисмлари бўйича ва яхлит ҳолда ўзининг хулосасини бериш топширилсин. Унгача лойиҳада кўрсатилган ҳолатларни асос сифатида қабул қилиб, ўлка тузилиши учун фавқулодда муҳим ва фойдали, деб ҳисобланган ҳамма чораларни кўриш топширилсин.

Туркистон генерал-губернаторлиги XX аср бошларига келиб, бешта вилоятга бўлинди: Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Каспийорти вилоятлари. Сирдарё вилояти Тошкент, Авлиёота, Қозоли, Перовск, Чимкент туманларини ўз ичига олган. 1872 йилда Сирдарё вилоят бошқармасининг умумий раёсати Тошкентда “Шаҳар низоми”ни қўллаш масаласини кўтариб чиқди. Россия ички губерняларида 1870 йилдан қўллана бошлаган “Шаҳар низоми”ни мустамлака маъмурияти манфаатларига мос равишда ўзгартириш, қўшимчалар киритиш асосида Тошкентда жорий этилишига доир лойиҳа тайёрланди. Полковник Фридрих бошчилигидаги махсус комиссия уни атрофлича муҳокама қилди.

Россия Ўрта Осиёда мустамлакачилик сиёсатини авж олдириш учун аввало темир йўл қуришга алоҳида аҳамият берди. 1880 йил ноябрида Каспийорти темир йўли қурилишига киришилди. У Қизил Арват ва Ашхобод орқали 1888 йил 15 майда Самарқандга етиб келди. 1889 йил Марикадан Қушгача, 1899 йилда Тошкент ва Андижонга темир йўл ўтди. 1900-1906 йилларда Тошкент-Оренбург темир йўли қурилди. Натижада ўлкадан кўплаб хом ашё, табиий бойликларни Россияга машаққатсиз ташиб кетиш имконияти кенгайди.

Пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда сувнинг аҳамияти беқиёслиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис Туркистон ўлкасида энг қадим даврлардан сунъий суғоришга давлат миқёсида алоҳида эътибор берилиб, сув учун кураш умумхалқ ҳаракатига айланди.

Ўлкада чор ҳукуматининг ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин сунъий суғориш тармоқларига ва умуман, сувга эгаликни у ўз қўлига олди. Чор ҳукумати пахта илинжида сунъий суғоришни ривожлантириш зарурлигини яхши англаб, сув иншоотлари лойиҳасини тайёрлади. Бироқ, ҳукумат сунъий суғоришни изчиллик билан ривожлантиришга қодир эмаслиги туфайли етарли даражада маблағ бера олмади. Бу вақтда Туркистон ўлкасида Сирдарё, Амударё, Зарафшон ва Чирчиқ дарёлари энг катта сув ҳамда ҳаёт манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга эди. Марказий ҳукумат сунъий суғоришга етарли даражада эътибор бермаган бўлса-да, ўлкадаги чор маъмурияти вакиллари уни эътибордан четда қолдирмади. Чунончи, губернатор Кауфманнинг кўрсатмасига биноан 1869 йилдаёқ Мирзачўлда сунъий суғоришни йўлга қўйиш мақсадида П.Аминов бошчилигида муҳандис ва топографдан иборат мутахассислар қидирув гуруҳи тузилди.[5] Гуруҳ Мирзачўлда сунъий суғориш буйича маълумотлар тўплади. Кейин ушбу маълумотлар асосида Н.Ф.Ульянов раҳбарлигида иш юритилиб, 40 минг десятина (240 минг таноб) ернинг суғориш лойиҳаси тузилди. Ва ниҳоят, XIX асрнинг 70-йилларида Сирдарёнинг чап қирғоғида “Кауфман” каналини (ҳозирги “Дўстлик” канали) қазишга киришилди. 6 йил мобайнида олиб борилган машаққатли меҳнат яхши натижа бермай, 13 чақирим масофада ер қазилди, холос. Мирзачўлда сунъий суғоришни ривожлантириш ҳаракатларининг халққа фойдасидан кўра, зиёни кўп бўлди. Мирзачўлда канал қазиш лойиҳаси 1872 йилда тасдиқланиб, 1874 йилда иш бошланган. Бу иш 1875-1878 йилларда ҳам давом этган бўлса-да, 1883 йилда тўхтатилган. Шундан кейин Мирзачўлда айрим қидирув ишлари олиб борилиб, таклиф ва мулоҳазалар маъмуриятга маълум қилинди. Масалан, 1885 йилда муҳандис Н.Петровнинг генерал-губернаторга юборган хати шулар жумласидандир.

[5] «Туркестанские ведомости». 1873, № 27 .

Орадан ўн беш йилча вақт ўтгач, аниғи, 1895 йилда “Кауфман” каналидаги ишларни якунлаш учун **концессия сўраб, америкалик муҳандис** Фитсюг ва москвалик тадбиркор Н.И.Решетниковлар расмий равишда Петербургга мурожаат этишди. Уларга изн берилмади.

1876 йилда Тошкентга сургун қилинган буюк князь Н.К.Романов улкан даромад манбаи бўлган суғориш иншоотлари қурилиши билан шуғуллана бошлади. Мирзачўлда ва Тошкент атрофида сунъий суғоришни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. У 1881 йилда Тошкентга келганидан кейин Чирчиқ дарёсидан 50 чақирим узунликда канал қазитди ва унга “Искандарбек” номини берди. Бу канал 4513 десятина ерни суғориш имконини берди. Ўша йили Чирчиқда “Хоним” номли канал ҳам қурила бошланди. Ушбу 65 чақирим узунликдаги канал орқали 3215 десятина ерни суғориш имконига эга бўлинди. Аммо кўрсатилган каналлар атрофида рус қўрғонлари юзага келиб, сувдан кўпроқ улар наф кўрдилар. 1884 йилда Туркистоннинг ўша пайтдаги генерал-губернатори М.Г.Черняев унга “Кауфман” канали қурилишини якунлаш таклифи билан мурожаат қилди. Бироқ Мирзачўлга доир барча тадқиқотларни диққат билан ўрганиб бораётган князь "бу иш жуда қимматга, бир неча миллион рублга тушажагини билгани учун" таклифни рад этди ва ўз маблағи ҳисобидан йирик суғориш тармоғи қуриш (кейинчалик ўзлаштирилган ерларни давлатга топшириш шарти билан) учун рухсат сўраб, амакиваччаси ҳисобланмиш император Николай II га мурожаат қилади ва олий даражадаги рухсатномани олгач, ишга киришади.

Князь Н.К.Романовский 1887 йилда Мирзачўлда “Николай II“ каналини (ҳозирги “Дўстлик” канали) қуришга киришиб, ўз ҳисобидан бир миллион сўм сарфлади.

1890 йилнинг 24 сентябрида Мирзачўлга чор Россиясининг молия вазири Вишнеградский ташриф буюриб, князнинг Бухороариқ бўйича ишларини кўздан кечирди ва унинг шахсий харажатларига қўшимча давлат ғазнасидан 100 минг рубль ажратишни лозим топди. Бу маблағ ишларнинг қисман бўлса-да, тезлашиб кетишида муҳим омил бўлди.

Сиртдан ўта халқпарвар кўрингани билан ботинан ўта руспараст бўлган буюк князь ўзининг Мирзачўлга сув чиқариш борасидаги

фаолияти чоризмнинг Туркистон ҳудудидаги колонизация сиёсатига хизмат қилажагини яширмасди ҳам. Туркистоннинг ўзида ишчи кучлари ошиб-тошиб ётганини, уларга қилинадиган харажат ҳам жуда кам бўлишини кўра-била туриб, у Россиянинг турли гўшаларидан хизматини тугатган аскар ва казакларни, тирикчилиги юришмаган рус деҳқонларини бу ишга жалб қила бошлади. Натижада чўл бағрида бирин-кетин рус қўрғонлари пайдо бўлди.

1885-1890 йилларда Мирзачўлда 28 чақирим масофадаги “Бухоро” номли канал қурилди, лекин кейин маблағ етишмаслиги натижасида иш тўхтатилди. “Бухороариқ” қурилиши бошланган жойда русларнинг биринчи аҳоли пункти - Запорожье шаҳарчаси шу тариқа вужудга келди. Кейинчалик 1886 йилда Надежда, 1887 йилда Романов, 1891 йилда Никольское қўрғонлари ташкил этилди. 1896-1897 йилларда чўлнинг шимолий қисмида, Сирдарё соҳилига яқин жойларда, эски почта йўли ёқаларида яна тўртта аҳоли пункти Обетованний, Верхневолинск, Нижневолинск ва Конногвардейск қўрғонлари барпо қилинди. Ушбу қўрғонларга кўчирма қилинган руслар дастлаб канал қазишда, кейинчалик қимматбаҳо хом ашё ҳисобланмиш пахта етиштиришда асосий ишчи кучи бўлиб хизмат қилишлари, аста-секин Мирзачўлнинг чинакам эгаси, туб аҳолиси бўлиб қолишлари лозим эди.

Н. К. Романовский 1891 йилда Мирзачўлда «Хетва» ариғини қурди. 90 чақирим масофадаги канал 1895 йилда ишга туширилди. Бироқ, сувнинг маълум қисмигина туб аҳолига берилди, холос. Чунончи, у ўзбек ва қирғизларга тегишли 750 десятина ерни суғорган бўлса, русларнинг 2000 десятина, Н.К.Романовскийнинг 2000 десятина, давлат мулкчилигининг 4000 десятина ерлари суғорилган[6]. 1899 йилда Н.К. Романовский томонидан Мирзачўлда қурилган барча каналлар ҳукуматнинг ихтиёрига ўтказилди. Бунинг учун унга хазинадан пул тўланди. Мирзачўлда сунъий суғоришнннг бирмунча жонлантирилиши орқасида бир нечта рус қўрғонлари ташкил топиб, 1919 йилда улар 2827 десятина ерга эгалик қилдилар.

[6] Отчёт по ревизии Туркестанского края произведенный сенатором графом К .К.Паленом. Вып: 3. с 275.

Каналларни қазиш машаққати эса, асосан туб аҳоли зиммасига тушди ва улар хонавайронликка учрадилар. Айниқса, тошкентликлар ва хўжандликларга оғир бўлди.[7]

Умуман айтганда, Мирзачўлда сунъий суғоришни ривожлантиришдан мақсад рус қўрғонлари сонини тобора кўпайтириб бориш ва пахтачиликдан олинадиган даромадни кучайтиришдан иборат эди. Ҳатто деҳқончилик вазири А.В. Кривошеин давлат Думасида сўзлаган нутқида ”Русларнинг ўлкадаги мавқеини кўтариш нуқтаи назаридан Мирзачўлга ўрнашадиган руслардан олинадиган ер учун ҳақ туб аҳолига нисбатан оз бўлишини” [8] уқтирди.

1900 йилда рус ҳукумати Мирзачўлнинг шимоли-шарқий тарафида 45 минг десятина ерни ўзлаштириш ҳақида қарор қабул қилиб, 2 миллион рублдан ортиқ маблағ ажратди. Бироқ, бу ишлар ўта секинлик билан олиб борилиб, маблағ ва қурилиш жиҳозлари етишмади. Шу боис 1911 йилда Мирзачўлдаги сунъий суғориш ишларини тугаллаш учун хазинадан 4.856.500 сўм миқдорда маблағ ажратилди. Қурилишларни 1915 йилгача тугатиш режалаштирилди.[9] Бироқ, бу пул ҳам кўрсатилган миқдорда берилмади. Ниҳоят 1916 йилнинг бошларига келиб, «Николай II» канали қурилиши тугалланиб, 35 минг гектар ерни суғориш кўзда тутилди. Бу ернинг 80-90 фоизида пахта етиштириш режалаштирилди.[10] Амалда эса 1914 йилда Мирзачўлда етиштирилган пахта бутун ўлкада етиштирилган пахтанинг бир фоизини ташкил қилган. 1913 йилда Мирзачўлда 50 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган Н. Романовский канали битказилган эди. Амалда эса, 34 минг десятина ерни суғориш имкони туғилган.

Шу равишда чорак аср мобайнида Мирзачўлда магистрал сув канали битказилди. Бундан руҳланган рус маъмурияти Мирзачўлда 500 минг десятина ерни ўзлаштириш масаласини ўртага ташлади. Бунга кўра, у ерда «Бешта шаҳар, 200 савдо ва жамоат майдонлари ҳамда 45 мингдан 57 минг нафаргача кишини ўз ичига олган рус қўрғонлари бунёд этилиши лозим эди. Мирзачўлда сунъий суғоришнинг тўла йўлга

[7] «Туркестанские ведомости», 1912, № 18.
[8] Ўзбекистон Республнкаси Марказий Давлат архиви. Ф. Ц - 7.I рўйхат, 5199-иш, 90-б.
[9] «Туркестанские ведомости», 1913, № 220.
[10] Ўша жойда. 1916, № 190.

қўйилиши Россияга ярим миллион аҳоли яшайдиган турар жойларни берарди. Бу ердан Россияга 130 миллион сўмга яқин баҳода 8-9 миллион пуд пахтани олиб кетиш имкони туғиларди».[11]

Қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар юз берди. Суғориладиган майдонлар кенгайди. Шунинг ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпайди. Айниқса, пахтачиликнинг ривожланишига катта аҳамият берилди. Рус тўқимачилик саноати асосан Америка пахтасига мослашганлиги туфайли Ўрта Осиёга Америкадан пахтанинг янги навлари келтирилиб, экила бошлади. Россия Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш ҳисобига чет эл пахтасига муҳтожликдан озод бўлиб, ўзининг хом ашёга бўлган мустақиллигини таъминлади.

Туркистонда пахта заводлари билан бирга вино, пиво заводлари, тамаки фабрикаси қурилди. 1908 йилда ўлкада 234 та пахта тозалаш заводи бўлиб, у ерда 70 нафар ишчи ишлаган. Пахта заводларидан ташқари, 20 та ёғ заводи, 9 та вино заводи, 9 та ун заводи, 7 та тамаки фабрикаси ва бошқалар бор эди.

XIX аср ўрталарига келиб, Мирзачўл лесс-суглинка тупроқ билан қопланган жазирама саҳрони эслатарди. Унинг юзасининг айрим қисмлари шўрланган бўлиб, оппоқ тузи қуёшда ярқираб турарди, сув камдан-кам учраб, ҳаёт деярли йўқ эди. Фақат карвон савдо йўлларининг гоҳ у ери, гоҳ бу ерида қудуқлар ва сардобалар учраб турарди.

Баҳорда чўл жонланиб, унинг юзаси ям-яшил ўсимликлар ва қип-қизил қизғалдоқлар билан қопланган.

Чор Россияси истилоси даврида Мирзачўл кимсасиз саҳрони эслатарди. Шу боисдан ҳам дастлаб “Қирғиз чўли” деб аталиб келинган чўлни руслар "Голодная степь", яъни "Очофат чўл" деб атай бошладилар. Рус олимларидан чўлни биринчилар қатори тадқиқ этган ўлкашунос олим Семёнов-Тяншанский "Туркистон ўлкаси" номли китобида Мирзачўл ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: "Ёз пайтида Очофат чўл қуёшда куйдирилган сап-сариқ текисликдан иборат бўлади, жазирама иссиқ ва юзада ҳаёт асоратларининг бутунлай йўқлиги чўлнинг номи топиб қўйилганлигидан далолат беради. Май ойидаёқ ўт-

[11] «Туркестанские ведомости», 1913, № 220.

ўланлар сарғая бошлайди, ранглар хиралашади, қушлар учиб кетади, ҳатто тошбақалар инларига кириб кетади ва чўл яна қуёшда қовурилган, жонсиз кенглик қиёфасига киради…" Бу ҳақда В.Ф.Карабаев ҳам 1914 йилда ёзган эди.

Мирзачўлнинг жанубий қисми пролювиал қия текислик бўли, ушбу ландшафт учун характерли ер юзаси қияликка эга ва майда тош қатламлари ҳамда лойқа породалар қатламларидан иборат. Шимолга томон қияликлар аста-секин текисланиб боради, синиқ породалар қатлами тупроққа чўкиб, сингиб боради ва ундан кейин эса қум, суглинка ва лойга ўтади[1].

Туркистон ўлкасида рус қишлоқларининг пайдо бўлиши олдиндан режалаштирилган режа асосида олим борилмасдан, балки “ҳеч қандай тартибсиз, фақат айнан ўша дақиқада вужудга келган эҳтиёж талаб қиладиган чора-тадбирлар асосида” олиб борилди. Туркистон ўлкаси маъмурияти воқеалар орқасидан ҳаракат қилиб, бу ҳолат қўчирувчилик ишида бошбошдоқликни вужудга келтирарди.

XIX аср 70-йиллар охиригача кўчиб келганларни жойлаштириш тўғрисида ўлка маъмуриятининг ҳеч қандай кўрсатмалари ёки фармойишлари чиқарилмади, бу эса кўчиришга салбий таъсир кўрсатди. 1881 йил 3 мартда генерал-губернатор қишлоқларга истеъфодаги қуйи мансабларни қабул қилиш ҳақида фармойиш чиқарди. Ҳужжатда уларга мерос мулк сифатида фойдаланиш ҳуқуқи билан ҳар бирига 7 десятинадан ер берилиши кўрсатиб ўтилган эди. Шунингдек, ушбу ерларни ижарага бериш ман қилингани ҳамда улар бегоналаштирилмаслиги таъкидланган эди. Участка (ер майдони) олганларнинг барчаси ерга биринчи йилдан бошлабоқ ишлов бериш мажбуриятини олгандилар.

Туркистонда рус шаҳарлари ва қишлоқлари қад кўтарди. Жумладан, 1875 йилдан то 1890 йилгача Туркистонга 1300 та оила кўчиб келиб, 19 та рус қишлоғи вужудга келди. 1891-1992 йилларда Россияда очарчилик кучайган вақтда бу қишлоқлар сони 25 тага етди.

[1] Ирригация Узбекистана. В четырех томах. Том 2. Современное состояние и перспективы развития ирригации в бассейне р.Сырдарьи. – Т.:Фан, 1975. С. 203 (С.203-296)

1888 йил 15 мартда чиққан “Туркестанские ведомости” газетасида бу ҳаракатлар “Россиядан кўчиб келаётганлар бўш ерларни ўзлаштиришга, боғ-роғлар яратишга ёрдам беради,” деб кўрсатилган эди. Аслида қашшоқлашиб кетган рус аҳолисининг Туркистонга кўчириб келтирилиши Россияда тобора чуқурлашиб бораётган ички зиддиятларни ҳал этишнинг бир йўли эди. Иккинчи томондан эса, мустамлака ўлкада кўп сонли рус аҳолисининг бўлиши Россия давлати учун ҳарбий ва сиёсий таянч ҳам эди. Рус миллати вакилларини ўлкага кўчириб келиш, уларни маҳаллий аҳоли билан ассимиляция қилиб юбориш, Туркистонда доимий яшайдиган рус аҳолисини таркиб топтириш мустамлака сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлганлиги сабабли чор Россияси кўчириш сиёсатини амалга ошириш учун 1896-1906 йилларда 3 миллион олтин сўм миқдорида харажат қилди. 1907 йилга келиб, бу харажат 13 миллион олтин сўмга етди.

Кўчириб келтирилган рус деҳқонлари катта имтиёзларга эга бўлдилар. Улардан маълум муддатгача солиқ олинмади. Подшо ҳукумати бу ҳаракатларни “маҳаллий аҳолининг манфаатига асло зид келмайди, чунки кўчиб келганлар янги ўзлаштирилаётган ва бўш турган ерларга жойлашадилар, маҳаллий аҳоли эса ўз эҳтиёжини тўла қондириб келаётган ерларнинг тўлиқ эгаси бўлиб қолаверади”, деб асослади. Бироқ бу амалда бажарилмади. Чоризм ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам унумдор ерларни рус деҳқонларига ажратиб беришга ҳаракат қилди ва ер солиқларини ошириб, маҳаллий аҳолини ўз ерларини сотишга мажбур этди. Бундай “бўш турган ерлар” биринчи навбатда ҳарбий хизматдан бўшаган аскарларга, Россиядан кўчиб келаётган деҳқонларга берилди. Ана шундай ўтроқ районларлан тортиб олинган ерлар Сирдарё вилоятида 47.600 таноб, Фарғона вилоятида 75.000 таноб, Самарқанд вилоятида 3000 таноб, Каспийорти вилоятида 7000 танобни ташкил этди.

Русларни Туркистонга кўчириш сиёсати натижасида 1910 йилда Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларида дастлабки 124 та рус посёлкалари вужудга келиб, уларда 70 минг нафар киши яшаган. Кўчиб келганларнинг 36,7 фоизи, молк-мулксиз, 61 фоизи эса мутлақо пулсиз

бўлиб, уларга алоҳида унумдор ерлар тортиб олиб берилгач, аста-секин бойиб кетишган.

Бу тадбирдан кузатилаётган сиёсий мақсад ўзбек халқи миллий қадриятларини ва шарқона анъаналарини европача маънавий-руҳий муҳит билан алмаштиришдан иборат эди. Туркистон ўлкаси қанчалик тез руслаштирилса, мустамлакачилик тизими шунча мустаҳкам асосда қурилар, халқнинг миллий ватанпарварлик туйғуси шунча тез барҳам топар эди. Шунинг учун руслаштириш сиёсати биринчи ўринга чиқарилди.

Рус миссионерлари ва маърифатчилари томонидан Туркистонда дастлабки православ черковлари ва мактаблари очилди. 1866 йилда Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилди. 1900 йилга келиб, бундай мактабларнинг сони 23 тага етди.1876 йилда эркаклар, 1878 йилда эса аёллар гимназияси очилди.

Туркистондаги аҳолининг рус қисмига ўлка тўғрисидаги маълумотлар етказиб бериш ва сиёсий аҳволдан бохабар қилиб туриш мақсадида Туркистонда турли хил газеталар чоп этилиб турилди. 1870 йилда «Туркестанские ведомости» газетасининг биринчи сони чиқди. 1889 йилда «Русский Туркестан», 1894 йилда «Окраина» газеталари чоп этилди. 1871 йилда эса Туркистон ўлкасининг музейи ташкил этилди.

Ўлкага келиб, крестьянлар шу заҳотиёқ янги жойларда бирмунча қулай жойлаша олмасдилар; бундай жойлаштириш ҳақида ҳатто ҳеч қандай кўрсатмалар ҳам бўлмаганди. Шунинг учун айримлари ўз Ватанларига қайтишга, бошқалари эса бир жойдан бошқа жойга ўтишга мажбур эдилар. Бу Туркистон ўлкасидаги алоҳида юқори лавозимдаги мансабдорларни хавотирга солмай қолмасди. Улар ўзларининг хавфсирашлари ҳақида ҳарбий губернаторларга крестьянларнинг бир жойдан бошқа жойга ҳаракат қилишлари ёки қайта кўчирилиши ўлкада русларни мустаҳкам ўрнашиб қолишига имкон бермаётганини ёзардилар. 1880 йилда Авлиёота уезди бошлиғи Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторининг рухсатисиз ўзбошимча равишда крестьянларга ҳаракат қилиш эркинлигини тақиқлаб қўйди ва ҳатто уларга қайта юртларига қайтиб кетишларига рухсат бермади. Бироқ ҳарбий губернатор бундай чораларга жавобан уезд бошлиғига кўчиб келиб,

Ватанларига қайтишни хоҳлаётганларни ушлаб туриш мумкин эмас, деб ҳисоблашини ёзди.

Туркистон ўлкасидаги алоҳида мансабдорларнинг, крестьянларнинг Ўрта Осиёга кўчиб кетишини ман қилишга уринишлари муваффақиятсиз бўлди.

Ушбу кўрсатма ўлка маъмуриятининг русларни жойлаштириш бўйича дастлабки фармойиши эди. У ҳали ҳарбий характерга эга бўлиб, истеъфодаги ва захирадаги қуйи мансабларни жойлаштиришни белгилаб берган эди. Бошқа қонунчилик ҳужжати эса 1883 йилдаги қоидалар бўлиб, улар янги туркистонлик генерал-губернатор Черняев томонидан чиқарилган (чоп этилган) эди. Янги ҳужжат асл руслаштириш характерига эга эди: Ўрта Осиёга фақат келиб, келиб чиқиши руслардан бўлган шахсларни кўчиришга рухсат берилганди.

Ўша даврда ер олиш тартиби тўғрисида К.К.Пален қуйидагиларни ҳикоя қилади: “Участкалар кўчиб келганларга меросий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган, бироқ улар ажратилган вақтдан 10 йил ўтганидан сўнггина агар бу муддат давомида у ўз участкасига йилдан-йилга узлуксиз ишлов берса, ер участкалари кўчиб келганнинг тўлиқ мулки бўлиши мумкин эди. Бундан кейин кўчиб келган киши ўз участкасини келиб чиқиши рус бўлган бошқа шахсга бериши мумкин эди. Кўчиб келган киши вафот қилган тақдирда ер унинг ворисларига худди ўша чекловлар билан ўтарди. Мазкур қоидаларни чиқариб, Черняев кўчиб келганларни ўлкага мустаҳкам ўрнаштириб олишни ҳамда Ўрта Осиёда рус таъсирини мустаҳкамлаш мақсадини кўзлаган эди. Ушбу қоидалар кўпи билан 1 йилгача амал қила олди, холос. Уларнинг узоққа чўзилмаганини шу билан тушунтириш мумкинки, маҳаллий маъмурият деярли умуман янги қишлоқлар устидан ғамхўрлик қилмасди. Энг эҳтиёжманд оилаларга ҳар доим ва ўз вақтида ссуда берилмасди. Бу эса уларга қоиданинг иккинчи талабини бажаришга имкон яратмасди. Айримлар эса нафақат 10 йил давомида, балки ҳатто 2 йил ҳам деҳқончилик билан муваффақиятли шуғуллана олмасди. Янги кўчиб келганларнинг кўпчилиги ўз ерларини ташлаб, янги ерларга кўчиб кетарди.

Ўша 1883 йилдаёқ рус посёлкаларини тузиш учун махсус комиссия тузилиб, унга “крестьянларни Сирдарё вилоятига жойлаштириш қоидалари”ни ишлаб чиқишда кўмаклашиш вазифаси юклатилди. Аммо комиссия хатти-ҳаракатлари кўчирувчилик масаласини тартибга солишга ёрдам бермади ва 1885 йилда у тарқатилди.

Бу даврда (1886 й.) “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида Низом” чиққан эди. Бу моҳият жиҳатидан ўлкада крестьянларни жойлаштириш қоидаларини қонунлаштирган дастлабки қонуний ҳужжат эди. Рус крестьянларига фақат “эркин (бўш) давлат ерларига” кўчиб кетишга рухсат берилган эди. Ижозат биринчи навбатда Туркистон ҳарбий округининг қуйи захирадаги мансабларига бериларди. Уларга, шунингдек, қуйидаги имтиёзлар берилганди: “эркин (бўш) давлат ерларидан ҳар бир ишчига (работник) 10 десятинадан ошмаган майдонни ажратиш; 2) 10 йил давомида давлат ер солиғини тўлашдан озод қилиш ҳамда ҳар бир кишига 100 рублдан ошмаган миқдорда нафақа бериш. Бироқ ушбу қонун Россияда буржуазия ва помешчиклар ўртасида кескин иқтисодий зиддиятлар ҳукмронлик қилаётган даврда эълон қилиндики, бу мустамлакаларда ер масаласини ҳал қилишга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ҳукмрон синфлардан ҳар қайсиси уни чекка жойларда ўз фойдасига ҳал қилишга уринарди. “Низом”нинг ўзи ҳам зиддиятли характерга эга эди. У маҳаллий аҳоли учун ер масаласини ҳал қилиши лозим эди ҳамда кўчиб келган русларга бериладиган ер майдонларини аниқ белгилаб бериши керак эди. Бизга маълум бўлишича, Ўрта Осиё хонликларида уларнинг Россияга қўшиб олинишидан олдин ер мезонларини аниқлаш жиҳатидан ягона фикр ҳануз йўқ. Тарихчиларнинг бир гуруҳи ҳисоблашича, хонликларда ерларнинг учта мезони (категория) маълум бўлган: амлок (давлат), мулк (хусусий ер эгалиги бўлиб, давлат солиғи солинмайдиган ерлар) ва вақф. Бошқаларининг таъкидлашича, ерларнинг тўртта мезони маълум эди. 6 амлок, мулк, хирож (хусусий ер эгалиги бўлиб, ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорида давлат солиғи солинган ерлар) ва ҳоказо.

Ўлканинг Россияга қўшиб олинишидан кейин чоризм иқтисодий қудратни босиш ва феодалларнинг ижтимоий мавқеини пасайтириш

учун ерларнинг барча мезонларини (амлок, хирож, мулк) давлат ерлари, деб эълон қилди ҳамда уларни бевосита ишлов бераётганларга мерос (ворисий) мулк сифатида тақсимлаб берган. Кўчманчиларнинг ерлари ҳам давлат ерлари деб эълон қилинган эди ва кўчманчиларга муддатсиз фойдаланиш учун қолдирилди. Шу тариқа Низом (Қоида) да мустамлакачи фондлар тўғрисида лом-мим дейилмаган эди. Фақат "мавот" (ўлик) ерлар бўш (эркин) қолган эди ва улар мустамлакачи фонд бўлиши мумкин эди. Аммо уларни кўтариш учун катта пул харажатлари талаб қилинарди, чунки суғориш ишларини ўтказиш керак эди.

Сирдарё статистик қўмитаси котиби вазифасини бажарувчи И.И.Гейер ўзининг 1891 йил 20 майда Сирдарё области ҳарбий губернатори номига ёзган мактубида маълумот беришича, "Кўчиб келишга рағбат бўлиб, барча ҳолларда крестьянларни ўраб турган шароитлардан норозилиги, кўп ҳолларда бу шароитлар кўпинча иқтисодий характерда бўлган".

Кўчиб келганларнинг кўпайиб кетиши ўлка маъмуриятини қийин аҳволга солди, чунки у кўплаб одамларни кутиб олишга тайёр эмасди. 1893 йилда Сирдарё ҳарбий губернаторининг ҳисоботида жойлаштирилмаган кўчиб келганлар ўтган йилда илгари тузилган қишлоқларга жойлаштирилган ва шу тариқа 1893 йилда областда янги посёлкалар пайдо бўлмаган, деб таъкидлаган эди. Агар Ўрта Осиёнинг Сирдарё вилояти каби асосий мустамлакачилик вилоятида кўчирувчилик ҳаракатининг энг юқори ривожланган пайтида янги қишлоқлар ташкил топмаган бўлса, демак, маъмурият ўз ваколатида эркин ерларга эга бўлмай, қаршилик кўрсатмаслик йўлидан борганлигини айтиш мумкин. Бу ҳол доимий яшаётган аҳолини янги кўчиб келганлар томонидан сиқиб чиқарилишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, биринчиларнинг хўжалик турмушига салбий таъсир кўрсатди.

Барча кўчиб келганларни бирданига жойлаштиришга имкони етмаган маъмурият уларни тақдир тақозосига ташлаб қўйди. Янги келганлар ўзбошимчалик билан участкаларни эгаллаб олишга мажбур бўлишди. Айрим ҳолларда бундай ўзбошимчалик билан жойлашиб

олиш маҳаллий аҳоли ва рус крестьянлари ўртасидаги келишув асосида амалга оширилган. Айрим ҳолларда эса сўнггилари деҳқонлар ерларини куч ишлатиш йўли орқали эгаллашган. Бу ҳол улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келди ва чоризм мақсадларига тўғри келарди, чунки чоризм руслар ва маҳаллий аҳоли ўртасида миллий зиддиятларни ёндириб, шу йўл орқали уларнинг диққат-эътиборини шароитларни яхшилаштириш учун курашдан чалғитарди ҳамда бундай ҳол чоризмга ҳам биринчиларни, ҳам иккинчиларни чексиз зулм остида тутишга имкон берарди.

Россиянинг Туркистондаги мустамлака сиёсати асосида ўлкани руслаштириш ғояси тургани учун рус нуфузини Туркистонда мунтазам кўчириб келтириш мустабид ҳокимиятнинг доимий эътиборида бўлди. XIX асрнинг охирларида ўлкада 116 та рус посёлкаси қурилиб, уларда 70745 нафар киши истиқомат қилган. XX аср бошига келиб, Туркистондаги аҳолининг сони 197420 нафар кишига етиб, уларнинг аксарияти ҳозирги Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудида жойлашган эди.

Тадқиқотчилар томонидан тузилган яна бир жадвалда Россиядан Еттисув ва Сирдарё областларига 1896-1914 йиллар давомида кўчиб келганлар ва яна ўз юртларига қайтиб кетганлари ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Туркистонга кўчиб келган русийзабон аҳолининг мутлоқ кўпчилиги ўлкада муқим қолиб кетишган. Бунинг асосий сабаби чоризмнинг улар учун бу ерда қулай шарт-шароитлар яратиб берганлиги эди.

1-жадвал[12]

Йиллар	**Келганлар**			**Кетганлар**			
	Еттисув	**Сирдарё**	**ҳаммаси**	**Еттисув**		**Сирдарё**	
				ҳаммаси	**%**	**ҳаммаси**	**%**
1896-1909	17 911	9 824	27 735	2 284	12,8	1 859	18,9
1910	6 575	1 559	8 134	906	13,8	491	31,5
1911	4 842	7 995	5 837	1 535	31,8		42,2
1912	11 298	1 166	12 464	834	7,4		36,5

[12] *Турчанинов Н.,* Домрачее А. Итоги переселенческого движения за время с 1910 по 1914г. Петроград, 1916, стр. 50-51.

1913	14 321	2 454	16 775	1 233	8,7		15,3
1914	10 574	1 345	11 919	763	7,2	127	9,4
1910-1914	47 610	7 519	58 129	5 275	11,1	1 841	24,5
Жами	**65 521**	**17 343**	**82 864**	**7 559**	**11,5**	**3 700**	**21,3**

1893 йилда чор маъмурияти ҳатто кўчиб келган русларга милтиқлар берди. Ички ишлар вазирлиги қошидаги махсус топшириқлар мансабдори А.А.Половцевнинг ёзишича: “Бу милтиқлар одатда уларда энг кўринарли жойларда осиғлиқ турарди. “Улар нимага хизмат қилади?” деган саволга крестьянлар “улар бошлиқлар томонидан “қирғизларни ўз жойига солиш” учун берилган”, деб жавоб қайтаришарди.

1903 йил 10 июндаги қонунда кўчиб келганларга айрим имтиёзларни берадиган моддалар мавжуд эди. Масалан, 8-моддада : “а) дастлабки 5 йил давомида улар вақтинчалик оброк солиғидан ва пуллик маҳаллий ҳокимият идоралари юклатган (земский) мажбуриятлардан озод қилинадилар; ушбу давр ўтиши билан улар вақтинчалик оброк солиғини тўлайдилар, 5 йил давомида бу солиқнинг ярмини ташлайдилар, пуллик маҳаллий мажбуриятларини эса 3 йил давомида ярмини тўлаб келадилар ва б.) ўлкага кўчирилган пайтда 15 ёшга тўлган шахслар 6 йил давомида ҳарбий мажбуриятлардан озод қилинадилар”, деб ёзилган.

Ўлкага кўчиб келганлар хўжаликларида 1916 йилда мавжуд мол ва чорвалар миқдорини кўрсатувчи жадвал ҳам уларнинг туб аҳолига қараганда мулкий устуворлигидан далолат беради.

2-жадвал[13]:

Областлар	**Отлар**	**Йирик қорамоллар**	**Қўй-эчкилар**
Еттисув	128 045	273 120	330 867

[13] Фотченко А. Р. Кўрсатилган асар. 85-бет

Сирдарё	35 743	82 810	93 755
Самарқанд	3 711	8 155	2 630
Фарғона	7 914	11 652	299
Каспийорти	1 692	6 816	19 862
Жами	**177 105**	**382 553**	**447 413**

Рус амалдорларидан бири кўчиб келган рус деҳқонларининг аҳволи туб ерлиликларникидан юқори бўлгани сабабларини эътироф этган ҳолда шундай деб ёзган: «Туркистон ўлкасининг барча рус посёлкаларида кўчиб келганлар қирғизлар ҳисобига ва улар меҳнати билан кун кечиришади».

Давлат рағбати билан ўлкада рус мужиклари салмоғи нечоғлик ортиб боргани ҳақида қуйидаги жадвал гувоҳлик беради (1915 йилдаги якунлар):

4-жадвал[14]

Йиллар	**Жойлаштирилган эркаклар сони**			**Ўсиш миқдори фоиз ҳисобида**
	Еттисув	**Сирдарё**	**Жами**	
1907	332	2 000	**2 332**	100
1908	650	2 400	**3 050**	130
1909	4 755	1 053	**5 808**	249
1910	11 005	107	**11 112**	476
1911	13 732	1 542	**15 274**	655
1913	7 729	5 818	**13 547**	580
1914	8 629	2 931	**11 560**	495
1915	5 977	1 635	**7 612**	326

1912 йилга келиб, Туркистон ўлкасида фойдаланишга яроқли 17,6 миллион таноб ернинг 11,7 миллион таноби давлат ўрмон хўжалиги

[14] Гачузо П.Г. А грарные отношения на юге Казахстана в 1867-1914 гг. Алма-Ата, 1965, стр. 226.

ихтиёрига берилди. Туркистон ўлкасида энг йирик заминдор рус императори Николай II нинг оиласи эди.

1906-1915 йилларда Сирдарё, Фарғона кўчирув ҳудуди бўйича рус мужиклари учун маҳаллий аҳолига қарашли 744,9 минг таноб ер мусодара қилинди. Мустабид ҳокимиятнинг бундай талончилик сиёсати ҳақида Россия парламенти - Давлат Думасида князь Мансуров гапириб, Туркистонда маъмурият ерли аҳоли устидан «крепостной ҳуқуқни амалда қўллаётганини» алоҳида уқтириб олгани бежиз эмас эди. Шу тариқа 1906-1913 йиллар мобайнида Туркистонда 116 та рус посёлкаси қурилди. «Ҳар бир рус посёлкаси, - деб ёзган эди Сирдарё область ҳарбий губернатори Н. Гродеков, - рус қўшинларининг бир батальонига тенг ҳарбий салоҳиятга эгадир»[15]. 1912 йилга келиб, ўзбек тупроғида барпо этилган рус посёлкалари икки кун давомида рус қўшинлари сафига 31 минг қуролли аскар ҳозирлаб беришга тайёр эди. Подшолик аграр сиёсати 1916 йилги миллий озодлик қўзғолонидан сўнг очиқдан-очиқ зўравонлик тусини олди. Генерал-губернатор А.Н.Куропаткиннинг буйруғига кўра, биргина Жиззах туманида ўзбек деҳқонларининг 1810 таноб ери рус мужиклари фойдасига тортиб олинди. Санкт-Петербургнинг ҳукмдор доиралари Туркистонда «сиёсий нуқтаи назардан» раислардан катта ер эгалари – плантаторлар, фермерлар хўжаликларини ташкил этишни, ниҳоят «зарур эҳтиёж» деб ҳисоблаган ҳолда ўлкада хусусий мулк эгалигининг устувор бўлишига доир барча чора-тадбирларни амалга оширдилар. «Иккинчи рус Туркистони»ни яратиш ғояси подшолик аграр сиёсатининг тугал мақсадига айланди. Пахта якка ҳокимлигини Туркистон қишлоқ хўжалигида ўрнатиш, Санкт-Петербург ҳукмрон доиралари фикрича, бу сиёсат асосини ташкил қилиши керак эди. Осакага (кампания) қимматга тушса ҳам Россиядан ғалла келтириш ва ўлка халқининг рус донига мутелик эҳтиёжининг доимий тус олишини таъминлаш, шунингдек, Туркистон деҳқонларини далаларда нуқул ғўза ўстиришга мажбур этиш - бу соҳада таъсирчан воситалигини Петербург алоҳида уқтирди ва шу йўналишда изчил фаолият кўрсатди. Хулоса қилиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, подшо ҳукуматининг аграр сиёсати ва унинг ўткир

[15] *Гачузо П.Г.* Вооружение русских переселенцев в Средней Азии. М., 1926, стр. 5.

тиғи борган кўчирмачилик тадбирлари охир-оқибатда ўлкада русларни кўпайтиришга олиб келди, уларнинг иқтисодий мавқеини кучайтириб, маҳаллий халққа нисбатан калондимоғлигини янада оширди. Бу эса буюк шовинизмининг ижтимоий-иқтисодий заминини яратди.

Янги қонун чоп этилганидан кейин Ички ишлар вазири номига Ўрта Осиёга кўчиб кетиш ҳақида жуда кўплаб илтимосномалар тушди. Илтимосномалар нафақат ички губерняларда яшовчилардан, балки собиқ Сибирдан кўчиб келганларидан ҳам бўлган. Сибирга кўчиб келганларидан кейин улар бу ерда ўз ишларини тартибга сололмай, бутунлай хонавайрон бўлган эдилар.

Инқилобий тўфонлар пайтида Ўрта Осиёга кўчиб келувчилар оқими йил сайин кўпайиб борарди. Айниқса, у Столипин реакцияси юқори нуқтага келган даврда (1900-1910 й.й.) жуда кучли бўлди. Ҳақиқатда эса кўчиб келганлар оқимининг кучайиши крестьян оммаси аҳволини фақат қийинлаштирди, холос. Ўзининг кўчирувчилик сиёсатида марказий ҳукумат ўлка маъмурияти томонидан қаршилик кўрсатилишига учради.

Маҳаллий аҳоли ерларини бегоналаштириш (мусодара қилиш) 1916 йилгача давом этди. Хўжанд уездида у Мирзачўлда суғориш тармоғини ўтказиш билан боғлиқ эди. Масалан, Сирдарё кўчириш районидаги ер ажратиш-тақсимлаш ишлари тўғрисидаги 1915 йилга оид ҳисоботда ёзилишича, Мирзачўлда суғориш ва аҳолини жойлаштириш эҳтиёжлари учун 385 199 десятина тортиб олинган эди. Кейинги йилда Хўжанд ва Жиззах уездларидаги кўчманчи аҳоли ерларини тортиб олиш эвазига янги мустамлакачилик фондини ташкил қилиш режалаштирилган эди. “Қайд қилинаётган тортиб олинган майдоннинг Хўжанд уездида жойлашган бир қисми сўнгги вақтгача Сават волостидаги қирғизлар (128 ўтов эгалари) нинг умумий фойдаланишида бўлган. Улар йилнинг катта қисмида Ўрта Осиё темир йўлидаги Черняево станцияси яқинида истиқомат қилишади. Улар 4 бўғинга бўлинадилар: Парчаюз, Қўқони қарапчи, Найман ва Туркман ҳамда битта Қарапчи-Парчаюз жамоасини, номи зикр этилган волостдаги 3 та маъмурий овулни ташкил этадилар”. Шундай қилиб, Хўжанд уездида маҳаллий аҳолидан 150 671 десятина ер тортиб олинган эди.

1914 йил 21 июнда чиқарилган қонунга мувофиқ Мирзачўлнинг суғорилган ерларига ўрнашиш (заселение) мақсадида “рус аёнларидан барча насроний мазҳаблардаги, табақавий фарқланишсиз, маълум моддий таъминотга эга бўлганлар” жўнатилар эди.

Шу тариқа чоризмнинг кўчирувчилик сиёсатида иккита асосий босқични ажратиш мумкин: XX аср бошигача ва XX аср бошларидан то 1917 йил февралидаги иккинчи рус инқилобигача. Биринчи босқичнинг характерли хусусияти жойларда аҳоли ортиқчасини ушлаб қолишдан иборат эди.

90-йилларда Россия империализм даврига кирган эди. Бир томондан қишлоқ хўжалигига капиталистик муносабатларнинг янада кириб бориши, крестьянлик синфий дифференциациясининг кучайиши, бошқа томондан крестьян ҳаракатининг кучайиши ҳукуматни қийин аҳволга солди. Чор ҳукумати ўша пайтда сиёсий жиҳатдан ишончсиз бўлган крестьянлардан халос бўлишга уринарди. Кўчирувчиликдан буржуазия ҳам манфаатдор эди. Бироқ кўчиришга қарши кенг миқёсда помешчиклар чиққан эди. Иккала ҳукмрон синфнинг манфаатларига мос келувчи компромисс ечимни топишга интилиб, самодержавие кўчирувчилик сиёсатида иккиланиш белгиларини намоён қилади. Дастлабки вақтда Ўрта Осиёга нисбатан чоризм ҳарбий-стратегик характердаги сиёсат тутди. Ўлкани кўчирувчилик учун расмий равишда ёпилишигача (1897-1898) ҳукумат интилишлари асосан босиб олинган жойларда ўз позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам XX аср бошларигача Ўрта Осиё ҳали ортиқча аҳолини кўчириш учун плацдарм сифатида қаралмаган эди. Ўлкада режали мустамлакалаштириш олиб борилмаган. Кўпчилик посёлкаларнинг пайдо бўлиши кўчиб келганларнинг хоҳиши ёки алоҳида маъмурлар фаолиятига боғлиқ эди. Янги посёлкаларни ривожлантириш учун ҳеч қандай маъмурий ёки хўжалик чоралар кўрилмаган эди. Ўлка олий маъмурияти ўзбошимчалик билан пайдо бўлган рус посёлкаларига (айниқса, Мирзачўлдаги) ҳеч қандай эътибор бермаган. Шунинг учун у ерда аҳолининг катта оқими кузатилган. Фактик жиҳатдан крестьянларнинг ҳуқуқсизлиги уларнинг моддий аҳволида ўз аксини

топган. Уларнинг кўпчилиги узоқ вақт давомида бир жойда яшаб, ўз хўжалигини кўтара олмасди.

Ўрта Осиёга кўчиб келганлар оқимининг кучайиши, жойлаштирилмаган крестьянларнинг жуда кўплаб йиғилиб қолиши ўлка маъмуриятини жуда қўрқитиб юборди. Ўлкани кўчиб келганлар учун расмий равишда янгидан ёпиш ҳақидаги масала кўтарилди ҳамда бир қатор шошилинч қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 1906 йилда "Сирдарё партияси" деган ташкилот тузилиб, унинг вазифаси янги посёлкаларни ташкил этишдан эмас, балки фақат тадқиқ этишдан иборат эди. Партия иши унда етарлича штат бўлмаганлиги туфайлигина муваффақиятли амалга оширилмади.

Иккинчи босқичда чоризм кўчирувчилик сиёсатининг ўзига хос хусусияти шу бўлдики, у машҳур Столипин ислоҳотларига асосланган эди (энг ишончсиз крестьянларни чекка жойларга кўчиришга, хўжаликларнинг отрубли* ва хуторли турларини тузишга ва ҳоказоларга). Бироқ Ўрта Осиёда хўжаликларнинг бундай турлари фақат 1910 йилдан бошлаб ташкил этилган, Хўжанд уездидаги Мирзачўлда эса, 1913 йилдан кейин ташкил этилган. Бунда уларнинг ташкил топиши Россиядаги тажриба сингари жамоа хўжаликларини бузиш йўли билан эмас, балки "эркин давлат ерлари" деб номланган ерлар ҳисобига олиб борилди.

Самодержавиенинг кўчирувчилик сиёсати асл реакцион бўлиб, марказдаги инқилобий чиқишларнинг энг инқилобий кайфиятдаги крестьянларини чекка жойларга кўчириш ёрдамида сусайтиришга, помешчик ер эгаликларини сақлаб қолишга қаратилган эди. Чекка жойлардаги аҳолини оммавий тарзда талон-тарож қилишга асосланган, Россиядаги крепостнойлик қолдиқларини сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйган. "Бўлиб ол ва ҳукмронлик қил" сиёсатидан келиб чиқиб, чор ҳокимиятлари рус келгиндилари ва ерли аҳоли ўртасидаги миллий зиддиятларнини ёндиришга ҳаракат қилардилар.

Бунга қарамасдан Ўрта Осиёда, жумладан, Хўжанд уездида ҳам, рус посёлкаларининг пайдо бўлиши прогрессив аҳамиятга эга бўлиб, у учта

* Отруб – қулоқ хўжаликларини кўпайтириш мақсадида Россия чор маъмурлари томонидан жамоага қарашли ерлардан кесиб, ўзига тўқ деҳқонларга хусусий мулк қилиб берилган ер, участка. // Қаранг: Русча-ўзбекча луғат. III-том. Т.:Ўз ФА нашриёти, 1953. Б.555.

жиҳатда ўз ифодасини топган: иқтисодий, сиёсий ва маданий. Умуман, кўчирувчилик ҳаракатининг объектив прогрессив аҳамияти тўғрисида гапирганда, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, у Ўрта Осиёдаги маҳаллий халқларни нафақат рус халқи билан, балки Россиядаги бошқа халқлар билан ҳам яқинлашувига туртки бўлди.

1916 ЙИЛДА ЮЗ БЕРГАН ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНИ



Мардикорликка олиш жараёни

Маълумки, биринчи жаҳон уруши 1914 йилда бошланди. Ер юзидаги 1,5 миллиард аҳолини, 38 давлатни қамраб олган Биринчи жаҳон уруши инсоният бошига катта талафот етказди. Бу давр Россия империяси мустамлакасига айлантирилган Туркистон ўлкасида ҳам уруш таъсирида ижтимоий-иқтисодий вазият ниҳоятда кескинлашиб кетди. Уруш бошланиши билан расмий доираларда бўлиб ўтган узоқ муҳокамаларда «Туркистон аҳолисига қурол бериш хавфли, бу қурол ҳукуматнинг ўзига қарши қаратилиши мумкин», деган хавф-хатар боис маҳаллий аҳолини фронтга жалб этмасликка қарор қабул қилинди.

Аммо империя ҳукумати айнан шу баҳона билан ўлканинг бутун моддий ресурсларини фронт эҳтиёжлари учун аямай жалб этишга киришди. Ўлкадан фронтга ёрдам тариқасида бетўхтов маблағ, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар олиб кетила бошланди. Турли солиқ ва йиғинларнинг ҳажми ҳам кўтарилиб, омманинг аҳволи ниҳоятда оғирлашди.

1913-1915 йилларда Туркистонда аҳолидан олинган барча солиқ, тўлов ва божлардан ўлка хазинасига тушадиган маблағлар 66 фоизга ортди. Боз устига, давлат томонидан жун, пахта, озиқ-овқат, саноат, ёқилғини сотиб олиш нархлари камайтириб борилди. Туркистонга

ғалла етказиб бериш ҳам қисқариб кетди ва 1916 йилда нон (ғалла) тақчиллиги 22 миллион пудга етди. Ҳар томонлама таланган туб аҳоли қулоғигача қарзга ботиб, хонавайрон бўлди. 1916 йилги маълумотга кўра, деҳқонларнинг бўйнидаги қарзи ўз замонаси учун жуда катта маблағ - 156,7 миллион сўмни ташкил этган эди.



Темир йўл қурилиши

Улар Россияга бориб қўшин учун мудофаа иншоотлари, темир йўллар қуриш ҳамда бунданда оғирроқ ишларга жалб қилинишига қарамай, Туркистондаги маҳаллий аҳоли эркаклари фронтга кетган рус оилаларига уй-рўзғор ишлари ва хўжаликларида ҳам бепул ишлаб берар эди. Бу ҳам етмагандек, эркаклари урушга келган рус оилалари учун маҳаллий аҳолидан 100 минг рубль ҳисобида пул ҳам йиғиб олинган эди.



Радим Чад Улуғобод қўрғонида

Биринчи жаҳон уруши йилларида асир олинган 150 минг нафар кишининг Туркистонга кўчириб келтирилиши иқтисодий ҳаётни янада оғирлаштирди. Туркистон ҳудудида Болтиқбўйи, Польша ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган 70 минг нафар кишидан иборат немислар, австрияликлар, венгерлар, поляклар, чехлар, латишлар, словаклар ва бошқа миллатлар жойлаштирилди.

Жумладан, бизнинг Сирдарё областида ҳам биринчи жаҳон урушида асирликка тушганлар келиб, яшаганлиги маълум бўлди. Шулардан бири - тарихчи олим чехиялик Радим Чаднинг бобоси Radim, okres Kolín.

2021 йил апрель ойида Чехиядан тарихчи олим - тарих фанлари номзоди Радим Чад ГулДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари

хотираси” музейига ташриф буюрди. Ташрифдан мақсад биринчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган бобосининг қабрини излаб топиш эди. Радим Чад бобосининг васияти бўйича Мирзачўлга ташриф буюрганлигини айтди.

“ - Менинг бобом биринчи жаҳон уруши даврида асирликка тушган. Асирлар Тошкентдан тарқатилганида бобом Мирзачўлнинг Оқолтин деб номланган ҳудудига тушганлиги ҳақида менинг дадам(ўғли)га хат ёзган ва расмларини юборганлар.



Залате Ордедаги лагерь. Баракнинг иккинчи ва учинчи қаторлари орасидаги кўча.

1914-1916 йиллар давомида вабо касали билан ҳар куни 10-15 нафар асир аскарлар ўлаётганлиги, уларнинг қабрларига рақамлар ёзилиб, рўйхатга олинган, Мирзачўл харитаси чизилиб, уйдагиларга юборилган. Улар “агар мендан хабар бўлмаса, вафот этсам, қабрим шу жойларда бўлади” деганлар. Асирликка тушганлар яшаётган барак уйларнинг расмини ҳам юборганлар,” дея бизга сўзлаб берди ва расмларни кўрсатди. Радим Чаднинг армони бобосининг қабри ўзга юртда қолиб кетганлиги бўлиб, юрагида ачиниш билан эслади ва “Бобомнинг қабрини топмасам-да, у юрган йўлларни босиб ўтдим”, деб юрагига таскин берди. Радим Чад Сирдарё областининг христиан динига мансуб бўлган эски мозор қўрғонларни зиёрат қилиб кетди.

Радим Чаднинг зиёрати туфайли 1916 йилда юз берган халқ қўзғолонларининг тарихий таҳлили шуни кўрсатдики, 1914-1918 йилда юз берган жаҳон уруши, Туркистон ўлкасида юз берган 1916 йилги халқ қўзғолнига бир туртки бўлган эди, деб хулоса қилсак бўлади.

Бундан 104 йил муқаддам 1916 йилнинг июль ойида ўша пайти Россия империясига тегишли бўлган Туркистон ўлкаси тарихидаги энг йирик қўзғолон рўй берди. «Мардикорлар қўзғолони» номини олган бу воқеа Марказий Осиё давлатлари янги тарихидаги муҳим ва шу билан

бирга яхши ўрганилмаган, эътиборсиз қолиб кетаётган воқеалардан бири ҳисобланади.


Шундай шароитда 1916 йилнинг 25 июнида Россия императори Николай II қабул қилган янги фармон эълон қилинди. Бу фармонга кўра, ўша пайтда Биринчи жаҳон урушида кетма-кет мағлубиятга учраб турган Россия империясининг фронт орти ҳудудларига Туркистондаги 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган маҳаллий эркак аҳли мудофаа иншоотлари, истеҳкомлар қуриш учун сафарбар этилиши буюрилган эди.

Фармоннинг амалга оширилиши, энг аввало, халқни ўз боқувчилари - рўзғорбошисидан маҳрум этиб, унинг шусиз ҳам оғир аҳволини янада мушкуллаштириши шубҳасиз эди.

Фармон ижросига зўравонлик билан киришилган биринчи кунларданоқ халқ унга қарши кескин бош кўтарди. 4 июлда Хўжандда бошланиб, бир неча кун ичида бутун ўлкани қамраб олган норозилик ғалаёнлари қисқа муддатда мустамлака ҳукуматга қарши оммавий халқ қўзғолонларига айланди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон шаҳарларида қўзғолонлар шу қадар оммавий, умумхалқ равишда тус олдики, айрим жойларда, масалан, Марғилонда уларнинг иштирокчилари 25 минг кишигача бориб етди. Икки ҳафта ичида 150 та аҳоли пунктларида халқ ғалаёнлари кўтарилиб, полиция ва маъмурият билан кескин ва қонли тўқнашувлар бўлди.

Қўзғолонлар мустамлака ҳукуматни саросимага солиб қўйди. Туркистонда 18 июль куни ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Туркистондан ажралиб қолишдан хавфсираб, мустамлака ҳукумат бор куч ва имкониятларини ишга солди. Россиядан ва чегара ҳудудларидан кетма-кет ҳарбий кучлар етиб кела бошлади. Халқ ғалаёнлари соат сайин кескинлаша бошлагач, вазиятдан чиқиш учун 30 июль куни сафарбарликни 15 сентябрга қадар кечиктириш ҳақида император фармони эълон қилинди. 23 августда эса сафарбар қилинувчилар сони 250 минг кишидан 200 минг кишига камайтирилди. Халқни маҳаллий амалдорлар ва нуфузли кишилар қўллаб-қувватлашига йўл бермаслик учун элликбоши, оқсоқол, қозилар, диний уламолар (имом, муллалар), мударрислар ва талабалар сафарбарликдан озод қилинди.

Айни пайтда мустамлакачилар қўзғолонни ваҳшиёна бостириб, шафқатсиз ўч ола бошладилар. Айниқса, Жиззах шаҳрида амалга оширилган ваҳшийликлар, оммавий қирғин катта талафотларга олиб келди. Шу билан бирга Туркистон зиёлилари ўлкада содир этилаётган зўравонлик ва хунрезликлар ҳақида арз қилиб, Петербургга Давлат Думасига вакил жўнатади ва бу ҳолатга чек қўйишни талаб қилади. Мардикорликка маҳаллий аҳолининг зўрлик билан сафарбар қилиш ҳақидаги фармоннинг адолатсизлигини таъкидлаб, бундай ҳолатга чек қўйишни, аҳволни ўрганиш учун комиссия юборишни сўрашади.



Қўзғолон уюштирганлар ҳамда қатнашчиларнинг жазоланиши

Россия Давлат Думаси томонидан Туркистондаги аҳвол билан бевосита танишиш учун депутатлардан иборат махсус комиссия жўнатилади. Депутатлар 10 кун давомида Жиззах, Қўқон, Андижон, Самарқанд каби шаҳарларда бўлиб, Мустафо Чўқаев таржимонлигида маҳаллий аҳоли билан юзма-юз, маъмурлар ва миршаблар иштирокисиз суҳбатлашди. Халқ содир бўлган воқеаларнинг сабаблари, тафсилот ва оқибатлари ҳақида рўйи-рост кўрсатма берди.

Фармон ижроси мақсадида мардикорлар рўйхатини тузиш жараёнида мустамлака маъмурларининг порахўрлиги, уларнинг чўнтакларига пул солган бойларнинг ёш ўғиллари «кекса» деган баҳона билан фронтдан озод қилиниб, 70 ёшга чиққан камбағал мўйсафидлар 40 ёш йигит сифатида сафарбарликка олингангани, бойнинг беш нафар ўғли уйда қолдирилиб, камбағалнинг ёлғиз ёки касалманд ўғли, ўғли бўлмаса, оила соҳиби рўйхатга тиркалгани, халқ ғалаёнлари ўта ваҳшиёна бостирилгани ҳақидаги маълумотлар депутатларни жунбушга келтирди. Бу маълумотлар Россия Давлат Думасида 1916 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган ёпиқ мажлисда эълон қилинганда эса тўпланган депутатлар бу адолатсизликка қарши ўз туйғуларини жиловлай олмай, кескин норозилик билдирганликлари мажлис баённомасида очиқ эътироф этилди ва архивларда сақланиб қолди.

Мажлис якунида Давлат Думаси депутатлари императорга бу ғайриқонуний фармон ва Туркистондаги маъмуриятнинг қилмишларига жавоб беришни сўраб, сўровнома жўнатди. Ғалаёнлар ваҳшийлик билан бостирилгач, ҳукумат 15 сентябрдан фармон ижросига киришди ва ўлкадан 123 300 нафар киши мардикорликка сафарбар этилди.

Бундай шароитда Туркистон маърифатпарварлари узоқ совуқ юртларга номаълум муддатга зўрлаб олиб кетилаётган халқнинг азобларини енгиллатишга уриниб, махсус қўмиталар туздилар. Бу қўмиталар фаолияти натижасида сафарбар этилаётганларга ҳалол овқат тайёрлаш учун ошпаз, ибодат учун имом, мактублар ёзиш учун мирзалар бириктирилди, иссиқ кийимлар тўпланди.

Сафарбар этилганларнинг жуда кўпчилиги меҳнатга яроқсиз бўлсада, улар мажбуран жўнатилган эди. Улардан энг оғир ишларда, арзимаган ҳақ эвазига фойдаландилар. Россиянинг қаҳратон қиш иқлимида кийим-кечаги юпун, қорни оч, соғлиғи ёмонлашган, оддий ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум мардикорлар оғир жисмоний меҳнатдан, тиббий ёрдам, зарур шароит йўқлиги туфайли ёппасига касалланиб, очликдан, совуқдан азоб чекдилар.

Уларнинг шикоят ва арз-додларга тўла мактубларида қайд этишича, «ишга олинганларга қаттиқ турма режими ўрнатилган. Қариндошлар билан учраштирилмаган, арзимас гуноҳ учун калтакланган, улар доимий суръатда соқчилар назоратида бўлган. Ишчилар ҳаёт шароитлари чидаб бўлмас даражада оғир бўлиб, улар захда, сувда туриб ишлаган. Ётоқлар захлиги боис ишчилар сурункали оғриб, бод (ревматизм) каби касалликлар билан оғир хасталанган. Уларга тиббий ёрдам кўрсатилмаган, чарчаш ёки бетобликдан ҳасрат қилганлар эса калтакланиб, ҳақоратланар, энг оғир жазо берилар эди».

Буларнинг бари мустамлакачилик зулми, Биринчи жаҳон уруши ва мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги император Николай II нинг фармони ижросининг Туркистон аҳолиси бошига солган кулфатларнинг аянчли натижаси эди.

Бу уруш Россия ва унинг мустамлака ўлкалари ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу йилларда халқни эзиш янада кучайди. Очарчилик бошланди. Жиззах уездининг Ғаллаорол, Зомин, Фориш,

Бахмал туманларида озиқ-овқат етиштириш камайди. Бозорларда нарх-наво кўтарилиб кетди. Саноат молларининг нархи беш баробардан ўн баробарга ошди. “Ферганская жизнь” газетасининг 1916 йил 1 март сонида босилган мақолада “чайқовчиларнинг тамагирлиги шу қадар ошиб кетдики, агар бунга қарши курашилмаса, нарх-наво янада кўтарилиши ва бундан ҳам кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин”, деб ёзилган эди. Халқ оммасининг бу ҳолга нисбатан ғазаби ошди.

Ўша пайтда чор ҳукумати бир пуд пахта толасига 2 рубль 50 тийин миқдорида қўшимча солиқ белгилади. Бу ҳол деҳқонлар бошига кўп кулфатлар солди. Расмий солиқдан ташқари, уруш эҳтиёжи учун аҳолидан ҳар хил йиғимлар тўплана бошланди. Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткиннинг маърузасида кўрсатилишича, Туркистон ўлкасидан уруш эҳтиёжи учун 1914-1916 йилларда 70 минг от, 13 441 та ўтов, 30 минг метр намат, 300 минг тонна гўшт, 3 миллион пуд пахта ёғи, 12 минг бош туя ва бошқалар мусодара килинган. Натижада Жиззах уезди қишлоқларида солиқ тўлашдан бош тортиш авжига чиқди. Камбағаллар оқ калтак, қора калтак бўлиб, волость ҳокимларига, бойларга қарши бош кўтармокда эди. Жиззах пахта тозалаш заводида майда темирчилик ва ҳунармандчилик устахоналари ишчилари иш ҳақини оширишни талаб қилдилар. Азоб-уқубат, кулфатлар устига Туркистон халқларини мажбурий ҳарбий хизматга сафарбар қилиш бошланди. Бу тадбир халқнинг сабр косасини батамом тўлдириб юборди.

Подшонинг фармонига кўра, Жиззах областидан 10531 нафар киши сафарбар қилиниши лозим эди. Мардикорликка олиш айни йиғим-терим даврига тўғри келди. Фронт орқасидаги ишларга Жиззах шаҳридан 655 нафар киши, Зомин волости бўйича 731 нафар киши, Сангзор волостидан 2891 нафар киши, Сентоб волости бўйича 608 нафар киши, Боғдод волости бўйича 23114 нафар киши юборилиши керак эди.

Жиззах уезди ҳокими, полковник Рукин 4 июль куни шаҳар аҳолисини эски шаҳардаги катта масжидга йиғди. Унга шаҳарнинг барча оқсоқоллари, мингбоши, элликбоши ва бойлари келишди. Рукин

уларга подшо фармони қандай бажарилаётгани ҳақида гапириб, “Ғалаён кўтарилиш эҳтимоли бор, агар ҳукуматга қаршилик кўрсатилса, мол-мулк ҳамда ўзларингизни ер билан яксон қиламан!" деб дўқ урди.

Унинг бу дағдағасидан хабардор бўлган кўзга кўринган оқсоқоллар Муҳаммадраҳим Абдураҳимов ва Зиёқори Абдуллаевлар Назирхўжанинг уйида суҳбат қуриб, оқ подшонинг мардикор олиш фармонига қарши курашда Боғдон, Зомин, Янгиқўрғон ҳамда Сангзор волостида истиқомат қилаётган камбағалларни бирлаштириб, чор ҳукумати ва маҳаллий маъмурлар зулмига қарши қўзғолон кўтаришга аҳд қилдилар. Ўша куни тундаёқ шаҳарнинг барча маҳаллаларига мардикорликка олишга қарши курашга чорлаш учун вакиллар юборилди. Бу қасоскорлар ичида ўша замоннинг оловқалб ёшлари, Орифжон Олимжонов, Муҳаммаджон Файзуллин, Ҳайдарбек Абдужабборов, Мамажон Комилов, Шоди Бобоев, Мамашариф Ҳусаинов, Шоди Аширматов, Мавлон Кенжаев, Қодир Ҳакимов, Эшонқул Ҳошимов, Қорабой Қобилов ва бошқалар бор эди.

1916 йил 13 июль куни Жиззах шаҳрининг қовун бозорида оломон уезд оқсоқоли Мирзаёр Худоёрхоновни уриб, ўлдиради. Эски шаҳардаги кўзғолон шу тариқа бошланганди. Мирзаёр ўлдирилгандан кейин кўзғолончилар Янги шаҳарга йўл оладилар. Улар шаҳар ҳокими Рукинни, штабс-капитан Зотоголовни, аскар Гриценко, миршаб Жумабоев, тилмоч Мирзаҳамдам Зокиржоновларни ҳам ўлдирадилар. Орадан кўп вақт ўтмай бутун Жиззах атрофидаги қишлоқлар аҳолиси қўзғалди. Жазо отрядининг бошлиғи Афанасьев командасига қарши курашда 11 киши ҳалок бўлди. Чекка қишлоқлардан келган қўзғолончилар билан чор аскарлари саккиз кун мобайнида жанг олиб боришади. Аланга олиб кетган Жиззах қўзғолонини бостириш учун Тошкент шаҳридан полковник Лев Владислав бошлиқ бир рота сапёрлар взводи, 4 тўпли батареядан иборат аскарлар жўнатилади. 13-14 июль кунлари Самарқанд шаҳридан бир ротадан иборат махсус жазо отряди, 90 кишилик махсус офицерлар ротаси, Оренбург шаҳридан қонхўрликда машҳур бўлган казаклардан иборат юз кишилик жазо отряди кам етиб келади. Жиззахда кўтарилган қўзғолонни бостиришга бу ҳам камлик қилгач, 16 июль куни поездда шошилинч равишда

полковник Иванов командирлигида 12 та рота, 6 та тўп, 3 та казак отряди, махсус сапёрлар ротасидан иборат жазо отряди юборилади.

17 июлда жазо отрядининг командири полковник Иванов бутун Жиззах уезди қўзғолончиларига қарши аёвсиз уруш эълон қилди. 18 июль куни Эски шаҳар бутунлай қўлга олинди. Босқинчилар қўзғолонни шафқатсизларча бостиришди. Шаҳарга ўт қўйилди. Жазо отряди қишлоқлардаги одамларни ҳам қирғин қилишди. Жиззах шаҳрида, Равот, Қоратош, Сангзор, Саврук, Боғдон, Фориш, Янгиариқ, Сентоб, Ём, Ўсмат, Қоратол, Чашмаиоб, Отақўрғон, Қизилқум, Чордара, Кўктепа, Каттақўрғон қишлоқларида юзлаб кишиларни дорга осдилар.

Шунга қарамай қўзғолон давом этаверди. Жиззахликларга Зомин, Янгиқўрғон, Сангзор, Боғдон волостларидан куролли ёрдамчи кучлар келиб, қўшилди. 21 июлда Қили ёнида Боғдондан етиб келган қўзғолончилар билан жиззахликлар бирлашиб, босқинчиларга қарши жанг қилдилар. Аммо душман исёнчиларни бир-биридан ажратиб ташлашга муваффақ бўлди. Қили ёнидаги жанг босқинчиларга қарши сўнгги жанг бўлди. Ўзбек халқининг эрки ва мустақиллиги учун курашга бош-қош бўлган Назирхўжа ва Абдураҳмон бошлиқ қасоскорлар рус қўшинлари зарбасига дош беролмай, охири таслим бўлдилар.



Ушбу қўзғолонларда ёшгина бир қизнинг аянчли тақдири ўша даврнинг мудҳиш воқеаларидан бўлди. 1916 йилда сирдарёлик 16 ёшли Саврнисо Ашурматова мардикорликка қарши қўзғолонда “Отамни мардикорликка бермайман!” деб рус зобитларига қарши бош кўтарган. Афсуски, рус зобитлари қизни ҳам қамашади ва отувга ҳукм қилишади.

Ўлкамиздан мардикорликка олиб кетилган юртдошларимиз Москва, Петербург, Рязань, Тула, Орёл, Смоленск, Пенза, Брянск, Двинск, Нижний Новгород, Қозон, Самара, Пермь, Екатеринбург, Оренбург, Киев, Харьков, Екатеринослав, Одесса, Запорожье, Керчь,

Тбилиси, Ботуми ва бошқа жойларга ўрнашганлар. Уларнинг ҳаёти оғзаки ижодда ҳам сақланиб қолган:

Поездингни жилдирган
Ўтхонаси билан дўнгалаги.
Двинскага кетишди
Мард йигитнинг бир бўлаги.
Двинскага кетмас эди
Мард йигитни бир бўлаги.
Двинскага кеткизворган,
Николай золимнинг замбараги.
Двинскага йўл бўлсин,
Қарағайзоринг кул бўлсин.
Йигитларнинг қийнаган
Николайинг йўқ бўлсин.
Сўк ошингни ичмайман,
Этигимни ечмайман,
Қорда қарағай кесганман,
Ҳеч ҳақимдан кечмайман.

Куч ва ҳолдан тойган мардикорлар 1917 йилда чор ҳукумати ағдарилганидан кейин Ватанига қайтишган.

Юртимизда озодликнинг ҳур шамоллари эсаётган ушбу дамларда бундан 104 йил олдин эркин яшашни орзу қилган ва шу йўлда жонини қурбон этган жасур ўзбек ўғлонлари ҳақида ўйлаймиз. Уларнинг қаҳрамонликка тўла умр йўлларига назар ташлаб, мулоҳаза юритамиз. Эрк йўлида шаҳид кетган юртдошларимизнинг хотираси олдида қарздорлигимиз ҳисси янада ортади.[16]

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг охири XX аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари тараққиётида таназзул бўлиб, халқлар ўз эрки ва озодлигидан маҳрум этилди. Халқ иккиёқлама зулм остида (маҳаллий амалдорлар ва чоризм) эзилди. Шундай шароитда истиқлол ғояси ўртага ташланган миллий озодлик ҳаракатлари бошланиб кетди. Бу курашлар йиллар давомида узлуксиз давом этди.

[16] Ҳ.Ҳайдаров. Истиқлолнома - Мустақиллик бу ҳуқуқ. “Ўзбекистон”, Тошкент. 1997 йил. 46-48-бетлар.

20-30-ЙИЛЛАРДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ, ҚУЛОҚЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Тан олиш жоизки, Ўзбекистонда тикланиш йиллари бениҳоя оғир кечди. Мазлум халқнинг озодлиги, эркин турмушни барқарорлаштириш йўлида бор кучни сафарбар этишга тўғри келди. 20-40-йилларда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев, Турор Рисқулов сингари юзлаб асл инқилобчилар дадил ҳаракат қилишди. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Боту, Усмон Носир сингари бир-биридан истеъдодли адиблар - маърифат тарғиботчилари, зиё тарқатувчилар ўз ижодлари билан миллий маданият тараққиётига беқиёс ҳисса қўшишди.

Инқилобий кураш тўсиқларсиз кечмади, албатта. Айниқса, тақдиримизга оқ доғ бўлиб тушган 30-50-йиллардаги қатағон қанчадан-қанча ҳалол инсонларнинг умрига зомин бўлди.

Шахсга сиғиниш даврида Ўзбекистон коммунистик партияси Марказий қўмитасининг биринчи котиби Акмал Икромов, Жумҳурият Халқ Вазирлар Кенгашининг раиси Файзулла Хўжаев, Ўзбекистон комсомоли Марказий қўмитасининг биринчи котиби Исроил Ортиқов, Жумҳурият Марказий ижроия қўмитаси раисининг муовини Д. Манжора, Ўзбекистон ССР Ер ишлари Халқ комиссари Р. Исломов, 19-дивизия қўмондони Миркомил Миршаропов, оташқалб инсон Низомиддин Хўжаев ва яна қанчадан-қанча баркамол зотлар айни фаолияти гуллаган пайтда нобуд бўлишди. Ўша кезларда республикамиздан ноҳақ қамалганлар минг-минглаб нафардир. Бугун тан олинишича, ўша кезларда уларга ўйлаб топилган ва ҳеч ким охирига етолмайдиган айблар қўйилган, ноҳақ туҳматлар уюштирилган. Зиёлиларнинг етук намоёндалари миллатчиликда айбланган. Ёлғон гувоҳлар ҳам топилган. Қамалганларнинг оилаларига ҳам тазйиқлар ўтказилган. Фитрат ва Усмон Носир асарларига шубҳа билан қаралган. Уларнинг нинадек камчилигидан йирик сиёсий хатолар ишланган. Шу боис улар ўз халқига душман қилиб кўрсатилди. Оммани маърифатга чорловчи китоблар аёвсиз йўқ қилинди. Ўзбек романчилигига асос солган Абдулла Қодирийнинг ижодига катта айб қўйилди. Асарлардаги муҳаббат ва меҳр-оқибатни тараннум этувчи сатрларнинг маъноси

тескари шарҳланди. Зеро, ўша кезларда хеч ким бу бедодликнинг олдини олиш қудратига эга эмас эди. Ҳамма Сталин шахсига сиғиниш даврида юз бераётган қамоққа олишлардан безиллаб қолганди. Аммо ёруғ кунлар келишига ишонч бор эди. Ҳар қандай кулфат беиз кетиши мумкин эмас. Инсонни жисмонан мағлуб этса бўлади-ю, аммо унинг ишини йўққа чиқариш мушкулдир.

50-йилларнинг иккинчи ярмида ноҳақ айбланганларни оқлаш, уларнинг номини тиклаш борасида катта иш олиб борилди. Айниқса, бу хайрли юмушга КПСС XX съезди кенг йўл очиб берди. Шундан сўнг бутун мамлакатда бўлганидек, республикамизда ҳам ўша даврда қамоққа олинган ва дом-даракси кетганлар ишини қайта кўриб чиқишга киришилди. Шундан сўнг Марказий қўмитада шахсга сиғиниш даврида ноҳақ қамалганлар ишини кўриб чиқувчи махсус комиссия тузилди. Москвада шу мақсадда ташкил этилган Бутуниттифоқ комиссиясига 7 нафар киши аъзо эди. Комиссия иш кўриш жараёнида жуда мураккаб тўсиқларни енгишга тўғри келди. Қанчадан-қанча сохта ва бўҳтондан иборат бўлган жиноий ишлар қайта кўриб чиқилди. Комиссияда айбсиз деб топилган шахсларнинг иши бир неча бор кўриб чиқилди. Рости, ҳамма ҳам ўша кезда бу юмушнинг силлиқ кетиши тарафдори бўлган, деб айтиш қийин. Акмал Икромовни оқлаш масаласини уч бор бюро мажлисида кўриб чиқишга тўғри келди. Икки гал бу вазифа ижобий ҳал этилмади. Ниҳоят, учинчи бор мажлис иштирокчилари ўзбек халқининг оташин фарзанди А. Икромовнинг ноҳақ қамалганини тан олишди. Худди шундай аянчли тақдир эл севган адиб Абдулла Қодирийнинг бошига ҳам тушганди. Унинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари, “Обид кетмон” қиссаси ҳамда ичакузди ҳажвиялари, “Муштум” журналидаги фельетонлари ўша кезда кўпчиликка хуш ёқмаган. Бундай қарама-қаршилик ёзувчини расмий оқлаш пайтида ҳам ўзини намоён этади. Кейинги гал Абдулла Қодирий бутунлай айбсиз деб топилди.

Сўнгги йилларда шахсга сиғиниш даврининг мудҳиш оқибатларини очиб ташлаш борасидаги иш, бироз бўлса-да, сусайди. Мамлакатда

турғунлик ҳукм суриб, инсон қадриятлари унутилди. Мозийни қандай бўлса, шундай қолдириш тарафдорлари кўпайиб кетди.[17]

Туркистон истибдодга солинган дастлабки кезлардан бошлаб мустақилликка эришганимизга қадар ўзбек халқининг миллатпарвар зиёлиларини, атоқли давлат арбобларини, етук миллий кадрларини қатағон қилиш мустамлакачилик тартибларини мустаҳкам сақлаб туришнинг энг маккорона, тарих синовидан ўтган йўлларидан бири сифатида фойдаланилди. Қатағон қилиш миллий кадрларни қайратишга, халқларнинг миллий онги, миллий ўзлигини англаб етиши ва миллий ғурури ўсишига йўл бермасликка қаратилган давлат сиёсати эди.[18]

Совет ҳокимияти қатағончиликнинг энг даҳшатли йўлларини ихтиро қилди ва ишга солди. Чоризм даврида кўпинча айрим шахслар "хавфли шахслар" тазйиқ остига олинган сургун қилинган бўлса, шўро замонида бутун-бутун халқлар ўз юртидан бадарға қилинди. Бунга тарихдан истаганча мисол келтириш мумкин.

Биз ўрганаётган 20-30-йилларда республикамиз ҳаёти Марказнинг қаттиқ назорати остида ўтар эди. Партиянинг йўл-йўриқларидан бир оз бўлса-да четга чиқиш сиёсий, аксил инқилобий ҳаракат деб баҳоланар эди.

Коммунистик партия ўрнатган ана шу мустабид тузумни, у амалга оширган "социалистик тажриба"ни маҳаллий халқ, аввало унинг илғор вакиллари норозилик билан кутиб олдилар, улар халқнинг миллий маданиятини, анъаналари ва урф-одатларини, кўп асрлик маънавий меросини сақлаб қолишга интилганлар, Марказнинг зўравонлигига қарши очиқ танқидий фикрлар билдиришганлар. Бироқ мустабид тузум бошқача фикрлашга мутлақо тоқат қилолмасди ва ана шундай фикрлаганларга қарши қаттиқ кураш олиб боришар эди. 20-йилларнинг иккинчи ярми – 30-йиллар бошларида мавжуд тузумга қарши турганларга қарши кенг қатағонлар ўтказиш даври бўлди. Республиканинг ватанпарварлик кайфиятидаги раҳбар ходимларни бирлаштирган "Ғайрипартиявий" гуруҳлар ("18 лар гуруҳи",

[17] Ислом Усмонов. "Қатағон қурбонлари" Тошкент, Ўзбекистон 1992 й. 5–8-бетлар.
[18] Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент, "Ўзбекистон" 1996 й. 56-бет.

“Иноғомовчилик”, “Қосимовчилик”) бирин-кетин фош этилди ва бадном қилинган. 20-йиллар охири 30-йиллар бошларида мустабид тузумнинг жазоловчи қиличи мустабид тузум кирдикорларига қарши фикр билдирган миллий ижодкор зиёлиларнинг кўпгина вакилларига зарба берган. Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Асадуллахўжаев, Ашурали Зохирий, Элбек, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Отажон Ҳошимов, Усмон Носир ва бошқалар қатағонга учраган. Фақат 1929 йил январдан 1933 йилгача мустабид тузум республика миллий зиёлиларининг 21 нафар вакилини – ёзувчилар, журналистлар, ўқитувчилар ва бошқа миллатимиз фидойиларини қатағон қилди. Уларнинг кўплари отувга ҳукм қилинган[19].

1930 йилда Давлат Банки маъмуриятида ўтказилган тозалаш вақтида қатор раҳбар ходимлар қамоққа олиндилар. Ўзбекистон ССР Суди раиси Саъдулла Қосимовнинг «қосимовчилик» деб номланган ишини кўриб чиқиш бошланди. Бу жараёнларнинг моҳияти кўзга кўринган сиёсий арбобларни тугатишга қаратилган эди.

30-йилларнинг боши диндор ва эътиқодли кишиларга нисбатан зўравонлик сиёсий қатағонликнинг чўққиси бўлди. Жуда катта миқдордаги ислом, христиан, будда динига тааллуқли асарлар йўқ қилинди. Бу даврда Ўзбекистондаги диндорлар, уламоларнинг асосий қисми қамоқ лагерларига жўнатилди. Ўтмишда нафақат диний русумлар адо этадиган, балки маданият, фан, тарбия, санъат марказлари, халқнинг кўп асрлик меросини сақловчиси бўлган масжид ва мадрасаларнинг деярли барчаси ёпиб қўйилди, айримлари бузиб ташланди.

Бутун республиканинг ҳаёти Марказнинг қаттиқ назорати остига ўтди. Партия директиваларидан ҳар қандай чекиниш аксилинқилобий, сиёсий мухолифат деб баҳоланди.

Марказ ва жойларда партия бюрократлари аппарати тобора кучайиб борди. Унинг бутун механизми ҳукмрон партиянинг «зўраки янги жамият» қуришига доир йўл-йўриқларини амалга оширишга қаратилган эди. Бутун мамлакатда ижтимоий-сиёсий ҳаёти партия тазйиқи билан амалга оширила бошланди. Жумладан, 30-йилларда Республикамизнинг

[19] Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: “Шарқ”, 2000. 320 б.

ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳам совет тарғиботининг мустаҳкамланиши ва шахсга сиғинишнинг кучайиб бориши шароитларида ўтди. Ҳукмрон партиянинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон компартияси ҳам Республика ҳаётининг бутун ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий ва маданий соҳаларига раҳбарлик қилди. Барча жабҳалар унинг назорати остига ўтди. 1929 йилда ўтказилган партиядаги тозалаш натижасида ҳукмрон партия аъзоларининг 15,6 фоизи унинг сафларидан чиқарилди[20]. Уларнинг кўпчилиги айбсиз бўлсалар ҳам жазоландилар. Оммага партия таъсирини кўчайтириш мақсадида корхоналарда партия комитетлари ва цех ячейкалари, бригадаларда партия гуруҳлари, колхозларда бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Қишлоқ советлари, колхоз, совхозлар қурилишида, қишлоқнинг сиёсий ва хўжалик ҳаётида партия бўлими амалга ошириб борадиган ижрочи органларга айланиб борди. 30-йилларда жамият ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча соҳалари устидан ҳукмрон партия назорати янада кучайди. Инсонларнинг бутун ҳаёти, уларнинг ўй-фикрлари аста-секин ҳамма нарсани унутишга мажбур қиладиган янги жамият қуриш ғоясини амалга оширишга каратилди, ҳаддан ташқари тиғиз ва уддалаб бўлмайдиган беш йилликлар топшириқларини бажаришга бўйсундирилди.

Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) узил-кесил барҳам топди. Қишлоқ хўжалигини зудлик билан коллективлаштиришга қатъиян киришилди. Шаҳар билан қишлоқ қисқа муддат ичида қаттиқ марказлаштириш ва маъмуриятлаштириш ихтиёрига тушиб қолди. Саноат ва савдода давлат сектори тобора қаттиқ монополист, яъни якка ҳоким бўлиб борди. Ўзбекистонда ҳам саноатда умумийлаштириш жараёни бошланди. Майда саноатдаги хусусий секторнинг улуши тўхтовсиз қисқараверди ва 20-йилларнинг охирларига келиб, деярли барҳам топиб кетди. Индустриаллаштириш ва ҳунармандларни кооперациялаш натижасида республика саноатида хусусий сектор деярли бутунлай тугатилди.

1930 йил февралидан бошлаб Ўзбекистонда қулоқ хўжаликларни тугатиш компанияси бошланди. Бу компания, худди бошқа республикалардагидек, қонунлар ва инсон ҳуқуқларини қўпол равишда

[20] https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/444-qatogonlik-dawrlari.html.05.12.2021.

бузиш ҳоллари билан биргаликда давом этиб борди. Биргина Мирзачўл райони (Тошкент округи) да 75 та хўжалик қулоқ қишлоқ сифатида тугатилди. Кўпгина районларда қулоқ хўжаликларигина эмас, балки ўртаҳол ва ҳатто камбағал хўжаликлар ҳам мусодара қилинди. Натижада Ўзбекистонда биргина 1930 йили 2648 та қулоқ ва “бойлар хўжаликлари” деб аталган хўжаликлар тугатилди. 1930-1933 йилларда тугатилган хўжаликлар сони 5,5 мингтага етди, уларнинг кўпчилиги иттифоқнинг бошқа районларига, асосан Украина ва Сибирга кўчирилиб юборилди. Кўчирилганларнинг кўпчилиги нобуд бўлиб кетди.

Ўзбекистонда даҳшатли тус олган умумий қирғин натижасида халқимизга ҳалол ва покиза хизмат қилган қанчадан-қанча давлат арбоблари, олимлар, маданият ходимлари адолатсизлик, қонунбузарликнинг қурбони бўлдилар. Ўзбек халқининг севикли ва ардоқли фарзандлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовнинг тақдирлари ҳаммамизга маълум.

Республикамизнинг икки атоқли арбоби қамалганларидан кейин уларга яқин бўлган, бирга ишлаган одамларни таъқиб этиш, қамаш ва ишдан ҳайдаш тезлашиб кетди. Қатағонлик даҳшатли довулдек кўзга кўринган зиёлиларимизнинг энг сараларини бирма-бир супуриб кетди. Бу кулфат ва даҳшатдан элу юрт ҳурматига сазовор бўлган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Элбек, Шокир Сулаймон, Ғулом Зафарий, Санжар Сиддиқ, Аъзам Аюб, Муҳаммад Ҳасан ва бошқа атоқли шоир, ёзувчилар, журналистлар, олим ва санъаткорлар катта жабр кўришди. Улар турли йилларда киндик конлари тўкилган Ватанларидан олисда ҳаётдан кўз юмдилар. Маданиятимизнинг энг яхши миллий кадрлари йўқотилиши маънавий ҳаётимиз ривожига, миллий онгимиз ўсиши ва миллий ғуруримизга катта зарар етказди.

Қатағончилик бирдан тўхтаб қолмади. Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва урушдан кейинги йилларда ҳам ўзбек халқи ажойиб фарзандларнинг бошларидан қора булут аримади, кўплари ноҳақ қурбон бўлдилар. Маданиятимизнинг машҳур арбоблари Абдулла Қаххор, Миртемир ва Туроб Тўла бадном этилди.

Мақсуд Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат, Шукрулло, Саид Аҳмад сингари адиблар, Ҳамид Сулаймон, Муҳиддин қори Ёқубов, Сулаймон Азимов, Тўхтасин Жалилов ва бошқа олиму санъаткорлар ўз ҳаётларининг маълум йилларини қамоқларда кечирдилар.[21]

Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқлари бошига оғир кулфатлар солди. 1937-1939 йилларининг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг учликлари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 нафар киши отиб ташланди. Умуман 1939-1953 йилларда 61 минг 799 нафар киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 нафар киши турли муддатга озодликдан маҳрум қилинди. 7 минг 100 нафар киши эса отиб ташланди.[22]

Ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида олимларни ҳам, ҳарбийларни ҳам, зиёлилардан тортиб оддий ишчилару дехқонларни, ҳатто косиб, ҳунармандларни ҳам истаганча топиш мумкин эди. Мустақилликка эришганимизга қадар қатағонликнинг манфур тўлқини тўхтамасдан доимо қалқиб турди**.**

Қатағонлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий Республикалардаги туб аҳолини исканжада сақлаш, занжирбанд қилиб туришнинг асосий йўл-йўриқлари собиқ Коммунистик партия томонидан 1947 йил 6 июнда қабул қилинган ва қатъий сир тутилган бир кўрсатмада ўзининг тўла ифодасини топган. Унда шундай фикрлар бор: “Иш жойларида мутахассислар ишдан олинишига ҳамда уларнинг ўрнига чала мулла ҳамда мулоҳазасиз ходимлар қўйилишига эришмоқ даркор, партия, давлат ва хўжалик аппаратида ишлаётган туб ерли аҳоли намоёндаларини шундай ҳолатга солиш керакки, уларнинг ўз қўл остидагилари кўз ўнгида обрўси тўкилиб, аввалги даврига қайтишлари учун имкониятлари қолмасин. Олий ўқув юртларига шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, токи улар халқнинг олий қатламидан бўлсин ва уларни мутахассислик бўйича билим олиш эмас,

[21]Ж. Туленов, З. Ғафуров. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент. “Ўзбекистон” 1996 йил. 57- бет
[22]Ж. Туленов, З. Ғафуров. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент. “Ўзбекистон” 1996 йил. 59- бет

балки диплом қизиқтирсин.”[23] Юқоридан берилган ана шу кўрсатмалар Ўзбекистонда ҳам оғишмай амалга оширилди.

Хуллас, 1930-1950 йиллардан қанчадан-қанча ўзбек зиёлилари, давлат арбоблари ва раҳбарлари қатағон қилиндилар. Уларнинг бўйниларга йўқ айбларни қўйдилар. Уларнинг оилаларига душман сифатида қаралди. “Халқ душмани”нинг оиласи сифатида хўрлашди, ишдан ва ўқишдан ҳайдадилар, бошпанасиз қолдирдилар.

ДИН ПЕШВОЛАРИНИГ ТАЪҚИБ ҚИЛИНИШИ

Мулла Тўйчи Бойманов 1864 йилда Шаҳристон тумани Увоқ қишлоғида зиёли оиласида ўзбек дунёга келган. Оиласи зиёли бўлагни учун уни мадрасада ўқитишади. Мадрасани тугатгач, Бухоро вилоятидаги Мир Араб мадрасасида дарс берган.



Бухородаги “Мир Араб” мадрасаси шаҳар марказида, аниқроқ қилиб айтилса, қадимий Шаҳристонда жойлашган бўлиб, икки улкан гумбази билан бошқа тарихий бинолардан ажралиб туради. Мадрасанинг кириш қисми кунботар томондадир. Дарвоза улкан пештоқ остида жойлашган. Бино тўрт қаватдан иборат бўлиб, унда 114 та хона мавжуд. Мадрасанинг ички қисми ҳам ажойиб тарзда лойиҳалаштирилган. Ҳужраларни тўртта улкан пештоқ ажратиб туради. Замонасининг етук олимларидан Миён Малик, у кишининг шогирди, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати асосчиси Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, Қози Асқар, Домла Икромча, Сулаймон Хўжа, Домла Изомий, Домла Қосим, Мухторжон Абдуллаев, Абдуғани Абдуллаев, Юсуфжон Шокиров ва бошқалар ўша мадрасанинг талабалари бўлишган. Илм масканида қўшни Афғонистон,

[23] Ҳамид Зиёев. Занжирбанд ҳукмдорлар. Тошкент, Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил. 18 сентябрь.

Ерон, Марказий Осиё мамлакатлари, Россия ва Хитойдан ҳам жуда кўп талабалар таҳсил олишган[24].

Советлар даврида динимизга қарши кураш даҳрийларнинг бош вазифаларидан эди. Мустамлакачилик сиёсатини юритишда бузуқ мафкураларини ёйишда дин ва уламолар катта тўғаноқ бўлишини улар яхши билишарди. Шунинг учун барча воситалар ишга солиниб, динимиз ва диндорлар бадном қилинган. Миллий диний-қадриятлар, мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилди, ҳақоратланди.

1924 йили марказнинг буйруғи билан Ўзбекистонда диний таълим бериб турган деярли барча мадраса ва масжидлар ёпилди. Кўзга кўринган уламолар, дин арбоблари сохта айбномалар билан қамоққа олинди ёки олис юртларга бадарға қилинди. Кўплари жонини, динини асраш учун ўз юртидан чиқиб кетишга мажбур бўлишди. Минг йиллар мобайнида битилган, ўрганилган, асраб келинган жилд-жилд нодир қўлёзмалар, китоблар ўтга ёқилди, сувга оқизилди, ерга кўмилди. Ҳикоя қилишларича, Сратепадаги ғишт заводи бир ойгача китоб ёқиб ишлатилган экан. Қуръони каримни ўқиб, ўрганиш у ёқда турсин, ҳатто уйда сақлаш ҳам жиноят ҳисобланар эди.

Айниқса, ўттиз йиллик Сталин шахсига сиғиниш даври мусулмонларга ниҳоятда оғир синов бўлди. Зулму ситам янада авжга минди, оммавий қатағонлар уюштирилди. Даҳрийлик сиёсати бошқалар қатори халқимизнинг моддий ҳаётинигина эмас, маънавий-руҳий оламини ҳам инқироз ёқасига олиб келди. Одамлар ҳатто уйларида намоз ўқигани, китоб мутолаа қилгани қўрқадиган бўлиб қолишди.

Ана шундай вазиятда Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Бу қонли уруш айни қизиган бир пайтда советлар ҳукумати бирданига бошқа динлар қатори Ислом динига ва мусулмонларга ҳам бир оз эркинлик берди. Хўш, илк қадамлариданоқ Аллоҳнинг мавжудлигини инкор этган тузум нега бирдан динга муҳтож бўлиб қолди? Тарихчи олимлар бу масалада бир неча сабабни кўрсатишади: диндорларни урушга сафарбар этиш; эл орасида обрўли қорилардан фронт орқасида ғалабага даъват ишларида фойдаланиш, шунингдек, худосиз коммунизмни ер юзидан йўқотиш шиорини ўртага ташлаш билан ғалабага эриша

[24] https:G’G’shosh.uzG’.14.04.2022.

бошлаган Гитлерга хайрихоҳлар кўпайиб кетишининг олдини олиш ва бошқаларни тўхтатиш мақсадида.

1943 йилга бориб, урушда аҳволи анча танглашиб қолган советлар ҳукумати иккинчи фронтни очиш талаби билан иттифоқчи мамлакатларга тинмай мурожаат қила бошлади. Ғарб давлатларининг кўнглини овлаш учун ҳам СССР халққа диний эркинлик беришга мажбур бўлди. Ўша йили бир неча шаҳарларда диний марказлар, жумладан, Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратини очишга ижозат берди. Ушбу республикаларнинг йирик шаҳар ва вилоятларида биттадан масжид очишга рухсат бўлди. Аммо масжидлар ишини юритишга лаёқатли имомлар топилмасди. Диний назоратнинг қайта-қайта илтимосидан кейин 1945 йили Бухородаги хароба ҳолга тушиб қолган Мир Араб мадрасаси биносида талабалар сонини йигирмадан оширмаслик шарти билан янги мадраса ташкил этилди.


Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, даҳрийлиги билан жаҳонга машҳур советлар давлати тобора яккаланиб қола бошлади. Бундан ташвишга тушиб, ўз “қиёфаси”ни ўзгартириб, айниқса, араб ва мусулмон мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий алоқаларни яхшилаш режаларини тузди. Зеро, эътиқод масаласини биринчи ўринга қўядиган бу мамлакатлар динсизлар ҳукумати билан алоқа ўрнатишни хоҳлашмас эди. Шунинг учун Москвадаги мутасаддилар зудлик билан Уфа, Боку, Бўйноқ ва, хусусан, Тошкентда диний идоралар фаолиятини кенгайтиришга киришди. Шу йўл билан хорижлик мусулмонлар кўзига СССРни динга ҳурмат назари билан қарайдиган мамлакат, деб кўрсатмоқчи бўлди.

Аммо ичкарида барибир мусулмонларнинг ҳаёти қаттиқ назорат остида эди. Янги мадрасалар қуриш, ишга тушириш ҳақида фақат орзу қилиш мумкин эди, холос. Ҳатто масжидларнинг таҳоратхоналарини таъмирлаш учун ҳам Москвадан рухсат олинарди. Обидалар, улуғ алломаларимизнинг мақбаралари харобага айланган эди. Имом-хатиблар масжид фаолиятини бошқаришда ҳуқуқсиз, ҳатто жума марузалари матнини русчага ўгириб, тасдиқлатиб олишга мажбур эдилар.

Бор-йўғи икки мадраса бўлиб, уларнинг ўқув режалари Москвада тасдиқланар, диний фанларни ўқитиш иложи борича камайтириларди. Ҳажга бориш учун ўзбекистонликларга бор-йўғи беш-олти ўрин ажратиларди. Мусулмонлар ҳатто юртимизда чоп этилган журналга обуна бўлиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эдилар.

Мулла Тўйчи ҳам ўз фаолиятини анашундай камситишлар ва доимий назорат остида фаолият олиб броган, унинг учун бу мударрислик иши умрининг мазмуни бўлган. Рус зобитларининг қанчалик камситиш ва бадном қилишига қарамасдан ўзининг ватани равнақи миллатини зиёли инсонларини кўпайтириш мақсадида ўз илмини доимо аямаган миллатпарвар инсонлардан бўлган.

Мулла Тўйчи диний уламо бўлганлиги, Файзулла Хўжаевни Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган даврида унга мударрислик қилагни учун Файзулла Хўжаевни устози, деб 1930-йилларда Зомингa сургун қилинган ва октябрь ойида отувга ҳукм қилинган.



2

ПРИГОВОР

Военной Коллегии Верховного Суда СССР

(ОКОНЧАНИЕ)

Предварительным и судебным следствием установлено, что подсудимые по данному делу—**Зеленский, Иванов и Зубарев вступили на путь борьбы с революционным движением рабочего класса еще в годы царизма.**

Зеленский состоял агентом-провокатором Самарского жандармского управления с 1911 по 1913 год.

Иванов состоял агентом-провокатором охранного отделения и жандармского управления в Москве и других городах с 1911 по 1916 год.

Зубарев, будучи завербован в число агентов-провокаторов в гор. Котельничи в 1908 году, занимался провокаторской деятельностью до 1917 года.

Таким образом **Военная Коллегия Верховного Суда Союза ССР** установила виновность 1. **Бухарина Н. И.**, 2. **Рыкова А. И.**, 3. **Ягоды Г. Г.**, 4. **Крестинского Н. Н.**, 5. **Раковского Х. Г.**, 6. **Розенгольца А. П.**, 7. **Иванова В. И.**, 8. **Чернова М. А.**, 9. **Гринько Г. Ф.**, 10. **Зеленского И. А.**, 11. **Бессонова С. А.**, 12. **Икрамова А.**, 13. **Ходжаева Ф.**, 14. **Шаранговича В. Ф.**, 15. **Зубарева П. Т.**, 16. **Буланова П. П.**, 17. **Левина Л. Г.**, 18. **Плетнева Д. Д.**, 19. **Казакова И. Н.**, 20. **Максимова-Диковского В. А.** и 21. **Крючкова П. П.**—в том, кроме того, в совершении **преступлений**, предусмотренных ст. 58-13 УК РСФСР.

На основании изложенного и руководствуясь ст. ст. 319 и 320 УПК РСФСР, **Военная Коллегия Верховного Суда Союза ССР**

ПРИГОВОРИЛА:

1. **Бухарина** Николая Ивановича,
2. **Рыкова** Алексея Ивановича,
3. **Ягоду** Генриха Григорьевича,
4. **Крестинского** Николая Николаевича,
5. **Розенгольца** Аркадия Павловича,
6. **Иванова** Владимира Ивановича,
7. **Чернова** Михаила Александровича,
8. **Гринько** Григория Федоровича,
9. **Зеленского** Исаака Абрамовича,
10. **Икрамова** Акмаля,
11. **Ходжаева** Файзулла,
12. **Шаранговича** Василия Фомича,
13. **Зубарева** Прокопия Тимофеевича,
14. **Буланова** Павла Петровича,
15. **Левина** Льва Григорьевича,
16. **Казакова** Игнатия Николаевича,
17. **Максимова-Диковского** Вениамина Адамовича (Абрамовича) и
18. **Крючкова** Петра Петровича —

— к высшей мере уголовного наказания — расстрелу, с конфискацией всего лично им принадлежащего имущества.

Файзулла Хўжаев XX аср биринчи ярмида халқимизнинг энг машҳур давлат ва жамоат арбоби сифатида тарих саҳифаларидан ўрин эгаллаган. Аммо унинг ҳаёти ҳам фаолияти сингари зиддиятли ва мураккабли кечган. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида 1925 йилда Файзулла Хўжаев шахсан ўз қўли билан рус тилида тўлдирилган бир қанча анкеталардан иборат ҳужжат сақланиб келган. Ушбу нодир ҳужжат муқовасида “ЎзССР МИК аъзоси Файзулла Убайдуллаевич Хўжаевнинг шахсий иши” деб ёзилган. Файзулла Хўжаев яшил сиёҳда тўлдирилган анкеталарининг бирида у 1912 йил 16 ёшдан бошлаб Бухородаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашганлиги ва инқилобий “Ёш бухороликлар” фирқаси аъзоси эканлиги қайд этади.

Мазкур “иш”даги қизил сиёҳ билан тўлдирилган бошқа бир анкетада у 1913-йилдан бошлаб “Ёш бухоролик инқилобчилар” фирқаси Марказий Қўмитасининг аъзоси бўлганлигини ҳам ёзади (Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 1934-иш, 6-8-варақлар).

Хўжаевнинг савдогар оиласида таваллуд топганлиги унинг таълим олишига ҳам туртки бўлади. Дастлабки илмларини у мадрасада олганлиги учун унинг устозларини ҳам суриштирув ишлари олиб борилади ҳамда мударрисларга нисбатан сургун ишлари амалга оширилади. Мана шундай сургун қилинишга ҳам қаноатланмасдан уларни қатағон қилишгача борганлари энг ачинарли ҳолдир. Бугунги кунда мулла Тўйчи Бойманович набираси маълумотларни тақдим қилувчи Муҳаммади Ўрабоев Сирдарё вилояти Боёвут тумани, “Ўзбекистон” маҳалласи, Китоб кўчасидаги 30-уйда истиқомат қилиб келмоқда.

Ховослик мулла Худойназар Авезматов 1880 йил Тошкент вилояти Бекобод тумани Ховос қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилган. Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган ва Ховос қишлоғидаги Қизил масжидда имом-хатиб бўлиб ишлаган. Мусулмон динига бўлган илмлари кучлилигидан 1927 йил хозирги Чиноз шахридаги аҳолидан 10-15 отлиқ кишилар Ховос қишлоғига келиб, Худойназар Авезматовни ўзларини масжидларига имом-хатиб вазифасида ишлашга таклиф қилишади ва у киши Чиноз шаҳридаги масжидлардан бирида имом-хатиб бўлиб ишлаш учун Чиноз шаҳрига кетади. Чиноз шаҳрининг эски катта масжидида 1927-1937 йилларда имом-хатиб ва мударрис сифатида фаолият юритган. 1937 йил репрессия даврида, яъни қатағон йиллари 1937 йил 21 ноябрь НКВДнинг учлик қарори билан 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум этлиб, қамоққа олинган. Худойназар Авезматов 10 (ўн) йил қамоқ жазосининг 6 (олти) йилини ўтаб бўлганидан кейин Тошкентдаги турмахонада вафот этган. Тошкент шаҳрининг Қибрай тумани “Яланғоч ота” қабристонига дафн этилган.

1957 йил марҳум Худойназар Авезматовнинг ўғли Тўйчибой Худойназаров томонидан Ўзбекистон совет социалистик республикаси прокурорига отасини оқлаш учун ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон совет социалистик республикаси прокурорининг протестига асосан марҳум Худойназар Авезматов оқланиб, унга нисбатан жиноят иши бекор қилинган. Ушбу холат юзасидан Ўзбекистон совет социалистик республикаси прокурори Олий суди томонидан Тўйчибой Худойназаровга жавоб хати келган.

Мулла Худойназар домлани таниганлар у кишини ҳурматлаб, исмини айтмасдан “ховослик домла” дейишган. Мулла Худойназар домла Бухорои шарифда таълим олиб, Ховосга келган эканлар. У киши замонасининг етук олими бўлган. Араб форс тилларини мукаммал билган ва ўқий олган.

Мулла Худойназар домланинг довруғи Чинозга ҳам етиб борган. Чинознинг казо-казолари Ховосга бориб, мулла Худойназар домланинг ҳузурларига киришган. Чинозликлар у кишидан мадрасамизга муллаваччаларга дарс берсангиз. Мадраса масжидига имом бўлсангиз, деб илтимос қилишган. Сизнинг илмингиздан барча ёшлар баҳраманд бўлишса. Биздан ҳам сиздек уломо чиқса, бир умр сиздан миннатдор бўлардик, дейишибди. Мулла Худойназар домла чинозлик улуғларнинг таклифларига рози бўлибдилар.

Мулла Худойназар домланинг тўрт нафар фарзандлари: икки ўғил ва икки қизлари бўлган. Ўғиллари: мулло Абдуқодир домла мулла Тўйчибой домла, қизлари: Ибодат ойи, Бибиҳидоят ойи. Неваралари, яъни иккинчи ўғлининг ўғли Юсуф Худойназаров Ўрта Осиё темир йўллари (САЗ жд) ички ишлар бўлими Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Ленинобод вилоятларининг тергов бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган.

Ховослик мулла Худойназар Авезматов домланинг яқин дўслари Абусайид Сайидий бўлганлар. Халқ у кишини ҳурматлаб исмларини айтмасдан Олтой сўфи деб аташган. Олтой Сўфи 1876 йили Ўжагатда туғилган. Оталари асли Туркистондан. 1865 йили Николай подшо аскарлари Ўрта Осиёга босқинчилик юришини бошлаган. Генерал Верёвкин бошчилигидаги босқинчилар Туркистонни тўп (замбарак) дан ўққа тутишган. Ана шу вақтда замбаракнинг ўқлари Аҳмад Яссавий бобомизнинг мақбаралари гумбазини ўпириб ташлаган. Русларнинг қилаётган вайронагарчилигидан, тинч аҳолини аямай қираётганидан

халқ ваҳимага тушган. “Ҳамма кофир бўлармиш” деган қўрқув-ваҳималар кўпайиб, халқ бола-чақасини олиб қоча бошлаган. Олтой Сўфининг отаси Эҳсонали бобо оиласи билан Сайрамга, ундан Манкатга бориб, озроқ муддат яшайди. Кейинчалик Тошкентга қайтиб боришган. Тошкентда Норматбой, Иноғомбой деган бойлар билан биргаликда тижорат билан шуғулланган. Кейинчалик биз мол-ҳол қиламиз, деган мақсадда қишлоқда яшай бошлаган ва дастлабки таълимни қишлоқ домласидан олган. Кейинчалик мадрасада ўқийман, деб Чинозга бориб, таҳсил олган. Чинозда қариндошлари уларни мадраса мударриси мулла Тожиддин аълам домла ҳузурларига олиб боришган. Мулло Тожиддин аълам домла, мулла Худойназар домла, мулло Юсуф домла, мулло Жамбил қори домлалар суҳбатларидан ўтиб, мадрасага қабул қилинган. Мадрасани тугатиб, мулло Тожиддин аълам домланинг йўлланмалари билан Бухорои шарифга ўқишга юборишади. Мадрасада фақат имомлик билан чекланиб қолмасдан бир касбни эгаллаш зарур ва мажбурий бўлган. Улар ўз илмларини табибликка, инсонларни дардига малҳам бўлишга йўналтирган. Ўқишларини тугатиб, Чинозга қайтиб келиб, ховослик мулла Худойназар домлага ёрдамчи ҳамда муаззин бўлиб ишни давом эттирган. Бир уламонинг фикрлари билан Қаршига боради. Ўша даврнинг олим, фозили Аълохон эшон бобо ҳузурларига бориб, у кишига шогирд тушиб, оқ фотиҳаларини олиб, сўнг ишни бошлаган. Бўш вақтларида табиблик қилиб, кечалари тошкентлик косиблар билан кўн (тери) пиширириб, амиркон ковуш, амиркон маҳси тикишган. Тикилган маҳсулотларни дўконда сотган. Ховослик мулла Худойназар домла билан Сталиннинг қатағонига учраб, Тошкентнинг “Яланғоч” турмахонасига қамалган. Уй-жой мол-мулклари дўконлари мусодара қилинган.


Абусайид Сайидий билан мулла Худойназар домлани бир хонага қамашган. Улар иккаласи бир хонада яшаганликлари учун жуда яқин бўлиб қолишган. Олтой Сўфи табибликни қўл олганлиги учун қамоқҳонадаги кўп ҳарбийларнинг дардига дармон бўлган. Ўша вақтлар қамоқхона зах бўлганлиги учун у ердагиларнинг кўпчилиги ўпка касаллигидан азиат чекишган. Ҳаттоки ўша ерда кўп йиллардан буён қамоқхона бошлиғи бўлиб ишлаб келган рус миллатига мансуб бир

зобит у кишидан шифо топганлиги учун қамоқдан чиқишига ёрдамлашган. У кишининг ёрдами билан оқланиб, турмадан чиққанидан сўнг уйга қайтиб, ўғлини уйлантириш учун аёлига келин топиш кераклиги ҳақида айтади. Ўзларининг қарийб вақти-соати яқинлигини билиб, ўғлининг тўйини ўтказганидан сўнг оламдан ўтган.

Турмадаги устози мулла Худойназар домла дастлабки қамалишида “сизга оқ қоғоз келади, сиз озод бўласиз. Мени эслаб, дуои хайр қилиб туринг, бизларни унутмассиз”, деб айтган. У кишининг ўғлига айтган гаплари билан турмага бориб, сўрашганида “Худойназар домланинг бу ердан кетган” деган гапдан бошқа бирор маълумот ололмаганлар.

Мулла Ҳотам Салоҳиддинов 1909 йилда Ховос районининг Баландчақир қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган. Онаси Бибихадича отинойи бўлган. У киши қўшни қишлоқ Чакандда туғилган. Хат-саводли бўлганлиги учун маҳалла аёлларига диний таълим берган. Мулла Ҳотам эски мадрасада ўқиган. Отаси илмли бўлсин, деб Ўратепадаги “Ясо” мадрасасига ўқишга берган (ҳозирги кунда масжид вазифасини ўтамоқда). Ўша мадрасада 1929 йилгача ўқиган. 1929 йилдан совет давлати мадрасаларини ёпган. Диндорларни қатағон қилган. Жумладан, қишлоқдаги энг катта бой мулло Холиқберди, амаки укалари мударрис мулло Абдураззоқ, бойлардан Эрматбой, Мусо оқсоқол, мулло Абдураҳмон, мулло Аълам ва шу қишлоқнинг гузари бўлган Ворокин қишлоғидан бир йўла 7 нафар бойни қулоқ қилиб, қатағонга учратиб, бойликлари, уй-жойлари мусодара қилинган.

Аммо мулла Ҳотам домла тезда келиб, компартия сафига ўтиб социалистик системани ёқлаб, жон сақлаб, илмли одам бўлганлиги сабаб аввало қишлоқ совети котиби, сўнг раиси, кейин районга ўтиб, халқ суди котиби ва нафақага чиққунга қадар темирйўл юқорисидаги ҳудудда 38-қишлоқда алоқа бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. Аммо бу иш жараёнида туҳмат ва бўҳтонлар қурбони бўлган. 1947-1948 йилларда совет давлати пул реформасини ўтказди. Бунинг муносабати билан мазкур шахсни туҳмат ва бўҳтонлар билан 2 йилга озодликдан маҳрум қилиндиган. Аммо ҳақиқат қарор топиб, озод бўлиб келди ва умрининг охиригача давлат хизматида бўлди.



ЗАМЕСТИТЕЛЬ
ПРОКУРОРА
Узбекской Советской
Социалистической Республики
Ташкент. ул. Ленина № 21

.15. августа 1957
№ 15/321-57

Ташкентская область, ст.Урсатьевская,
ул.Новый тупик, дом № 6,
гр-ну Худайназарову Туйчи.

Ваша жалоба по вопросу о пересмотре дела в отношении отца - Авезматова Худайназара нами рассмотрена.

По протесту прокуратуры УзССР определением Верховного суда Узбекской ССР от 15 августа 1957 года дело, по которому в 1937 году был осужден Авезматов Х., производством прекращено и он реабилитирован.

За официальной справкой о рассмотрении дела Вам следует обратиться в Верховный суд УзССР.

/ СТАРШИЙ СОВЕТНИК ЮСТИЦИИ И.ХАКИМОВ /

Ўзбекистон ССР
ОЛИЙ СУДИ
ВЕРХОВНЫЙ СУД
Узбекской ССР
26 августа 1957 г.
№ I-24
ент. Жуковского № 21
Тел. № 35863

СПРАВКА

Дана в том, что уголовное дело по обвинени Авезматова Худайназара,1880 года рождения, Верхсудом УзССР пересмотрено и определением судебной коллегии по уголовным делам от 15/УШ-57 постановление тройки при НКВД УзССР от 21/XI-1937-г. которым он заключен в ИТЛ сроком на 10 лет, отменено и дело в отношении Авезматова производством прекращено.

Справка выдана для представления в соответствующие учреждения.

Зам.Председа... Верхсуда ...М.ВАСИКОВА/

Ховослик Мулло Худойназар домланинг қамалганлиги ва оқланганлиги тўғрисидаги маълумот

Мулла Ҳотамнинг 2 нафар ака-укаси бўлиб, бири Абдужалол ва бири Акром комиссар бўлган. Абдужалол мутлақо саводсиз деҳқон бўлиб, шу **Баландчақирдаги Ворокин қишлоғи,** яъни Сталин номли

колхозда раис муовини, 1949 йил сентябрь ойига қадар раис бўлиб ишлайди. Мулла Ҳотам ҳам туҳмат ва бўҳтонлар эвазига 4 йилга қамалади ва 2 йилда оқланиб чиқди. Бунинг асосий сабаби 1947 йил август ойида чиққан фармонига асосан колхозларда белгиланган минимум меҳнат кунинг (йилига 120 кун эди) бажармаган шахсларни қатағон қилиб, Сибирга сургун қилиш кўрсатилган эди. Шу фармонга биноан бир нечта колхозчилар сургун қилинган.

Бу вақтда Иброҳим Саидқулов колхоз раиси эди. Колхозчилар учун 120 кунлик меҳнат нормаси белгиланган. Шу масала колхозчилар йиғилишида кўриб чиқилади. Нормани бажармаган колхозчилар сургун қилинди ва қамоққа олинди. Бу жараён кўпчилик ўртасида норозилик келиб чиқишига сабаб бўлди. Колхоз раиси Иброҳим Саидқулов 8 йилга қамалди. Орадан 2 йил ўтгач, Иброҳим Саидқулов оқланиб, қамоқдан чиқиб келди. Лекин шундай бўлшига қарамасдан Саидқуловнинг ўрнига Абдужалол Ҳотамов колхозда бош ҳисобчи бўлиб ишлар эди. Раиснинг ўрнига Абдужалол Ҳатамов қамалиб кетган.

Россия Ўрта Осиёни фатҳ этиб, биринчи навбатдаги ҳаракатда илмли, элга бош бўла оладиган кишиларнинг қора рўйхатини тузди. Совет ҳокимияти ўзининг атеистик, яъни динсизлик, худосизлик таълими билан халқнинг онгини заҳарлади. Ана шундай вазиятда биринчи навбатда диний уламолар эшонлар, саййидлар қаттиқ тазйиқ остида қолдилар.

Қатағон қурбонлари хотираси бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишларимизда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” фонди Фарғона вилояти филиали ишлари бошқарувчиси Б. Қирғизбоевнинг “Саййидлар” зиёратгоҳидаги Саййид Ойтўрахон ва шу мақбарага дафн этилган Эшонбуваларнинг қисқача тарихи ҳақидаги масалаларга қизиқиб қолганимиз туфайли, ушбу хатни олишга муваффақ бўлдик. Шу хатни қайта-қайта ўқиб чиқдик… Хатнинг мазмуни қуйидагича баён қилинган...

“Саййидзодалар” зиёратгоҳидаги Саййид Ойтўрахон ва шу мақбарага дафн этилган Эшонбуваларнинг қисқача тарихи.

Марғилон асрлар давомида Саййидлар авлодини ҳурмат-эҳтиром билан эъзозлаб келишмоқда. Авлоди Саййидлардан бўлмиш Саййид Ойтўрахон Эшонбува (1795-1885 йй) шаҳримизнинг Тошкесар теграсида яшаб ўтганлар ва шу ерга дафн этилганлар. Ойтўрахон эшонбува вафот этганларида нафақат Марғилон аҳли, уламолар ҳам дафн маросимида қатнашганлар. Ҳаттоки ўша даврдаги давлат раҳбари бўлган Худоёрхон ҳам бу маросимда иштирок этганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Саййид Ойтўрахон эшонбуванинг аждодлари бўлган Убайдуллахон Эшонбува ва Абдуллахон Эшонбувалар ҳақида Б.Эралиев, И.Остонақулов ва Н.Абдуллаҳадовлар хаммуаллифлигидаги 2014 йили Тошкент шаҳри, “Туронзамин зиё” нашриётида нашр этилган. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари Фарғона вилоятига бағишланган китоби саҳифаларида мазкур азизларимиз ҳаёти ва кароматлари қисқача зикр этилган.

Саййид Ойтўрахон Эшонбуванинг ўғли Эшонхон Эшонбува (1845-1916 милодий йиллар) Марғилон шағрида Тошкесарда яшаб, шу ерда дафн қилинганлар. Эшонхон Эшонбува ўша даврда Марғилондаги қозининг чиқарган 4 та ҳукмларига фатво берганлар. Ўша давр замонасининг аҳли илмларидан ва дуогўйлари эдилар.

Саййид Акромхон Хонбува (1880-1917 йиллар) Марғилонда яшаб ўтиб, вафот этган. Саййид Акрамхон бува устозларидан Нақшбандия тариқатини олган ва ушбу сулкни бошқарган. Қатағон йилларида кўп аҳли илмлар каби қувғинда юриб, Қирғизистон, Тожикистоннинг чекка ерларида бир муддат яшаган. Қатағон йилларида бу қўрғонда онаси ва фарзандлари қолишган.

Тақдир тақозоси қизиқ-да. Саййид Ойтўрахон авлодларидан бўлган, Убайдуллахон Эшонбува тақдири бизни қизиқтирди. 1937-1938 йилда катта қирғин юз бераётган бир пайтида собиқ совет ҳукумати томинидан НКВД ва учлик ОГПУ ходимлари томонидан дин пешволарига нисбатан зуғуми кучайган эди. Убайдуллахон Эшонбува юрт нотинчлигидан қўрқув билан яшади. У кишининг назарида яқин кунларда қамоққа олиниши ёки сургун қилиниши мумкин эканлигини биларди. Қатағонлик сиёсати ва “Катта қирғин” авж олиб турган вақтда

1937 йилда Убайдуллохон Эшонбува вафот этгач, Марғилондаги қабристонда марҳум отасининг қабри ёнига дафн этилди.

Шундан кейин қатағонлик сиёсати авж олиб бораётганлигидан қўрқув билан яшаётган Убайдуллахон Эшонбуванинг оила аъзолари, юртдан узоқроқда яшашни ўзига афзал деб билди. Тақдир тақозоси билан юртдан бош олиб кетдилар. Убайдуллахон Эшонбуванинг ўғиллари Ортиқхон Убайдуллаев, Бувсолия онаси бош бўлиб, Жаҳонгирхон, Ортиқхон ва қизлари, Сайидтўрахон, Комилхон сингиллари билан биргаликда Жиззах вилоятининг Кўрпасой қишлоғига кўчиб кетишди. Бувисолияхон она ўша даврда серғайрат, ҳунарманд аёл бўлганлиги учун фарзандлари кўп қийналишмади.



Ортиқхон Убайдуллаев

Ортиқхон Убайдуллаев азиз инсонлар оиласида туғилиб, ўсди. Ўқимишли, араб ва форс тилларини мукаммал биладиган боболар ва ота-оналар Ортиқхоннинг маънавий камолига ҳам таъсир кўрсатдилар. У ҳам араб ва форс ва рус тилларини яхши ўрганди.Оилада эски анъаналар давом этиб турди.

Лекин 1917 йилдан кейин вазият кескин ўзгарди Ислом тарихини яхши билган зиёлилар, аслзодалар қўрқув ва хавотирда яшай бошладилар. Илмлилар қувғин қилинди. Шу сабабли Ортиқхон Убайдуллаев оиласи ҳам гўзал ва барокатли Марғилон шаҳрини тарк этиб, узоқлардан макон изладилар. Ниҳоят Жиззах шаҳрига Бувсолия она ўғиллари Жаҳонгирхон, Ортиқхон ва қизлари Сайидтўрахон, Комилахон билан биргаликда кўчиб келишди. Ўша даврда “Олтин - кумуш тош бўлди, арпа, буғдой ош бўлди” деган мақол тарқаган эди. Оналари Бувсолияхон ая ўша даврда серғайрат, ҳунарманд аёл бўлганлари учун уларнинг фарзандлари кўп қийналишмади, онахон эрта-ю кеч меҳнат қилиб, фарзандларини ўқитиб, вояга етказдилар. Ортиқхон Убайдуллаев тушундики, олган билимлари етарли эмас. У одамларга яхшилик қилиш, уларга билим бериш, уларни маърифатли қилишнинг бир йўли ўқитувчилик қилиш эканини тушунди. Шу сабабли у Жиззах педагогика техникумига ўқишга кириб, уни 1930 йилда тугатди.

Техникумни аъло баҳоларга битирган бир гуруҳ иқтидорли талабалар Самарқанд давлат университетига юборилди. Улар қаторида Ортиқхон Убайдуллаев ҳам бор эди. 1935 йил Самарқанд давлат университининг филология факультетини тугатган Ортиқхон Убайдуллаев Жиззах туманидаги “Робот” қишлоқ совети ҳудудидаги олис Кўрпасой қишлоғига янги мактаб очиш ва у ерда ўқитувчилик қилиш учун юборилди. У қишлоққа келганда қишлоқда мактаб биноси йўқ эди.




Ортиқхон Убайдуллаев рафиқаси Янглишой хожи она билан. 1940 йил

1937- 1938 йилларда Кўрпасой қишлоғида янги мактаб биноси қад кўтарди. Бу мактабга “41- Иттифоқ мактаби” деб ном берилди ва унинг биринчи ўқитувчиси ҳам, биринчи директори ҳам Ортиқхон Убайдуллаев бўлдилар. У киши бу лавозимда 1937 йилдан 1964 йилгача жон куйдириб, фидокорона фаолият кўрсатдилар. Бу даврда 41- мактабда нафақат кўрпасойлик ёшлар, балки атрофда жойлашган Қудуқ, Увоқ, Олтинҳовуз, Ялпақош, Паймард қишлоқ ёшлари ҳам қатнаб, шу мактабда илм олишарди. Ҳаётда фасллар алмашиб турганидек, нафақа ёшига яқинлашиб қолган устоз Ортиқхон Убайдуллаев ўзи бошлаган хайрли ишни шогирдларига қолдириб, оиласи билан Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги Зарбдор қишлоғига фарзандларининг келажагини ўйлаб, 1964 йилдан кўчиб келди. Ўша йилдан 1975 йилга қадар ўша қишлоқдаги 9-мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанларидан дарс берди. Бутун умрини таълим- тарбияга бағишлаган фидойи инсон 1978 йил 7 август куни вафот этди. Таълим – тарбиянинг фидойиси бўлган Ортиқхон Убайдуллаев юзлаб, минглаб шогирдларни

тарбиялади. Уларнинг кўпчилиги олган сабоқлари эвазига ёшларни баркамол бўлиб ўсишларида устоз ишларини давом эттиришмоқда.

Ортиқхон Убайдуллаевнинг хотираси фарзандлари ва шогирдлари қалбидан ўчмайди. Ўғил-қизлари давлатимизнинг нуфузли жойларида фаолият юритишмоқда.

Комилхон тўра Зокирхон тўра ўғли Қўқон шаҳрининг Янги Чорсу даҳасида яшаганлар. У кишидан 4 нафар ўғил ва бир нафар қиз фарзандлари бўлиб, улар орасида мадраса таълимини олган илмли кишилар Усмонхон тўра ва Исохон тўралар эди. Қора рўйхатга Усмонхон тўра ва Исохон тўралар ҳам тушган эдилар. Мустабид тузумнинг қатағонлик сиёсатидан ўз жонларини асраш мақсадида ака - укалар Зомин тоғларида яшайдиган муридлари яшаётган жойга келиб, яшириндилар. Отаси Комилхон тўра 1915 йилда оламдан ўтди. Фарзандлардан эса, кимдир уйланиб, кимлардир уйланишга улгурмай қолишди. 1930-йиллардан бошлаб безовталик навбати ака-укаларга ҳам етиб келди. Зомин тоғларига ҳам НКВД агентлари етиб келдилар. Янги уйланган Исохон тўра ва оилали, акаси Усмонхон тўраларни ушлаб, олиб кетишди. Усмонхон тўра ва Исохон тўраларни қамашга баҳона тополмай қамоқдан чиқаришга мажбур бўлишди. Иккинчи марта 1933 йилнинг қиш фаслида ака-укаларни қўлга олишди. Бу сафар уларга “эшоннинг ўғиллари” деган айблов қўйдилар. Исохон тўранинг қулоқлари карлиги туфайли терговчилар ўзларининг саволларига жавоб ололмай қамоқдан бўшатишга мажбур бўлишган. Усмонхон тўрани эса қамаб юборишди. Усмонхон тўра қамоқ жазосини Боёвут туманидаги лагерда ўтказди. У кишини қамаш учун туҳмат усулидан фойдаландилар. НКВД агентлари одамлар орасига кириб олиб, бир оғиз хато гаплари учун ҳам ҳатто эшонга жой бергани, тунашга имкон бергани, бир бурда нон бергани учун ҳам қамаганлар. Қамалган ўнлаб муридлар шу кетгандан қайтиб келишмаган. Дараксиз кетганлар кўп бўлган.



“Усмонхон тўра бир даврада (чўчқа) гўштини “ҳаром” дегани учун,” деб гувоҳлар иштирокида айтмаган гапларини бўйниларига илиб, қамадилар. Усмонхон тўра 1943 йилда қамоқ жазосини ўтаб келганидан кейин 6 ой ўтиб, оламдан ўтди. У кишидан бир ўғил – Зикриёхон тўра 1944 йилда туғилди. Зикриёхон ҳозир Тошкент шаҳрининг Дўмбиробод кўчаси 110-уйда истиқомат қилмоқда.

Исохон тўра эса кар бўлиб туғилганига шукрлар айтиб, Зомин тоғларидаги муридлари орасидан 1937 йилда Сирдарё тумани Погран Орловск ҳозирги Ҳамза қишлоғига қочиб келиб, колхозга аъзо бўлиб, дала ишчиси бўлиб юрди. Шунда ҳам у кишига тинчлик бермадилар. НКВД агентлари келиб, яна олиб бориб, сўроқ қилиб, айб юклай олмай, карлиги сабабли барча сўроқлари жавобсиз қолиб, бўшатиб юборишга мажбур бўлдилар. Такрор-такрор таҳдидлар Исохон тўрани Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Шомил қора қишлоғига қочишга мажбур қилди. У ерда ҳам кетма-кет суриштиришлар, таҳдидлар тинч қўймади. 1953 йилда Шомил қора қишлоғига кўчиб борган Исохон тўра 1968 йилда Гулистон тумани Бешбулоқ (Крупская) қишлоғига қочиб, кўчиб келишга мажбур бўлди. Умрининг охиригача ўша қишлоқда яшади. 1979 йил 81 ёшида оламдан ўтди. Бешбулоқ қабристонидаги камтарона мақбара халқимизнинг табаррук зиёратгоҳи бўлиб қолди.

Аёли Мамлакатхон Жаъфархон қизи 1914 йилда, қизи Зайнабхон 1951 йилда, Ўғли Сайдуллахон 1955 йилда туғилган.

1956 йил 30 июнда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди. Пленумда “Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Шундан сўнг Сталин шахсига сиғинишга чек қўйилди ва 50-йилларнинг охирларида

репрессия қилинган, қамалганларнинг айбсизлиги тан олинди ва уларнинг номи яна қайта тикланди.

Октябрь тўнтариши оқибатида Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустамлакачи советлар тузуми биринчи кундан бошлаб халқларимиз бошига кўплаб қирғинлар, даҳшатли ва аламли кулфатлар олиб келди. Бу даҳшатли режимни ўлкамиз халқлари қабул қилмадилар. Улар истиқлол учун, эрк ва миллий-озодлик учун 16 йил мобайнида қуролли кураш олиб бордилар. Бу кураш давомида айрим хориждаги муаррихларнинг ҳисобича, 1 миллион 900 минг нафар Ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетдилар ва 1 миллион 700 минг нафар юртдошимиз Сибирга, Узоқ Шимолга, Украинага, Шимолий Кавказга, Уралга, Қозоғистонга, Узоқ Шарққа, Кавказга, Волгабўйи районларига бадарға қилинди.

Россия Федерацияси марказий телевидениесининг “Культура” канали 2007 йил 4 июлда “Расстрельные списки Сталина” номли кўрсатув берди. Уни тарих фанлари доктори Н. Петров, тарихчи А. Виноградов олиб боришди. Кўрсатувда “катта террор”нинг 1937 йил 30 июлдан бошланиб, 1938 йил ноябрига қадар давом этганлиги айтиб ўтилди. Шу вақт ичида 1,5 миллион нафар киши қамоққа олинган. Шундан 700 минг нафари отиб юборилган. “Катта террор”нинг қаҳрли тиғи жамият аъзоларининг барча тоифаларини ўз домига тортган. Айниқса, “катта террор”дан аҳолининг қуйи табақасидагилар кўп жабр-зулм кўрганлар.[25]

Вақти келганда шу нарсани эслаш лозимдир. 20-30-йилларда мамлакатда қатағонлик, қулоқлаштириш сиёсати айни авжига чиққан давр эди. Қатағон, аввало, зиёлилар, дин пешволарига қарши қаратилган эди. Қатағон Мирзачўлда ўзига тўқ деҳқонларни, ишчи-хизматчиларни, 153 нафар диний уламоларни ва 72 нафар савдогарларни ўз домига тортган.

Сулаймон Сарбаланд мулла Бойбек ўғли. Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг отаси ҳам дин пешвоси сифатида 1934 йилда қулоқ қилинди, мол-мулки талон-тарож қилиниб, ўзи ҳибсга олиниб, Жиззах турмасига қамалди.

[25] Рустам Шамсиддинов, Қатағон қурбонлари. “Шарқ” нашри, Т.: 2017, 9-бет

Сирдарё воҳасида вояга етган Тўра Сулаймон ўз мақоласида “биргина мен эмас, ўша қирғин-қиронли йилларда туғилган болалардан кўпчилигининг пешоналарига “халқ душмани”, “ёт унсур”, “бой мулла”, “хўжа”, “эшон”, “тўра” деган тамға ёпиштирилган. Ота-оналарининг кўзларига бир бало бўлиб кўринган”лигини эслаб ёзади[26].

Тўра Сулаймоннинг падари бузруквори катта мулла бўлганлиги, беш вақт намоз ўқиганлиги сабабли “дин пешволари”дан деб айбланади. 1934 йилда ГПУ ходимлари томонидан қамоққа олинади. Шоирнинг болалиги қийинчиликда ўтди. Укаси Ғайбулло билан қорин қайғусида уни шатакка олиб, уйма-уй кеза бошлайди… Худодан хабари борлар ёрдам берарди, қай бировлари эса қулоқнинг боласи, деб қувиб соларди. 1937 йилда Жиззах турмасидан Тўра Сулаймоннинг отаси озодликка чиқади. Сулаймон Сарбаланд мулла Бойбек ўғли турмадан келгач, бир куни колхознинг (Ворошилов номли) умумий мажлиси бўлди. Мажлисда иштирок этган колхозчи ўртоқларнинг таклифларига кўра, у ва унинг яқинлари бу мажлисдан чиқиб кетишлари керак, дейилади. Энди кўчишдан бошқа чора қолмаган эди. Шоирнинг оила аъзолари билан киндик қони тўкилган ота юртини ташлаб, кўчирма хўжалик ниқоби остида Мирзачўлга сургун қилинганлигини ёзади.

Тақдир тақозоси билан оила Сирдарё районига кўчирма қилинди. Қатор-қатор аравалар кўчманчиларнинг кўч-кўронларини ортиб, “Малик” совхозининг биринчи бўлимига жойлаштирилди. Тўра Сулаймон кўп қийинчилик азобида аввал “Малик”ка, кейин эса Сирдарёга қатнаб, ўқишни тугатди. “Малик” совхозига кўчиб келганида у ўзини “давлат одами” деб ҳисоблайди. Тўра Сулаймон ўз хотираларида киноя билан “қаранг, давлат одами”ни алдаб ўтирибди-я! Бу қандай даюслик! Шу йўсин “давлат одами” “Малик” совхозида ўқиди. Уриниб-суриниб, одам сонига қўшилди”, деб ёзади. Шоирнинг ўзининг “Хайр энди, Алдашмон, деб…” сарлавҳали шеърида аянчли бир давр бўлган ҳолат ҳақида ёзади[27]. Тўра ака туғилган қишлоқ Алдашмон Бахмал тумани ҳудудида жойлашган. Ҳозир ҳам шу ном билан аталади.

[26] Тўра Сулаймон. Жаҳоннома, Тошкент, 1996. 136-бет
[27] Тўра Сулаймон. Сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим. Тошкент, 2013. 172-бет

Дастлабки колхозларнинг ташкил этилиши борасида жуда катта қийинчиликлар мавжуд эканлигига Тўра ака алоҳида тўхталиб ўтади. Қишлоқ аҳлининг тинчлиги бузилганлиги ГПУ ходимлари томонидан колхозга киришдан бош тортганларни, қишлоқнинг манаман деган Намоз чапани, Оқмурод кўнчи, Омон энчи, Сулаймон сўфи каби бир сўзли кишиларини териб-териб, танлаб-танлаб, ёв босгандай, бирдан босиб олиб кетаётганлигини ёзади. Эркак зоти борки, ол энди, эрта-индин бизни ҳам олиб кетсалар керак, деб қўрқиб-писиниб, қалтираб-қақшаб яшаётган қора бир кунлар экан. “Колхоз дегани шу бўладиган бўлса…” деб бир хил қорувли (бақувват) йигитлар “бек”ларга қўшилиб кетибди”.[28]

Сўнгги йилларда эълон қилинган сиёсий адабиётлардан маълум бўлишича, ўтган асрнинг 20-йилларида СССР тасарруфидаги қишлоқларнинг ижтимоий тузилишида жиддий ўзгаришлар рўй берган. Бир томондан бойларнинг тазйиқ ва сиқув остига олиниб, мол-мулкларининг мусодара қилиниши, иккинчи томондан ёшларнинг шаҳарда очилган ўқув юртларига, камбағалларнинг эса ишлаб чиқариш корхоналарига оқиб келиши натижасида ўртаҳол деҳқонлар қишлоқ аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этишган. Совет давлатининг бой ва нисбатан фаровон турмуш кечирган аҳолига нисбатан нафратли муносабати ва, аксинча, батрак ва чорикорларга кўпроқ ён босиши қишлоқдаги маънавий иқлимга салбий таъсир кўрсатган. Қишлоқ аҳолисининг камбағал ва ночор қисми совет тарғиботи ва ташвиқоти таъсирида бойлар ва ер-сув эгаларига нисбатан ғаразли хатти-ҳаракатларни амалга оширганлар. Бу ҳол 20-йиллар охирида бошланган жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” кампаниясида кўплаб адолатсизликларнинг содир бўлишига сабаб бўлган.

Боёвутлик Холназар чавандоз. Ўзбекистон ҳалқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг бобоси ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳалима Худойбердиева “Юрагимнинг оғриқ нуқталари” деган суҳбатида менинг бобом аввалги мақолаларимдан бирида ёзганим репрессия қурбони бўлган Холназар чавандознинг ҳам оқлангани ҳақида менинг онам Қаршигул Холназар қизига, Саидқул, Раззоқ, Қодирқул Холназар

[28] Тўра Сулаймон. Сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим. Тошкент, 2013. 278-бет

ўғилларига хабар келди. Мени Боёвутга, онамнинг мазаси бўлмаётганлигини айтиб, чақиртиришди. Борсам, онамнинг ранги докадек оқариб кетган. Қўллари қалтираб пичирлайди, холос: “Оқлашибди, падари бузрукворимни оқлашибди... Билардим-а, оҳ, шўрлик отам-а, воҳ шўрлик отам… Тариқча гуноҳинг йўқлигини билардим…”

Умр бўйи ҳаммасини билиб, тишини тишига қўйиб яшашдай оғир азоб йўқлигини мен ўз онам мисолида кўрдим. Ёши қирқни қораламай сочлари пахтадай оқариб кетганини мен меҳнатнинг оғирлигидан, деб билдим. Ахир бу у одамларнинг ҳар бири айни гуллаган ёшида (бобом 37 ёшида вафот етган эканлар) узоқ Шарқ қаҳратонларида ўпкасини совуққа олдирибми, даҳшатли Сибирь қамоқхоналарининг совуқ баракларидаги ақлга буров соладиган тергов азобларига дош беролмай ақлдан озибми, ит азобида ўлиб кетган бўлсалар-у, орадан 40 йил, 50 йил ўтгач, тегишли жойлар дан “уларга қўйилган айблар асоссиз эканлиги айтилиб, уларнинг оқланганлиги” ҳақида қоғоз олсанг… Бу қандай иш юритиш йўсини бўлди, ахир?

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шундан шаҳодат берадики, 20-йиллар охири 30-йилларнинг бошларида, юқорида баён қилинган сабабларга кўра, қишлоқда “қулоқ”ларнинг мавқеи катта бўлмаган. Бинобарин, уларда совет давлати амалга ошираётган тадбирларга жиддий қаршилик кўрсатиш имконияти қарийб бўлмаган ва улар совет давлати учун хавфли мухолиф кучни ташкил этмаган. Аксинча, ўша йилларда жонлана бошлаган деҳқонларнинг ўрта қатламида - ўртаҳоллар орасида – совет давлатидан норозилик кайфияти тобора кучайиб борган. Бунинг сабаби улар хўжалигининг равнақ топа бошлаши билан уларга қўшимча солиқларнинг жорий этилиши, натижада уларнинг яна қашшоқлана бошлаши ёки туғилиб, ўсган жойларидан қочишга мажбур бўлиши эди.

Совет давлати шаҳарда ҳам капиталистик “унсурлар”нинг авж олишига имкон бермаган. Собиқ бойлар, амалдорлар, эшонлар янги сиёсий тузум исканжасига тушиб, шу тузум билан муросаи мадорада яшашдан ўзга чора топа олмаганлар. 1928-1929 йиллардаги совет жамиятининг ижтимоий-демографик тузилиши шундай эди.

Аммо совет давлати катта қийинчилик билан кечаётган жамоалаштириш кампаниясини ғолибона якунлаш мақсадида районларда яшаётган аҳоли ўртасида “қулоқлаштириш” кампаниясини бошлаб юборди. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ўша йилларда, масалан, Ўзбекистон қишлоқларида “қулоқ”лар қарийб қолмаган. Уларнинг бир қисми отиб ташланган, иккинчи қисми ер-сувидан ажралгани учун камбағаллашиб қолган, учинчи қисми эса, шундай қисматга тушгани сабабли ҳақиқат излаб, шаҳарга кўчиб кетган ва кўчиб кетаётган эди. Шунинг учун ҳам қишлоқда олиб борилган “қулоқлаштириш”нинг оғир зарби ўртаҳол деҳқонларнинг елкасига тушди. Турли амал ва мартабаларга эришган батраклар “қулоқлаштириш” даврида ўзларининг шахсий муносабатларидан келиб чиққан ҳолда қўни-қўшниларининг, қариндош-уруғларининг оёқларига болта урдилар. Большевиклар партиясига кириб, қишлоқдаги аввалги мавқеларини сақлаб қолган кимсалар эса кечаги батракларнинг йўлига қопқон қўйдилар. Бу куни кеча якунланган фуқаролар урушининг ўзгача бир кўриниши эди.

“Аргументы и факты” газетаси (1988 йил, 14-сон)да берилган маълумотга қараганда, жамоалаштириш кампанияси бошлангунга қадар СССРда 26,5 миллион деҳқон хўжалиги мавжуд бўлиб, улар ихтиёрида 118 миллион гектар экин майдони бўлган. Зўравонлик билан олиб борилган жамоалаштириш натижасида 1933 йилда СССРда 23,3 миллион хўжаликкина қолган, яъни 3 миллион энг қудратли деҳқон хўжалиги тугатилган. Қишлоқ аҳолисининг ҳақ-ҳуқуқларини топтаган, мол-мулкларини жамоа хўжалиги фойдасига ўтказиб, қўл-оёқларини кўринмас занжирлар билан боғлаган жамоалаштириш компанияси деҳқонларда совет давлати сиёсатидан қаттиқ норозилик туйғуларини уйғотмаслиги асло мумкин эмас эди.

Шундай бўлди ҳам. Йирик хорижий советшуносларидан бири Стивен Коэннинг гувоҳлик беришича, 25 миллион деҳқон оиласи жамоалаштиришга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Совет давлати уларнинг қаршилигини синдириб, колхозларни барпо этиш учун қишлоқ фаоллари, шаҳардан юборилган ишчилар, милиционерлар, қизил аскарлар ёрдамида уларга қарши ҳарбий хуружлар уюштирган, қамоққа

олган ва сургун қилган. Бундай бедодликка қарши нафақат Марказий Россия, Ўрол, Сибирь ва Кавказда, балки Туркистонда ҳам деҳқонларнинг кўплаб ғалаёнлари бўлиб ўтган. Шубҳасиз, бундай ғалаёнларда иштирок этган деҳқонлар қатағон тўпига ем бўлганлар.

Бошқа республикаларда бўлганидек, ўша йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳам янги-янги қамоқхоналар ташкил этилган ва маҳбуслар билан тўла бўлган. Маълум бўлишича, Ўз ССР Халқ комиссарлари Совети шу вазиятни инобатга олиб, 1935 йил 29 мартда "Ўзбекистон ССРнинг 1935 йилдаги ишчи кучига бўлган эҳтиёжи ва уни қондириш ҳақида"ги махсус қарор қабул қилган. "Правда Востока" газетасининг 1935 йил 5 апрель сонида эълон қилинган бу қарор СССР ички ишлар халқ комиссари Ягоданинг эътиборини тортмай қолмайди. У газетанинг мазкур сонини СССР Халқ комисарлари Совети раиси Молотовга йўллаб, унинг эътиборини бундай қарорнинг оммавий газетада чоп этилиши нотўғри эканлигига қаратади. Ўз навбатида Молотов Тошкентга қуйидаги телеграммани юборади:

Телеграмма

"Тошкент. Совнарком. Файзулла Хўжаевга

1935 й. 29 апрель

Мутлақо махфий.

Шифрли.

Нусхаси ўр. Ягодага

"Правда Востока" газетасида Наркомвнутдел[29]нинг Ўрта Осиё лагерларида фойдаланилмаётган ишчи кучининг ғоят катта сони кўрсатилган Ўзбекистон ХКС нинг "Ўзбекистон ССРнинг 1935 йилдаги ишчи кучига бўлган эҳтиёжи ва уни қондириш ҳақида" 29 мартдаги қарори эълон қилинган .

Иттифоқ Совнаркоми бу қарорни, айниқса, унинг эълон қилинганини нотўғри ва сиёсий одобга зид ҳисоблаб, Ўзбекистон ХКСга мазкур қарорни зудлик билан бекор қилишни тавсия этади.

Бажарилгани ҳақида хабар қилинг. - № 658 (ШИ) 619. ХКС

Молотов"[30].

[29] *Наркомвнутдел* - Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД)нинг 30-йиллардаги қисқартирилган шакли.

[30] Трагедия Среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Документы и материалы. В трёх томах. Том 2. -Ташкент: Шарқ, 2006. - С. 332.

Республикада, аввалги йилларда бўлганидек, 1935 йилда ҳам ишчи кучига эҳтиёж ғоят катта бўлган. Бу эҳтиёж эса минглаб кишиларнинг арзимаган баҳонаи сабаблар билан қамалгани натижасида вужудга келган. Ўзбекистон Халқ комиссарлари Совети юқорида тилга олинган қарорни қабул қилибгина қолмай, унинг "Правда Востока" газетасида чоп этилган нусхасини СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига юборган ва республикада ишчи кучига шундай катта эҳтиёж бўлган бир вақтда НКВДнинг Ўрта Осиёдаги лагерларида минглаб маҳбусларнинг бекор ётганига эътибор қаратган бўлиши мумкин. Агар тахминимиз тўғри бўлса, республика раҳбарияти бу қарорни қабул қилиш билан қамоққа олинган бегуноҳ кишиларнинг бир қисмини озод қилиш ёки уларни Республикадаги меҳнат жабҳаларига жалб этишни кўзлаган. Ҳар ҳолда ҳукумат раҳбарлари, бир томондан, Республиканинг иқтисодий салоҳиятини кўтариш, иккинчи томондан, Ўрта Осиё лагерларида ётган ҳамда Беломорканал ва Москва - Волга каналидек улкан қурилишларга юборилажак маҳбусларни республикада олиб қолиш ва улар меҳнатидан фойдаланиш чораларини излашган кўринади.

ВКП(б) МКнинг "Ёппасига жамоалаштириш районларидаги қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида" 1930 йил 30 январда қабул қилган қарори билан қишлоқ аҳлини ёппасига жамоалаштиришгина эмас, балки оммавий равишда қатағон қилиш фожиалари ҳам бошланиб кетди. Қишлоқда қулоқларнинг ўртача сони 2-3 фоизни ташкил этгани ҳолда кўпгина районларда қатағон қилинган қулоқлар сони 10-15 фоизга кўтарилди. Ҳолбуки, ОГПУ томонидан белгиланган режага кўра, қулоқларнинг 3-5 фоизигина қатағон қилиниши режалаштирилган эди.

"Қулоқлар" сургуни гарчанд ўша йилнинг февраль ойида бошланган бўлса-да, ОГПУнинг шу ҳақдаги директивалари ёппасига жамоалаштирилиши лозим бўлган районларга январь ойидаёқ етиб борди. "Қулоқлар" бу директиваларда уч тоифага: 1) "аксилинқилобий фаоллар" 2) "қулоқ фаоллари"дан бошқа унсурлар, қулоқ бойлар ва ярим помешчиклар, шунингдек, 3) район ҳудудларида қолдириладиган қулоқларга ажратилган эди. Биринчи тоифадаги "қулоқлар" судсиз

концентрацион лагерларга юборилган ва ҳатто отиб ташланган, аммо кейинчалик уларнинг отилмай ва қамалмай қолган қисми иккинчи тоифага ўтказилган. Икки тоифадаги “қулоқлар” СССРнинг ёки ўзлари яшаган юртнинг олис жойларига сургун қилинган. Учинчи тоифадаги “қулоқлар” эса жамоа хўжаликларидан четроқдаги кичик посёлкаларга жойлаштирилган. Биринчи тоифадаги “қулоқлар” 60 мингта оиладан, иккинчиси 150 мингта оиладан иборат бўлиб, уларга РСФСР, Ўрта Осиё, Кавказорти ва Шимолий Кавказдаги миллий районлардан бир қанча оилалар қўшилган ва уларнинг умумий сони 245 минг хўжаликка етган.

Шуни ёдда тутиш керакки, совет давлати ўша йилларда “қулоқлар”га қарши курашда ГПУ-ОГПУ органларига ғоят катта ваколат берган эди. Бу ваколатдан фойдаланган чекистлар “қулоқлар”ни судсиз-терговсиз отиб, бу даҳшатли воқеа бошқаларга ҳам ибрат бўлиши учун қатл этилган “қулоқлар” рўйхатини маҳаллий ва марказий матбуот саҳифаларида эълон қилиб боришган. Бу ҳол аҳолида совет давлатига қарши уйғониб бораётган кайфиятни кучайтириб юбориши мумкин эди. Шунинг учун ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 1930 йил 15 февралдаги қарори билан “аксилинқилобий қулоқ унсурлар”ни отиш фактларини маҳаллий ва марказий матбуот саҳифаларида эълон қилиш ҳақидаги 1929 йил 3 январда қабул қилган қарорини бекор қилади.

Ўрта Осиёдаги “қулоқлар” 1930 йил баҳорида ўз юртларидан сургун қилина бошлади. "Учликлар томонидан рўйхатга олиниб, турли тоифаларга ажратилган “қулоқлар” Сибирь, Ўрол, Шимолий Қозоғистон ва Беломорканал қурилишига жўнатилди. 1931 йилдан бошлаб эса “қулоқлар”га “махсус кўчкинчилар” мақоми берилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фойдаланиш мақсадида уларнинг катта қисми Ставрополь ўлкаси ва Украинанинг Херсон вилоятига юборилди. Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан “қулоқ” қилинганлар Ставрополь ўлкасининг Арзгир, Дивенск, Прикумск ва бошқа туманларига, ўзбекистонлик “қулоқлар”нинг қолган қисми эса Херсон вилоятининг Николо-Александровск, Ново-Романовка ва бошқа туманларига бадарға

қилинди. “Қулоқлар”нинг учинчи тоифага мансуб қисми республиканинг “Боёвут”, “Далварзин”, “Савай”, “Булунғур”, “Ҳазорбоғ”, “Учқўрғон”, “Норин” ва бошқа совхозларига юборилди. Ўзбекистонлик “қулоқлар”, аёнки, серқуёш ўлкада ўсиб, улғайган ва дала ишларига мослашган эдилар. Шунинг учун уларнинг бир қисми Херсон вилояти, Ставрополь ўлкаси, айниқса, Шимолий Қозоғистоннинг аёзли қишига дош беролмай, совуқ ва очликдан қийналиб ўлиб кетди. Хусусан, Шимолий Қозоғистоннинг Шартандин туманидаги 37-меҳнат посёлкасига бадарға қилинган ўзбеклар ўта совуқ иқлимдан ташқари, ноанъанавий ишларни бажаришда кунлик нормаларини бажара олмай, бир бурда нонга зор бўлиб, азоб-уқубат чекдилар. Уларнинг иссиқ ўлкаларга кўчириш тўғрисидаги илтижолари эътиборсиз қолди.

30-йиллардаги мажбурий миграцияларга бағишланган илмий адабиётда берилган маълумотга қараганда, ёппасига жамоалаштирилган районлардан 1930 йилнинг охирига қадар 371645 нафар кишидан иборат 77795 та оила шимолий ўлкаларга сургун қилинган. Агар “қулоқлаштириш” кампанияси 1939 йилга қадар давом этганини эътиборга олсак, бу рақам яна бир неча маротаба ортади.

Афсуски, жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” йилларида Ўзбекистон бўйича қанча кишининг “қулоқ” қилиниб, Сибирь, Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон, Беломорканал ва Москва-Волга канали қурилишларига, шунингдек, республика ичидаги меҳнат посёлкаларига юборилгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Россиялик тарихчи В.Н. Земсковнинг “Отечественная история” журналининг 1994 йил 1-сонида эълон қилинган “Қулоқлар сургуни” тақдири (1930-1954 й.й.)” мақоласида қайд қилинишича, фақат 1930-1931 йилларда махсус қишлоқларга ишлаш учун кўчириб келтирилган “қулоқлар” сони 1 миллон 803 минг 5392 нафар кишини ёки 391 минг 26 та оилани ташкил этган. Аммо айрим тарихчилар қулоқ қилинганлар сони 3,5 миллиондан 9 миллионгача бўлган, деб тахмин қиладилар. Россияда нашр этилган энциклопедиялардан бирида эса, 1929-1933 йилларда Шимолий Россияга ҳаммаси бўлиб 9 миллионга яқин “қулоқлар”нинг сургун қилингани айтилган.

В.Н.Земсковнинг юқорида зикр қилинган мақоласида берилган маълумотга кўра, 1930-1931 йилларда Ўрта Осиёдан 6 минг 944 та оила сургун қилинган. Улардан 159 таси Қозоғистонга, 2 минг 213 таси Шимолий Кавказга, 3 минг 444 таси Украинанинг Херсон вилоятига мажбуран юборилган, 1 минг 128 таси эса Ўрта Осиёдаги махсус посёлкаларга жойлаштирилган.[31] Аммо бу рақамларнинг бирортасига ҳам ишониш қийин.

Совет давлати миллий республикалардаги "қулоқлар"ни собиқ иттифоқнинг турли районларига бадарға қилиш билангина кифояланмади. Ўша йилларда ВКП(б) Марказий Комитетининг ташаббуси билан "йигирмабешмингчилар" ҳаракати бошланди. Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенск ва бошқа саноат марказларидаги ишчилардан ташкил топган бу ҳаракатнинг 433 нафар вакили Ўзбекистонга келди. Улар республиканинг ўзидан "отилиб чиққан" 353 нафар ишчи билан бирга қишлоқларга бориб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга "бел боғлаб киришдилар". 139 нафари жамоа хўжаликларига раис, раис ўринбосарлари ва правление аъзолари бўлиб сайландилар. 57 нафари туман миқёсидаги раҳбарлик лавозимларини эгалладилар. Қолганлари эса жамоа хўжаликларидаги бирламчи партия ташкилотларига котиб этиб сайланишди. Марказ "доноларча топилган" бундай тадбири билангина кифояланиб қолмади. РСФСРнинг марказий районлари Ўзбекистоннинг айрим туманларини оталиққа олди. 1930 йил баҳорги экин кампаниясига "ёрдам бериш" учун Марказий Россиядан 458 нафар кишидан иборат 26 та бригада Ўзбекистонга келди. Дурадгор, темирчи, чилангар сингари касб эгаларидан ташқари, бу бригадаларда талайгина сиёсий ходимлар бўлган.

Йиллар ва даврлар ўтиши билан халқ ҳаётида рўй берган ҳатто фожиали воқеалар ҳам секин-аста унутилиб боради. Ҳозир Сибирь ва Шимолий Кавказга, Беломорканал ва Москва - Волга канали қурилишларига сургун қилинган Ватандошларимиздан бирортаси қолмаган. Украинага сургун қилинганлардан ҳам саноқли кишиларгина тирик. Ҳолбуки, тарихчилар нафақат 1916 йил қўзғолони

[31] Қаранг: Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. - Тошкент: Шарқ, 2001. 104-105-Б.

қатнашчилари, балки жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” даври қурбонларининг ҳам хотираларини ёзиб олиб, авлодларга қолдиришлари лозим эди. Яхши ҳамки, совет даврида нашр қилинган ижтимоий-сиёсий адабиётда шу даврга оид айрим воқеалар амалдаги мафкура нуқтаи назаридан бўлса-да, ёзиб қолдирилган. Шундай воқеалардан бири 1934 йилга оид. Маълум бўлишича, ўша йили баҳор кечикиб, давлатга пахта топшириш режасини бажариш хавф остида қолган. Бу ҳолдан ташвишланган Москва октябрь ойи охирларида ВКП(б) МКнинг В.В.Куйбишев ва Н.К.Антипов раҳбарлигидаги бригадани Ўзбекистонга юборган. “Бригада, - деб ёзилган “Ўзбекистон ССР тарихи”нинг 3-жилди (1967)да, маҳаллий коммунистларнинг қўллаб-қувватлашларига суянган ҳолда колхозлар, қишлоқ Советлари ва бошқа ташкилотларни синфий душмандан тозалаш бўйича катта ишларни амалга оширди. 1934 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида қўпорувчилик билан шуғулланган 1303 нафар қулоқ, 498 нафар савдогар, 199 нафар руҳоний, 40 нафар амир амалдорлари фош этилди”.

Тозалаш натижасида колхозлар қадларини тиклаб олдилар. Уларнинг аксари пахтани териб олиб, давлатга топширишда муваффақият қозонди. Аммо республика бўйича 1934 йилда давлатга пахта топшириш режаси фақат 87,7 фоизга бажарилди”[32].

Агар баҳор кечиккан ва ғўзани ўз вақтида экиш имкони бўлмаган, жамоа хўжаликларига миришкор деҳқонлар эмас, балки Россиядан келган ишчилар “йигирмабешмингчилар” раҳбарлик қилган бўлса, бунда “қулоқлар” у савдогарларнинг, руҳонийлару собиқ амир амалдорларининг нима айби бор?!.

Аммо партия ўз олдига қўйган қайси оламшумул режани бажара олмаган бўлса, доим синфий душманларни айблаб келган ва ўзи йўл қўйган ҳар бир хатони уларга ағдариб, минглаб ва миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритиб келган.

Биз юқорида жамоалаштириш ва “қулоқлаштириш” даврида рўй берган фожиаларни назарда тутиб, шу даврни фуқаролар уруши даврига қиёслаган эдик. Агар фуқаролар уруши йилларида совет давлати айби билан бир миллат фарзандлари бир-бири билан уришган

[32] История Узбекской ССР. В 4-х томах. Том третий. -Ташкент: Фан, 1967. - С. 602.

ва бир-бирининг қонини тўккан бўлса, “қулоқлаштириш” даврида совет давлати ўз халқини “қулоқлар” ва “йўқсиллар”га ажратиб, биринчисининг ер-сувини, мол-мулкини тортиб олди ва ўзини синф сифатида қириб ташлади.

Мазкур китобга исми-шарифлари киритилаётган шахслар ҳам айнан мана шундай ўз мамлакати ва миллатини оёқости бўлишидан авайлаб, ўз жонларини фидо қилган инсонлардир.

30-40 ЙИЛЛАРДА ЮЗ БЕРГАН ҚАТОҒОНЛИК СИЁСАТИ

1930-йилларда собиқ шўролар даврида жамолаштириш сиёсати мажбурий ўтказилди. Жамоалаштиришнинг “жадал суръатлари” натижасида республика бўйича 1930 йил мартда деҳқон хўжаликларининг 47 фоизи жамоалаштирилди, ҳолбуки, 1929 йил 10 октябрга қадар колхозлар деҳқон хўжаликларининг бор-йўғи 3,4 фоизини қамраб олган эди, холос[33]. Бадавлат хўжаликларнинг мол-мулкини тўлиқ мусодара қилиш “бой-қулоқлар” оилаларини ўзга юртларга сургун қилиш оммавий қонунсизликлар асосида амалга оширилган. “Қулоқлар”га қарши кураш ниқоби остида асосан тадбиркор, ишбилармон деҳқонларга нисбатан ялпи кураш элон қилинди. Ижтимоий жиҳатдан эса, асосан ўртаҳол деҳқонлар ашаддий “қулоқ қилиш” зарбасига учрадилар.

Шу ўринда Гулистон давлат университети ректори, профессор, техника фанлари доктори Мухсин Ходжиев асли водийлик, алломалар юрти Қўқондан. У кишининг отаси Тожибой Ходжиев 1913 йилда Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Яккатут қишлоғида туғилган. Олий маълумотли бўлган. Ўзбекистон темир йўллари ресторани Бешариқ тумани ва Фарғона бўлими бош ҳисобчиси, Қўқон шаҳар савдо бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатган. Қайси меҳнат турида ишламасин ўз ўринларига эга инсон бўлишган. Тожибой Ходжиев ўз жамоасида бир вақтнинг ўзида меҳрибон дўст ҳам эдилар. Тожибой ака ўз соҳаси бўйича етук кадр бўлганликлари сабабли

[33]Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида //Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқ. - Тошкент Шарқ, 2000. -Б 349.

ҳамкасблари улардан доим маслаҳат олиб туришган. Билимли, интилувчан, доим жонкуяр бўлган Тожибой Ходжиевлар оиласи 1940 йилда Ўрта Осиёдаги маданий марказлардан бири Қўқон шаҳрига кўчиб келди[34]. Ушбу маърифатли аҳил оилада ўғиллари Тоҳиржон, Одилжон, Мухсинжон ва Фарҳоджон қизлари Ҳалима ва Салималар туғилиб, вояга етишди. Тожибой ота Абу Мансур Мотрудийнинг "Сабрли бўл, муродга етасан", деган ҳикматли сўзини такрорлашни хуш кўрар, фарзандларини сабр билан яхши ўқишга чорлаб турар эди. Тожибой ота ғамхўрлигидаги зиёли оилада тарбияланган фарзандлар ҳам оталари изидан бориб нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиб, олий маълумотли бўлди. Тожибой отанинг оталари Ҳожи бобо Ходжиев 1887 йилда Фарғона вилояти Рапқон қишлоғида туғилган. Ер-сув ислоҳоти ўтказилишидан аввал 30 таноб ери, 1 та уйи, 2 бош ҳўкизи, 2 бош сигири, 1 та мойжувози ва қўшимча боғлари мавжуд бўлган. 30 гектарга етадиган ерлари мавжуд бўлиб, ушбу ерларида ёлланма ишчилар меҳнатдан фойдаланган. Унинг қўл остида 3 нафар киши чорикор бўлиб ишлаган. Хожи бобо қўл остида ишлаб юрган деҳқонлар уларнинг сахий қўли очиқ инсон эканлигини айтадилар. Ўша йилларда кўплаб инсонлар ўз араваларини зўрдан тортаётган бўлса, уларнинг қўл остида ишлаб юрган деҳқонлар ўзларига тўқ бўлишган, сабаби уларнинг ерларида деҳқончилик маҳсулотлари жуда ҳам мўл-кўл бўлган. Бу эса ўз-ўзидан уларнинг қўл остида ишлаётган деҳқонларнинг ҳам халол пок инсонлар бўлганлигидан далолат беради. Қишлоқдаги инсонлар ҳам у инсондан доим миннатдорлик кайфиятида гапиришган. Сабаби, ҳосил йиғим терими вақтида ўша жойда ночор яшайдиган инсонларга ўзларига билдирмасдан насиба улашганлар.

Ўша йилларда юқоридан келиб турган ҳар хил йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар зўрликни авж олдиришга мўлжалланган эди. Бу йўл-йўриқлар кимларни қулоқлар тоифасига киритиш кераклигини аниқ белгилаб бермасди. Якка тартибда қишлоқ хўжалик солиғи солинадиган ўзига тўқ деҳқон хўжаликларнинг рўйхати қулоқ хўжаликларини белгиланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Бу рўйхатлар молия органлари томонидан тузилар ва ўртаҳол деҳқонлар

[34] Р.Маҳмудов., Ҳаёт-мангулик зарраларидир. -Тошкент: "Tamaddun", 2021. –Б.13.

ҳатто камбағаллар ҳисобига кенгайтириб бориларди. Чунончи, Мирзачўл тумани (Тошкент вилояти) да 137 та қулоқ хўжалигини тугатиш кўзда тутилган эди, лекин рўйхатлар текшириб чиқилганидан кейин 75 та хўжалик тугатилди. Кўпгина районларда қулоқ хўжаликларинигина эмас, балки ўртаҳол ва ҳатто камбағал хўжаликлар ҳам мусодара қилинди.

30-йилларда жамоалаштириш сиёсати бошланди. Айнан ўша йилларда кўпчилик қулоқ қилиниб узоқ ўлкаларга олиб кетила бошланди. Юз берган бу адолатсизлик ва зулмнинг қурбони бўлган юртдошларимиз тақдирига бефарқ қараб бўлмайди.

1931 йил сентябрь ойининг охирларида Хожи бобо ҳам, кўп инсонлар қаторида оила аъзолари билан НКВД ходимлари томонидан Сирдарё вилояти Боёвут туманига сургун қилинди.

Мол-мулкларини, уйларини мусодара қилишди. Сургун қилинаётган оилаларга ўзлари билан болта, арра, белкурак, дурадгорлик асбоблари ва икки ойга етарли озиқ-овқат олишга рухсат берилган. Узоқ йиллар йўқчиликдан азоб чекишган. Боёвутдаги Меҳнат лагерида тиконли симлар орасида НКВД нинг қуролланган соқчилари назорати остида ишлай бошлашди. Лагердагилар зиммасига пахта, полиз экинлари экиш вазифаси юкланди.

Ёзнинг иссиқ, қишнинг совуқ кунларига чидаб, аёллар ва бола-чақалар ишлайди. Оғир меҳнат орқасида пахта майдонлари кенгайтирилди. Одамларнинг кийгани кийим-кечаги йўқлиги, егани овқати йўқлиги сабабли тинка-мадори қуриб бораётган эди. Лагерларда мажбурликдан ишлаётган инсонлар аста секин турли хил касалликларга ҳам дучор бўла бошлаган. Далалардан меҳнатдан қайтган инсонлар лагернинг зах ерларига келиб ўзларига турли шамоллаш касалликларини орттириб олиш жараёнлари кўпайган вақтда Хожи бобонинг умр йўлдоши Шакарой Асрорқул қизи аянинг ҳам аҳволи анча оғирлашиб, тиф касалига чалиниб қолган эди.

Шакарой аянинг энди лагерда сақлаш мутлақо мумкин эмас эди. Шифокорлар тиббий кўрикдан ўтказиб, тиф касалига мубтало бўлганлиги, агар лагерда юрадиган бўлса, бошқаларга ҳам юқтириши мумкинлигидан қўрқиб, уйига қайтиб кетишига рухсат беришди.

Шундан сўнг Шакарой аяни Урсатьевский станциясига бошлаб келиб, қизил вагонга солиб, Фарғона водийсига олиб кетишди. Станциядан вокзалга у ердан эса от-аравасида ичига похол солиб, ётқизиб олиб келишган. Аслида Шакарой аянинг ўпкаси қаттиқ шамоллаб, ўтиб кетган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан у киши 1932 йил кузида вафот этдилар. Шакарой аядан Тожибой исмли ўғли қолди.

Хожи бобо ҳам Боёвут меҳнат лагеридан қайтиб боргач, жуда катта қийинчиликлар билан колхозга аъзо бўлиб кириб, ишлай бошлади. Улар ҳам мехнат лагеридан қайтганлар сингари узоқ яшамадилар. Ўша вақтларда лагердан қайтган инсонлар ўзларига оғир бир касалликни орттириб келишган. Хожи бобо эса ўз танасидаги оғриқни ҳеч кимга билдирмай умрининг охирги кунларини ҳам меҳнатда ўтказди. Хожи бобо 1947 йилда вафот етдилар.

Мухсин Тоджиевич университет тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейига ташриф буюрганида ҳар сафар бобоси Хожи бобо ва катта бувилари Шакарой ая ҳақида кўп эслаб, ачиниш билан гапириб қоладилар:

- Отам фарзандлари даврасида ўтирганида бугунги кунларига шукроналар айтардилар. Лекин ўзларининг отаси ва оналари ҳақида жудаям ачиниб, уларнинг аччиқ қисмати ҳақида, бизга гапириб берардилар. Болалигимизда кўп ҳам эътибор бермаган эканмиз. Отамнинг ёшлари бир жойга бориб қолганида ота- онасининг аччиқ қисматини яна ҳам кўп эслайдиган бўлди.

Бобом билан катта бувимнинг Тошкентда бирга тушган сураьтларигина бизга эсталик бўлиб қолган. Хожи бобом ва катта бувим Шакарой ая ҳақида кўпроқ маълумотни билгим келади. Ўйлайманки, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган одил сиёсат биздек фарзандларни қаддини тиклайди, руҳини кўтаради. Ҳали биз билмаган қанча тарихий ҳужжатлар ўрганилади. Ўзим Гулистон давлат университетида 2017 йилда ректор лавозимида иш бошлаган кунимдаёқ Хожи бобом ва Шакарой катта бувимларнинг 30-йилларда Боёвутга қулоқ қилингани, уларнинг меҳнат лагерида ишлагани ҳақида ўйладим деб эслайди М.Ходжиев”.



Мухсин Тоджиевичнинг катта бувиси Шакарой Асрорқул қизи ва катта боболари Хожи бобо Ходжиев

Бу тақдир таққазосини қарангки, 30-йиллардан бери орадан қарийб 90 йиллик давр ўтиб, бобоси ва момоси қулоқ қилинганларида уларнинг қадами етган Сирдарё заминига набираси Мухсин Тоджиевич ректор бўлиб ишга келгани яратганнинг карoматидир.

Нишонбой Маткаримов 1944 йилда Украинада туғилган. Гулистон шаҳри “Сувчилар” маҳалласида яшайди. Кўзи ожиз. Сирдарё давлат педагогика институти филология факультетини (брайлча ёзади) тугатган.

Фарғона водийсидаги Найнаво қишлоғида бобоси ва ўзининг ота-онаси яшаган. Бобоси Тасланбой ота Украинага 30-йилларда қулоқ қилинган эди. У киши сургунга боришдан бош тортиб, яшириниб қолади. Тасланбой ота ва аёли ҳам жуда кексайиб қолган эди. НКВД ходимлари унинг ўғлини отасининг ўрнига Украинага сургун қилиб юборади. Ўғли Деҳқонбой Маткаримов оиласи билан Украинанинг Каховка қишлоғига “қулоқ” сифатида сургун қилинади. Фарзандининг олиб кетилганидан афсусланиб, Тасланбой ота аёли билан ўша қишлоққа етиб боради. У ерда ўғли Деҳқонбойни топиб, бирга яшай бошлайди.

Нишонбой Маткаримовнинг хотиралари қуйидагича:

Украинанинг Каховка деган қишлоғига “қулоқ” сифатида сургун қилинлар сафида 30 дан зиёд оила бор эди. Айни ўша вақтларда ўзбеклар Украинага боришоқ 30-йилларнинг даҳшатли очарчилигига дуч келишди. Натижада кўпчилик ҳаётдан кўз юмди. Ўзбеклардан кўра, украинлар бу даҳшатли очарчиликдан қийналган эдилар. Бу даврда биз—ўзбекларнинг жипслигимиз, удабуронлигимиз, бир-биримизни қўллашимиз камроқ талофат кўришимизга олиб келган экан.

Қизиғи шундаки, ўзбекларнинг кўпчилиги боргандан сўнг 3 йил ўтгач, хаётини ўнглаб олишди. Бир қават кийим-кечак билан ҳеч қандай мол-мулксиз нотаниш муҳитга тушиб қолган одамлар қаттиқ чеклашларга қарамай қисқа муддатда 2-3 бошдан қорамолли, от-уловли бўлдилар. Давлат “қулоқ” қилинган ўзбеклар меҳнатидан яхшигина фойдаланди, уларнинг кучи билан Украинада биринчи марта пахта экилди ва алоҳида пахтачилик давлат хўжалиги ташкил этилди.

Украинага қулоқ қилинган ўзбекларимиз пахта етиштирар эдилар. Нишонбой отанинг ота-оналари ҳам машҳур пахтакорлардан эди.

Отам Деҳқонбой Маткаримов 1895 йилда туғилган. Момом Ойимча Маткаримова 107 ёшида Украинада вафот этди. “Қулоқ” қилинганлар Каховкада ташкил этилган давлат хўжаликлари маҳаллий аҳоли яшайдиган хуторлардан (қишлоқ кўринишидаги аҳоли яшайдиган жой) ажратиб қўйилган. Улар худди мавсумий мардикорлар каби ўзи билан ўзи овора эдилар. Пахтазор уватларига полиз экинлари экишарди. Қора қозонимизни қайнатадиган махсулотлардан даромад ҳам олинарди. Пахта бўйича давлат томонидан белгилаб берилган мажбурий режа ўлда-жўлда бажарилгач, деҳқонларга бериладиган натурал хақ ҳам чегириб ташланар эди. Найнаво қишлоғидан ташқари, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан ҳам кўпчилик аҳоли қулоқ бўлиб келган эди. Узоқдаги бегона юртда яшаганимиз учун бир оила фарзандларидек аҳил эдик.

НКВД ходимлари ва комендант ҳар куни эрталаб кечқурун “қулоқ” бўлганларни икки маҳал йўқлама қилишар эди. Бир куни мол–ҳолларимиз учун тўплаб қўйилган пичанга ўт кетди. Кучли ёнғин бошланди. Қўни-қўшнилар келиб, оловни ўчиришди. Онам билан

дадам, яқин оғайниларига секингина “эҳтиёт бўлинглар, Қуръони карим китоби пичаннинг ичида. НКВД ходимлари кўриб қолишса, яна бизларни жиноий жавобгарликка тортишади”, деб хавотирланишди.

Мўъжизани қарангки, олов пичаннинг ярмига етганида тўхтади, айни ўша жойдан китоб топилди. Ҳамма ҳайратда. Китоб ёнмай қолган эди. 1928 йилда энг катта акам Ҳабибулло Маткаримов туғилган. У киши ўн уч ёшида фронт ортида ёлланма ҳарбий бўлиб (пулемётчи) хизмат қилди. Неъмат Маткаримов 1937 йилда туғилган. Кимё Маткаримова 1939 йилда туғилган. Акаларимдан бири Украинада яшаётганимизда ном-нишонсиз бедарак йўқолди.

Украинада устимиз юпун. Қиш қаттиқ келган. Совуқ суяк-суягимизгача ўтиб кетарди. Қирчиллама совуқда юриб бўлмасди, ўтин тўплашнинг иложи йўқ эди. Яна бир томондан уруш бошланган эди. Украинага ҳам немислар бостириб келишди. “Қулоқ” қилинганлар яшайдиган хуторлар немисларни қизиқтирмас эди. Эс-ҳуши жойида бўлган одам биз томонларга бошини суқмасди.

Уруш тамом бўлиши билан энди “у ерга кўчириб келтирилганлар орасида “қулоқ” қилинганлар ўз юртларига қайтарилар эмиш” деган гап тарқалди. Ҳамма юртга қайтиши ҳақидаги хабарни эшитиб, хурсанд бўлди. 1946 йилдан бошлаб “қулоқ” қилинганлар, асосли ҳужжатларини тўғрилагач, ўз юртига қайта бошладилар. Биз оиламиз билан 1947 йилда қайтдик. Тошкентга етиб келгач, Фарғонага эмас, Сирдарё вилоятига – ҳозирги Ширин шаҳри барпо этилган ҳудудга келиб, жойлашдик. Чунки “бу ерда ГЭС қурилиши муносабати билан ишлаймиз”, деган ниятда ҳам келдик. Орадан 3 йил ўтгач, Мирзачўлга кўчиб келдик. Онам Саломатхон эскича илмдан хабари бўлиб, отинойи эди. 1987 йилда 97 ёшида оламдан ўтди. Акам Ҳабибулло Маткаримов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқиб, олий маълумотли бўлди.”

Кўп йиллар давомида Ҳ. Маткаримов ўқитувчилар малакасини ошириш институтида фаолият юритди, мактаб директори лавозимида ишлади. Гулистон шаҳар жиноят судида маслаҳатчи лавозимларида фаолият юритди. Ҳозирда нафақада.

Жўра Алфиев 1888 йилда Туркманистон Республикаси, Чоржўй вилояти, Хўжандбас туманида туғилган. Миллати туркман, тижорат ишлари билан шуғулланган. 1930 йилда Карманага “қулоқ” қилинган. Реаблитация қилингандан кейин 1931 йилда оиласи билан 3-Боёвутга кўчирма қилинган. 1967 йилда оиласи билан Туркманистонга бориб, вафот этган. Қизи Шарофат Чўлиева ҳозирда “3-Боёвут”нинг “Дўстлик” маҳалласида истиқомат қилиб келмоқда.

Абдуманноб Азимов 1902 йилда Фарғона вилояти, Бувайда туманида туғилган. Миллати ўзбек. 1932 йилда ўзига тегишли мол-мулкка эга бўлганлиги учун Сирдарё вилояти Гулистон тумани Деҳқонобод қишлоғига сургун қилинган. Сургунда бўлган йилларида меҳнат тузатиш лагерида оғир қийноқлар билан ишлатилган. Набираси Анорбой Пирматов Гулистон шаҳар “Намуна” маҳалласида истиқомат қилади.

Раззоқ Адинаевнинг миллати ўзбек. Ховос район Каганович номли колхознинг раиси лавозимида ишлаган вақтида унга “аксилинқилобчи” деган айблов қўйилган. 1905 йилдан 1917 йилгача Ховос темир йўлида фаолият юритган. 1931-1935 йилларда “Иттифоқ” жамоа хўжалигида ишлаганида “Қизил байроқ” ордени билан тақдирланган. 1936 йил сентябрь ойидан бошлаб “халқ душмани” Акмал Икромовлар билан боғлиқ фаолиятда бўлганликда айбланган ва сургун қилинган.

Бегимқул Сўфи 1884 йилда Фарғона вилояти Яйпан туманида туғилган. Фарғона водийсининг энг катта савдогарларидан бири бўлган. Савдогарлик касби у кишига оталаридан мерос бўлганлиги ҳақида болаларига айтиб берган экан. Бегимқул Сўфининг келиб чиқиши Фарғона водийсида яшовчи Очамайли уруғига бориб тақалади. Бегимқул Сўфининг набираси Эргаш Бегимқуловнинг айтишича, Бегимқул Сўфи ўқимишли инсон бўлиб, араб ва форс тилларини билган. Сабаби савдогар инсонлар илмли, тилларни яхши билиши ўзи учун фойдали бўлган. Бегимқул Сўфи XIX аср охири XX аср бошларида Фарғона вилоятининг энг йирик деҳқонларидан бири эди. У жуда ҳам сахий, инсонларга нисбатан бағрикенг бўлиб, ҳаммага қўлидан келганча ёрдам берган.

Бегимқул Сўфи савдогарликдан ташқари, деҳқончилик билан ҳам шуғулланган. Савдо карвони билан бир неча бор Россияга пахта олиб бориб сотиб келишган. Умумий деҳқончилик қиладиган ер майдони 32 гектар эди. Ўзига оталаридан мерос бўлиб қолган ерлардан оқилоналик билан фойдаланганлиги ҳақида сўзлаб берган. Бундан ташқари ерларида ишлаётган ишчи деҳқонларнинг ер ҳажмига қараб, яъни турли хилдаги етиштириладиган маҳсулотлардан натура кўринишида иш ҳақи берган. Ишчилар хизматлари эвазига ўзлари фойдаланишлари учун ерни ижарага ҳам олган. Бегимқул Сўфининг ерларида асосан ёлланма ишчилар меҳнат қилишган. Ерга асосан пахта ва буғдой экилган. Набираси Эргаш Бегимқуловнинг бизга берган маълумотида Бегимқул Сўфи қўл остидаги ёлланма ишчилари 17 нафардан иборат бўлган.

XX аср бошларида юртимизда кўплаб яроқсиз ерлар ўзлаштирила бошланди. Чор ҳукумати фарғоналик ер билан тиллаша оладиган тажрибали деҳқонлар хизматидан фойдаланган. Шундай ўзлаштирилмаган ҳудудлардан бири Сирдарёдаги қўриқ ва бўз ерлар бўлган (ҳозирги Тошкент вилояти Бекобод тумани). Бегимқул Сўфи юртга содиқ инсон бўлганлиги боис ҳам шу Сирдарё бўйи ҳудудларига келиб, ерларни ўзлаштиришда ўз ҳиссасини қўшган. Чўлни ўзлаштиришда жуда ҳам кўп қийинчилклар бўлиб, сув чиқариб, олиб келиш амри маҳол бўлган бир даврда ишлаган деҳқонлар қуёш нурларидан қорайгани, чўллар сувни аёвсиз ютган. Бизга тарихдан маълумки, Мирзачўлни ўзлаштириш даврларида жуда ҳам кўп техникалар сафарбар этилган. Ўша пайтларда Мирзачўл ҳудудларини янада кўпроқ ўзлаштириш учун вилоятлардан аҳолини “ихтиёрий-мажбурий” кўчириб олиб келинган.

Деҳқончилик ва ер тузилиши ишлари бошқармаси бошлиғи бўлган А.Кривошеин Мирзачўлда бир неча юз минг десятина ерни ўзлаштириш орқали бу ерларга **“мустаҳкам рус элементларини”** кўчириш ва уларга энг яхши ерларни ажратиб беришни тавсия қилган.[35]

Бу режани амалга ошириш учун махсус Кўчириш бошқармаси ҳам ташкил этилган. Бошқарма зиммасига Россиянинг марказий

[35] Кривошеин А.В. Записки главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край. –СПб., 1912. -С. 4.

районларидан “ортиқча” аҳолини кўчириш, янги ўзлаштирилган ерларнинг суғориш тизимини йўлга қўйиш вазифаси юклатилган. Мазкур кўчириб олиб келинган аҳоли Мирзачўл об-ҳаво шароитига чидай олмай кўплари қайтиб кетганлиги тўғрисида кўплаб тарихий китобларда маълумотлар мавжуд.

1905-1910 йиллар бу ҳудудга Бегимқул Сўфидан ташқари, тоғаси бўлмиш Алим деҳқон, укалари Салим ва Умарлар ҳам келиб, янги ерларни ўзлаштиришда фаол қатнашишган. Э. Бегимқулов айтишича, бу инсонлардан кейин яна 80 та хўжалик ушбу ҳудудга кўчиб келган. Келганларнинг ҳаммаси Очамайли уруғига мансуб эди. Қаранг: Қўнғиротлар бешта катта уруғга бўлинади: Вахтамғали, Қўштамғали, Қонжиғали, Ойинни ва Тотувли. Вахтамғали 18 та уруғга бўлинган: қозоқли, очамайли, қоракўнғирот, чанчиқли, болғали, баймоқли, жилонтамғали, абоқли, тароқли, ирғоқли, бўгажили, чўмичли, хандакли, қайчили, уювли, болғали, ишқили, кесовли.[36] Очамайли Вохтамғали қабиласининг энг йирик уруғи эди. Ушбу кўчиб келганлар бу ҳудудда Очамайли қишлоғини вужудга келишида катта ҳисса қўшганлар.

Бегимқул Сўфи дейилишига асосий сабаб у киши диний билимлардан хабари борлиги сабаб Очамайли қишлоғида илк масжидни қурдирган. Шу сабабдан қишлоқ ахолиси “Сўфи” деб атаган. Бу даврда Бегимқул Сўфи қишлоқнинг энг бой кишиларидан бўлган. Чорва қўйларининг умумий сони 500 тадан ортиқ бўлган. Бегимқул Сўфи доимий тарзда қишлоқнинг ночор қатламига моддий ёрдам бериб келган. Чор Россияси замонида мулкдор деҳқонлар пахтанинг асосий етиштирувчилари эди. Деҳқонларнинг қўл остида иш қилиб юрган ишчилар пахта етиштириш ишларини амалга оширганлари учун ер эгаларидан мукофотлар олар эдилар.

1930 йилдан бошлаб большевиклар томонидан ўтказилган “қулоқларни” тугатиш компанияси йирик мулкдор деҳқон ва ўртахол деҳқонларни қатағон қила бошлади. Уларнинг асосий мақсадлари миллий бошқарувни йўқ қилиш эди.

[36] http://bactria-termez.blogspot.com/2013/11/blog-post_8845.html

Деҳқонларнинг ерлари бутунлай олиб қўйилиб, чорва моллари, мол-мулки ҳукумат тасарруфига ўтказилди. Бегимқул Сўфи ҳам қатағонга учраганлардан бири бўлган. ОГПУ коллегияси томонидан 1930 йилда чиқарилган қарорида Бегимқул Сўфи муштумзўр "қулоқ" дейилди, лекин атрофдаги маҳаллий аҳоли бу қандай айблов экани ва рус зобитлари нима қилишаётганини ҳам тушунмаган эди. Бегимқул Сўфи Россиянинг Кубан ҳудудига сургун қилиш тўғрисида қарор чиқади. Лекин ушбу қарор бажарилмай қолиб кетган. Кейинчалик Бегимқул Сўфини нима мақсадда айблаётганини тушуниб етиб, қишлоқ аҳолиси большевиклар комиссарига ариза ёзиб, Бегимқул Сўфи муштумзўр эмаслиги, Марказга етказиб берилаётган пахтанинг энг олий навларини етиштираётганлиги тўғрисида, бундан ташқари, Россияга жўнатилаётган пахтанинг катта қисмини етиштириб бераётганлигини ҳамда ночор деқонларга доимий равишда моддий ёрдам бераётганларини айтишган.

Агар Бегимқул Сўфи қишлоқдан "қулоқ" сифатида Россияга юбориладиган бўлса, қишлоқ аҳолиси унинг тарафини олиб, ғалаён кўтариши ҳам мумкин эди. Лекин рус зобитларининг қонхўр қуролларидан қишлоқ аҳли жуда қўрқиб қолишган.

Комиссар ушбу аризани қабул қилиб, Бегимқул Сўфи озод этилганлигини маълум қилган. Очамайли қишлоғида Бегимқул Сўфидан ташқари, унинг тоғаси бўлмиш Алибой деҳқон ҳам қатағон қилинган. У киши Россиянинг Кубан ҳудудига сургун қилинган. Бегимқул Сўфи яна 2 йил давомида пахта ва буғдой етиштириш билан шуғулланган.

Бегимқул Сўфи ҳар баҳорда уруғликсиз қолган деҳқонларга уруғ бериб турган. У ўзи қурдирган масжидда мусофирхона ва болалар таълим олишлари учун мактаб ҳам ташкил қилган. Қишлоқ болалари диний илмларни олишлари учун масжидга бориб, ўзлари хоҳлагандек илм олишган. Ушбу қишлоқ ҳудудидан хизмат сафари билан ўтган кўплаб савдогар ва деҳқонлар Бегимқул Сўфи қурдирган мусофирхонада тунаб қолишган.

Бегимқул Сўфи бошчилигида деҳқонлар бу даврда Сирдарё бўйидаги яроқсиз ерларни ўзлаштириб, пахта ва буғдой экишган. Бегимқул Сўфи бошчилигидаги деҳқонлар бу даврда Россияга катта миқдорда пахта ҳосили етиштириб берганлар. Бундан ташқари, рус

зобитлари ўзлари учун керакли бўлган қимматбахо ашёларни маҳаллий аҳолидан тортиб олишар, агар беришмаса, калтаклашар эди.

Бегимқул Сўфининг обрўси рус маъмурлари орасида ҳам баланд бўлган. Чунки Сўфи рус тилини яхши билган ва кўпни кўрган илмли, қўли очиқ сахий инсон бўлган. Рус приставлари билан бемалол тил топишиб кета олган. Кўплаб участка приставлари уезд раҳбарларининг ўринбосарлари Бегимқул Сўфининг таниши ва дўстлари эди. Табиийки, бу Бегимқул Сўфига катта имкониятларни тақдим этарди. Рус маъмурлари Бегимқул Сўфининг ишларига кўпинча аралашишмаган.

Бегимқул Сўфи қишлоқда дунёвий илмларни ўрганадиган мактаб ташкил қилиб, кўплаб қишлоқ болаларини саводли қилган. Мактабда кўпинча тил билиш талаб этилган. Мақсад рус приставлари билан тезда тил топишиб кетиш эди. Шунинг учун Бегимқул Сўфининг обрўси янада ошади. Маҳаллий аҳоли вакиллари ҳатто рус зобитларига гапиришга қўрққан экан. Ана шундай ниятда ҳам қишлоқ аҳолиси рус тилини билишга кўпроқ даъват қилинган.

Юқорида айтганимиздек, Бегимқул Сўфи 1930 йилдан кейин икки йил давомида пахта ва буғдой етиштирган, лекин 1932 йилда хизмат сафари билан туяда қўшни қишлоққа чиққан ва ўша қишлоқда жойлашган чойхонага кирган. У ерда ўтирган бир гуруҳ рус миршаблари томонидан ушлаб олиниб, дўппослаб, ўлдирилган. Лекин ушбу иш кимнинг буйруғига кўра бажарилганлиги ҳалигача номаълум.

Бегимқул Сўфининг уч нафар ўғли ва икки нафар қизи бўлган. Эргаш ҳожи Бегимқул Сўфининг учинчи ўғли бўлган. У киши 1930 йилда туғилган. Бегимқул Сўфи вафот этганида Эргаш икки яшар эди. Э. Бегимқулов 1947 йилда Боёвут туманига кўчиб келган. Сўфининг ўғиллари: Умар (1905-1963), Салим (1906-1983), Эргаш (1930), қизлари Ойтилла (1921-2012), Зайнаб (1926-2019)[37]бўлишган.

Худойқул Бобоев 1896 йилда туғилган. Миллати ўзбек. 1918 йилдан бошлаб совет ҳукуматининг турли лавозимларида ишлаб келган. 1932 йилда Тошкент вилояти “Боёвут” давлат хўжалигида директор лавозимида фаолият юритган. А.Икромовнинг кўрсатмаси билан хўжаликда ишчи кучи кўп бўлганлигини ҳисобга олиб, аҳолини Қумқўрғонга кўчирган. Бироқ, кўчирма қилинган аҳолининг кўплари

[37] Маълумотлар қатағонга учраган Бегимқул Сўфининг фарзандлари ёзиб қолдирган кундаликларга асосланиб ёзилди.

кетиб қолганлиги сабабли пахта йиғим-терими охиригача етказилмаган ва Бобониёзовга ҳайфсан берилган. Кейинги ҳужжатларда халқ душманлари қаторида айблов қўйилган.

Али Пирматов 1885 йилда Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Яллама қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. Али отанинг сув тегирмони, мойжувози, юздан ортиқ моллари ва Қозоғистон чегарасигача ерлари бўлган. Қўл остида ёлланма ишчилар ишлашган. Коллективлаштириш даврида Али ота ўғли Мирзааҳмад, Юсуфали ва оила аъзолари билан мол-мулкларини ташлаб, эшак аравaларда дарёдан кўприк бўлмаганлиги учун паромда кечиб ўтиб, Сирдарёга келиб, деҳқончилик билан шуғулланишган. 1941 йилда кичик ўғли Юсуфали урушга кетиб, қайтиб келмаган, бедарак кетган. Ҳозирги кунда Али Пирматовнинг набираси Акбарали Мирзаахмедов Сирдарё туманида Халқ депутатлари Сирдарё тумани кенгаши котибияти мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ойниса Раҳматуллаева (Алиева) 1911 йилда Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Яллама қишлоғида туғилган. 1927 йилларда қайнотаси ва турмуш ўртоғи билан биргаликда ўзига тегишли мол-мулкка эга бўлганлиги, қайнотаси ва турмуш ўртоғи мулла эканлиги, диний илмга эга бўлганлиги сабабли “1-Боёвут”га сургун қилинган. У ерда бир муддат яшагандан кейин турмуш ўртоғи Отамулла урушга кетган ва бедарак йўқолган. Шундан кейин Ойниса ая Сирдарёга яширинча кўчиб келган ва ўша жойда истиқомат қилган. Жияни Умарали Алиев Сирдарё тумани, Ҳулкар кўчаси, 32-уйда яшаб келмоқда.

1937-1938 ЙИЛЛАРДАГИ “КАТТА ҚИРҒИН” ҚУРБОНЛАРИ

Ўтган асрнинг 1937-1938 йилларида бўлиб ўтган “Катта қирғин” собиқ шўро салтанати ҳудудларида яшаган барча халқлар, шу жумладан, Ўзбекистон халқининг ҳам ҳаётига мислсиз даражада улкан талофат келтирган. Юқорида келтирилган йилларда юз минглаб бегуноҳ кишилар шўро давлатининг жазо органи НКВД органлари томонидан қириб ташланган. Мудҳиш тарихий хунрезлик содир

этилганидан бери йиллар ўтганига қарамай, унинг фожиали оқибатлари ҳали-ҳануз инсониятнинг хотирасидаги қора доғ бўлиб келмоқда.

Шу нарса даҳшатлики, ҳали 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон бошланмай ва бўлажак жабрдийдаларнинг айбдор эканликлари масаласи ҳали аниқланмай туриб, НКВД органлари яқин келажакда қамоққа олинадиган кишилар рўйхатини тузишга киришишган. 11 жилдни ташкил этган рўйхатларнинг биринчиси 1937 йил 27 февралда тасдиқланган бўлса, энг сўнггиси ВКП(б) Сиёсий бюроси аъзолари томонидан 1938 йилнинг 29 сентябрида имзоланган. Яна 2 та рўйхат борки, улар 1936 йилда тузилганлигига қарамай 1937 йилга оид рўйхатлар орасига тиркаб қўйилган. Айрим маълумотларга қараганда, Н.С.Хрушчёв томонидан ҳам имзоланган яна бир неча рўйхатлар бўлган, аммо улар Хрушчёв КПСС Марказий Комитетига раҳбарлик қилган йилларда куйдириб ташланган. Шу рўйхатларга асосланиб, айтиш мумкинки, “Катта қирғин” даврида қириб ташланиши лозим бўлган кишилар рўйхатини тузиш 1936 йилнинг иккинчи ярмида бошланган. Бинобарин, “Катта қирғин”ни амалга ошириш ғояси Сиёсий бюро ва шахсан унинг раҳбари Сталинда 1936 йилдаёқ пайдо бўлган.

СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 1934 йил 1 декабрда қабул қилган карорига мувофиқ суд жараёнларини ўтказиш тартиб-қоидалари ўша йилларда аввалдан тайёрланган рўйхатлар бўйича қамоққа олиш амалиётига кенг йўл очиб берган. Кировга суиқасд қилингандан сўнг чиқарилган қарорга кўра, террорчилик ташкилотлари ва террорчилик хатти-ҳаракатлари бўйича терговлар жадаллаштирилган тартибда олиб борилиши, суд йиғилишлари эса томонларнинг иштирокисиз ва гувоҳларни чақирмаган ҳолда ўтказилиши лозим бўлган. 1934 йил 1 декабрда қабул қилинган Қонун эса ҳукмдан норози бўлган маҳбусларни шикоятнома ёзиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум килган. Шу масалалар бўйича чиқарилган ҳукм эса зудлик билан ижро этилиши лозим, деб белгиланган[38].

Бу тезлаштирилган тартиб Ежов СССР Ички ишлар халқ комиссари этиб тайинланган кундан кейин 1936 йил кузидан бошлаб кенг кўламда кўлланила бошланди. Ўша йилнинг 4 октябрида Сиёсий бюро Ежов ва

[38] Наим Каримов. 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин”нинг фожиали оқибатлари. Тошкент. 2015 й. 6-7-бетлар.

Вишневский томонидан тақдим қилинган 585 нафар кишининг исми-шарифидан иборат рўйхатни Сиёсий бюро аъзоларидан телефон орқали сўраш йўли билан тасдиқлади. Ўша рўйхатдаги кишилардан 33 нафари 1936 йил 8 октябрда Москвада, 114 таси эса 1936 йил 10-11 октябрда Ленинградда қамоққа олинган. 1937 йил февралидан бошлаб шундай рўйхатлар мунтазам равишда Сиёсий бюро томонидан тасдиқланадиган ва ҳукм расмийлаштириш учун Олий Суднинг Ҳарбий коллегиясига юбориладиган бўлди. Биринчи қарор ВКП(б) МКнинг февраль-март пленуми очиладиган 1937 йил 27 февралда шу тарзда тузилиб, тасдиқланган.

Мазкур рўйхатга исми-шарифлари киритилган 479 нафар кишининг барчаси олий жазога ҳукм қилинган. Шундай қилиб, «қатл рўйхатлари»ни НКВД (Ежов) томонидан тузиш, Сиёсий бюро томонидан тасдиқлаш ва Олий Суднинг Ҳарбий коллегияси (Ульрих) томонидан расмийлаштириш амалиётига тамал тоши қўйилган. Сиёсий бюрога тақдим этилган рўйхатлар НКВД томонидан марказий аппарат бўлимларида мавжуд бўлган. Шунингдек, НКВДнинг регионлардаги бўлимларидан марказга юборилган материаллар асосида тузилган. НКВДнинг маҳаллий бўлимлари марказга қамоққа олинувчи ҳар бир кишининг исми-шарифи, у ҳақидаги тўла маълумотлар, қилган айбининг моҳияти ва бошқалар ёзилган маълумотномаларни телеграф орқали юборишган. Маълумотномаларни НКВДнинг марказий аппаратида тузилган «махсус гуруҳлар» ўрганиб чиққан. Давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси (ГУГБ)нинг ҳисобга олиш, қайд этиш бўлими ходимларидан ташкил топган бу гуруҳлар олинган маълумотномалар асосида рўйхатдаги шахсларни биринчи (отув), иккинчи (10 йил) ва учинчи (5-8 йил) тоифаларга ажратган. (1937 йил июль ойи охирида учинчи тоифа «қатл рўйхатлари»дан чиқариб ташланган.)

Турли тоифаларга ажратилган рўйхатлар НКВДдан Олий Суднинг Ҳарбий коллегиясига юборилган ва бу «ишлар» ўша ерда 1934 йил 1 декабрдаги Қонун асосида кўрилиб, аввалдан белгиланган тоифага мувофиқ ҳукм чиқарилган. Бу ҳукмлар регионларга телеграф орқали етказиб турилган ва уларда айбланувчиларнинг исми-шарифлари ҳамда

тоифалари қайд этилган. Шундан кейингина «ишлар» Олий Суд Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида кўриб чиқиш учун юборилган.

Олий Суд Ҳарбий коллегияси қошида «учликлар» тузилган ва бу «учликлар» йиғилишида ҳар бир маҳбуснинг «иши»га оид ҳужжатлар билан танишиш учун 5-10 дақиқагина ажратилган, холос. 5-10 дақиқада уч нафар судья («учлик») айбланувчига унинг ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириб, айбномани эълон қилиши, унга қўйилган айбнинг моҳиятини тушунтириши, айбланувчининг «қилган жиноятлари»га бўлган муносабатини аниқлаши, унинг кўрсатмаси ва сўнгги сўзларини тинглаши лозим эди. Аммо бу «сайёр сессиялар йиғилиши»ни шунчаки расмиятчилик учунгина ўтказиш оддий ҳол бўлиб қолган.

Сиёсий бюро томонидан тасдиқланган рўйхатларда бор-йўғи 44,5 минг нафар киши бўлган. Аммо бир томондан ўша йилларда қамоқхоналар маҳбуслар билан тўлиб-тошиб кетган, тергов ходимлари тергов ишларини ўз вақтида бошлаш ва якунлаш имконига эга бўлишмаган бўлса, иккинчи томондан, исми-шарифлари Сталин ва Сиёсий бюро аъзолари томонидан тасдиқланган рўйхатларга кирган шахсларнинг аксар яқин қариндошлари, хизматдошлари ва дўст-ёрлари ҳам қамоққа олинган.

Яна шуни унутмаслик керакки, СССР Ички ишлар халқ комиссарининг 1937 йил 30 июль санали буйруғи НКВДнинг маҳаллий бўлимлари раҳбарларига, регионларга берилган нормадан ташқари, ўз ташаббуслари билан қатағон қилинувчиларнинг қўшимча рўйхатини тузиш ҳуқуқини берган. Шу қарордан рағбатланган НКВДнинг маҳаллий бўлимлари раҳбарлари август ойидан бошлаб Сиёсий бюрони ҳибсга олинувчилар сонини – «квота»ни ошириш ҳақидаги илтимослари билан «кўмиб ташлаганлар». Сиёсий бюро шу илтимосларни назарга олиб, 1937 йилнинг 28 августидан 15 декабргача бўлган муддатда «квота»даги отувга ҳукм қилинажаклар сонини яна 22.500 нафарга, лагерларга юборилувчилар сонини 16.800 нафарга ошириш тўғрисидаги таклифни тасдиқлаган. 1938 йил 31 январда эса НКВД «квота»га яна 57.200 нафар кишини қўшиш ва улардан 48.000 нафар кишини отувга ҳукм қилиш тўғрисидаги таклифни қабул қилган.

Дастлаб барча операцияларни 1938 йилнинг 15 мартига қадар тугаллаш режалаштирилган эди. Лекин маҳаллий органлардаги сафлари «тозаланган» ва янгиланган чекистлар яна ташаббускорлик ҳаракатини кучайтирадилар. Натижада Сиёсий бюро 1938 йилнинг 1 февралидан 29 августгача бўлган муддатда аввалги 57.200 нафар кишидан ташқари, яна 90.000 нафар кишини қамоққа олиш ҳақида қарор кабул қилган.

Шундай қилиб, фақат 4 ой давом этиши мўлжалланган қамоққа олиш операцияси бир йилдан ортиқ давом этиб, дастлаб белгиланган «квота» яна 200.000 нафар кишига ортади. Кимнингки ижтимоий келиб чиқишида бойлар, савдогарлар, «қулоқ»ларга бирор яқинлик аломати бўлса ёки бирор хорижий давлат фуқароси билан алоқа қилганлиги маълум бўлса, улар биринчи навбатда қамоққа олинган.

Сталин ва Сиёсий бюро томонидан амалга оширилган оммавий қирғин марказдан туриб бошқарилди. Сиёсий бюро қошида суд ишлари бўйича махсус комиссия тузилди. Бу комиссия Сталин ва Сиёсий бюрога 44 минг нафар раҳбарлар, партия ходимлари, генераллар ва иқтисодчилардан иборат камида 383 та рўйхатни тасдиқлаш учун берди. Сиёсий бюро шу рўйхатларни тасдиқлаш билангина кифояланиб қолмай, қатағоннинг «кўнгилдагидек» ўтиши учун жойларга ўз аъзоларини юборди. Чунончи, Ўзбекистонга катта ваколат билан келган Сиёсий бюро аъзоси Андреев ўзбек халқи пешқадам вакилларининг ўша йилларда тамомила қирилиб кетишида муҳим роль ўйнаган. Аниқлиги қатъий бўлмаган маълумотларга қараганда, НКВД 1937-1938 йилларда 1 миллион 575 минг нафар кишини қамоққа олган. Шулардан 1 миллион 345 минг нафар киши айбдор, деб топилиб, турли жазоларга ҳукм қилинган; 681 минг 692 нафар киши эса отиб ташланган. Яна аниқлиги қатъий бўлмаган маълумотларга қараганда, Ўзбекистон бўйича 1937 йилда 14 минг 873 нафар, 1938 йилда эса 20 минг 641 нафар, бинобарин, жами 35 минг 534 нафар киши қамоққа олинган. Афсуски, Сталин шахсига сиғинишшшг фожиали оқибатлари фош этилиб, 1930-1950 йиллардаги сиёсий қатағон қоралангандан кейин Ўзбекистонда сиёсий қатағоннинг бегуноҳ қурбонлари тақдирини ўрганиш ва оқлаш бўйича тузилган комиссия совет даврида тегишли сиёсий муассасалар сиқувида ишлагани сабабли ўзига юкланган ишни

охирига етказиш имконига эга бўлмади. Натижада Ўзбекистон бўйича қанча кишининг қамоққа олингани, отилгани, лагерларга жўнатилгани ва қанча кишининг айбсиз топилиб, озод қилингани ҳақида қатъий маълумот юзага келмади. «Катта қирғин» йилларидаги қурбонлар сони масаласида бошқача қарашлар ҳам йўқ эмас. Масалан, СССРдаги қатағон тарихи бўйича таниқли хорижий мутахассис Роберт Конквест ва унинг шогирдлари тўплаган маълумотларга караганда, СССРда ўша даврда 6 миллион нафар киши қамоққа олинган. Улардан 3 миллион нафари отиб ташланган, 2 миллион нафар кишининг хоклари эса лагерларда колиб кетган[39].

Аммо «Катта қирғин» йилларидаги қурбонлар сони қанча бўлишидан, яъни 6 миллион нафарми ёки 1 ярим миллион нафарми, бундан қатъий назар, ўз халқини оммавий равишда қатли ом этиш шўро давлатининг инсоният олдидаги, халқи олдидаги ҳеч қачон кечириб бўлмайдиган жиноятидир. Бу жиноятнинг даҳшатли томонларидан бири шундаки, сиёсий бюро ва НКВД қатағон этилган миллионлаб кишилар пешонасига «халқ душманлари» деган мудҳиш тамғани ўйиб, уларнинг муборак номларини, қилган хайрли ишларини ҳатто қариндош-уруғлари, хизматдошлари, Ватандошлари хотирасидан бир умрга ўчириш чораларини кўрди.

Халқимиз бугунги кунда ўз тараққиётининг муҳим тарихий чорраҳасида яшамоқда. Мустақилликка эришган халқимиз Республиканинг миллий давлатчилигини, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камолотини таъмин этувчи ўз йўлини танлади ҳамда келажаги буюк ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда маълум ютуқларга эришиб бормоқда. Ўзбекистонинг биринчи Президенти Ислом Каримов айтганидай: “Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг ҳам тақдири, келажак авлодларининг ҳам тақдири шунга боғлиқ бўлади”[40].

[39] Наим Каримов. 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин”нинг фожиали оқибатлари. Тошкент. 2015 й. 6-7-бетлар.
[40] Karimov I.A O‘zbekistonning o‘z istiqlol va taraqqiyot yo‘li.-T.: 1992. 8-b.

Бу кўҳна заминда, Аллоҳга шукуроналар бўлсин, ҳали кўп авлодларимиз келиб яшайдилар. Биз уларга қандай тузум, қандай давлатни яратиб қолдирамиз. Биздан сўнг ер, сув, ҳаво, одамзод насли, хулқу атвори қай аҳволда қолади? Келгуси авлодлар ҳам ўз насабларига кўз тикиб, одамдай яшаш умидида кутмоқдалар. Бизнинг авлодларимиз ўтмиш хатоларини эса такрорламасликка ҳаракат қиладилар, деган умидимиз бор. Тан олишимиз лозимки, Ўзбекистонда тикланиш йиллари бениҳоя оғир кечди. Мазлум халқнинг озодлиги, эркин турмушни барқарорлаштириш йўлида бор кучини сафарбар этишга тўғри келди. Бугун биз мустақил Ўзбекистонда яшаш ва фаолият кўрсатиш бахтига манзур бўлдик.

Шундай бўлса-да, ўтмиш аждодларимизни доимо хотирада сақлашимиз, ноҳақ айбланганларни доимо хотирада сақлашимиз, қатағон қилинганлар, қораланганлар ҳақида тарихий ҳақиқатни тиклашимиз лозим. Биз яшаётган шундай осуда, тинч, фаровон хаётимиз ота-боболаримизнинг жонлари эвазига келганини билиб яшамоғимиз, уларни келажак авлодга холисона етказиб бериш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Рус мастамлакачилиги даврида ўз Ватани ва миллат шаъни учун кураш олиб борган инсонлар бизнинг миллатимиз гултожлари ўзбек деган миллатнинг мазлумлар қўлида ўлиб кетишини ҳамда мазкур миллат йўқ бўлиб кетишининг олдини олиш учун ўз жонларини гаровга қўйган фидойилардир.

Маълумки, ўтган асрнинг 20-40-йилларида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев, Турор Рисқулов сингари юзлаб ҳамюртларимиз дадил ҳаракат қилишди. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Боту, Усмон Носир сингари бир-биридан истеъдодли миллат вакиллари, адиблар, маърифат тарғиботчилари, зиё тарқатувчилар ўз ижодлари билан миллий маданият тараққиётига беқиёс ҳисса қўшишди. Бироқ, тақдиримизга қора доғ бўлиб тушган 30-50-йиллардаги зулмлар қанчадан-қанча ҳалол, меҳнаткаш инсонларнинг умрига зомин бўлди.[41]

Муҳиддин, Нуриддин Эрматовлар савдогар Эрматбой оиласида туғилганлар. Муҳиддин Эрматов 1898 йилда Қўқон шаҳрида таваллуд

[41] Ilyuxin V.Qabohat yoxud ..-T.:1993. 23-b.

топган. У жадид мактабида, кейинчалик рус-тузем мактабида ҳам таҳсил олган. Кейинчалик мадрасада ҳам ўқиб, замонасининг илғор ёшларидан бири бўлиб етишди. 1919-1920 йиллар Қўқондаги жоме масжиди ёнида жадид мактаблари учун дарсликлар савдосини йўлга қўйган. Жадид мактабида мактабида ўзи ҳам муаллимлик қилган.



Муҳиддин Эрматов

Муҳиддин Эрматов 1923 йил “Нашри маориф” жамиятининг Қўқондаги рахбарларидан бири эди. Сўнг партияга сафига кириб, масъул лавозимларда ишлади. Муҳиддин Эрматов жадидлар таъсирида Фарғонада халқ хўжалигини оёққа қўйишда кўп ҳаракатлар қилди. Унинг саъй-ҳаракатлари бежиз кетмади.

Шу билан биргаликда иш фаолияти давомида “Фарғона” газетасида таъсирчан бўлган жуда кўплаб мақолалари чоп тилди.

1930 йилда ОГПУ томонидан ўйлаб топилган “Ботир гапчилар” иши доирасида унинг укаси янги “Фарғона” газетаси мухбири Нуриддин Эрматов қамоққа олинган. Нуриддин Эрматов ОГПУ томонидан Беломор каналига 5 йилга сургун қилинган.

Муҳиддин Эрматов Москвадаги Свердлов номидаги КОМ университетида ўқиётган эди. У 1930-йиллардаги қатағондан қутилиб қолган. 1930-1937 йилларда Наманган шаҳар қўмитаси котиби лавозимида ишлаган. Шу иш жараёнида қишлоқ хўжалиги саноатини ривожлантиришда катта ишларни амалга оширди. У хизматлари учун совет ҳокимияти “Қизил байроқ” ордени билан тақдирланган. 1937 йил 9 сентябрь куни Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари Заглостин томонидан аксилинқилобий гуруҳ тарғиботчиси, “Аксил миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси, деб Ўз ССР Жиноят кодексининг 60-67-моддалари билан қамоққа олишга қарор қилган. 1937 йил 10 сентябрь куни ордер берилиб, у Наманган шаҳри, Октябрь кўчаси, 39-уйда қамоққа олинган. Унинг ортидан рафиқаси Паттихон Эрматова уч нафар фарзанди билан зорланиб қолди. 1937 йилнинг 15-17 сентябрь кунлари сўроқлардан кейин баённомалар асосида айбловлар бўйнига

қўйилди. 1937 йил 2 октябрь куни Ҳасан Каримов ва Арслонбек Исломбековлар билан юзлаштирилади. У айбловларнинг ҳаммасини рад этади. 1937 йилнинг 23 ноябрида Абдулҳай Тожиев билан юзлаштирилади. Кейинчалик 28 ноябрь куни эса Абдуллажон Каримов билан юзлаштирилган. Муҳиддин Эрматовнинг айблов баённомаси 1937 йил 16 декабрь куни ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Апресян томонидан тасдиқланган. Айбловларнинг бирортаси ўз исботини топмаганлигига қарамай Муҳиддин Эрматов ЎзССР жиноят кодексининг 58-63-64-67-моддалари билан айбланган. Учлик суди 1938 йил 4 октябрь куни уни отувга ҳукм қилади ва ўша куннинг ўзида отиб ташланади.

1957 йилнинг 1 августида СССР Олий Суди ҳарбий коллегиясининг қарорига биноан давлат арбоблари билан бир қаторда Муҳиддин Эрматов ҳам оқланади. Бу оқлов хати Қўқон шаҳри, Сталин кўчаси, 127-уйда яшовчи унинг аёли Паттихон Эргашевага юборилган.

1957 йил 17 декабрда Паттихон Эргашева Ўз ССР КГБ га хат йўллайди. Хатда Муҳиддин Эрматов олиб кетишаётганда унга тегишли бўлган фотоальбомлар, 500 дан ортиқ бўлган китоблари, хўжалик буюмлари олиб кетилгани ҳақида ёзилган, лекин ҳукумат унинг паспортидан бошқа хеч нимани қайтариб бермайди. Муҳиддин Эрматов ортидан 3 нафар фарзанди қолди. Биз у кишининг хонадонида бўлиб, набираси Шавкат Эрматов билан суҳбатлашдик.

- Ўша йилларда барча уруғ-аймоқларимиз қўрқув остида яшадик. Бобомни Намангандан олиб кетишган эди. Дадамнинг айтишига қараганда, улар болалар билан ўйнаганида болалар “сын врага” деб ҳайдашар экан. Болалар дадаларимиз билан ўйнашга ҳам қўрқишган экан. Ҳатто мактабда ҳам сафларига қўшишмаганини айтиб берганлар. Бобом қамалганидан кейин қолган оила аъзоларимиз Қўқондаги ҳовлига қайтиб келишган. Уйнинг эшигида қулф осилган, бир амаллаб очиб киришса, уйнинг ярмини қўшнилар “бу ҳовли халқ душманига керак эмас”, деб эгаллаб олишган экан. Амакиларимнинг уйларини ҳам ўздариники қилиб олишган.

Бувимни алдаб, қамоқхонага - Тошкентга тез-тез чақириб туришган “турмуш ўртоғингизни чиқаришга ёрдам берамиз, пул олиб

келинг ёки бошқа нарсалар олиб келинг”, деб. Улар оиламизни қарзга ботиришди. Кейинчалик билсак, бобом Муҳиддин Эрматов 1938 йилнинг ўзидаёқ отиб ташланган экан, -деди Ш. Эрматов.

Нуриддин Эрматов 1931 йилда “халқ душмани” деган айб билан қамалган ва 1932 йилда озодликка чиқарилган. 1938 йилда акаси отиб ташланганини эшитиб, тинч, осойишта бухгалтерия соҳасида ишлаб келган. Иккинчи жаҳон уруши бошланганида миллатлар доҳийси Сталин буйруғи билан иқтисодий соҳада ишлаётганлар урушга олинмайди. 1948 йилда 40 ёшида район молия бўлими бошлиғи бўлган. 1949 йил апрель ойида “халқ душмани” деган туҳмат айблов билан иккинчи марта қамоққа олиниб, Краснодар ўлкасига сургун қилинган. Ўша вақтларда унинг фарзанди Муҳаббат Эрматова 10 ойлик чақалоқ бўлган.



Нуриддин Эрматов

Нуриддин Эрматовни қамоққа олишгандан кейин унинг рафиқасини ишдан, фарзандини эса боғчадан ҳайдашган. 1953 йилгача она ва фарзанд оғир кунларни бошларидан ўтказганлар. Шундан кейин Нуриддин Эрматовнинг рафиқаси Манзилатхон опани ҳеч бир жойга ишга олишмайди. Манзилатхон опа Москвага “Советская женщина” журналига хат ёзиб, ишга жойлашиши тўғрисида рухсат сўраб, қарамоғида ёш боласи борлигини баён қилган. Жавоб хатида розилик келган, лекин шунда ҳам ишлашга йўл қўйилмаган. Фақат ўқиши учун рухсат беришган. Шундан сўнг Фарғона давлат педагогика институтининг география йўналишига ўқишга кирган. Манзилатхон опа 1957 йилда ўқишни битирган. Шу орада 1954 йилда 18 августда Нуриддин Эрматов ноҳақ қамалганлиги учун давлат томонидан оқланди ва унга келтирилган моддий-маънавий зарарни қоплаш учун 35 минг сўм маблағ берилган. У қамоқдан чиққанидан кейин она юрт соғинчи билан Қўқонга қайтиб келган. Келганидан кейин рафиқаси Манзилатхон опа уларни кейинги оиласи билан яшашини, уларда 3 нафар фарзанди борлигини, қийналмаслигини ўйлаб, қайтиб кетишини айтади. Кейинчалик Нуриддин Эрматов

Қирғистоннинг Фрунзе шаҳрида яшаб, 1985 йилда вафот этган. Уларнинг фарзандлари Муҳаббат Эрматова Андижон тиббиёт институтини тамомлаб, 1972 йилдан буён Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида терапевт-врач сифатида ишлаб келмоқда. У киши институтни битиргач, йўлланма билан Сирдарё вилоятига жўнатилган. Шу ерда турмушга чиқиб, бугунги кунгача вилоят халқининг саломатлиги учун фидокорона ишлаб келмоқда.

Қатағон қурбони бўлган Муҳиддин Эрматовнинг набираси Зиёда Эрматова бугунги кунда Тошкент шаҳрида Республика онкология ва радиология илмий-амалий марказида бўлим мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда. У кишининг берган маълумотлари қуйидагича:

- Бобом Муҳиддин Эрматовнинг аёли, яъни Фатихон бувимнинг тўрт нафар фарзанди бор эди. (Марлен, Шавкат, Юлдуз, ва мани дадам Абил-Октябрь) 1937 йилда репрессия бўлиб, аёли ва болалари кўчага ҳайдалган. У вақтгача Йўлдош Охунбобоев ва Файзулла Хўжаевлар билан ишлаган ва Наманганда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари (ҳозирда ҳоким) лавозимида ишлаган. Наманган боғини яратган. Қори-Ниёзий, Тамарахоним, Раззоқ Ҳамроевлар труппасини яратиш учун ёрдам берган. Шу орқали ҳар хил туҳматлар билан иш очиб, 1938 йил отиб ташлашган. Бувимнинг айтишларича, ҳеч ким қўл қўймаган ёлғон гапларга Раззоқ Ҳамроевгина имзл чеккан экан. 4 нафар бола билан бувим **Фатихон** кўчада қолганида ҳеч ким уйига киритмаган. Совуқдан, очликдан болалар касал бўлиб ўлган. Фақат дадам Абилжон тирик қолган.


Фатихон опа айтиб берган воқеа қуйидагича:

- Муҳидин Эрматов бир деҳқоннинг ишини қонуний ҳал қилиб берган. Деҳқон хурсандлигидан аравада қовун-тарвуз олиб келган ва “Муҳидин акага” деб 5-6 дона ташлаб кетган. Бувим биттадан қовун ва тарвуз сўйиб, болалари билан ейишган. Муҳиддин ака кечқурун ишдан келиб, қовун-тарвузни ким олиб келганини сўраб билиб, деҳқонни чақириб ейилган қовун-тарвузнинг пулини бериб, колганини олиб кетишни илтимос килган. Бувимни уришиб, “мени шу қовун-тарвузни

деб жазолашлари мумкин ва ҳеч қачон ҳеч кимдан ҳеч нарса олманг”, деб тайинлаган.

Фатихон опани оғир кунда фақат онасининг кундошлари ертўлаларга беркитишган. Шундай қилиб, қизлик ҳовлиларида жон сақлашган. 1937 йилнинг 10 сентябрида эса уй ва ҳовлиларини тинтув қилиб, ҳамма китобларини ёқиб юборишади. Муҳиддин Эрматов рус ва инглиз тилларини билар ва ўқир эди. “Капитал” китобини хам ёқиб юборишган. 1966 йилгача “халқ душмани”нинг ўғли деб дадам Абилнинг диссертациясини ёқлашига йўл беришмаган.”

Муҳиддин Эрматовнинг биринчи фарзанди Марлен (бу Маркс ва Ленин исмлари қўшилган исм) ҳисобланади. Дадамни Октябрь деб чақиришган. Ўзбекча исми Ҳабибулла бўлган. Руслар русча исмга келтиришиб, ўша пайтларда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси 1930-1933 йилдан берилгани учун шундай деб ёзилган. Улар Тошкенда Лоҳутий кўчасида ҳам яшаганлар. Фатихон опа турмушга чиққанда турмуш ўртоғидан анча ёш бўлган. Улар вокзалда Россиядан қочиб келган рус аёлни уйга олиб келиб, қорнини туйдириб, иш беришган. Болаларига рус тилини ўргатишини тайинлашган. Исми Ася бўлган аёл очарчиликдан қийналиб, поездда қийналиб, Ўзбекистонга келган экан. Болаларга қараб, қорни тўйиб, уйда ҳеч ким йўқлигида ҳамма кийимларни, уйда бор материалларни бир тугун қилиб, қочиб кетган. Муҳиддин Эрматов тез-тез Москвага борар ва аёлини ҳам олиб бориб, ўша замон модаси бўйича киймлар олиб берар экан. Абиль Эрматов Москвадаги Губкин номли нефтьгаз институтида биринчи ўзбеклардан бўлиб ўқишга кирган. Ойшахон бувим дадамга қўшиб икки нафар ўртоқларини ҳам ўқитганлар. Азизжон ва Ғанижонлар камбағал оиладан бўлгани учун йўлига ва яшашига пул ва овқати учун харажатларни Ойшахон бувим берганлар. Абиль умрининг охиригача ўша дўстлари билан бирга бўлишган.



Фатихон опа ўғиллари Шавкатжон ва Абилжон

Фатихон опа бир умр ҳамма ёққа ёзиб, жавоб кутиб ўтдилар. “Дадам менга “журналист бўлиб, менинг ва дадамнинг ҳаётини ёзасан”, деб алам билан айтар эди. 1966 йилда у кишининг оқланганлиги тўғрисида хат келди. Қамалишга асос бўлмагани учун оқланди.

Сталинча қатағон кўҳна Ховосни ҳам четлаб ўтмади. Уни аслида 1935 йилда С.М.Кировнинг ўлдирилиши билан боғлашса ҳам аслида ундан анча илгари бошланган. Фақат бу даврга келиб, айни авжига чиққан эди. 1928-1930 йилларда ОГПУ нинг Мирзачўл бўлими ходимлари туманда кўплаб кишиларнинг ёстиғини қуритганига юзлаб одамлар арзимаган ишлари учун йиллаб қамоқхоналарда азоб чекишларига гувоҳ бўлдик. Олдин К.Архипов, кейинчалик М.Касаткин деган исковучлар халқ орасида хақиқатан ҳам чидаб бўлмас даражада ишончсизлик муҳитини яратишга муваффақ бўлишган. Ўз соясидан ҳам қўрқадиган кишилар эса уларнинг ноғорасига ўйнаб, соф ва ҳалол одамлар устидан бўҳтон уюштирган. Ўз содиқликларини билдириб, юқори ташкилотларга фош қилувчи далилларни етказиб туришган. ОГПУ вакилларининг хатларида халқимизнинг оддий урф-одатлари, қадимдан давом этиб келган анъаналари масхара қилинган. Қуйида ана шундай далиллардан бирини келтирамиз. “Қўшқанд қишлоғида яшовчи **Сулаймон Холназаров**, – деб ёзади Архипов, – ўз қизини Райим

Бобожоновга сотиб, қалин пули олган. Тўқсон сўм пул, ўттиз пуд ун, ўн икки пуд гуруч, тўрт бош қўй ва бошқа нарсалар. Бу шахсларга нисбатан қишлоқ ўқитувчиси, қишлоқ совети раиси ўз вақтида тегишли жойга хабар қилишган бўлса ҳам район ижроия комитети ҳеч қандай чора кўрмаган”.

Айрим узоқни кўра биладиган кишилар ўша пайтлардаёқ колхоз тузуми халқни қашшоқ қилишдан бошқасига ярамаслигини билишган. Ана шундайлардан бири— колхоз раиси Ҳазратқул Зокиров деҳқонлар орасида ўз фикрини очиқ-ойдин баён қилган: “Биз ўтган йилга қадар бойлар эшигида хизмат қилардик, мардикорлик ва чоракорлик қилиб, шунинг орқасидан кун кўрардик. Аммо ҳеч ким ҳеч қачон оч қолмаган эди. Бунинг устига хоҳлаган пайтда у ёки бу бойдан уч тўрт пуд дон олишимиз мумкин эди. Ўтган йилдан бошлаб биз – ўттиз тўрт кишини мажбуран бир гуруҳга киритишди ва унга “колхоз” деб ном беришди, аммо бизга ҳеч қандай қулайликлар яратишмади. Бунинг устига ўз меҳнатимиз билан етиштирган 423 пуд донни ҳам куч билан тортиб олишди, яна 400 пуд ғалла топиб берасизлар, деб зуғум ҳам ўтказишди. Келгуси йил экиш учун уруғлик ҳам қолдиришмаган эди, ҳаммамиз оч қолдик. Бахтсизлик кетидан бахтсизлик келган, ягона отимиз ўлиб қолди, ана шулар ва бошқа қатор сабаблар билан бизни колхоздан чиқишга, яна мардикорлик билан шуғулланишга мажбур қилишмоқда”.

Халқ учун куйиниб, чин дилдан ачиниб айтган бу гапларни тегишли жойларга етказилган Ҳ.Зокировнинг кейинги тақдири тўғрисида архивдан бошқа бирорта ҳужжат топа олмадик.

Қулоқлаштириш йилларида ҳам халқимиз кўп ноҳақликларни бошдан ўтказишга мажбур бўлган. 3-4 таноб ери бўлган кишиларнинг ҳаммаси суриштирилмасдан қулоқ қилиниб юборилган. Қишлоқ совети томонидан тузилган бир рўйхат бўйича бирданига 15 нафар киши қулоқ қилинганига гувоҳ бўлганмиз. Бу кишиларнинг аксарияти ўз ҳалол меҳнатлари орқасидан бойлик орттирганлигига шак-шубҳа йўқ. Биргина 1932 йилда туман бўйича 100 нафардан ортиқ киши асоссиз айблар билан қулоқ қилинган ва қамалган[42].

[42] Турсунқул Турдиқулов. Боболардан мерос юрт. Гулистон.: “Зиё” 2005 й. 68-б.

1937-1938 йилларда қатағон, айниқса, кучайган. Маҳаллий миллат вакиллари ўртасида салгина илмга халқ ўртасида озроқ обрўга эга бўлган, оқ-қорани таниган одамларнинг қарийб барчаси маҳв этилди. Районда катта ишларини амалга оширган Худойқул Бобоев, Эшонқул Бобониёзов, Жиян Жўраев, Мустафоқул Шоматов, Ўзбек Зарипов, Палай Искандаров сингари фаолларга куракда турмайдиган айблар ёпиштирилиб, партия сафидан ўчирилдилар. Ҳатто шу даражага бориб етилганки, бирор раҳбар бирор жойда 1-2 йилдан ортиқ ўтириб қолса, “бунда бир гап бор” деган баҳонада суриштирув ишлари бошланган. Маҳаллий кадрлар саводсиз, колхоз қурилишини билмайди, деган баҳонани рўкач қилиб, колхоз раислари ўринбосарлигига русларни юбориши ҳам ўша даврда одат бўлган экан.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, ўша йилларда НКВД район бўлимида ишлаган 21 нафар ходимнинг 19 нафари Европа миллатига мансуб кишилар бўлишган. Маҳаллий миллат вакилларидан бўлган икки нафар ходим ҳам кейинчалик маҳв қилиниб, бири отиб ўлдирилган, иккинчиси кўп йиллик муддатга қамалган.

Кўп йиллар район ижроия қўмитасига тайёрлов идораларига раҳбарлик қилган **Эшонқул Бобониёзов**дек одам ҳам қатағон домидан омон қолмаган. VII партия қурултойида республика раҳбари Ф.Хўжаев ноҳақ ишдан олиб ташланган куни унинг уйига бориб, кўнгил сўраганлигидан хабар топган “чекист”лар бу ҳақдаги маълумотни керакли жойга етказганларидан сўнг 1937 йил 6 октябрда троцкийчиларнинг думи сифатида партия сафидан ўчирилиб, қувғин остига олинган. Чунки унга қўйилган айб - Ўзбекистонда қўзғолончи тўдалар ташкилотчиси номи билан очиқда юриб бўлмасди ҳам.

Асли ховослик, Москвадаги Олий ОГПУ курсларини тугатганидан сўнг Ўрта Осиё ОГПУ ташкилотида ишлаётган Мамараим Ҳожибоев ҳам қатағон зулмини ўз бошидан ўтказишга мажбур бўлган.

Колхоз раиси Раззоқ Одинаев, унинг укаси – темир йўл ишчиси Содиқ Одинаев, район ижроқўм раиси Шукуров, райком котиби Рўзиев, райкомнинг биринчи котиби Спириданов, мактаб директори Тўрақул Жумаев, қишлоқ хўжалик ходимларидан Бегим Очилов, Абдураим Очилов, Саттор Исроилов, Юнус Ҳасанов, Тўра Худойшукуров,

Назаркул Рўзибоев, Норбой Ҳамидов, Холиқназар Тошбоев, Мўмин Абдуллаев, Тоҳир Зокиров ва яна ўнлаб ҳамюртларимизнинг узоқ йиллар сталинча қамоқ лагерларида азоб-уқубатлар чекиб, ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетдилар.

Чакандлик **Исломқул Турдиқулов** ва **Байдулло Файзиевлар** эса "Халқ душманлари" сифатида отиб ташландилар. Қуйида шу икки нафар қатағон қурбонлари тўғрисида батафсилроқ малумот бермоқчимиз. Зеро уни ўқиган зукко одамлар уларнинг ҳақиқатан ҳам шафқатсиз даврнинг бегуноҳ қурбонлари бўлганларига ишонадилар.

Исломқул Турдиқулов 1907 йилда туғилган. Меҳнат фаолиятини тарғиботчиликдан бошлаб, Ленин номли колхозда турли вазифаларда ишлаб келган. 1928 йилда партия сафига кирган. Район партия комитетининг қарорига кўра, 1933 йилда Ленин номли колхоз партия ташкилоти котиби этиб сайланганидан сўнг кўп ўтмай берган тавсияномасида қуйидагиларни биламиз. "Ленин номли колхоз парткоми И.Турдиқулов ўз фаолиятини одамларни ягона мақсад йўлида бирлаштиришдан бошлади. Мавжуд 35 нафар коммунистнинг 30 нафари бевосита ишлаб чиқаришнинг турли бўғинларида меҳнат қилади, ишёқмас ва дангасаларга қарши муросасиз кураш олиб бориб, колхозда туман хўжаликлари орасида биринчи бўлиб аёллардан иборат 3 та бригада ташкил этиб, колхоз бошқарувига яқиндан ёрдам беради. У назорат ишларида қатнашиб, партияни тозалаш пайтида фаоллик кўрсатган. Ана шулар натижасида колхоз қолоқликдан илғорлар сафига кўтарилган. Бунда хеч шубҳасиз, И.Турдиқуловнинг катта хизматлари бор"[43].

И.Турдиқулов 1935 йил февраль ойида оддий колхозчи Омон Расуловни ҳимоя қилиб, Ўзбекистон КП (б) МК тозалаш комиссияси йиғилишида қатнашган ва бир софдил коммунист партия сафидан ўчирилишидан сақлаб қолган. 1936 йил 11 ноябрда И.Турдиқулов МКнинг қарори билан Тошкент шаҳрига армияга чақирилувчи ёшлар билан иш олиб борувчи сиёсий ходим сифатида юборилган. 1937 йил 1 январь санаси қўйилган ҳужжатда "Райкомнинг 1936 йилги фаолияти тўғрисида ҳисобот"да ҳам И.Турдиқулов Ленин номли колхоз парткоми

[43]Турсунқул Турдиқулов. Боболардан мерос юрт. Гулистон.: "Зиё" 2005 й. 67-б.

сифатида мақтовли ишларни амалга ошираётганлиги тўғрисидаги фикрларни ўқишимиз мумкин. И.Турдиқулов райондаги энг яхши коммунистлардан бири сифатида 1937 йил бошларида Тошкент шаҳрига икки ойлик тарғиботчилар ўқишга юборилади. 11-район партия конференциясида у райком аъзолигига сайланади.

Яна бир ҳужжатга эътибор берсак. Бу райком бюросининг 1936 йил 19 август куни бўлиб ўтган бюро баённомасидан. “Эшитилди: 1932 йилдан партия азоси Р.Раҳимбоев ижтимоий келиб чиқиши, деҳқон мазкур иш муҳокама қилинаётган пайтда Ленин номли колхоз раиси вазифасида ишлаяпти. Партком котиби И.Турдиқуловга қарши гуруҳ ташкил қилинганликда айбланади.

Партком котиби И.Турдиқуловга қарши гуруҳ ташкил қилинган бўлиб, Р.Раҳимбоев партия сафидан ўчирилсин”.

Ҳамма гап мана шундан кейин бошланди. 1937 йил октябрь ойида И.Турдиқуловнинг яқин дўсти туман милиция бўлимининг бошлиғи **В.Файзиев** устида “қора булут”лар тўплана бошлайди. Худди ана шундан фойдаланган аламзадалар И.Турдиқулов устидан ҳам “думалоқ хат”лар ёза бошладилар. Бу пайтда у район партия комитетида ишлай бошлаган эди. Катта парвозларга шайланаётган инсоннинг қанотларини қирқиш ўша пайтда НКВД да ишлаётган Толдикин, Мясоедов, Шмидт, Надеждинлар учун айни муддао эди. 1937 йилнинг бошларида эри томонидан ўлдирилган Хосият Худойдодованинг иши яна қайтадан очилади. Бунда И.Турдиқуловнинг заррача айби бўлмаганлигига қарамасдан унинг ўша пайтда партком котиби сифатида қотилликнинг олдини олмаганлиги, бунинг устига колхоздан оиласи учун зарур миқдордаги ғалла олганлиги унинг тақдирини ҳал қилади.

Вайдулла Файзиев ҳам ўша даврда “отилиб чиққан” кадрлардан саналади. Меҳнат фаолиятини эрта бошлаган Вайдулла жуда тез кўтарилиб, район партия комитетининг аъзоси, колхоз раиси лавозимларида ишлади. Маҳаллий миллат вакилларидан биринчи бўлиб милиция органларига ишга кирди. Кўп ўтмай туман милициясининг бошлиғи лавозимига кўтарилди. Табиийки, қишлоқдан чиққан оддий инсоннинг бу қадар тез юқорилаб бориши, обрўсининг ошиши баъзи бировларга ёқмасди. Бу хатни кўра олмаганлар, пайт пойлаб юрганлар

кўп эди. Уларнинг бахтига 1937 йилга келиб, уч нафар одам “ёмон” деган киши ёмон бўлиб кетаверадиган дамлар бошланди-ю, ҳаракатга тушиб қолишди. Қишлоқдаги отасининг нураб, тўкилаёзган чордеворини таъмирлаш учун давлат суғуртаси орқали 509 сўм пул олинганлиги зап баҳона бўлди. Бу пок инсон ночор турмушини сал бўлса-да, изга солиб олиш, қари ва касалманд отасини боқиш учун колхозлардан биридан 3 бош қулун сотиб олиб, уларни анча муддат боқиб, худди ўша колхознинг ўзига қимматга сотганлиги факти ҳам йигитнинг умрига зомин бўлиши учун етарли бўлди.

1937 йилнинг охирларида ана шу айблари учун Бухарин-Троцкий-Каменевларнинг думи сифатида суд қилиниб, отишга ҳукм қилинган Исломқул Турдиқулов ва Вайдулла Файзиевлар ўлимларидан сўнг 1956 йилда тўлиқ оқландилар.

Ҳа, халқимиз ана шундай алғов-далғовли йилларни ҳам бошидан кечирди. Лекин сирдарёликлар ҳеч қачон ўзларини маслакларидан, орзу-умидларидан ажралмадилар. Бугунги ёруғ кунларимиз сарчашмаларида халқ хизматига камарбаста бўлган, ўн гулидан бир гули очилмай хазон бўлган фарзандлар хотираси миннатдор юртдошларимиз қалбида ҳамон яшаб келмоқда.

Мустабид тузум қатағонлик сиёсати илм-фан арбобларини четда қолдирмади. Ана шундай илм эгалари эгиз ака-ука Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Ниёзийлар ҳам “Катта қирғин”нинг қурбонлари бўлишган. Улар 1895 йилда Андижонда ҳазрат Матмусохон эшон Ниёзхон эшон оиласида таваллуд топишган. Улар отасининг мадрасасида таҳсил олган. Шу билан бирга улар рус-тузем мактабига ҳам бориб, ўз билимларини янада оширганлар. Араб, форс, олмон ва рус тилларини мукаммал ўзлаштиришган. Қуръон ҳофизи, ҳаттотликда “Заррин қалам” унвонлари билан тақдирланган.



Ҳасанхон Ниёзий

Ҳасанхон Ниёзий 72 ҳунар соҳиби эди. У Навоий, Бобур, Фузулийга эргашиб, гўзал ғазаллар битган. У кўпроқ ирригация ва устачиликни касб қилиб олган эди. Андижон шаҳрида ирригация

бошлиғи бўлиб ишлаб юрган вақтида каналлар, ариқлар ва ҳовузлар шундай жойлаштирилганки, сув муаммоси кўтарилмаган ҳамда сув йўллари атрофи пок тутилган. Одамлар сув ҳавзаларидан бемалол сув ичишган.

У биринчилардан бўлиб амиркон ва хром тери тайёрлаш технологиясини ишлаб чиққан. Шу билан бирга Андижонда 29-мактабда илмий мудирлик қилган, география ва ботаника фанларидан дарс берган.

Ўзбекистоннинг биринчи кимёгар ва физик олими, эксперимантал физика бўйича профессор Ҳусайнхон Матмусохон ўғли Ниёзий 1916 йилда Тошкентнинг Шайҳонтаҳур майдонидан учирган учувчисиз моторли самолёти (ҳозирги даврда АҚШ қуролли кучларида кенг қўлланаётган учувчисиз учоқларнинг “аждоди”) Татар масжиди (ҳозирги Алишер Навоий номли театр ҳудудида) ёнига келиб қўнгани, 1920 йилда ҳовлисидан ўтган тезоб ариққа мўъжаз ГЭС ясаб, лампочкалар ёққани, 1922-1937 йиллар орасида фанимиз тарихида биринчи бўлиб «Ҳикмат ва кимё дарслиги» (1922 й.), «Кимё дарслиги» (1926 й.), “Физикадан бошланғич мусоҳабалар» (1927 й.), «Кимё» (1929 й.), «Русча-ўзбекча физика терминлари» (1931 й.), «Тупроқ ва ўғит» (1933 й.), «Физика луғати» (1933 й.) сингари асарларини нашр эттиргани “Hurriyat” газетасининг 2009 йил 23 сентябрь сонида босилган “Самолёт ясагани учун қамалган олим” сарлавҳали материали ва бошқа кўплаб даврий матбуот материаллари, ўнлаб китоблардан маълум.



Ҳусайнхон Ниёзий

Ҳ.Ниёзийнинг 1936-1937 йилларда эски лотин имлосида ёзилиб, ҳали тугалланмаган “Радиактив моддалар ва уларнинг аҳамияти” деб номланган асарини профессор Ноҳидхон Ниёзийнинг илмий раҳбарлигида домланинг набираси ва эвараси она-бола Судобахон ва Темурмалик Нарзикуловлар мустакил китоб шаклида нашрга тайёрлаб, Миллий университет Илмий кенгашига топширди. Шуниси аҳамиятлики, олим биринчи бўлиб ўзбек илмий адабиётига радиактив моддалар, радиоэлементлар,

радиактив нурлар, фотоэлемент, атом, шунингдек, уран, радий, ванадий, торий, мезоторий, радиоторий, эманатсий сингари унсурлар ҳакида илк тушунчаларни киритади, уларнинг амалий аҳамияти ҳақида батафсил маълумот беради. Менделеев даврий системасини таҳлил килади, радиактив моддаларнинг нима эканини, бошқа моддалардан кайси сифатлари билан фарқланишини тушунтириб беради.[44]

«Зарафшон» газетасининг 1925 йил 11 ноябрь сонида “Ж” имзоли муаллифнинг «Навоий юбилейига тайёрлик» сарлавҳали хабари босилган. Хабарда қуйидагилар баён этилган: «Навоийга бағишланиб чиқодурғон мажмуанинг мундарижаси ҳайъат томонидан белгиланиб, ул мавзулар қуйидоғи ўртоқларга топширилодир»[45]. Кейин ўн саккиз нафар олимнинг номи келтирилиб, уларга ҳазрат Навоий ҳақида мақолалар тайёрлаш вазифаси топширилгани ёзилган. Шунга кўра, Абдурауф Фитрат «Навоий шеър мактаби ва унинг Туркистон шоирларига таъсири», Садриддин Айний «Навоийнинг форс адабиётидаги мавқеи», Абдулҳамид Чўлпон «Навоийнинг достончилиги», Абдулла Қодирий «Навоийнинг адабий-ижтимоий типлари», Ҳусайн Ниёзий «Навоий мутасаввуф», Мунаввар қори Абдурашидхонов «Муосир турк шоирлари» деган номда тадқиқот қилган. Таниқли тадқиқотчи Сирожиддин Аҳмад бу мажмуа ўша даврда эълон қилинмагани, номлари зикр этилган муаллифлардан ўн тўрт нафар забардаст олим 1929-1938 йилларда қатағонга учрагани, уларнинг маърузалари босилмай қолиб кетгани, қўлёзмалари, адабий мерослари НКВДчилар томонидан куйдириб юборилгани тўғрисида чуқур дард билан ачиниб, куйиниб ёзади.

Юқоридаги маълумотлар билан танишиб, ўз даврининг атоқли алломаси Ҳ.Ниёзий ҳазратлари нафақат кимё ва физика соҳасида, балки адабиётнинг энг нозик йўналишларида ҳам танилган тадқиқотчи сифатида эътироф этилган экан, деган хулосага келамиз.

Мамлакатимизнинг ардоқли олимларидан бири, тарих фанлари доктори, Андижон давлат университетининг профессори Рустамбек

---

[44] https://ayouz.uz/ilm-va-fan/fizika/shomaqsud-isoqov-muhiddin-polvon-samolyot-yasagani-uchun-qamalgan-olim/.01.02.2022.

[45] Қаранг: Сирожиддин Аҳмад. “Босилмаган маърузалар”. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2006 йил 6 февраль, 6-сони.

Шамсиддинов “Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари” номли китобида Ҳусайнхон Ниёзийнинг яна бир унинг қатл этилишига сабабчи бўлган маслаги – Ватан озодлиги йўлида кураши туфайли чеккан азоб-уқубатларини архив ҳужжатлари орқали жонли тасвирлайди:

Биз 1994 йил сентябрида Анқарадаги туркий халклар тарихини ўрганишга бағишлаб ўтказилган конгрессда бўлганимизда Адана шаҳрида яшаётган Али Бодомчининг 1975 йилда Истамбулда нашр этилган «1917-1934. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар пошшо» номли китобини олган эдик. Унда мана бу сатрлар бор: «1918 йили бир қироатхона очилди. Кенг зали ҳам бўлган бу қироатхонанинг идоравий ҳаётида Туркистон миллий бирлигининг Андижондаги вакили этиб Ҳусайнхон Ниёзий, Усмонхон Эшонхўжа ўғли, Вали Мақсудий, Заҳириддин Аълам, Фозилбек Отабек ўғли, Абдулҳай Маҳдумлар сайландилар. Қироатхона халқ мактаби вазифасини бажарар эди. Ҳар оқшом усмонли зобитлар куннинг муаммолари, маданий-сиёсий ва тарихий мавзуларда халққа маъруза қиладилар. Рус ташвиқотларига ишонмасликка ва қўрбошиларга ёрдам кўрсатишга даъват этадилар».

Профессор Р.Шамсиддинов буюк шоир Чўлпон ҳақидаги фикрларини ҳужжатлар билан мустаҳкамлашда давом этади. Биз эса унинг ёзувлари орқали мақоламиз қаҳрамони Ҳусайнхон Ниёзий, акаси, мустамлакачиларга қарши миллий курашнинг энг обрўли раҳбарларидан бири Ҳасанхон Ниёзий ҳамда муҳандис ўғли Козимхон Ниёзов билан ғойибона «учрашамиз». Хулосамизни тасдиқлаш учун домланинг ҳужжатли китобидан каттароқ иқтибос келтиришга тўғри келади:

«Буюк Чўлпон 30-йилларда Андижонда нашр этилиб турилган «Пахта фронти» газетаси таҳририяти билан ҳам ҳамкорлик қилган. У Самарқандда, Тошкентда, Бухорода, Москвада бўлган вақтларида ҳам ҳар гал Андижонга келганида «Пахта фронти» газетаси ва унда хизмат қилаётган ходимлар билан яқин алоқада бўлган.»

Аммо 1937 йил 13 июлда Чўлпон қамоққа олиниб, тергов бошланганида терговчилар уни ҳар жиҳатдан айблаш мақсадида «Пахта

фронти» газетаси ва унинг айрим ходимларини ёлғон, бўҳтон қилишларини ташкил этдилар. Чўлпоннинг «халқ душмани» эканлигини асослашда унинг «Пахта фронти»даги энг яқин кишиларидан ҳам ёлғон кўрсатмалар олинади, улар далил сифатида жиноий ишга тиркаб қўйилади. Чўлпоннинг бу газетадаги иштироки аксилинқилобий, миллатчилик ташвиқоти олиб борганликка йўйилади.

Ўша мудҳиш кунлари бутун республика матбуотида Чўлпон «халқ душмани», «Ватан хоини», «буржуа миллатчиси», «туркпараст», «исломпараст» каби ёрлиқлар билан дўппосланаётган бир шароитда бу «Пахта фронти» газетаси ҳам четда қолмаганди. Газетанинг 1937 йил 20 сентябрь сонида «Иккиюзламачи мунофиқларга большевик матбуотида ўрин йўқ» сарлавҳали мақола эълон қилинган. Унда Чўлпон шахсияти зўрма-зўраки танқид қилинганди. Мақолада, жумладан, шундай сатрлар бор эди:

«Улар ўзларининг разил ҳаракатларини беркитиб, тилёғламалик билан мунофиқлик қилиб келганлар. Газетанинг масъул котиби ўринбосари Козим Ниёзов, идора ходими Фатҳиддин Ашуралиевларнинг кимлиги маълум. Бири Октябрь инқилобидан буён совет ҳукуматига тиш-тирноғи билан қарши курашиб келган, аксилинқилобчилар ташкилотининг фаол аъзоси ва бошлиқларидан бири Ҳусайнхон Ниёзийнинг ўғли, пантуркистлар билан алоқани маҳкам боғлаб, советлар ҳокимиятига ҳозиргача ҳам зимдан қарши иш кўриб келган Ҳасанхоннинг жиянидир. Яна бири эса бир вақтлар меҳнаткашларнинг бошида қонли қамчисини синдириб келган, бир неча меҳнаткашнинг турмушини хонавайрон қилган Салоҳиддин мингбошининг арзандасидир.

«Пахта фронти» бошқарувига жойлашиб олган мана бу башаралилар ҳозиргача ўзларининг қилмишларини яшириб келдилар. Газетанинг собиқ муҳаррири Боймирза Бекмирзаев у ифлосларнинг кимлигини суриштирмай ишга олди ва доим кўкларга кўтариб келди. Булар Салоҳиддин мингбошининг уйида ўтиришлар ташкил қилиб, унда советларга қарши фикрларни ўртоқлашиб юрдилар. Фатҳиддин Ашуралиев “халқ душмани” Чўлпондан доим таълим олиб келди. Чўлпон Андижонга келганида уйига меҳмонга чақириб, келажак иш

учун йўл-йўриқлар олган. Ҳатто Чўлпоннинг Андижонда нима иш қилганини, қаерларда бўлганини била туриб буни яшириб келди. Аксинча, уни яқингача ҳам ҳамма ерда баланд овоз билан «Чўлпондек киши Ўзбекистонда йўқ, бўлиши мумкин эмас», деб мақтаб юрди, қачонким Чўлпоннинг аксилинқилобий сирлари «очиб» ташлангандан кейин тўнини тескари кийиб олиб, ҳамма жойда Чўлпонни ёмонлай бошлади.

Ҳатто Чўлпон ҳақидаги катта мақоласини босишга ҳам улгурди. Ашуралиевнинг иккиюзламачилиги, мунофиқлиги К.Ниёзовга маълум эди. Уни Чўлпон билан қанчалик ҳамтовоқ эканини биларди. Шунинг учун ҳам унинг мунофиқлиги, иккиюзламачилик тактикасини сезиб туриб, мақоласини атайин газетада бостиради».

Чўлпонга ва унинг яқинларига қарши қаратилган бу мақола атайин буюртма билан уюштирилгани ва бошдан оёқ тўқима эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Мустамлакачилар кўзга кўринган одамларни ҳар қандай разилликдан қайтмасдан маҳв этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйгани ҳақида профессор Шамсиддинов шундай деб ёзади: «...Козим Ниёзов, Фатҳиддин Ашуралиев, Салоҳиддин мингбоши шахсиятларига қилинган бўҳтон ҳақида бир оз тўхталиш лозим. Ака-ука Ҳасанхон Ниёзов, Ҳусайнхон Ниёзовлар жадидчи, миллатпарвар, маърифатчи, мустақиллик учун курашган зиёлилардир. Уларнинг ҳаёт йўли, сиёсий қатағон бўлгани ҳақида «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар» номли китоб[46]да қисман ёритилган.

Яна «Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари» китобига мурожаат қиламиз. Ундаги 75 йилдан буён махсус идораларнинг архивида сақланаётган, ўзбек халқининг буюк иродаси билан ошкор қилишга рухсат этилган, собиқ шўролар ҳукумати доҳийларининг малайлари бўҳтон ва туҳматга асослаб тузган даҳшатли маълумотларни ўқиб, юрагимизни ғижимлаб, ларзага тушдик. Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги учлик 1937 йил 13 ноябрда Абдумуталиб Корамандиев, Ҳасанхон Ниёзов, Абдужалил Ҳайдаров, Домуллажон Бадриддинов, Паттоҳ Азизов, Зокиржон Нусратов (Нусрат Зокир)ларни отувга, Бурҳон Машрабий,

[46] Каранг: Рустам Шамсутдинов, «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар» Т.: «Шарқ», 2001. Б 306-325.

Исоқ қори Каримов, Мадамин Ваҳобов, Маҳмудхон Низомов, Боқи Маҳмудий, Салоҳ Сайфий, Файзулла Султонов, Самандарбой Мўминбоев, Исмоилжон Алимов, Асқар Қаюмов, Расулжон Раҳимий, Абдуқодир Абдуғафуров, Маҳмудбек Қозиев, Расулжон Султонов, Султонмаъсуд Холботиров, Султонмаҳмуд Холботиров, Маҳмудбек Мусин, Аҳмаджон Ҳакимов, Саидхон Шодмонов, Мирсоат Мавлонов, Ҳожи Акбар Мўминов, Шукур Ҳакимовларни 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этади.

Бу 28 нафар андижонлик зиёлилар, маърифатчиларни тергов камераларида ўтказилган қийноқ сўровларда уларнинг кўпидан Чўлпонга қарши бўҳтон, иғво, сохта кўрсатмалар олишга, уларнинг бир-бирларига туҳмат қилишларига мажбур қилинган.

“Мен ушбу мақолада тилга олинган қатағон қурбонларидан баъзиларининг фарзандларини шахсан танийман. Масалан, Салоҳиддин мингбошининг ўғли Абдурашид Ашуралиев Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Самарқанд обкомининг биринчи секретари бўлиб ишлаган эди. Ҳасанхон Ниёзовнинг катта ўғли Одилхон Ниёзов, шунингдек, укаси Ҳусайнхон Ниёзийнинг ўғли, юқорида тилга олинган «Пахта фронти» газетасининг мухбири Козимхон Ниёзов иккинчи жаҳон уруши йилларида немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда қаҳрамонлик кўрсатиб, уйларига соғ-омон қайтганди. Бири тарих фанлари номзоди, Андижон давлат университетининг доценти, факультет декани, иккинчиси, Москва Саноат академиясини тугатиб келиб, Андижон вилоят маҳаллий саноат бошқармасида бош муҳандис бўлиб ишлади. Вақт ўз ишини қилмоқда. Бу икки оға-ини ҳам, уларнинг сингилларидан адиба ва шоира Басимахон ҳожи отинойи, Сайёрахон ва Раънохон ая, Абдурашид Ашуралиев сингари кўплаб андижонликлар энди орамизда йўқ.”

Мустамлакачилар кўзга кўринган одамларни ҳар қандай разилликдан қайтмасдан маҳв этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйгани ҳақида профессор Р. Шамсиддинов шундай ёзади: “...Козим Ниёзов, Фатҳиддин Ашуралиев, Салоҳиддин мингбоши шахсиятларига қилинган бўҳтон ҳақида бир оз тўхталиш лозим. Ака-ука Ҳасанхон Ниёзов, Ҳусайнхон Ниёзовлар жадидчи, миллатпарвар, маърифатчи,

мустақиллик учун курашган Андижон фарзандларидир. Уларнинг ҳаёт йўли, сиёсий қатағон бўлгани ҳақида “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар” номли китоб (Рустам Шамсиддинов. “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар”, 306-325-бетлар, Тошкент, “Шарқ”, 2001 йил)да қисман ёритилган.

А.Чўлпон ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) ертўласида тергов қилинаётган вақтларда Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Ниёзовлар ҳам қамоқда терговда эдилар. Ҳасанхон учликнинг 1937 йил 13 ноябрдаги қарори билан отувга ҳукм этилган. Ҳукм ўша куниёқ ижро этилган. Ҳусайнхон Ниёзов 1938 йил 8 августда Андижонда қамоққа олинади, 1941 йил 20 ноябрда отувга ҳукм этилади, 1942 йил 23 апрелда СССР Олий суди Ҳусанхон Ниёзов ишини кўриб чиқиб, унга берилган отув ҳукмини бекор қилиб, 10 йиллик қамоқ жазоси билан алмаштиради. У узоқ Магаданда 1947 йилда вафот этади.

Ҳусайнхон Ниёзов қамоқдалигида терговчининг саволига берган жавобларидан бирида шундай кўрсатма берган: “Бу вақтга келиб, Тошкентдаги миллатчилардан Илҳомжон Исмоилов, Саъдулла Каримов, Шорасул Зуннунов, Абдулҳамид (Чўлпон) Сулаймонов ва бошқалар билан мен мунтазам алоқа тиклай олдим... ”.

“Адолат - мустақилликнинг тамал тоши” сарлавҳали мақоласида таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов шундай ёзади: “Миллат ва халқ учун жонини фидо қилган Ватандошларимиз орасида ака-ука Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Ниёзийлар ҳам бўлган. Машҳур физик ва кимёгар, педагог, ихтирочи ва шоир Ҳусайнхон Ниёзий 1922 йилда физика ва кимё фанлари бўйича ўзбек тилидаги илк дарсликларни яратган. Ана шу шахс большевикларнинг Туркистонда олиб бораётган ғайримиллий сиёсатини кўриб, “Миллий иттиҳод” ташкилотига аъзо бўлиб кирган, ҳатто ўша ташкилотнинг Андижондаги бўлимига раҳбарлик қилган. У шу лавозимдаги фаолияти учун 1923 йилда қамоққа олинади. Аммо амалда большевиклар ҳокимиятига қарши бирор жиддий иш қилмагани учун орадан 3 ой ўтгач, озод этилади. Бироқ 1937 йилда Ҳусайнхон Ниёзий ўша 1923 йилдаги айби билан барибир ўлим жазосига ҳукм қилинади”.

Бугун биз яшаб турган тич заминни тинчлиги учун ўз жонларида кечган ота-боболаримиз миллатимиз фидойиси сифатида ёш авлоднинг қалбида мангу қолади. Миллатимизнинг илм-фани ривожланиши учун бор куч-қудратларини бағишлаганлар.

Ўша даврларда ўз юртларидан бадарға бўлиб, бошқа юртларда сарсон-саргардонликда умр кечирган, улар қолдирган кундалик хотира дафтарларини ўқиб, инсон сесканади. Уларнинг хотира битикларидаги ёзувлар ўша даврнинг уқубатли кунлари кўз ўнгингда гавдалангандек, ўқиб, юрагинг эзилади. Ана шундай қатағон даврининг яна бир қурбони мулла **Ҳайдар Мусаевдир**.



Мусаева Бусалима ая рафиқаси

Абдуғани Ҳайдаров асли андижонлик бўлса-да, кўп йиллик меҳнат фаолиятини Сирдарё вилоятида ўтказди. Мирзачўлни ўзлаштиришда, энг фаол, жонкуяр инсонлардан бири эди. У кишининг фарзанди Зафаржон Ҳайдаров “Қатағон қурбонлари хотираси” музейига дадаси ёзиб қолдирган хотира дафтарини олиб келди. Биз хотира дафтарини варақлаб, у А.

Ҳайдаров ёзиб қолдирган хотиралардан қуйидаги сатрларга кўзимиз тушди:

“9 май Хотира куни - бу табаррук кун менинг хотирамни уйғотди. Мен, Ҳайдаров Абдуғани, 1925 йилнинг баҳор ойида Хўжаобод қишлоғининг “Қашқар” маҳалласидаги “Қизил давлат” жамоа хўжалиги ҳудудида зиёли оиласида дунёга келганман.”

Мулла Ҳайдар Мусаев 1891 йилда шу қишлоқда туғилиб ўсган. У киши ислом илмидан савод олиб, “Мулла Ҳайдар пешқадам” деган ном олган. Шу сабабли исломдан билим бериш тақиқлангунга қадар маҳаллалардаги исломий мактабларда ёшларга исломдан сабоқ берди.

Колхозлаштириш даврида амаким ва дадамга тегишли бўлган оз миқдордаги ер ва от аравани колхоз ихтиёрига топшириб, колхозга кириб, ишлашган 1932- йилларга келиб, колхоз омборчиси вазифасида ишлайди. 1937-1938 йилларда Хўжаобод қишлоғимизда сўнг Бўритепа деган қишлоқда, кейинчалик Доғистон қишлоғида дўкон мудири бўлиб ишлаган. 1937 йил ноябрь ойида Доғистондаги дўконда қамоққа

олинади. Районимиз марказидаги қамоқхонадан Андижондаги “Латта заводи” деб номланган қамоқхонага олиб кетишди. Амаким Қамбарали отам билан дадамни кўргани борганда бу қамоқхонадан бошқа жойга жўнатиб юборишганини айтишган. Отам билан ҳамқишлоғимиз биргаликда избосканлик Мирза аканикида тунаб, қишлоққа бирга қайтдик. Шундан сўнг 1939 йилгача Ярославл области 4-лак пунктидан хат келиб турди. Ўша йили дадамга посилка (жўнатма) юборсак, Ярославлдан дадамнинг бошқа жойга жўнатилганлиги тўғрисида хабар бериб, юборган посилкамизни қайтариб юборишди. Шундан кейин дадамдан хат ҳам олмадик ёки бирор ташкилотдан хабарнома ҳам олмадик. Шу кундан бошлаб дадам билан хат орқали хабардор бўлиб туриш ҳам тўхтади.

Мен бир кўчада катта бўлган Абдураҳим Каримов билан биргаликда дадам ҳақида маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Советига хат ёздик. Йўлдош Охунбобоев номидан хат келди. Унда “хатингизга жавобни район ички ишлар бўлимидан оласиз” деб ёзилган эди. Мен у вақтда бундай ишларнинг орқасидан суриштирадиган ёшда эмас эдим. Дадамнинг бир укаси бор эди. У ҳам бунга журъат эта олмади. Шу билан хатимизга қайтган жавобдан ҳам бехабар қолдик.

Кейинчалик йиллар ўтиб, 1992 йилда яна дадамни эслаб, суриштирув ишларини бошладим. Чунки мустақиллик йилларида 1990 йиллардан бошлаб мамлакатимизда қатағон қилинган юртдошларимиз ҳақидаги маълумотлар ва мақолалар газета ва журналларда чоп этила бошлаган эди. Районимизда чоп этиладиган “Ғалаба” газетасида “Уқубатли йиллар садоси” деган рубрика бўйича қамаш, сургун қилиш, отиш тўғрисидаги қатағон қилинганлар тақдири ҳақида кўплаб мақолалар чоп этила бошлади. “Ғалаба” газетасидан 1992 йил 23 январь сонида “Мулла Ҳайдар Мусаев ким эди? Уни нега қамашди? Муштарийларимизга бу ҳақда маълум қилиш вақти келди” деган мазмунда мақола чоп этилди[47].

Дадамга айб қўйган одамларнинг айтишларига қараганда у киши маҳалла болаларини эски мактабда ўқитган, имом вазифасида ишлаган,

[47] Муҳаммад Сиддиқ. Қиёматга қолган дийдор. “Ғалаба” рўзномаси. 1992 йил 23 январь №4.

дўкон пештахтасида намоз ўқиган, “маҳалладагиларга буғдойдан олиб қўйинглар, буғдой келмайди,” деб тескари ташвиқот қилган эмиш.

Мулла Ҳайдарнинг невараси Сирдарё вилояти Оқолтин тумани Фарғона шаҳарчасида яшовчи Зафаржон Ҳайдаров 2017 йилда “Шаҳидлар хотираси жамоат фонди” раҳбариятига мактуб йўллаб, бобоси ҳақида маълумот сўраган. 2017 йил 19 июнда хатга қуйидагича жавоб келган. Аниқланган маълумотларга қараганда Ҳайдар Мусаев (1891 йилда туғилган) Қўқон ва Андижон мадрасаларида ўқиб, олий таълим кўрган. Қамоққа олинганда Андижон вилояти, Хўжаобод қишлоғида яшаган. У 1937 йил 13 ноябрь куни Андижон округ НКВДсининг район бўлими томонидан ЎзССР ЖК нинг 66-моддаси 1-қисми, яъни аксилсовет тарғибот олиб борганлик айби билан қамоққа олинган[48].

1937 йил 21 ноябрь куни ЎзССР НКВД қошидаги машъум “учлик” қарори асосида Ҳайдар Мусаев 10 йиллик меҳнат тузатиш лагерига (МТЛ) ҳукм этилган. Ҳ. Мусаевнинг “иши”да унга тегишли сурат ва жазо ижро этилган жойи қайд этилмаган.

“Холис” кишиларнинг бир хати билан мулла Ҳайдар ўн йилга қамалди. Унинг қачон ва қай тарзда вафот этгани бугун на ўғил-қизларига, на хамқишлоқларига маълум. Ота тақдирини билиш учун фарзандлар томонидан турли идораларга юборилган хатлар ё дом дараксиз кетар, ёки уларга қониқарсиз жавоблар келар эди. Ниҳоят мулла Ҳайдарнинг кенжа ўғли — “Ўзбекистон” жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи Абдунопи ака номига Ўзбекистон прокурорининг катта ёрдамчиси Т.В.Дерен имзоси билан оқлов хати келди. Унда 1937 йил 21 ноябрда НКВД қошидаги “Учлик” томонидан ҳукм қилинган мулла Ҳайдар Мусаевнинг батамом оқланганлиги таъкидланган эди.

Мулла Ҳайдарнинг кенжа фарзанди Абдунопи Ҳайдаров шундай хотирлайди: “Отам қамалганида мен чақалоқ эканман. У кишининг на сурати қолган, на бирор буюми. Отамни соғинганимда у киши билан ҳамсуҳбат бўлган қарияларнинг ҳузурига бораман, ўшаларнинг отам ҳақидаги ҳикояларини ўз қулоғим билан эшитаман. Аммо юрагимда бир армон билан яшайман. Отамнинг хоки қаердалигини ҳали-ҳануз

[48] Шаҳидлар хотираси жамоат фонди томонидан З.Ҳайдаровга юборилган хат. 2017 йил 9 июнь № 16.

билмаймиз. Қани эди падаримизнинг хоки пойини кўзларимизга суртсак...”

Абдуғани Ҳайдаровнинг кундалигида қуйидагилар қайд этилган: “Мен туғилган йили маҳаллий аҳоли рус мустамлакачиликдан безиб қолганидан ўша йилларни “Ўрис келди” деб номлашган экан. Улар босмачиларга қарши қишлоқларга кириб боришганида шу вақтда қишлоқ аҳолиси қулай жойларга яшириниб олишга мажбур бўлишган. Отам ҳам қўшнимиз Баракабой ака ҳовлисидаги чангалзорга яшириниб, кун кечирган. Мен анчагина улғайиб қолган эканман. Онамнинг айтишича, отилган ўқлар тепаларидан визиллаб ўтиб турар экан. Мени эса “қўрқиб қолмасин”, деб эҳтиёт қилиб, катта қилишган[49].

У вақтдаги қўшниларимиз Қамбарали амаким, отам мулла Мирза Раҳим, Баракабой ака, Абдуқаюм ҳожи, Олим ака, Абдужаббор ака, Аҳмадали бўзчи, Матқобил ота, Маматқул ва Шермат акалар, Абдулҳаким, Ҳусанбой ва Яқубали акалар бўлишган. Ҳозирги қўшнилар кейинчалик келиб, ўрнашишган. Мен ёшлик чоғимда дадам ва амаким учун отадан қолган ва колхозга аъзо бўлиб, умумлашган вақтларда Файзиобод қишлоғига олиб борувчи йўлнинг бурчагидан бошлаб “антиқа гуллар” деб аталувчи жойда бир туп катта тут бўлиб, дадамнинг ерларининг чегараси ўша жойгача борар эди. Ёшлик даврimда жўякка экилган пахталар ичидан бир-икки чаноқ малла пахта топиб олганлигим эсимда бор.

Маҳалламизда сув “Хўжаобод ариғи” деб аталувчи катта даладан оқиб ўтувчи ариқдан олиб келинар ва ичишга ҳам шу ариқ орқали олиб келиниб, қишлоқ оралаб кетган ариқдан сув олиб ичар эдик. Ўша вақтда ариқ сувларига эътиборсизлик билан қарашимиз халқимизнинг нақадар содда ва софдил эканидан далолат беради.

Мен дастлаб мактаб атрофида темирчилик устахонасида, сарой ичида от боқувчилар олдида бўлиб, отларга хашак солиш ва суғориб келишга ёрдам берар эдим. Кечки пайтларда эса қўл билан ҳаракатга келтириладиган овозсиз кинони томоша қилар эдик. Кўпинча яқин даладаги тракторларни бориб кўрардим. Аҳмаджон акам бошқарган пахта териш машинаси ажойиб эди. Тракторнинг икки ёки бир

[49] Мулла Ҳайдар Мусаев фарзанди Абдуғани Ҳайдаров ёзиб қолдирган кундаликдан.

томонида ёғ бочкаси формасида узун бункер бўлиб, унга бир сўрғич шланка уланган ва шу шланка орқали пахта сўриб олинар эди. Бир ишчи одам шлангни очилган пахта яқинига олиб бориб, тутиши керак эди, чаноғида қолса, уни олиб, шлангни ташлаши зарур эди. Аҳмаджон акам ҳайдовчи бўлиб қолгандан кейин отам у билан бирга Ҳаққулобод ёки Олтиариқдан бензин, керосин мойлаш маҳсулотларни олиб келишган.

Дадам қамалган йилларда онам Бусалима бетоб бўлиб, кўп сиқилишлар эвазига юрак оғриғи дардига чалинди. Юраги сиқилиб қолганда уйимиз нотинч бўлар, онамиз бу хасталикдан узоқ вақт азоб тортар, болалар ҳам ўйнаб юрган жойимизда ҳам аланг-жаланг икки қулоғимиз уйимиз томонда бўлиб турарди.

Ажаб дунё экан, дадам қамалиши ва отасиз фақат она тарбиясини олиб, вояга етиш ақлни, онгингни вояга етказар экан. Қалбинг, юрагинг ва танангни ларзага келтириб, сенда компьютер тугмачаларидек тугма ҳосил қилар экан, бу тугмачалар сен қилаётган ишлар, ҳаракатлар, фикрлар қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини англаб олишга ёрдам беради.

II БОБ. СОБИҚ СОВЕТ ДАВРИ ҚАТАҒОНЛИКЛАРИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛАР

Ўзбек халқининг ижтимоий байналмилал ёрдами мамлакат учун оғир бўлган уруш даври ва урушдан кейинги даврда тиклаш ишларини муваффақиятли авж олдиришнинг муҳим омили бўлди.

Бироқ уруш даврида СССР халқларининг мустаҳкамланиб борган байналмилал бирлиги, фақат гитлерчи босқинчилар томонидан эмас, шу билан бирга коммунистик истибдод тузуми томонидан ҳам ниҳоятда кўплаб синовларга дучор этилди. 1941 йилда асоссиз айблар билан Волга бўйидаги немислар шарққа сургун килинди. 1943 йилда ва кейинги йилларда қалмиқлар, чеченлар, ингушлар, Қрим татарлари, карачайлар, болгарлар ўз она юртларидан асоссиз равишда бадарға қилиндилар. Болгарлар, юнонлар, поляклар, месхети туркларидан иборат этник гуруҳлар ҳам мажбурий равишда кўчишга мубтало бўлдилар. Бу ғайриинсоний ҳаракатлар мазкур халқларнинг вакиллари бўлган жангчилар уруш жанггоҳларида мардонавор жанг қилиб, ҳалок бўлаётган пайтларида содир қилинди. Сталинча раҳбарият «кичик халқлар»ни зўравонлик билан кўчирилишини, улар фашист босқинчилари билан «ҳамкорлик қилганлар» деб оқлашга уринди.

Барча кўчирилган халқлар ўзларининг миллий давлат тузилмалари ва конституцион ҳуқуқларидан маҳрум этилдилар. Махсус равишда кўчириб келтирилганлар ўзлари учун белгиланган репрессив режимга қатъий риоя қилишлари ва НКВДнинг махсус комендатуралари фармойишларига бўйсунишлари шарт эди.

Кўчишга маҳкум этилганларни «эвакуация» қилиш улар учун чинакам фожиага айланди. Расмий статистика маълумотига кўра, кўчириш жараёнида махсус посёлкалар ва лагерларда деярли 200 минг нафар чечен ва ингуш, 120 минг нафар қалмиқ (ёки халқнинг деярли ярми), 40 минг нафар қарачайлик (миллатнинг учдан бир қисми), 20

минг нафар балқар (миллатнинг ярми), 14 мингдан зиёд турклар ҳалок бўлган эди.[50]

Депортация қилинган халқларни бошқа жойларга тарқатиб, жойлаштириш Жанубий Ўролнинг улкан ҳудудидан тортиб бутун Қозоғистон чўллари ва Олтой тизма тоғларининг одам оёғи етмаган тоғолди қисмлари бўйлаб ўтказилди.

Кўчирилганларни жойлаштириш учун танланган жойлардан бири Ўзбекистон эди. СССР НКВД махсус жойлаштириш бўлимининг иши тўғрисидаги маърузадан маълум бўлишича, фақат 1944 йил мартдан 1945 йил октябрга қадар мамлакат бўйлаб махсус кўчирилганлар 2.230.500 нафар кишини ташкил этган бўлиб, улардан республикамизга жойлаштирилганлар сони 200 мингдан ортиқ кишидан иборат эди.[51] Лекин уларнинг умумий сони амалда бундан кўпроқ эди. Қримдан 151.604 нафар Қрим татарлари, Грузиядан 110 минг нафарга яқин месхети турклари, Шимолий Кавказдан 20 минг нафардан ортиқ ингуш, 4,5 минг нафар арман, греклар кўчириб келтирилган эди.[52] Улар орасида бошқа элатларнинг вакиллари ҳам оз эмас эди.

Корейслар бир неча босқичда Россия давлатига тегишли бўлган ерларга кўчиб келганлар. Тарихий манбаларда корейсларнинг Россияга қарашли бўлган Узоқ Шарқ регионига кўчиб ўтишидаги биринчи тўлқин 1863-1884 йилларда рўй берган.

1930 йилнинг ўрталарида собиқ СССР ҳудудларида 200 мингдан зиёд сонли корейслар яшарди. Улар совет жамиятида ўтказилган “ёппасига коллективлаштириш” (бу компанияда 80 фоиз корейслар қатнашган) саводсизликни тугатиш каби анъанавий тадбирларда иштирок этдилар.

1929-1932 йиллардаги қулоқлаштириш сиёсати, 1931-1933 йиллардаги даҳшатли очарчилик туфайли ушбу ҳудуд аҳолиси кескин камайган, миллионлаб кишилар муҳожирликка кетган эдилар. Жумладан, 616 нафар киши қайтиб келмаслик шарти билан кўчиб кетганди. Ўрта Осиё ҳудудларидан эса салкам 2 миллион киши хорижга муҳожирликка кетганди. Совет давлати ушбу айбларини ёпиш ва

[50] Долуцкий И.И. СССР во второй мировой войне (1941–1945 г.г.) – М., 1992. С. 141.
[51] Бугай Н.Ф. К вопросу о депортации народов СССР в 30–40-годы //«Вопросы Истории». 1989, № 6. С. 141, 143.
[52] «Московские новости». 1989, 9 апреля.

меҳнат ресурсларини тўлдириш каби мақсадларда ҳам бир бутун халқ пешонасита “сотқин”, “хоин” каби тамғаларни босиб, кўчирувчилик сиёсатини юритганди.

1937 йил 15 октябрдан бошланган корейсларни мажбуран кўчириш билан боғлиқ тадбирлар 1938 йилинг 1 январигача давом этди. Шундай қилиб, 1938 йилнинг кузида Ўзбекистонда 16453 оила, жами 74206 нафар кўчирилган корейслар яшай бошладилар. Шундан 10946 хўжаликдаги корейслар колхозларга бирлаштирилди. Вилоятлар бўйича тақсимланганида Тошкент вилоятида 6557 нафар, Самарқанд вилоятида 1194 нафар, Фарғона вилоятида 1130 нафар, Хоразм вилоятида 846 нафар, Бухоро вилоятида 16 нафар корейс истиқомат қиларди.

Ўзбекистонга кўчирилган корейсларнинг тенг ярми “мустақил корейс колхозлари”га уюшди. Қуйи Чирчиқ туманида 6 та, Ўрта Чирчиқда 13 та, юқори Чирчиқда 4 та корейс колхозлари ташкил этилди. Самарқанд вилоятида 9 та, Фарғона вилоятида 5 та, Хоразм вилоятида 3 та, Қорақалпоғистонда 5 та корейс колхози тузилган. Бундан ташқари, 211 та ўзбек маҳаллаларида 5145 та корейс хўжаликлари жойлаштирилди. 1938 йилнинг охирида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон, Бухоро каби шаҳарларда 2500 та оилада корейслар истиқомат киларди. Умуман, Ўзбекистон ҳудудларида жами бўлиб 16307 та корейс оиласи, 74500 нафар киши истиқомат қилган.

Мажбуран кўчирилиш сиёсатининг дастлабки йилларида кескин ўзгарган табиий шароит уй-жой муаммоси, тўйиб овқатланмаслик, тиббий хизматнинг етарли эмаслиги каби омиллар туфайли кўпгина корейслар ҳаётдан кўз юмганлар. Ҳаёт билан бевақт видолашганлар 25 минг нафарни ташкил қилган. Бироқ корейслар ўзбеклар билан елкама-елка бўлиб, деҳқончилик, полизчилик, боғдорчилик соҳасида юксак натижага эришдилар. Улар ўзларининг ўта меҳнаткашлиги, машаққатга чидамли эканлиги ва маҳаллий миллатнинг тили ва урф-одатларига эътиборлилиги билан халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Корейс миллати вакиллари орасидан Ўзбекистоннинг салкам 70 йиллик тарихий даврида машҳур олимлар, шоир ва қўшиқчилар, тиббиёт ва иқтисодиёт мутахассислари, миришкор деҳқонлар етишиб чикди.

Маълумотларга кўра, округда 866 та аҳоли пунктлари (манзилгоҳ), хўжаликлари сони 110 420 та бўлиб, округ аҳолиси умумий сони эса 724 397 нафар кишини ташкил этган. Аҳолининг 966 058 нафари қишлоқ, 158 339 нафари шаҳар ахолиси ҳисобланган. Этник таркибининг 72.6 фоизини ўзбеклар, қолган қисмини қирғизлар (7,9%), кипчоқлар (5,2%), уйғурлар (3%), қорақалпоқлар (1,8%), тожиклар (1.2%), руслар (1,1%), қурама (0,4%) ва бошка элат вакиллари ташкил этган.

1936 йилда Совет Конституцияси қабул қилингандан сўнг улар ахискаликларнинг бир қисмини “озарбайжон халқи” деб ёздилар. Худди ўша йили ўн минглаб аскарлар Ахискада ва унинг атрофида чегара қўриқчиси номи билан жойлаштирилди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Ахиска туркларидан урушгача қамалмаганлар ҳарбий хизматга чақирила бошланди. 40 минг нафарга яқин одам немислар билан жанг қилиш учун жангга жўнатилди. Қолган аёллар ва қариялар ҳам Ахиска-Борсом темир йўлида ишга жойлашишди. Ушбу йўналиш 1944 йил октябрь ойида ниҳоясига етди.



Ахискали туркларни юк поездларига жойлаштириш жараёни.

1944 йил 13 ноябрдан 14 ноябрга ўтар кечаси олдиндан режалаштирилганидек, ўн минглаб рус аскарлари ахискалик туркларнинг 200 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқларига келишади. Улар ҳар бир уйга кириб, озуқа учун мева-сабзавотлар йиғишади. Шундан сўнг рус аскарлари ахискалик туркларни ҳам поезд станциясига олиб боришади. Ўша куни ахискалик турклардан 100-120 минг нафар киши юк поездларига жойлаштирилади.

Депортация қилинганларнинг аксарияти йўлларда ҳалок бўлишади. Тирик қолганлари эса жуда ҳам ёмон шароитда бир ярим ойлик йўлдан сўнг Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонга етиб келишгач, жойлаштирилади.



Месултан Менаметова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси “Бошқарув маҳорати” кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича PhD Л.Б.Қодированинг бувиси Месултан Менаметова иккинчи жаҳон уруши йилларидаги даврларни кундалик хотира дафтарига ёзиб қолдирган. Музейимизга олиб келди. М. Менаметова 1926 йил 12 мартда Қрим области Евпатория райони Айсабай қишлоғида туғилган. Ўз бошидан ўтказган кечинма

ларини ёзма равишда баён қилади: “1941 йилда уруш бошланиб, бутун оғир ишлар ўзимга қолди. 1941 йил июнь ойида Иккинчи жаҳон уруши қанчадан-

қанча оталар, акалар, ўсмирлар - ҳамма-ҳаммани армияга олдилар. Қишлокда эркак зоти қолмади. Шундан сўнг 20-25 ёшга кирган қизларни окоп қазишга, менинг тенгқурларимни колхоз меҳнатига оммавий ишлаш учун жалб этишди.

Немис самолётлари осмондан Евпаторияга бомбалар ёғдира бошлашди. Шаҳар бизнинг қишлокдан 9 километр узоқликда эди. Бир томонда мен ўқиган “Қўнғирот” совхози денгизга яқин бўлганлиги учун совет пароходларига бомба ёғилса, яна ҳаводан тепамизга келиб, самолётлар икки томонники ҳам бири-бири билан отишмалар қилиб турарди. Жонимизни ҳовучлаб, “ерга ёт!” деган командани эшитиб, ерга ётардик. Кун бўйи отишма, қўрқув билан ҳар томонга қочардик. Буғдойзорларга ўт тушиб кетса, дарҳол ўчиришга тушардик.

Бир кун колхозда картошка териб юрсак, 2 та самолёт ҳужумга ўтиб, тепамизда бир-бирини ўққа тутишди. Бизнинг совет самолётига ўқ тегиб, келиб, ёнимизга тушди. Учувчи “Қочинглар! Мени деб ҳаммаларингиз ўлиб кетасизлар!” деб бақирди, қувди. Лекин шунда ҳам бизнинг қўрқмас бир қизимиз бошидаги оқ рўмолини ечиб, ярадор учувчининг бошини боғлади. Учувчи ўзини яхши тутарди. Дарҳол “тез

ёрдам” машинаси келиб, госпиталга олиб кетди. Ҳалиги бизни самолётга ўқ отган немис самолётини артиллериячиларимиз уриб туширишди. Биз – болалар қўйга ўхшаб бир у ёққа, бир бу ёққа чопаверганмиз.

Номинг ўчгур уруш бизнинг муқаддас тупроғимизга немис босқинчилари бостириб кириб, оталардан, акалардан, укалардан, кимларининг эри, ўғилларидан жудо қилди. Фашистлар келиб, колхозимизни тарқатиб, қолган хотин-халажни, ўн оилани бир гуруҳ қилиб, отларни бўлиб бердилар. Ҳар бир оила ўз навбатини жон ҳовучлаб ўтказарди. Мисол учун, мен онам билан отлар оч қолмаслиги учун от боқувчи бўлдик. Бешта от билан ер шудгорлардим, арава ҳайдаб, отларга сомон, ичиш учун бочкага сув тўлдирардим.

Далага бораётганда отга миниб кетардим. Бир кун шудгор қилиб, ишлаб юрсам, узоқдан бир неча румин аскарлари кўринди. Яқин келиб, мен ишлаётган отларнинг бошидан ушлаб, ўзларининг чарчаган отларини менинг отларимга алмаштирмоқчи бўлдилар. Мен тезда отнинг устида тикка туриб, анча узоқдаги бир ногирон чолни чақирдим. У бирпасда етиб келди. Отларни бермадик. Шу тариқа қўл билан буғдой, маккажўхори, писта, картошка экардик.

Мен ўша вақтларда 15-16 ёшларда бўлсам керак, яшашдан мақсадим қари ота-онамни ва укаларимни боқиш эди. Ёзга келиб, экканларимиз пишди ва ҳосилни йиға бошладик. Меҳнатимизга яраша омборларимизга экинларимиз тўкила бошлади. Уруш вақти эмасми, иқтисодиёти ёмон оилаларга немисларга билдирмасдан кўпинча улашиларди.

Бошимиздан кўп қийинчиликларни ўтказдик. Гитлерчилар буғдой бермасдан чигит, супурги уруғидан овқат ўрнида берардилар. Онам бечора “бу чигитни қандай еймиз?” дер эди. Чигитни, супургининг уруғини қовуриб, ер эдик. Ана энди қурғур ичак оғриғини-чи, ичимиз қотиб, неча кунлар касал бўлиб қолардик. Онам бечора ўзига қарамасдан “болаларим қирилиб кетади” деб уйма-уй югуриб, сут-қатиқ топиб келиб, ичирарди. Ўзимизда ҳам сигир бор эди, лекин анчадан бери соғмаганимизга сут бермай қўйганди. Кўп ўтмай фашистлар поданинг ичидан сигиримизни олиб кетдилар, чунки у

семизроқ эди. Онам “болаларим бор, сигиримни қайтиб беринглар”, деб кўп ялинди. Бизлар ҳам тизилишиб бақириб йиғладик, шунда фашист автоматини бизга қаратиб, “отаман!” деганидан кейин жонимизни ҳовучлаб уйга кириб кетдик.

Онам шаҳарга опалариникига кетди. Биз отам билан уйда қолиб, кечаси билан тағин яна можароларга рўпара бўлдик. Ухлаб ётсак, отам бизни уйғотиб, деди:

– Болам, эшикда яшикдаги донни румин аскари ташиб бўлай, деди.

Мен отамнинг чакмонини кийиб, тезда чиқиб, аскарнинг қўлидаги донни тортиб олдим-да, бақир-чақир қилиб, яна яшикка қайтариб тўкдим. Қаердандир румин офицери менинг овозимни эшитиб,

– Нега олмон аскарига бақирасан? – деб орқамга қалин тўқилган қамчи билан уриб-уриб, баданимни шиширириб юборди. Орқам ачишиб, ухлай олмай ётсам, яна руминлар келиб, отлари, пушкалари билан ҳовлимизга жойлашиб олишди. Ҳовлимиз пушкалар, аравалар билан тўлиб кетди. Шукурлар бўлсинки, юқоридан буйруқ келиб, ҳаммаси кетди.

Онам шаҳардан қайтаётиб, Айше синглимни етаклаб қайтаётганда “ҳужжатинг йўқ”, деб немислар бирмага қамаб қўйибдилар. Синглим ёш эмасми, қамоқда ҳар хил одамлар. Бирининг нони бор, бирининг суви бор. Онам Айшени кўрсатиб, “манави болага бир тишлам нонингиздан беринглар”, деб тиланибди. Ҳафта, ўн кун ўтгач, қишлоғимиз одамлари йиғилиб, бир бош бузоқ, тўрт бош қўй бердилар. “Ҳамма учун сигирини олиб кетишди лаънати фашистлар”, деб бир мулоҳозага келиб, ўша молларни бердилар. Отам “буларни ҳам тортиб олсалар, роса алам қилади. Ундан кўра, сўйиб, еганимиз фойда”, деди. Сўйиб едик, бузоқни бўлса, онам парвариш қила бошлади.

1926-1928 йилларда туғилган ўғил ва қиз болаларни шаҳарга чақирув қоғози билан чақириб, ҳаммани шифокорлар кўригидан ўтказишди. Мен биринчи тоифали соғ чиқдим. Кўрикдан кейин бир ҳафта ўтгач, яна чақирув қоғози келди. Икки кунлик овқати билан фалон жойга шаҳарга чақирдилар. Нима қиламиз? Бошга тушган тош оғир бўлса-да, чидаш керак эди.

Покиза деган қиз билан иккаламизни қари отам аравада шаҳарга олиб борди. Покиза рўза тутган экан, “рўзамни очмасам, оила ёрдам берар-да, қутулиб қайтарман”, деди. Айтганидек, бўйи мендан паст эди. Қутулиб, қайтиб кетди. Мени олиб қолдилар. Уйдан жўнашда онам араванинг орқасидан қараб, ўзидан кетиб қолган эди. Шулар кўз ўнгимда гавдаланиб, адои тамом бўлдим. Ўзимни ўйлайми, уйни ўйлайми, билмай қолдим. Соат, дақиқа, сония сайин онам кўз ўнгимда турарди. Отам мени ташлаб, қайтиб кетди. Шундан қилиб, рус, татар – барча ўғил-қизларни йиғиб, Евпаториянинг бир чеккасидаги туз конига олиб боришди. Ҳаммамизни дастлаб ҳаммомга олиб киришди, кейин баракка жойлаштиришди.

Тонг отгач, ҳамма ўғил-қизлар мотовозга туз чиқадиган жойга олиб борди. Оёғимга катта этик, қўлимга катта белкурак бердилар. Бир-икки бора туз ташлагач, асирлардан бири мени транспортёрнинг энг паст жойигача етаклаб олиб бориб қўйди. Бўйим унча баланд эмас эди-да. Бечора одамларимизнинг фашистларга нисбатан ғазаби келардию, нима қилишсин, “қандайдир сабаблар билан асирга тушган аскарларимизни, ёш болаларни-да тинч қўймай фашистлар ишлатаяпти,” дердилар. Теварагимизда автомат билан соқчилар юришарди. Бир жойда туз тамом бўлгач, иккинчи жойга ўзимизнинг одамларимиз транспортёрни қўл кучи билан силжитардилар. Руслар, украинлар, озарбойжонлар, осетинлар, чувашлар ва бошқа миллат вакиллари бор эди.

Этигимга туз тушиб, оёғимни яра қилиб юборди. Яра катталашиб, оёғим шишиб кетди. Чўлоқланиб, шифокорнинг олдига бордим. Тезда суртма дори суркаб, боғлаб қўйди. Лекин оёғим яхши бўлмади, яна докторга қатнаб юрдим. Кейин мени ишдан озод қилишди ва баракда қолдим.

Менга бир қари кампир овқат, сув келтиргунча яраларимни ечиб, ичини чуқурроқ тешиб, туз суркаб қўярди. Оёғимнинг яраси янада ёмонлашарди. Сабаби немислар ярадан жирканиб, жуда ёмон кўрар эди. Қари кампир мен учун шифокорни чақириб келди. Ярани кўриб, жаҳли чиқиб кетди. Шифокор менга қараб, бақириб кетди. Немисларни кўрсам, чўлоқ бўлдим, кўрмасам, ўзим билардим. Шундай қилиб, немислар мени ишдан озод қилдилар. Евпаторияга йўлга чиқдим.

Қарасам, қишлоғимизга арава бор экан. Ўша аравада кетдим. Аста-секин уйимизга, остонага яқин келсам, онам уй супураётган экан, эшикни синглим очиб, мени кўриб, “она, Месултан опам келди!” деб бақириб юборди. Уйга кириб, “онажон, мана мен келдим!” деб тиз чўкиб, йиғладим. Онам “болам, қаерларда бўлдинг? Нималарни кўрдинг?” деб сўради. Ҳозир қаердан келаётганимни, не-не ҳийлалар билан немисларнинг қўлидан қандай қутулганимни айтдим. Онам эса “қизим қаерларда экан?” деб жуда қайғурган экан.

1932 йилдан 1944 йилгача бўлиб ўтган воқеаларнинг хотирамда борини ёздим. Уруш 1945 йилда тугади. 9 май куни кеч соат 20.00 да “мактабга тадбирга” деган хабар келди. Оқшомда ҳамма қизлар мактабга бордик. Ўзимизнинг аскар йигитлар духовой оркестр билан тадбирни бошлашди. Ўйин-кулги бошланиб кетди. Афсуски, қувончимиз узоққа чўзилмади. Мактабдан соат 23.00 да уйга келдик. Кечаси соат беш ва олтилар оралиғида эшигимизни қоққан аскар йигитлар “йигирма дақиқада тайёр бўлиб, кўчага чиқинглар” деб қарорга биноан оилаларни уйдан қувиб, “ҳаммани кўчирамиз” деб, Евпаторияга бошлаб бориб, юк вагонларига жойлаштирди. Сталинми, Бежяминми чиқарган қарори билан одамларни, Қрим татарларини юртимиздан қувиб чиқардилар. Сабабини ҳеч ким билмас эди. Оталаримиз, акаларимиз армияда хизматда бўлса, гуноҳсиз қариялар, аёллар, болалар кечаю-кундуз вагон ичида бўғилиб, “қаерларга, ўлдиришгами, яшашгами, не аҳвол бизни кутаяпти?“ деб вагон ичида кетдик.

Вагонга 50-60 та оила жойлашган эдик. Йўлларда ҳомиладор келинчаклар болали бўлишди, хаста одамлар оламдан ўтишди. Ўлганларни поезд ҳар тўхтаганда кафанлаб, йўл бўйларига қўйиб кетавердилар. Қрим татарлари учун 18 май вафот этган одамларимиз учун Хотира куни деб эълон қилинди.

Бир жойда тўхтадик. Вагондан тушиб, темир йўлдаги эшелонларни санаб чиқсам, 24 қатор эди. Ҳамма Қрим татарлари бир-бирларидан ажралган, ҳамманинг кўнгли ўксиган, нима бўларимизни билмай аҳволимиз жуда ачинарли эди. Сарсон-саргардон бўлиб, 14 кун деганда Ўзбекистонга – Чирчиқ дарёси бўйига одамларни туширдилар.

Сув ичиб, бурма, ҳаво иссиқ бўлгани учун ўзидан кетиб қолган хотин-халаж, қариялар, болалар ҳавога мослаша олмай безгак касаллигидан кўпчилик оиласи билан қирилиб кетдилар.

Беш-олти оила бир баракка жойлашдик. Отам ҳам хасталаниб, оламдан ўтди. Онам ишламади. Ўзбекистонга келганимизда мени Чирчиқсельмаш заводига ишга қўйдилар. Замбилда тонг отгунча 12 соат давомида кўмир ташир эдик. Орадан кўп вақт ўтмай бошқа заводга ишлашга ўтдим. У ерда комбайн учун эҳтиёт қисм ишлаб чиқарилар эди.

Асирга тушган япон аскарларини заводга олиб келдилар. Уларнинг кийимидаги кичкина самолёт эмблемасидан уларнинг учувчи эканлиги маълум эди. Энди оғир ишларни эркакларга, яъни асирларга бердилар, биз – қизларни оғир ишдан озод қилиб, станокларга ишга жойлаштирдилар. Бир неча йил давомида яхши ишлаганим учун мукофотлар ҳам берилди.”

Бундан ташқари, оилада Месултан момонинг 5 нафар фарзанди бўлган. Улар – Диляра Калонова (1955 йилда туғилган) мактабда ва боғчада ошпаз бўлиб ишлаган, Гулнора Калонова (1957 йилда туғилган) ҳамшира бўлиб ишлаган, Гулфира Калонова (1959 йилда туғилган) боғча мудираси ва тарбиячи бўлиб ишлаган, Рустам Калонов (1960 йилда туғилган) механизатор бўлиб ишлаган ҳозирги кунда фермер хўжалигида иш бошқарувчи. Дилбар Бобоева (1967 йилда туғилган) Сайхунобод туманида ҳамшира бўлиб ишлаган.

Давлат мудофаа комитети бошлиғи И.В.Сталинга

Мутлақо махфий.

1944 йил 10 май.

НКВД ва НКГБ ходимлари Қрим масаласида, немис-фашист оккупантларининг ишида антисовет элементлари сезилиб бораётганлиги қайд этилган. Шу йилнинг 7 майига қадар 5,381 киши қамоққа олинган. Аҳолидан 5,395 та милтиқ, 337 та пулемёт, 350 та автомат, 31 та миномёт ва бошқа ҳарбий қурол-аслаҳалар йиғиб олинган. 1941 йил Қизил армия сафидан 20 мингдан ортиқ Қрим татарлари дизертир (қочоқлар) бўлиб, душман (немис) томонга ўтиб, Қизил армияга қарши курашдилар.

Германия Туркияда оқ гвардиячи эмигрант мусулмонлардан ташкил топган махсус гвардия ташкил этди ва улардан татар миллий комитети тузилиб, вакиллари Қримнинг барча туманларига тарқатилган эди.

Давлат Мудофа Комитети қарор қилади:

1. Қрим территориясида яшаётган татарларни доимий яшаш учун Ўзбекистон ССР районларига кўчирма қилинишлари керак. СССР НКВД кўчириш ишлари билан шуғуллансин. СССР НКВД Берия зиммасига юклатилсин. Қрим татарларини кўчириш муддати 1944 йил 1 июнгача тугатилсин.

2. Кўчириш тартиби қуйидагича белгилансин:

а) махсус кўчирилаётганлар ўзлари билан кийим-кечак, кундалик эҳтиёж учун керак бўладиган буюмлар, битта оила учун 500 кг.гача юк олишлари мумкин.

б) махсус кўчирма қилинганларнинг мол-мулклари, озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва моллари 20-21 майдан 1 июнгача олиб борилсин.



Депортация қилинган Ахиска турклари

Мақсуд Эибов 1949 йилда Сирдарё область Сирдарё туманида туғилган. Отаси Мисба Эибов 1903 йилда туғилган. Онаси Аели Эибова 1913 йилда туғилган. 1944 йилда 14-15 ноябрь кунлари Мисба ва Аели Грузиянинг Ахиска посёлкасидан депортация қилинган. Улар ўша даврни қуйидагича хотирлайдилар: “Бизларни 1944 йил 14 ноябрь куни И.В.Сталиннинг буйруғига асосан яшаб турган жойларимиздан сургун


қилишди. 1 ой олдин совет аскарлари келишди. 1 ойдан кейин 14 ноябрь куни эрталаб соат 5-6 да ҳар бир хонадонга 1-2 нафардан аскар келиб, “чиқинглар, сиз бу ерда яшайсизлар энди. Сизлар буйруққа асосан кўчириласиз”, деган буйруқ берилди. Кун бўйи катта хирмонга халқ эрталабдан то кун ботишга яқин бўлган вақт ичида машиналар келиб, одамларнинг юкларини ва ўзларини нарсаларни катта хирмондан темир йўл вокзалига олиб кетди. У ерда бир кун, баъзилар 2-3 кун давомида вокзалда кечаю кундуз қолишди. Биз юк вагонида бир ой мобайнида манзилга етиб келдик. Йўлда ўлганларни вагондан ташлаб келаверишди. Одамларни Тошкентга етказиб келишди. Тошкентдан областларга тақсимланиш бошланганда одамларни араваларга ўтқазиб, колхозларга тарқатишди. Ўша уйларда совуқ жойларда кун кўришди. Озиқ-овқатларига колхоз ёрдам берди. Ёз келиши билан ишга яроқли одамларни ишга чиқарди”.

Улар дастлаб Янгийўлда, кейинчалик Сирдарёда яшашган. Ўғли Мақсуд Эибов 1961-1966 йилларда колхозчи, кейинчалик 1966-1973 йилларда ҳайдовчи бўлиб ишлаган. 1995-2010 йилларда темир йўлда ишлаган. 3 нафар фарзанди бор.

Жавод Кўчиев 1923 йилда Грузияда туғилган. У ҳам 1944 йилда депортация қилиниб, Сирдарёга юборилган. 1957 йилдан 1960 йилгача Ҳарбий денгиз флотида хизмат қилган. 1961 йилда ТошДУга ўқишга кириб, биология йўналишини битирган. “Ёш натуралистлар” станциясида 40 йил, кейин “Сирдарё” газетасида штатсиз мухбир бўлиб ишлаган. 2 нафар қиз 6 нафар ўғил фарзандни вояга етказган. 2004 йилда вафот этган. Ўғли Али Кўчиев 1937 йилда Грузияда Балажур қишлоғида туғилган.

Яҳё Мидрав ўғли Сараджиев 1935 йил Грузия ССР Адиген районида туғилган. 1944 йилги сургун натижасида Сирдарё область Сирдарё район “Ленинград” колхозига келган. Сўнгра Охунбобоев номли колхоздаги мактабда ўқиган. Мактабни битириб, Самарқанд давлат университети физика-математика факультетида ўқиган. Меҳнат фаолиятини “Ленинград” колхозидаги 29-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик ўша мактабда директор ўринбосари, директор лавозимларида ишлаган. “Ленинград” колхозида партком вазифасини

бажарган. Бу орада Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини сиртдан битирган. Сирдарё район “Коммунизм” колхозида 1970 йилдан 1982 йилларгача раис лавозимида ишлаган. Сирдарё область Ворошилов (ҳозирги Сайхунобод тумани) район партия комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлаган. Бир неча медаль ва орденлар билан тақдирланган.



Депортация қилинган Ахисха турклари ҳудудлари

Совет тарих фанида «махсус кўчирилганлар» масаласи ҳақиқатан тақиқланган мавзу эди. Ҳолбуки, бу мавзу уруш йилномасининг зиддиятли, қора доғли муҳим саҳифасини ташкил этади. Бу мавзу бутун-бутун халқларга «сотқин» тамғасини кўйган коммунистик тузумнинг ғайриинсоний жиноятларини яққол кўрсатиш билан бир қаторда ўзбек халқининг бу халқларга нисбатан намоён қилган меҳр-шафқат ва инсонпарварлик жасоратини ҳам намойиш этади.

Мустабид тузум махсус кўчирилганларни ўз жонажон ерларидан мажбуран олиб кетиб, бегона юртларда азоб-уқубатли ҳаётга мубтало қилди. Россия Федерацияси Давлат архивининг маълумотларига қараганда, 1943-1944 йилларда Ўзбекистонга махсус кўчириб келтирилган Қрим татарлари, чеченлар, месхети турклари, курдлар ва бошқалар орасида эркаклар фақат 18 фоизни ташкил этарди. Аслида улар «брон» бўйича урушдан қолдирилган илғор колхозчилар, совет ва партия ходимлари, ички органларнинг ходимлари, болаликдан ногирон

ва уруш ногиронлари, қариялар эди. Хотин-қизлар тахминан 30 фоиз, қолганлар, яъни ярмидан кўпроғи болалар эди. Бундай нисбатни Қирғизистон ва Қозоғистонга келтирилганлар орасида ҳам кўриш мумкин.[53]

Маъмурлар махсус кўчириб келтирилганларга нисбатан «умумий нафрат» тўлқинини вужудга келтириш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Давлат органлари ходимлари маҳаллий аҳолининг махсус кўчириб келтирилганлар билан муомалада бўлишига шубҳа билан қарардилар.

Лекин маъмурий-тақиқловчи тўсиқларга, марказий давлат органларининг «душманнинг шериклари»га нисбатан ўтказган геноцид сиёсатига қарамасдан, ўзбек халқининг бу ижтимоий таҳқирланган кишиларга ҳам чинакам меҳр-шафқат кўрсатиши тобора таъсирлироқ бўлиб борди. Улар етиб келишгандан кейин кўп ўтмай, маҳаллий аҳоли уларга энг сўнгги бурда нонигача тақсимлаб бера бошлади. Ўзбекистонликлар қалб даъвати билан уларга бошпана (бараклар) қуришда ёрдам кўрсатдилар. Бусиз ҳам ўзлари учун тор бўлган хонадонларидан жой бердилар, анъанавий қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш тажрибасини баҳам кўрдилар, ишчи касбларини ўрганишда ёрдамлашдилар, қўлларидан келганча тиббий ёрдам кўрсатдилар. Махсус кўчириб келтирилганларнинг кўплари колхоз ва совхозларга ишга жойлашдилар. Мирзачўлни ўзлаштиришда иштирок этдилар.

Ўзбек халқининг депортация ва эвакуация қилинганларни ва қочоқларни ўз хонадонида самимий кутиб олганлиги, озод қилинган районлар иқтисодиёти ва маданиятига душман етказган яраларни даволашдаги беғараз ёрдами, қувғин қилиниб, махсус кўчириб келтирилганларга кўрсатган эътибори жаҳон солномасига инсон маънавиятининг юксак намуналари, ҳақиқий инсонпарварликнинг ёрқин тимсоли сифатида олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

[53] ГАРФ, Коллекция документов. Т. 38.

50-ЙИЛЛАРДА ЮЗ БЕРГАН ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ

Сталин шахсига сиғиниш халқимизга кўп азоб-уқубатлар келтиргани ҳақиқатдир, ҳақиқат бўлганда ҳам аччиқ ҳақиқат. Сталин шахсига сиғиниш унинг партия ва мамлакатдаги обрў-эътибори ошиши асосида шаклланди. Мамлакатимизда социализм қуриш ленинча планнинг амалга оширилиши сиёсий ва ғоявий кураш билан бирга кечди. Бу курашга Сталиннинг таъсири остида, унинг характери хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ғоят кескинлик, муросасизлик бахш этилди. Сталиннинг обрў-эътибори унинг шахсига сиғинишга ўсиб чиқди. Сталиннинг номи социализмнинг символига айланди. Шундай қилиб, Сталиннинг шахсига сиғиниш хақида сўз борганда фақат унинг кўкларга кўтарилиши ва унинг олдида бош эгиш, унинг обрў-эътибори ҳақидагина эмас, балки социализмнинг бузилиши, социализмнинг табиатига хос партиявий, ижтимоий ва иқтисодий принципларнинг бузилиши, якка ҳокимликнинг ўзбошимчалик ва қонунсизликнинг ўрнатилиши кўзда тутилади. Генерал-лейтенант А. И. Тодорскийнинг маълумотлари бўйича олий командирлар ва сиёсий ходимларнинг 733 нафар умумий сонидан 579 нафари қатағон қилинган ва Қизил Армияда уларнинг фақат 154 таси қолган эди. Бошқа маълумотларга кўра, 1937 йил майдан 1938 йил сентябргача полк командирларининг ярмига яқини, дивизия ва бригадаларнинг деярли барча командирлари ва ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, корпуслар, дивизиялар ва бригадалар сиёсий ходимларининг кўпчилиги, полк комиссарларининиг учдан бирига яқини қатағон қилинган.[54]

1937-1938 йилларда ва бошқа вақтларда қатағон қилинган, оқланган ҳарбий бошлиқларнинг ўлими сабаблари ҳақида хабар қилиш тақиқланди.

1917 йил Октябрь инқилоби, Гражданлар уруши ва Иккинчи жаҳон урушигача бўлган давр ичида Ўрта Осиё маҳаллий миллат вакилларидан генерал А. Қулжонов, Р. Ёқубов, Ф. Хўжаев, М. Миршаропов, С. Охунов, Б. Эргашев, Ш. Олимов каби ҳарбий

[54] “Совет жамияти тарихи сахифалари” Тошкент. “Ўқитувчи” 1991 йил. 305-308-бетлар.

саркардалар етишиб чиққан эдилар. Бироқ бу ватанпарвар генералларнинг кўпи 1930-йилларда Сталин репрессияси даврида ноҳақ қатағон қилинган эдилар. Агар иккинчи жаҳон уруши Қаҳрамони генерал Собир Раҳимов ғалабага саноқли кунлар қолганида Ватан учун қаҳрамонона ҳалок бўлган бўлса, генерал Рўзи Ёқубов эса пантуркизмда айбланиб, ваҳшийларча отиб ташланган эди.

Командарм – армия қўмондони, партия, давлат жамоат арбоби Файзулла Хўжаев ҳам троцкийчи-бухаринчи халқ душмани, миллатчи сифатида таъқиб этилган, у 1938 йилнинг баҳорида ваҳшиёна қийноқдан сўнг отиб ўлдирилган эди.

ВКП (б) Марказий Комитетининг 1946 йилда “Звезда” ва “Ленинград” журналлари ҳақида, “Драматик театрларнинг репертуарлари хақида”, “Катта ҳаёт” кинофильми ҳақида, 1948 йилда “Улуғ дўстлик” операси ҳақида ва бошқа қарорлари эълон қилинди. 1947 йилда фалсафа, 1948 йилда биология, 1950 йилда тилшунослик, 1951 йилда сиёсий иқтисод масалалари бўйича илмий мунозаралар бўлиб ўтди. Партия, совет, касаба союзи ва комсомол идораларида кадрларни алмаштириш ҳамда янгилаш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Миллатчилик ва маҳаллийчилик бўлиб туюлган ҳар қандай кўринишларга юқорида қақшатғич зарба бериларди: асосан яҳудий миллатига мансуб 23 нафар йирик олим ва шифокор олий партия давлат арбобларини ўлдиришга ҳаракат қилганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилди. “Ленинград иши” юзага келди. Ленинградликларнинг ўз маҳсулотлари ташкил этишга қарор қилганликлари, Москва билан келишмасдан туриб, бу ҳақда иттифоқдош республикаларга хабар берганликлари айбловларнинг бири бўлиб хизмат қилди. Чунки бу хатти-ҳаракат иттифоқ ҳукуматини менсимаслик, Ленинградни қайтадан СССРнинг пойтахти қилишга уриниш, республикаларнинг жиғига тегиш, деб баҳоланганди. Шаҳар ва вилоят раҳбарлари қатағон қилинди. Учинчи марта “Грузия иши” юзага келтирилди. Таниқли Грузия олимининг грузин тили бойлиги, қадимий тарихи, ўзига хос хусусиятлари ва халқаро аҳамияти ҳақидаги мақоласи

бунга баҳона бўлди. Грузиянинг раҳбарлари ва бир неча олимлари қаттиқ жазоландилар.

1937 йил 16 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон КП (б) марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми очилди. Унда Марказком аъзоларидан 42 нафари, Марказком аъзоларига номзодлардан 18 нафари, тафтиш комиссиясининг аъзоларидан 8 нафари, вилоят, шаҳар, район партия комитетларининг котибларидан 73 нафари иштирок этди. Пленум ишида ВКП (б) Марказкоми секретари ўртоқ А.А. Андреев қатнашди.

Марказий Комитет Пленуми шуни аниқладики, Икромовнинг ҳомийлиги натижасида ўзбек халқининг ашаддий душманлари бўлмиш ўша – троцкийчи ва буржуа-миллатчи хоинлар (Ф. Хўжаев, Цехар, Болтабоев, Манжора, Шермуҳаммедов, А. Каримов, Тожиев ва бошқалар). Марказком Бюросига ва бошқа обрўли лавозимларга ўтиб, ишлашга, узоқ вақт душманлик фаолиятини олиб боришга муваффақ бўлганлар. Юқорида баён этилганларидан келиб чиқиб, “Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети Пленуми қарор қилади:

Акмал Икромов Марказком Биринчи секретари лавозимидан бўшатилсин, Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети таркибидан чиқарилсин, партия сафидан ўчирилсин, унинг иш тергов идораларига оширилсин ва дарҳол қамоққа олинсин.”

Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раиси бўлган Султон Сегизбоев 17 ёшида 1916 йилги қўзғолонда иштирок этди. 1918 йилда коммунистик партия сафига кирди, коммунистик ташкилотлар барпо этилиши билан унинг раҳбарларидан бирига айланди.

Москвадаги Қизил профессура олий илмгоҳини тамомлаб, мазкур олий илмгоҳда профессор бўлди, Москва ва Тошкент олий ўқув юртларида тарих ва иқтисод фанларидан дарс берди. 1937 йил сентябрда Халқ Комиссарлари Совети раиси бўлди, 1938 йил 15 июнь куни Тошкентда вилоят партия конференцияси бўлиб ўтганда С. Сегизбоев Президиумда Усмон Юсупов, Ички ишлар Халқ комиссари Апресян ва Марказком бюросининг бошқа аъзолари билан ёнма-ён ўтирарди. Худди шу пайт унга кимдир “Сизни равоқда кимдир интизорлик билан кутиб турипди,” дейди. У ўрнидан туриб, залдан

чиқади. Уни шу ерда равоқда ҳибсга олишади ва 21 июнда Москвага олиб кетишади. 1939 йилнинг 25 февралида эса Султон Сегизбоевни ҳарбий трибунал суд қилади. Суд жараёни икки соат давом этади. У олий жазога ҳукм қилинади ва ўша куниёқ отиб ўлдирилади. 1948-1949 йиллари Ўзбекистоннинг йигирмадан кўпроқ йирик олимлари, истеъдодли ёзувчи ҳамда шоирлари миллатчилик ва ҳоказоларда айбланиб, қамалишганди. Улар Ички ишлар министрлиги томонидан суд қилиниб, ҳар бири 20 йилгача ҳукм этилган, лагерларга юборилган. Улар орасида таниқли олим Ҳамид Сулаймон, шоир ва ёзувчилардан Шукрулло, Шайхзода, Шуҳрат ҳамда бошқалар бўлишган.

Гуруҳ аъзолари устидан суд, юқорида қайд этганимиздек, 1938 йил 2 март куни Иттифоқ уйининг Октябрь залида бошланиб, 13 март куни тонг саҳарда соат 4.30 да ҳукмни эшиттириш бўйича якунланди. А.Вишинскийнинг талаби билан СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси қуйида исми-шарифлари кўрсатилганларни олий жазога отиб ўлдиришга ҳукм қилди. Н.И. Бухарин, А.И. Риков, Г.Г. Ягода, Н.Н. Крестинский, А.П. Розенгольц, В.И. Иванов, М.А. Чернов, Г.Ф. Гринко, И.А. Зеленский, А.Икромов, Ф.Хўжаев, П.Т. Зуборев, П.П, Буланов, Л.Г. Левин, И.Н. Казаков, В.А. Максимов-Диковский, П.П. Крючков қолган уч киши қолган муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. А. Енукидзе қамоқхонада вафот этди. 1956 йил 25 февралда КПСС XX съезди бўлиб ўтди. Съездда Н.С.Хрушчёв “Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида” маъруза қилди.

Бир қанча олимлар, давлат арбоблари, давлат раҳбарлари, шоирлар ва ёзувчилар оқландилар.[55]

Усмон Юсупов. Ўша қийинчилик йилларида фаолият юритган давлат арбоби Усмон Юсупов ҳам оғир кунларни ўз бошидан ўтказган. Усмон Юсупов 1900 йил 1 март куни Фарғона вилояти, Фарғона туманидаги Каптархона қишлоғида батрак оиласида дунёга келган. 1916 йил у Қовунчи (ҳозирги Янгийўл шаҳри) даги пахта тозалаш заводида шиббаловчи (тўплаб,



Усмон Юсупов

[55] Н. Муҳитдинов. “Кремлда ўтган йилларим” Тошкент. “Ўзбекистон” 1995 йил 160-200- бетлар.

тутам қилиб боғлаган) бўлиб ишлади ва турли жамоатчилик ишларида фаол қатнашди. Усмон Юсупов 1929-1931 йилларда Ўзбекистон Компартияси МҚ котиби, 1931-1937 йилларда Бутуниттифоқ марказий касаба уюшмаси Ўрта Осиё бюросининг раиси, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари лавозимларида ишлади. 1937-1950 йилларда, яъни 13 йил давомида Ўзбекистон КП МҚнинг биринчи котиби, 1950-1953 йилларда СССР пахтачилик министри, 1953-1954 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси каби масъул лавозимларда самарали фаолият кўрсатди[56].

Усмон Юсупов умри давомида қайси лавозимда ишламасин, қайси даврада сўзга чиқмасин, ҳар қандай суҳбатдошни ром этар, унинг ҳар бир сўзи одамларнинг қалбига кўчарди. Бунга сабаб битта эди - у халқнинг дардини ифода этарди ва бундан чарчамасди. Ўша йилларда Ўзбекистон 1 миллион тоннадан ортиқ пахта етказиб беришга мажбур эди. Хрушчев уч йил давомида Украина хирмонини юз минг тоннага ҳам чиқара олмади. Усмон Юсуповнинг “Аравани ҳамма бирдай тортиш керак!” деган қатъий иродаси кейинчалик унинг ўзига қанчалар қимматга тушганига тарих гувоҳ: ҳокимият тепасига келган Хрушчевнинг биринчи вазифаси - Пахтачилик вазирлигини таг-томири билан тугатиш бўлди ва бунинг оқибатида Усмон Юсупов Москвадан аввал Тошкентга, кейинчалик Мирзачўлнинг қоқ киндиги - шўр босиб ётган Боёвутга сургун қилинди. Кечаги бутун Иттифоққа сўзини ўтказиб турган ва қарийб 14 йил Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари, ҳақли равишда “халқ отаси” даражасига кўтарилган Усмон Юсупов бир кунда чор тарафи қамишзор, бийдай чўл-тўқайзор ўртасига оиласи билан ишга жўнатиб юборилди.

Ҳақиқат шундаки, халқ Усмон Юсуповни бирор кун, бирор соат ташлаб қўймади. Темир йўлнинг Мирзачўлдаги “2-Боёвут разъезди” “Усмон ота бекати”га айланди, вокзал кеча-кундуз келувчи одамлар билан гавжум бўлди. Айтишларича, водийдан келадиган поездлар “Усмон ота боғи”га ёрдамчилар оқиб келар, кимдир ноёб кўчатлар қўлтиқлаган, кимдир катта ҳашар кетмонини елкага ташлаб олган

[56] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқа. - Тошкент.: Шарқ, 2000. - 325 Б.

бўларди. Усмон ота Мирзачўлда боғ-роғлар, шунингдек, кадрларнинг олтин фондини ҳам яратишда изчил давом этди. Усмон отанинг қўл остида агроном бўлиб ишлаган Виктор Хайдуров кейинчалик Сирдарё вилоятининг раҳбар, оддий йўл устаси Тўхтамиш Боймиров Жиззах вилоятининг раҳбари, хўжаликда ёш келинчаги билан аввал мактабда муаллим, сўнгра отанинг оқ фотиҳаси билан туман ёшлари етакчисига айланган, 50-йилларда мотоциклда Мирзачўлни беармон чангитган **Азиз Тўраев** таниқли давлат ва жамоат арбоби бўлиб етишди. Энг муҳими, улар ҳеч қачон Усмон отадан оқ фотиҳа олганини унутмадилар. Усмон ота пахтанинг кўпгина “Мирзачўлбоп” янги навларини навқирон **Бобожон Умурзоқов** бригадасида синаб кўради ва ҳар сафар унинг ютуқларини олқишлаб, “бўлажак қаҳрамон” деб атарди. “Бобожон бригадир” Қаҳрамонлик олтин юлдузини тақиб улгурмаган бўлса-да, хўжаликда номи абадий муҳрланиб қолди. 2-Боёвутнинг йирик участкаларидан бири мана, ўттиз йилдирки, Бобожон Умурзоқов номи билан аталиб келинмоқда. Шу хўжаликда ўсиб, вояга етган Ҳалима Худойбердиева эса шеърият бўстонининг чин маликаси бўлди.

Салкам қирқ йиллик унутишлардан сўнг муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан бу ном яна Мирзачўлга қайтди. Ўзи бундан 65 йил муқаддам енг шимариб, иш бошлаган дала ва боғларда унинг номи такрор ва такрор айтилмоқда. Боёвутлик ёш шоира қизнинг ушбу сўзлари узоқ-узоқларда акс садо бермоқда: “Ота, биз сизни соғинган эдик! Сизни йўқотиб, армонда эдик! Сизни бизга яна қайтариб берган Аллоҳга шукур, Президентимизга ташаккур!”

Яхшидан боғ қолади, дейди доно халқимиз. Усмон Юсупов ана шундай ўзидан боғ, яхши ном қолдирган инсон. Ўзбекнинг ардоқли фарзанди ҳаёти давомида кўплаб хайрли ишларга бош қўшди. Раҳбарлик лавозимларида ишлаган вақтларида ҳам ёрдам сўраганларни ноумид қайтармади, муҳтожларга кўмаклашди. 35 йиллик меҳнат фаолияти давомида ҳалол ишлади, шунинг учун бўлса керак, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Энг оғир дамларда Усмон ота раҳбарлигида халқ хўжалиги учун ўта зарур бўлган иккита катта лойиҳа амалга оширилди. Улардан бири

Иттифоқдаги энг йирик гидротехник иншоот - 350 километр узунликдаги катта Фарғона каналининг ҳашар йўли билан 45 кунда қазилиб, ишга туширилгани, яна бири эса, 1943 йил февралдан бошланиб, 1948 йилда тугалланган “Фарҳод” ГЭСининг барпо этилишидир. Эркаклар фронтда бўлгани учун ушбу ГЭС қурилишида кунига 60 минг нафардан зиёд аёллар қатнашган. Уларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва иш ускуналари билан таъминлаш Усмон Юсупов зиммасида бўлган.

Ўтган асрнинг 50-йилларида Сирдарё вилоятидаги қолоқ бир хўжаликнинг обод бўлишида ҳам Усмон отанинг хизмати эътироф этилади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний идорасининг муфтийси Зиёвуддин қори ва шогирди отадан хабар олгани келади. Уларни кўрган Усмон ота жуда қувонади, юзига табассум югуради. Асли фарғоналик эмасми, қадрдонларига ҳазил аралаш дилидаги гапларни айтади. Муфтий ҳазратларига қараб: “Партком, Марказком деб юрдим, ҳаётимда бир марта бўлса ҳам бошим саждага тегмади. Энди дўзахга тушаманми, деб қўрқаман” дейди. Отанинг юзидаги сўлғинлик ва хавотирни пайқаган муфтий жавоб қайтарди: “Усмон ака, дардингизга шифо сўраб, кўпчилик дуо қилмоқда. Бир етимнинг бошини силаган жаннатидир, дейишган. Сиз эса минглаб етимларнинг бошини силагансиз”. Бундай жавобни эшитиб, Усмон отанинг кўзлари порлайди, қандайдир хотиржамлик аломатлари сезилади.

Шу қисқа самимий суҳбатдан кўп ўтмай, Усмон Юсупов омонатини топширади. Ўзбек халқининг фидойи фарзанди ҳамон қалбларимизда яшайди, элимиз унинг хизматларини асло унутмайди.[57]

Бундан ташқари, ўша оғир дамларда ижодкорлар ҳам кучли тақиб остига олинган. Шулардан бири Шукрулло ўз ижодини энг оғир давр, яъни 1937 йилда бошлаган. Уруш йилларида ўқитувчилик қилган. Институтнинг сўнгги курсида ўқигани боис уни фронтга эмас, Олмаотага юборишган. У сўнгра ўқишни тугатиб, диплом олди. 1944 йилда аспирантурага кириб, 1946 йилда эса СССР Ёзувчилар

[57] “Nuroniy gazetasi” 11.11.2020. № 45 (1055)

уюшмасига аъзо бўлди. Ғафур Ғулом, Ойбек уни яхши билишар, шу боис уюшмасига қабул қилишни тавсия этишганди.

1946 йилда ВКП (б) Марказий Комитетининг котиби А. А. Ждановнинг ғоясизлик ва космополитизмга қарши эълон қилинган мақоласи ҳамда Марказий Комитетнинг Ленинграддаги бир қатор адабий ойномалар бўйича қабул қилинган қарори ўша кезда ижодга кириб келган ёшларга ёмон таъсир кўрсатди. Урушдан кейинги пайтда Ойбек уюшма раиси, Шукрулло маслаҳатчи эди. Мамарасул Бобоев, Халил Ёқубовлар "Шарқ юлдузи" таҳририятида хизмат қилишарди. Кунлардан бир кун улар ундан журналда эълон қилиш учун шеър сўраб қолишди. 1939 йилда Қорақалпоғистонда ўқитувчилик қилган кезларида Оролга бағишлаб ёзган "Денгизда бир кун" сарлавҳали шеърини берди. Бу шеър эълон қилиниши билан айрим сиёсатдонлар учун бу асар "ғоясизлик ва космополитизм" ҳақидаги қарорга мос келди. Улар унда меҳнат кўрсатилмай, қуруқ денгиз манзарасини мақталган, деб айб қўйишди. Қарорнинг жойлардаги "ижро"си учун ўша пайтда шунга ўхшаган шеърлар керак бўлган. Бу 1948-1950 йилларда яна асоссиз қамоққа олишлар учун тайёргарликнинг дебочаси экан. Уни 1951 йилнинг бошидан ҳибсга олишди. Ўз асарлари билан кўзга кўриниб қолган Шуҳрат, Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Мирзакалон Исмоилий, Мели Жўра, Ёнғин Мирзо, ака-ука Абдунаби ва Абдураҳмон Алимуҳаммедовлар ва бошқалар турли сабаблар билан қамоққа олинган эдилар. Қамоққа олиш пайтида А. Алимуҳаммедовнинг 4 ёшли ўғли "Кремль юлдузлари" шеърини айтиб турганди. Уни Ўзбекистон ССР давлат хавфсизлиги вазирлиги ходимлари тинтув қилишяпти-ю бола бўлса, Кремль ва улуғ Сталин ҳақида шеър ўқияпти. Таажжубли томони шундаки, фарзандларини ёшликдан давлатга, партияга садоқат руҳида тарбиялаган шоир миллатчи, шўро ҳукуматига қарши бўлиши, ахир, мантиққа тўғри келмайди-ку.

Шукруллонинг устидан юргизилган ноҳаққоний жиноий ишни терговчи Суханов олиб борди. Унга "миллатчилиги учун қамалган Усмон Носир ва Чўлпоннинг шеърларини ўқигансан. Шўро тузумидан нолиб, фалончининг тўйида Сталиннинг ҳаёт қувноқ, ҳаёт тўкин бўлиб

қолди, сўзларини мазах қилиб айтгансан”, деган айбларни қўйди. Бу ҳам етмагандай “пессимистик шеърлар ёзган”, деган тамға босилди. Унга ҳеч қаерда йўқ айбларни қўйишга ҳаракат қилишади**.**

1952 йилда ижодкорлар устидан ақл бовар қилмайдиган суд уюштирилди. Уларни халқ душманлари бўлиб, бир вақтлар қораланган Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевларга олиб бориб, тақаб қўйишди. Суд ҳукми билан ҳар бирига 25 йилдан қамоқ жазоси тайинланди, 5 йил сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинди. 5 йиллик даврга сургун қилинди. Урушдан сўнг мамлакатда ўлим жазоси тайинлаш бекор қилинган эди. Суд ҳукмидан сўнг маҳбуслар Таймир ярим оролига, Норельск посёлкасига жўнатилди.

1955 йилда унга қўйилган айбларнинг бўҳтонлиги бутунлай фош бўлиб, ноҳақ қамалганлар қамоқдан озод бўлишди. Оқландилар, давлат уларни гуноҳсиз, деб топди. Ноҳақ туҳмат Сталин шахсига сиғиниш давридаги қонунсизлик, истаган одамни асоссиз қамоққа олиш сиёсатининг жирканч маҳсули эди. Усмон Носир ёки Чўлпон китобини ўқиганинг маълум бўлиб қолса борми, қамаш учун шунинг ўзи етарли эди. “Халқ душмани” Акмал Икромов ёки Фитратнинг китобини сақлагани учун қанчадан-қанча одамлар бегуноҳ бўлсалар-да қамалиб кетишди.

Шукруллони қамоққа олишганда унинг умр йўлдоши ўрта мактабда ишларди. Октябрь туманидаги 82-мактаб директорини ҳали тергов тугамасиданоқ “халқ душманининг хотини” дея ишдан ҳайдадилар. У 6 ой ишсиз юрди. Қанча югур-югурдан сўнг хизматга рухсат беришди.[58]

Большевистик мафкуранинг “Жадидчилик пантуризм тарафдори, халқ душмани”, “Индустриаллаштириш ва жамоалаштириш душмани қулоқдир. У социализм душмани”, “Ислом дини тарафдори, халқ душмани”, “миллатчилик - СССР халқлари бирлигининг душманидир”, деб баҳоланиб, репрессия 1950 йилларга қадар давом этди. Сталинча сохта ғоя билан зиёлиларнинг илғор фикрловчи қатлами мавжуд эди. Бу қатағонликлар оқибатида халқимизнинг кўплаб асл фарзандлари ҳеч қандай айбсиз ва гуноҳсиз қирғин қилинганлиги аммо бу жараён юқоридагиларга қарамасдан республикамизда тарихий жараён

[58] И. Усмонов. “Қатағон қурбонлари”. 191-206-бетлар.

тўхтамаганлиги ва халқ оммасининг яратувчилик, ижодкорлик фаолияти давом этганлигини факт ва мисолларда кўрамиз. Олтин фикрли халқ вакиллари қатағонлик йўлида ҳалок бўлишди, аммо уларнинг номи тарих саҳифасига, инсонлар қалбида ўчмайди, улар осмонимиздаги ўчмас юлдузлар каби чарақлаб туради.

Ш.Рашидов раҳбарлик қилган давр сиёсати ва давлат бошқаруви хусусиятларини очмасдан туриб, у кишининг кенг қамровли фаолиятига, қолаверса, халқ қисматига баҳо бериш, айни пайтда айрим тарихий воқеа-ҳодисаларни холисона хулоса қилиш илмий-объектив натижаларни бермайди. Бу даврга (60-80-йиллар) келиб, сталинча қатағон сиёсати аввалгидек даҳшатли ва оммавий қирғин қилишга қаратилмаган бўлса-да, унинг ёвузлик даражаси камайган эмас. Аксинча, у мафкуравий қиёфа шаклини эгаллаб, аксарият ҳолларда ижодкор, зиёли, фидойи ва ватанпарвар шахсларни таъқиб қилиш услубларини давом эттиради. Лекин у анча "маърифатлашган" сиёсатнинг янги кўринишини намоён қилади. Шу нуқтаи назардан дастлабки эътиборимизни шу даврда ҳукмрон бўлган совет сиёсатининг мақсад-муддаоларини, бошқарув-идора усулларини тафтиш қилиш билан мудҳиш тарихий фожиаларимиз сабабларини очишга қаратамиз.

Совет тоталитар тузумининг моҳияти давлат бошқаруви марказлашган ва буйруқбозлик ҳарактерига эга эди. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий соҳалар устидан тўлиқ давлат назорати ўрнатилди. Фикрлар хилма-хиллиги, тафаккур эркинлиги, ижобий мухолифатчилик қатъиян ман этилди, сиёсий эркинликлар тақиқланди.

«Ялпи фароғат жамияти» ёки «Коммунистик жамият» қуриш мақсадлари орқали инсонлар онгига сингдирилади. «Тоталитар доҳий» шаклланади. Жамиятдаги ҳаракатлар ва жараёнлар унинг сўзи билан бошланади ва сўзи билан тугайди. Натижада сиёсатда мунтазам тараннум қилинадиган "Халқ сўзи", "Халқнинг кўзи", "Халқ иродаси" каби тушунчалар маҳорат билан сингдирилади, халқ ўз "бахт"ига маҳлиё бўлиб яшайверади.

Тоталитар тузум сиёсатида доимо халқнинг эркинлик руҳиятини сўндиришга урғу берилганки, инсонда шахсий позиция хиралашиб, сўнгра батамом сўниб борган. Шахслар қатағон этилган жамиятда

миллат ва унинг ор-номусини ҳимоя қилувчи эга қолмайди. Шахслар шаҳид этилган миллат жамоавийликда яширинган қулликдан паноҳ топади.[59]

Совет давлат қатағон сиёсати хронологиясига эътибор қаратадиган бўлсак, бу тузумнинг мазкур ички табиатини бўйи-басти билан кўрамиз:

- Қатағоннинг сиёсий-мафкуравий асослари (1917 йилдан бошланган);
- “Оммавий қатағон” (1927 йил.);
- “Зарар етказувчилар билан кураш" (1920-1930 йиллар);
- “Кончштар” иши (Донбасс - 1928 йил.);
- “Ички мухолифат” билан кураш (1927- 1928 йиллар);
- “Қулоқларга қарши кураш” иши (1928-1935 йиллар);
- “Фанлар академияси” иши, олимларга қарши кураш (1930-1938 йиллар);
- “Партия сафларини тозалаш” иши (1934-1938 йиллар);
- “Армия офицерлари” иши (1935-1941 йиллар);
- “Халқлар депортацияси” иши (1940-1950 йиллар);
- “Учликлар” иши (1960-1961 йиллар);
- “Гастроном” иши (1980-1983 йиллар);
- “Пахта” иши (1983 йиллар);
- “Ўзбеклар” иши (1983-1985 йиллар)

Бу қатағонлик сиёсатининг ҳали тўлиқ бўлмаган рўйхати. Аммо шундан ҳам мазкур давлатнинг қанчалик даражада зўравон мафкурага асосланган ҳолда давлат бошқарувини ташкил этганлиги тўғрисида тегишли хулосалар қилса бўлади.[60]

1946-1949 йиллардаги янги қатл жараёнлари навбат кутаётган бир пайтда партиянинг раҳбар кадрлари сафидан жой олдилар ва улар бундан ўзларини сақлаш учун эҳтиёткорликнинг барча чораларини кўришга, буйруқдан ташқари бирор ҳаракат қилмасликка, партия мафкураси ва партия сиёсатидан оғишмаслик руҳида тарбияландилар. Партиянинг қайси “лидер”ига эргашса, узоққа кета олиш мумкинлиги

[59] Демедов А.И., Федосеев А.А. Основы политологии. М.. «Высшая школа». 1995.
[60] Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. Т.: “Ўзбекистон” 2017. 54- бет.

улардан жуда катта билим, сиёсатдонлик ва узоқни кўра билишни, сиёсатга киргандан сўнг тенгма-тенг сиёсатбозлик қилишни талаб этарди.

ВКП(б) МК директиваларини амалда руёбга чиқариш жараёнида «миллатчилик»ка қарши кураш ниқоби остида 40-йиллар охири 50-йилларнинг бошларида мустабид тузум ва унинг мафкуравий муассасалари ўзбек халқининг маданий меросига ҳужум қилишни кенг авж олдириб юбордилар. Илм-фан, адабиёт ва бошқарувда меҳнат қилган зиёлиларнинг бир қатор вакилларига қарши ваҳшийларча бедодлик қилдилар. Ана шундай қатағон сиёсатнинг меъёрий ҳужжатларидан бири - бу (Москва 06.1947. Буйруқ НК (003)) 47-йўриқномаси бўлиб, унинг қисқартирилган мазмунини берамиз.

1. Ташкилотчилик қобилиятига эга ва халқ орасида машҳур бўлган кишиларга алоҳида эътибор бериш керак. Бундай кишиларни ёллаб олишга уриниш зарур, мабодо рад этишаркан, уларнинг юқори лавозимлар томон йўлини тўсиб қўйиш лозим бўлади.

2. Шундай бир вазият яратиш керакки, давлат хизматчиларининг даромадлари (махсус хизмат ва ҳарбий саноатдан ташқари) жуда оз миқдорни ташкил этсин. Бу аввало соғлиқни сақлаш, суд ва мактабларга, бундан ташқари, барча раҳбар ходимларга тааллуқлидир.

3. Бошқармалар ва кўпгина корхоналар идораларидаги барча лавозимларга (жойлардаги ҳукумат органлари билан келишувсиз) махсус хизмат билан ҳамкорликда бўлган кишиларни тайинлаш зарур.

4. Ҳуқуқий, иқтисодий, маъмурий буйруқлар ва қарорларда албатта ноаниқ қисмлар мавжуд бўлиши керакки, токи уни ҳеч бир ходим тушуниб ололмасин.

5. Шундай қилиш керакки, ҳар қандай масала билан бир пайтнинг ўзида бир қанча қўмиталар, муассасалар ва ташкилотлар шуғуллансин, аммо уларнинг бирортаси корхона фаолиятига ёрдам бериш имкониятига эга бўлмасин. Раҳбарларнинг хизмати фақат топшириқларни бажариш билан чегараланиши керак.

6. Корхоналарнинг раҳбарларида шу корхона ишларига мустақил таъсир ўтказа олиш ҳуқуқи чекланган бўлиши лозим. Раҳбариятнинг хизмати фақат буйруқни бажаришдан иборат қилиб қўйилсин.

7. Ҳеч бир ҳолда касаба ташкилотлари ўзини корхона раҳбариятига қарши қўя оладиган ҳуқуқларга эга бўлмаслиги керак. Уларни бошқа ишлар билан, масалан, бўш вақт ва таътиллар уюштириш, пенсия, кредит аризаларини ҳал қилиш, сайёҳлар, маданий ва кўнгилочар тадбирлар ўтказиш, камёб молларни тақсимлаш сингари юмушлар билан банд қилиб қўйиш керак. Улар сиёсий раҳбарият қарорларини ёқлаб чиқишлари ва тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим.

8. Ўз вазифаларини тиришқоқлик билан бажарадиган, аммо муаммоларни таҳлил қила олмайдиган раҳбарларгина хизмат бўйича қилмишлари учун ҳаракат қилиши керак бўлади.

9. Партия, давлат ва хўжалик аппаратида ишлаётган туб ерли кишиларни шундай ҳолатга солиш керакки, уларнинг ўз қўл остидагилари кўз ўнгида обрўси тўкилиб, аввалги даврларига қайтиш учун ҳам имконлари қолмасин.

10. Бошланғич ва ўрта мактабларда, бундан ҳам аввал, ўрта ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим бўлади. Уларнинг ўрнига тузум томонидан белгиланадиган кишиларни қўйиш керак. Фанлар орасидаги фарқ текислаб юборилиши, оригинал нашрлар чекланиши, лотин ва эски грек тиллари, умумий философия, мантиқ, ва генетика фанларининг ўтилмоғи тўхтатилиши шарт. Тарих дарсларида ўтган сиёсатдонлар кимлар, Ватан равнақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшоҳлар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади. Махсус мактабларда мутахассислик жуда чегаралаб ўтилиши керак.

11. Агар бир ташкилот тузилиб, бизнинг давлатимиз билан ҳамкорлик қилиб турса-ю, аммо расмий раҳбариятнинг иқтисодий фаолиятини назорат қилишга интиладиган бўлса, уни зудлик билан миллатчилик ва шовинизмда айблаш зарур.

12. Сиёсий рақибларнинг ҳаммаси камалган бўлиши борасида ҳам қайғуриш лозим. Маҳаллий аҳоли ихлос қўйганларини оғдириб олмоқ ёки калтакламоқ зарур. Уларни қандайдир қонунни бузганликда айблаб, қамаш ёки бахтсиз ҳодиса аталмиш баҳона сабаб билан йўқ қилиб юбормоқ керак.

13. Партия томонидан тайинланадиган раҳбарлар ишимизга зиён келтиришса ҳам ўзига буйсунадиган кишилар ўртасида норозилик уйғотса ҳам, барибир судланмаслиги керак. Ўта қўпол хатоларга йўл қўйишса, уларни мансабидан бўшатиб, бошқа бир шундай мансабга ёки бундан-да баландроғига қўйиш лозим бўлади. Бунинг имкони бўлмаган пайтда уларни бирор-бир раҳбарлик лавозимига белгилаб, захирадаги кадрлар ҳисобига киритиб қўйиш керак.

14. Иш жойларида етакчи мутахассислар ишдан олинишига ҳамда уларнинг ўрнига чаламулла ва мулоҳазасиз ходимлар қўйилишига эришмоқ даркор.

15. Олий ўқув юртларига шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, улар халқнинг оми қатламидан бўлишсин ва уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиқтирсин.[61]

Кўриб турганимиздек, мазкур расмий ҳужжат совет давлати бошқарувининг асосий монографияларидан бири бўлган. Айни пайтда мазкур монография асосида коммунистик партиянинг сиёсати шаклланган ва ҳаётга татбиқ этилган. Албатта, ўткир ва жозибадор мафкура билан ниқобланган қизил мафкура “инсонпарварлик” ғояларини тараннум қилиш билан оломон онгига адолат туйғуларини сингдириб турган.

Миллий зиёлилар қисмати мустабид тузум, мазкур монографияга асосан Марказдан Ўзбекистонга ўзининг кўп сонли “садоқатли вакиллари”ни раҳбарлик лавозимларда ишлашга узлуксиз юбориб турди. Улар ёрдамида ўлка ҳаётида кечаётган барча жараёнлар, ўзгаришлардан доимий хабардор бўлиб, маҳаллий кадрлар фаолиятини кузатиб, назорат қилиб борди.

Қатағонлик зулмкорлари, уларнинг гумашталари бир имо-ишора билан бундай юрт фидойиларини орадан олиб ташлаш, фаолиятини оғмачилик, бузғунчиликда айблаш, шаънига халқ душмани, миллатчи, аксилинқилобчи, буржуа малайлари сингари асоссиз бўҳтонлар билан лаънат тамғасини тиркашга доимо тайёр турардилар. Бунинг ёрқин ифодасини совет мафкурачилари томонидан тўқиб чиқарилган ва ўзбек

[61] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. “Шарқ” нашриёти. Т – 2000. 510-бет.

миллий кадрлари шаънини булғашга қаратилган “ўн саккизлар гуруҳи”, “иноғомовчилик”, “қосимовчилик” деган сиёсий ишлар мисолида кўришимиз мумкин. Уларнинг ягона “гуноҳи” ўз миллати дарди, ташвиши ва манфаатини кўзлаб, айрим ижтимоий муаммоларни кўтарганлиги ва уларни ҳал этишга юқорининг эътиборини жалб этганлигидир. Хўш, “ўн саккизлар гуруҳи” таркиби кимлардан иборат бўлган? Улар совет мутасаддилари олдида қандай гуноҳ қилган эдилар? Республиканинг таниқли арбобларидан ташкил топган бу гуруҳ (И.Хидиралиев. Н.Саиджонов, У.Ашуров, Р.Раҳимбобоев, Р.Рафиқов ва бошқалар)га тиркалган асоссиз айбга, уюштирилган туҳмату бўҳтонга кўра, гўё унинг аъзолари кўп масалаларда нотўғри йўл тутганлар. Аслида эса, улар ҳукмрон Марказнинг улуғ давлатчилик ва шовинистик сиёсатига, миллий кадрларга нисбатан беписандлик, лоқайдлик йўлига қарши чиқиб, адолат ва ҳаққонийлик тамойилларини ҳимоя қилиб чиққандилар. Шу боис расмий партия органлари томонидан мазкур гуруҳ аъзолари кескин қораландилар ва улар ўз лавозимларидан олиниб, турли партиявий жазоларга гирифтор этилдилар.

Совет қатағон сиёсатини бежизга “компания” деб аташмаган, аслида. Бу компания мазмунан мунтазам ва изчил амалга оширилиб бориладиган тадбирларнинг бир кўриниши сифатида ўсиб чиққан ёки пайдо бўлаётган эркин тафаккурни гўдаклигидаёк пайқаши ва йўқ қилишга қаратилганлиги билан ажралиб турган. Шу тариқа совет тоталитаризми халқнинг энг сара фарзандларидан, етакчи зиёлиларидан маҳрум қилиб бориб, оломонлар сафини кенгайтиришга интилади. Шундай компаниялардан навбатдагиси 1949 йил 25 июнда Ўз КП(б) МКнинг бюросида Ўзбекистон Ёзувчилари иши муҳокама қилинди. Бу масала республиканинг бир қатор таникли адабиёт намоёндалари бадном қилинишига сабаб бўлди. Қарорда ёзувчи Абдулла Қаҳҳор қаттиқ танқид остига олинади. У ўзининг «Қўшчинор» романида гўё «ўзбек кампири тили билан унинг келини рус бўлгани учун ғийбат қилиб, камситилади». Ёзувчи Миркарим Осим «сиёсий жиҳатдан ишончсиз... Миллатчилик, хато фикрларидан халос бўлмаган» киши сифатида таърифланди. МК бюроси Ойбек, Миртемир, Туйғун, Д.Парипов, М.Бобоев, У.Рашидов, Ҳамид Ғулом, А.Қаюмов,

М.Шайхзода асарларидаги жиддий хатолар ва бузилишларни кўрсатиб ўтади.

Мустабид тузум эркин фикрлайдиган ўзбек ёзувчилари ва шоирларини бадном қилиб, уларни қоралаш билангина чекланиб қолмади. Улардан бир қанчалари қатағон қилинди. Республика давлат хавфсизлиги органлари 1951 йилда «Ёзувчилар уюшмасида ва айрим матбуот органларида «уя қурган» 12 кишидан иборат «советларга қарши миллатчилар гуруҳини «фош этди». Бу гуруҳга шоир ва ёзувчилардан Шукрулло Юсупов (Шукрулло), Ғулом Алимов (Шуҳрат), Мақсуд Шайхзода ва бошқалар, шунингдек, журналистлардан Ёнғин Мирзоев, Абдураҳмон Алимуҳамедов, Наби Алимуҳамедов, Саидаҳмад Ҳусанхўжаев ва бошқалар киритилган эди.

Давлат хавфсизлик органлари тўқиб чиқарган «иш»га кўра Шукрулло, Шуҳрат, Шайхзода, адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймон ва гуруҳнинг бошқа аъзолари қамоққа олиниб, «советларга қарши миллатчилик фаолияти»да айбланиб, 25 йилга ҳукм қилиндилар. 40-йиллар охири 50-йиллар бошлари сталинизм даврида мустабид тузум ўз халқига қарши ўтказган оммавий қатағонларнинг навбатдаги босқичи бўлди. Бу қатағонлар СССРда 1930 йилдан 1953 йилгача 3.778.234 нафар кишига дахлдор бўлди. Улар ҳуқуқ, органлари томонидан «аксилинқилобчи» ва «халқ душмани» сифатида айбланган эдилар. 786.098 нафари отиб ташланди. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1937 йилдан 1953 йилгача республикада НКВД «учлиги» томонидан 100 минг киши қамоққа олинди ва турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Улардан 15 минг нафари отиб ташланди. Сталинизм курбонлари орасида турли даражадаги раҳбар ходимлар, адабиёт ва фан арбоблари, ўқитувчилар ва журналистлар, ишчилар ва деҳқонлар, турли қатламлар ва миллатларнинг вакиллари бор эди.

Жисмоний қатағон сиёсатидан фарқли ўлароқ советлар мунтазам равишда мафкуравий жабҳаларда маънавий тубанлашгиришга қаратилган қатағон сиёсатини ҳам олиб боради. Комфирқанинг миллий сиёсатдаги бош мақсади рус бўлмаган бошқа миллатларни миллат сифатида йўқ қилиб юбориш, ассимиляциялашдан иборат эди. Бу жараён натижасида, хусусан, КПСС XXII съездининг «коммунизм

қуриш» дастури қабули важида СССР халқларининг янги тарихий бирлиги – совет халқи пайдо бўлди. Бу бирлик: «Ягона Ватан СССР»; «Ягона тил – рус тили»; «Ягона мақсад – коммунизм»; «Ягона мафкура марксизм-ленинизм»га асосланади" деган ғоялардан келиб чиқиб, «Ягона халқ – совет халқи».[62]

Комфирқа раҳбарлари ўз мақсадларини хеч кимдан яширган ҳам эмаслар. «Бизнинг пировард мақсадимиз равшан, — деган эди КПСС МКнинг Бош котиби Ю. В. Андропов. Бу мақсад В. И. Ленин сўзлари билан айтганда «Миллатларни бир-бирига якинлаштиришгина эмас, уларни кўшиш ҳамдир».[63]

Бундай шовинистик ва улуғ давлатчилик сиёсати рус бўлмаган миллатларни қўрқув, ваҳима ва таҳликага солиб қўйган. Асоссиз қатағон қилинганларни оқлаш «халқлар отаси» вафотидан кейин бошланди. Натижада Ўзбекистон бўйича қатағон қилинган тириклар ва ҳалок бўлганлардан 40 минг нафарга яқини оқланди. Лекин уларни оқлаш ҳам коммунистик мафкура андозаси асосида амалга оширилди.

Занжирбанд шер қатағон сиёсат моҳиятида КПСС "республикалар иттифоқи" ниқобида чор империяси тасарруфини сақлаб қолган бўлиб, ҳеч қачон империячилик ғоясидан воз кечган эмас. КПСС тарғиб қилган "байналмилалчилик" аслида барча халқларни ягона миллатга айлантириш, руслаштириш сиёсати бўлиб, ўзининг кенг тармоқли агентураси, армияси, мафкураси билан империячиликка хизмат қилган. КПСС дастуридаги "совет халқи" термини юзаки термин бўлиб, аслида бу ном остида барча халқларни руслаштириш сиёсати кетар, шу сабабли миллий қадриятларни, миллий тарихни, миллий урф-одатларни, динни сиқиб чиқаришга ҳаракат қиларди. Шу тарика совет бошқарув турлари тоталитар тузумнинг принциплари асосида мустаҳ-камланган ва ривожланган. Коммунистик жамият қурилишининг ижтимоий ва сиёсий принципларига қуйидагилар кирган:

–социалистик бошқарув тузумида коммунистик партиянинг ўрнини белгиловчи КПССнинг раҳбарлик роли;

[62] «Известия». 1990. 14 февраля.
[63] «Правда Востока». 1991. 15 сентября

– меҳнаткашларнинг ижтимоий муносабатларини бошқаришда кенг иштироки бутун ҳокимият халқники эканлигини характерловчи социалистик-демократлаштириш;

– социалистик ҳаётийлик ва бошқаруви асосини ифодаловчи ташкилотларнинг марказлашган тобелиги;

– социалистик бошқарувнинг ленинча сиёсатини ифодаловчи миллат ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва интернационал бирлиги;

– социалистик бошқарувининг режа асосида ривожлантириши;

– СССР Конституцияси ва совет қонунларига барча давлат ва жамоат ташкилотлари мансабдор шахс ва барча фуқаролари томонидан қатьий талаб асосида риоя этиладиган социалистик қонунчилик;

– социалистик бошқарувда демократизм асосларини ифодалашда **Ш.Рашидов** раҳбарлик қилган тузумнинг ўзига хос хусусиятлари ана шундай номувофиқ бошқарув зиддиятларидан иборат бўлган. Маъмурий буйруқбозлик тизими ўз структурасига кўра, бутунлигича ягона ҳокимият иродасига бўйсунган. Бу даврда бошқарув асосан директивалар, буйруқ, инструкциялар, партиявий топшириқлар ва бошқа кўплаб кўрсатмалар асосида юритилган. Марказдан тайёрланган кўрсатмаларга амал қилиш мажбурий ва қатьий талаб ҳисобланган. Ушбу шароитда партия раҳбарларининг қобилият даражаси ҳам кўрсатма ва директиваларни қанчалик амалга ошириши билан белгиланган. Шахсий ташаббус ёки маълум шароитларни олдинроқ аниқлаб, муносабат билдириш ўзбошимчалик бўлиб, раҳбар учун ташвиш туғдирувчи салбий оқибатларга олиб келган.

Ш.Рашидов мансаб талашишлар қурбони бўлмаслиги учун ҳамиша эҳтиёткор ва бунинг устига-устак ҳушёр сиёсатчи, таҳдидлар ва сиёсий воқеиликни олдиндан кўра оладиган бўлиш кераклигини яхши биларди.

Бундай нозик вазиятда раҳбарлик қилиш мушкул иш эди. Империя мафкураси шахсни ётлаштириш, яъни ўз миллатига, ўз юртига бегоналаштириши билан республикаларни ўз чангалида сақлаб турарди.

Албатта, бундай вазиятда Ш.Рашидовдан Дантенинг шижоатини талаб қилиш сиёсий калтабинликлик билан тенг бўлур эди.

Ш.Рашидов фаолиятини бўлиб эмас, сиёсий ва хўжалик ишларини яхлит ҳолда кўшиб ўргангандагина холис баҳо бериш мумкин бўлади. Ш.Рашидов фожиаси социализмдаги шахс фожиасидир. Чунки социализмда, шахсни маънан ўлдириш режалаштирилган. Бироқ Ш.Рашидов ўзининг мутлақо манқуртга айланмаслиги учун халқ, юрт келажаги йўлидаги хизматлари билан унга яқинлашган.

Ш.Рашидов шу юртнинг фарзанди сифатида Марказдан маблағ ундириб, қўриқ ерларни ўзлаштиришга сарфлаган. Марказдагилар пахтани олиб кетиб, яна Ўзбекистон учун ажратилган пулни турли хил қўшиб ёзишларни ўйлаб топиб, шу йўл билан ўмариб кетувчи гуруҳлар, "мутахассислар" юбориб, иккинчи бор талади. Доктор Тоҳир Шокирнинг "Туркистонда пахта хўжалиги" китобида Москванинг Туркистонни пахта плантациясига айлантириш учун қилган барча ҳаракатлари, режалари фош қилинган. Кўриб турганингиздек, қўриқ ерларни ўзлаштириш Марказга номига сиёсат учун керак эди, аслида. У "Потёмкин қишлоқлари" каби қўриқ ерларни ўзлаштириш ниқоби остида ўз сиёсатини татбиқ этарди.

Марказнинг коммунистларча "қуруқ гапи"ни Ш. Рашидов Ўзбекистонда ҳақиқатга айлантиришга ҳаракат қилган. Қилган ҳар бир ҳаракати учун хоҳлаган вақтда уни жиноятда айблашлари мумкинлигини ўзи яхши биларди. Аммо Ватан, унинг ривожи учун жонни тикиш унинг маслаги бўлди. Бу чинакам қаҳрамонлик, жасорат эди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетидаги ички курашлар ҳам Ш.Рашидовни ҳушёр бўлишга ва мақсад йўлида хато қилмасликка ундарди. Москва маҳаллий халқ вакилларидан республика раҳбарлигига маълум кадрларни кўтарар экан, уларни уч томонлама назорат қилиб турарди.

Кадрлар масаласи доимо Марказ тарафидан назоратга олинган. Республика етакчилари юқори лавозимдаги мансабдорларни, албатта, Марказ рухсати ёки тавсияси билан амалга оширишга мажбур бўлганлар.

Марказ ўз десантларини партиянинг 2-котиби лавозимларига "кўз-қулоқ" сифатида рус мутахассисларидан тайинлаганлар. Жумладан,

ДХК раҳбарлари ҳам рус вакилларидан бўлган. Шу тариқа партия структурасида ўзининг айғоқчилари вужудга келган. Ҳар қандай эркин ташаббуслар, айниқса, кадр масалаларида назорат остига олинган. Бундан ташқари, Москва республиканинг ҳарбий ва бошқа ҳуқуқ-тарғибот кучларини ўз назоратида ушлаб келган.

Ўзбекистонда Давлат хавфсизлик қўмитаси раҳбарлари асосан фақат Европа миллатига мансуб кишилардан иборат эди. Улар республикадаги мафкуравий соҳани назорат қилиш билан бирга ундаги раҳбарият фаолиятини ҳам кузатиб боришар, маълум ахборотларни йиғиб, Москвага юбориб туришарди. Бу ахборотлар республика раҳбариятининг тақдирини бир неча дақиқа ичида ҳал қилиб қўйиши мумкин эди. Шу туфайли Ш.Рашидов ДХК маълумотларидаги ахборотлардан ўзини саклаш учун тинимсиз Москва сиёсатини маъқуллашга, мафкура соҳасида ўзини "Марказ қолипидаги кадр" қилиб кўрсатиш учун Марказ сиёсатини пуфлаб, шишириб туришга мажбур эди.

Шу тариқа Ш.Рашидов ўз раҳбарлик тактикасини шакллантиради. Бу тактика сиёсий саҳнада омон қолиш ва Ўзбекистон манфаатларини имкон кадар кенгайтириб, ҳимоя қилиш билан белгиланади. Шу жиҳатдан Ш.Рашидов бу давлатнинг ошқора ва хуфёна сиёсатини яхши англаган, ўзлаштирган, мослашган раҳбарга айланади. У ўзидан аввалги республика раҳбарларининг бадном бўлиш тафсифини ҳам яхши билган ва ундан тегишли хулосалар чиқара олган.

Қанча қарама-қаршилик, нотинчлик бўлса, бу Марказ бошқарувига ҳамда назорати учун кулай вазият ҳисобланган. Шу маънода Ш.Рашидов бир томондан, ношуд одамларнинг найранги ва маккор мақсадларидан огоҳ бўлган бўлса, иккинчи тарафдан Марказ амалдорлари зуғумидан сақланган. Ана шундай бир вазиятда боз устига республика олдида турган режавий вазифаларни ҳам олий мақомда амалга оширишга тўғри келган.

Шу маънода республикада Ўзбекистон КП МКда биринчи раҳбарлик лавозими учун зимдан ички курашлар доимо мавжуд бўлган. Бу ички курашлар гарчи Ш.Рашидов раҳбарлик даврида осойишта бўлиб кўринса-да, бир дақиқа ҳам тўхтаган эмас. Ш.Рашидов биринчи раҳбар

бўлиши билан унга қарши гуруҳ ишлай бошлаган. Шулардан энг йириклари Ё.Насриддинова. Р.Нишонов, Р.Ғуломов. Д.Усмоновлар билан бўлган ички курашлардир. У одамларнинг ҳар бири биринчиликка интилар, ҳар бир ишдан айб излашга ҳаракат қилар, Ш.Рашидов бу юзаки "дўст" қиёфасидаги душманларидан ҳам эҳтиёт бўлиши, ҳар бир кадамини ўйлаб босиши, ҳар бир сўзини ўйлаб, Москвага ёқадиган қилиб гапириши шарт эди.

Шундай зиддиятлардан бири 1969 йили Тошкент шаҳрида содир бўлган миллий тартибсизликлар билан боғланиб кетган воқеаларда намоён бўлади. Инчинун, мазкур воқеа бугунгача тарихчилар томонидан жўяли баҳо берилган эмас, негадир. Тафсилотлари шундай: 1969 йил 4 апрель куни Тошкент марказий «Пахтакор» стадионида футбол бўйича СССР чемпионатида олий лига командаларининг 31 мавсумида Минскнинг "Динамо" ва ўзбекларнинг севимли «Пахтакор» жамоалари ўртасида ўйин бўлиб ўтади. Тошкентликлар биринчи тўпни рақиб дарвозасига киритадилар, аммо ҳакам ҳисобга олмайди[64]. Шунда минбарлардан миллатчилик билан йўғрилган чақириқлар пайдо бўлади. Ишқибозлар ўртасида ҳақоратли сўзлар айтилади. Мезбонлар жамоасининг 0:1 ҳис обидаги мағлубияти бу норозиликни нафратга айлантиради. Натижада тартибсизликлар Тошкент кўчаларига кўчиб ўтади. Рус ва ўзбек ёшлари гуруҳлари ўртасида уруш-жанжал бошланади. Стадионга яқин Навоий кўчаси ёпилади. Гувоҳларнинг айтишларича, исёнчи-тўполончиларнинг "ўрисларни ур!" деган бақир-чақирлари бошланган. Рус миллатига мансуб бўлган одамларни ерга йиқитиб, аёлу эркак бирдай дўппосланган. Тартибсизликлар 8 апрель "Пахтакор" ва "Спартак", кейинчалик 12 апрелда "Торпедо" учрашувларидан сўнг ҳам қайта давом этган. Албатта, бу тартибсизликлар милиция, ҳарбийлар ва махсус техникалар ёрдамида тўхтатилади. Бир қанча минг одамлар қамоққа олинади.

"Бу воқеа нимадан келиб чиқади?" деган савол туғилади. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Жумладан, Ўзбекистонда рус ва русийзабон миллатлар таркиби ҳаддан ошиб кетади. Бунга сабаб 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан сўнг табиий офатни бартараф этишга келган

[64] https:/Wikipedia.tel/События_на_стадионе_«Пахтакор»_1969_года.01.02.2022.

одамларнинг аксарияти яшаш учун қолади. Улар нафақат юқори малакали мутахассислар, аксарияти озодликдан маҳрум этилган ёки муддатини ўтаб келган жиноятчи шахслар, ичкиликбозлар ва шу каби ўғриларни ҳам ташкил этган. Ўз одатларини ташламаган бундай “меҳмонлар” шаҳарда жиноятчиликнинг ўсиб кетишига, ижтимоий вазиятнинг таранглашувига олиб келади. Тахминан 1969 йил март ойидан вазият русларга нисбатан анча чигаллашади[65].

Ўзбекистондан чиқиб кетиш тўғрисидаги ғоялар ўзбек ёшлари томонидан ҳаттоки хатлар орқали юборилади. Ўзбек ва рус ёшлари ўртасида муштлашиш ҳолатлари ортиб боради. Ўзбек футбол жамоасининг мағлубияти азалдан сақланиб келган ижтимоий зиддиятнинг портлашига сабаб бўлади.

Айрим фикрларга кўра, мазкур тартибсизликлар тасодифан пайдо бўлган эмас. Бир неча кунга чўзилган оммавий чиқишларни тасодифан, деб бўлмайди. Бу воқеалар орқасида кимлар турган экан? Милиция жанжалларга эътиборсиз бўлади, баъзида кўрмасликка олади. Бугун “нега республика раҳбарияти ва Ш.Рашидов ёшларнинг чиқишларини вақтида тўхтатмаган ёки бартараф эта олмаганлар?” деган саволга жўяли жавоб топиш қийин. Иккинчи бир хулоса шуки, бу Ш.Рашидов мухолифлари томонидан уюштирилган, деган қараш мавжуд бўлган. Чунки унинг мартабасини ниҳоялаш имконияти вужудга келади, аслида. Воқеа содир бўлган вактда Ш.Рашидов Қашқадарё вилояти партия қўмитаси пленуми йиғилишида иштирок этган. Қайтиб келгач, зудлик билан тартиб ўрнатишни талаб қилади. Аммо унинг топшириғини тегишли тартибда қабул қилинмаганлигидан маълум бўладики, мухолифлар Ш.Рашидовнинг Қарши шаҳрида бўлганлигидан фойдаланиб, Москва олдида обрўсизлантиришга уринишган, шекилли. Лекин бундай ҳодисалардан яхши хабардор бўлган Л.Брежнев Ўзбекистон раҳбариятига нисбатан ҳеч қандай чоралар кўрмайди. Қолаверса, Рашидовга нисбатан унинг меҳри ўзгача бўлган. Шундай қилиб, можаро нима билан якунланади? Албатта миллий тартибсизликлар тўғрисидаги ахборот оммалаштирилмайди. Тошкентда тартиб ўрнатиш учун Москвадан махсус батальон жўнатилади.

[65] https:/www.gazeta.uz/uz/2021/04/26/zilzila/01.02.2022.

Милиция сафларида тозалаш ишлари ўтказилади. Аммо тартибсизлик ўша йилнинг 27 сентябрида “Пахтакор” ва “Крилья советов” жамоалари ўртасида яна такрорланади.

Ўзбеклар славян ирқига мансуб кишиларга пичоқ ва ўткир воситалар билан тажовуз қилади. Стадиондан чиққан оломон шаҳар кўчаларида оммавий транспортларда русларни тутиб, дўппослайдилар. Ғалаённи бостириш учун катта милиция ва қўшин аскарлари ташланади. Ҳокимият имкон қадар миллий низоларни яширишга уринади, спорт ишқибозлари тўполони, деб талқин этилади. Лекин руслар Москвага шикоят қилиб, айбдорларни жазолашни талаб этиб, тинимсиз равишда мурожаат қилиб, хатлар ёзади. Шунинг учун 1974 йилда бош прокурор ўринбосари Гусев бошчилигида комиссия ташриф буюради. Терговчилар Ш.Рашидовнинг мухолифларини аниқлаб, уларнинг Ўзбекистон МК ва Президиум амалдорлари билан алоқадорлигини топади. Масалан, Олий суд раиси Пўлатхўжаев ушланган исёнчиларга қўзғатилган ишларни тўхтатиш тўғрисида топшириқ берганлиги маълум бўлади. Суд уни айбдор топиб, 10 йилга озодликдан маҳрум қилади. Тергов ишлари МК йиғилишида кўрилганда Ўзбекистон Министрлар Кенгаши раиси Р.Қурбонов ва Республика Олий Президиуми раиси Ёдгор Насриддинова ўз қилмишларидан тавба қиладилар. Албатта, бу тахминлар Ф.Раззоқовга тегишли хулосалар. “Аслида бу тарихий воқеалар қандай содир бўлган? Ҳақиқатда мухолифат ташаббускорлар бўлганми ёки халқимизнинг уйғонган миллий нафсонияти сабабми?” деган саволларга жавоб охиригача ойдинлашмаган, деб ўйлаймиз. Аммо ҳокимият ўйинларидан фарқли ўлароқ ўша давр ёшларининг чиқишларида озодлик ва эркинлик туйғулари уфуриб турганлиги рост. Кимлар ва улар қайси мақсадларда фойдаланишганлари бошқа масала. Мазкур воқеаларнинг бевосита гувоҳи бўлган, ўша даврда прокуратура ходими бўлиб ишлаган Борис Коменецкий рисоласида миллий уйғониш билан боғлиқ ихтилоф ҳодисалари тўғрисида батафсил маълумотларни беради.[66]

Ш.Рашидовга нисбатан республика раҳбариятининг ичида ҳам баъзида ошқора, баъзида зимдан курашлар тинган эмас. Улар вазиятга

[66] Раззоков. Ф.Коррупция в Политбюро. Дело красного узбека. -М.: Алгоритм, 2010. С-66

қараб, ўз босимларини ўзгартириб туришган. Шу сабабдан Ш.Рашидов бир томондан марказ “кўнглини” овлаб, босим таъсирини пасайтирса, иккинчи томондан маҳаллий тарафкашларни ҳовуридан тушириб туришга мажбур бўлган.

Албатта, ҳокимият бор экан, бундай курашлар ҳам унинг табиатида доимо мавжуд. Ҳокимиятни бу зиддиятлар гирдобидан айри ҳолда кўриб ҳам бўлмайди. Лекин масала бу ҳокимиятнинг сиёсати нечоғлик даражада халқчил эканлиги билан белгиланади.

Илмий-фалсафий таълимотларга кўра, ҳали миллий туйғуси уйғонмаган маҳаллий етакчилар ўртасида маҳаллийчилик кайфияти устувор келади. Кейинчалик десантчи қизиллар бундай миллий қусурлардан “Ўзбеклар иши”да усталик билан фойдаланадилар. Ш. Рашидовга нисбатан шундай қаршиликлардан бири 1964 йилнинг декабрь ойида Тошкент вилояти бирлашган партия конференциясида амалга оширилади.[67]

Бундай вазият Н.Хрушчёв вазифасидан олингандан сўнг аслида аксарият ҳолатларда янги раҳбарнинг келиши билан қуйидаги раҳбарларнинг алмашинуви юз бериши билан боғлиқ эди. Ўша даврларда Тошкент вилояти партия комитети ташкилий-назорат бўлими лавозимида ишлаб келаётган Вали Усмонов сўз олиб, ўз мақсадларини амалга оширишга киришади.

Мақсад Ш.Рашидовни партия съездига делегат қилиб сайламаслик. Бу ҳолат Ш.Рашидовни бошқа ваколатлардан ҳам маҳрум қилиш билан у кишидек улуғ шахснинг обрўсига путур етказган бўлар эди. Ш. Рашидовга нисбатан ҳақиқий баҳо таваллуд топган куннинг 75 йиллик юбилейида И.А.Каримов томонидан берилган эди. Биринчи Президентимиз бу ҳақда шундай деганди: “Энг оғир шароитларда ҳам Ш.Рашидов ўз халқи учун фарзандлик бурчини қўлдан келганча адо этди. Шароф Рашидов ҳақида гап кетар экан, аввалambор ўша давр зиддиятлари ҳақида гапириш керак. У киши ҳар тарафдан миллий манфаатларни ўйлашга, иккинчи тарафдан Марказдан келган туб

[67] Б.Коменецкий. Русификация и национальное возрождение в Узбекистане (конец 40-х середина 80-х годов). Тель-Авив. 1987г. 92- стр.

манфаатларга зид буйруқларни ҳаётга татбиқ этишга мажбур бўлганини унутмаслик зарур”.



Шароф Рашидов оиласи билан

Шўролар ҳукмронлиги 80-йилларга келиб, ижтимоий-сиёсий соҳада боши берк кўчага кириб қолади. Бу жараённинг сабаблари 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида шўролар жамиятида амал қилиб келган компартиянинг яккабошчиликка асосланган маъмурий-буйруқбозлик иш юритиш услуби ва давлат бошқарувидаги сиёсатнинг зуғум ўтказиш воситалари (идоралари) ҳаёт синовига бардош бера олмади. Шунга қарамасдан Ш.Рашидов эришган ютуқларнинг замирида Марказ ишончига сазовор бўлиш, шу билан Ўзбекистон учун маълум эркинликни олишга эришганлигини таъкидлаш лозим. Республиканинг бошқарув ишларида, кадрлар масаласида ва бошқа кўплаб масалаларда Марказ Ш.Рашидов ихтиёрига қулоқ соладиган бўлади. У республикада ўзбошимчалик, четдан тўрачилик кайфиятига чек қўя олди. Москва Ш.Рашидовнинг улуғвор сўзлари учун эмас, аксинча, унинг ташкилотчилик қобилиятига, доно сиёсатига ва дипломатлигига тан берган. Олий бошқарув поғоналарида ҳам кейинчалик Ш.Рашидов катта обрўга эга бўлди.

“Занжирбанд ҳукмдорлар” орасида сир бой бермай билимдонлик билан иш юритишда Ш.Рашидовга тенглашадиган топилмаса керак, - деб ёзади тарихчи олим Х.Зиёев.- Ҳақиқатан ҳам Ш.Рашидов Марказ билан бўлган муносабатда маҳорат билан ишлай олди.”

“ПАХТА ИШИ”, “ЎЗБЕК ИШИ”

1984-1990 йиллар ичида республикамизда содир бўлган қатағонликлар ўзининг моҳияти, даҳшатли оқибатлари ва кўлами жиҳатидан миллатимиз 20-30-50 ва ундан кейинги йилларда бошидан кечирган жабру жафолардан юз марта ошиб кетди.

“Бундай мудҳиш адолатсизлик на мустамлака Африкада, на мустамлака Ҳиндистон тарихида юз бермаганди, чунки у юртнинг хоинлари бунчаликка боришмаган. Бизда эса на тирикларни, на марҳумларни аядилар. Бизнинг халқимиз ана шундай оғир кунларни бошидан кечирди. Уруш жароҳатларидан кам бўлмаган қора кунларнинг гувоҳи бўлмаган одам қолмади. Бироқ бу кунлар ҳам бизга тарихдан кечаги кунимиздан сабоқ бўлиб қолиши керак, биз оқу қорани танидик”.[68]

1980-йилларда Ўзбекистон узра қатағон қиличи яна кўтарилди. Бу қиличга дастлаб ўзбек халқининг севимли йўлбошчиси, оташқалб фарзанди Шароф Рашидов дуч келганлигини афсусланмасдан таъкидлаб бўлмайди. Ш. Рашидов умр бўйи ҳимоялаган тузум унга хиёнат қилди. “Дунёда ҳеч бир бундай беандиша тузум йўққи, – деган эди Биринчи Президентимиз И. А. Каримов ўзининг халқимизнинг оташқалб рисоласида, – инсон қадрини бу қадар беобрў қилса! Бугун кўкларга кўтариб, эртасига ер билан яксон этса![69]

1980-1990 йиллардаги қатағончилик айрим кишиларни, давлат арбобларигина эмас, балки бутун бир миллатни бадном этишига, қадр-қимматини ерга уришга ҳам қаратилган эди.

1980-йиллар қатағонида ҳеч бир республика Ўзбекистончалик талофат кўрган эмас. Нега шундай бўлди? Нега бизнинг халқимиз энг оғир кунларга қолди? Нега бутун иттифоққа “Ўзбек мафияси”, “Пахта иши” каби даҳшатли айбномалар, халққа қарши қилинган бўҳтон бунчалар кенг тарқатилди?

1980-йиллар қатағони Ўзбекистонни ҳаммадан кўра ўз домига кўпроқ тортди. Ўзбекистон ўрта Осиёдаги ён қўшниларимиздан, барча-барчасидан кўпроқ ва оғирроқ жароҳат топди. Гдлян ва Иванов бошлиқ жазо лашкарлари Ўзбекистондай тарихий ва қадимий бир республикани бунчалар бадном қилишга муваффақ бўлди. Дунёнинг яна қайси бурчагида 1980-йилларда бунчалар кўп одам қамоққа ташланди? XX асрда жаҳоннинг қайси қитъасида халқ ардоқлаб, дафн этган марҳум арбобни гўридан олиб, бошқа гўрга солдилар. Республика

[68] Халқ меҳри абадийдир” Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов туғилган кунининг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида очиқ хат. «Ўзбекистон овози» 1992 й. 16 июнь.
[69] И. А. Каримов. Ўзбекистон. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 87-бет

раҳбарларини Москва турмасига узоқ муддатли тутқунликда сақлаш каби беорлик XX асрнинг босқинчилик ва мустамлакачилик тарихида яна қаерда, яна қай мамлакатда юз берганини ким билади?

Ўзбекистонга нисбатан қилинган бундай бедодликнинг қонли қабоҳат, кўрсатилган жабр-зулмнинг замирида марказдагиларнинг илдизи чириб, қулай-қулай деб қолган шўро давлати ҳокимиятини қандай қилиб бўлмасин сақлаб қолиш, умрини узайтиришга бўлган асосий мақсад-муддаолари турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

1984 йилдан бошлаб собиқ компартия собиқ раҳбарларнинг лаганбардорларча таклифига биноан Ўзбекистоннинг турли минтақаларидан халқимиз "чекланган десантчилар" деб ном берган КПСС амалдорлари ёғилиб кела бошладилар. Янги десантчилар Ўзбекистонда тартиб ўрнатиш учун эмас, балки мамлакатимизни оёқости қилиш, ўзбек миллатини чўчитиш ва бадном этиш, миллатпарвар кишилар жиловини яна бир бор маҳкамроқ тортиб қўйиш учун юборилган эдилар.

Марказий Ўзбекистонга юборилган десантчилар асосан маҳаллий раҳбарларни бадном этиш, таъқиб остига олиш, уларни Россия, Украина, Белорусиядан келган, ўзларига содиқ бўлган кишилар билан алмаштириш билан шуғулландилар. 1984-1989 йиллар давомида ҳар хил баҳоналар билан ўн минглаб раҳбарлар ишдан олиб ташланди. Кадрларни алмаштириш сиёсати шу қадар тез амалга ошдики, ҳатто бир идорага бир йилда уч нафар янги раҳбар ўтирганининг ҳам гувоҳи бўлганмиз. Бу кадр танлашдаги янги йўл эмас, балки уларни таҳқирлаш, беобрў қилиш, ерли халқнинг миллий ғурури ва қадриятларини поймол қилиш сиёсати эди.

Марказдан юборилган амалпарастлар жумҳуриятимиз партия ва ҳокимият тизимларидаги асосий ўринларни эгаллаб олиб, қирғин бошладилар. Ўзбекистондаги камчиликларни илма-тешик қилиб текширдилар. Йўқ хато ва камчиликларни атайин бор қилдилар, игнадан туя ясадилар. Уларнинг сиёсий ўйинлари, маккор ниятлари натижасида Ўзбекистон тарихида қурилмаган ёвуз тажриба майдонига айлантирилди.

Кадрларни обрўсизлантириш, уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, ҳатто таниш-билишларини ҳам аёвсиз жазолаш сиёсати Ўзбекистонда ниҳоятда даҳшатли тус олди. Неча ўн ва юз минглаб кишилар тазйиқ, қувғин ва қатағонга дучор қилинди, қанчадан-қанча одамлар тергов изоляторларида сақлаб турилди. Атайлаб ўйлаб топилган кўпдан-кўп жиноий ишлар кузатилди. Баъзи терговчилар далилларни сохталаштириб, бегуноҳларга нисбатан фақат айблаш йўлини тутдилар.

Жисмоний зўравонликлар, руҳий таъсир этишлар, мажбурлаб бўйинга қўйиш ва эътироф эттиришлар оммавий тус олган эди.

Келгиндилар томонидан халққа етказилган маънавий-ахлоқий жароҳатни асло унута олмаймиз. Ўзбекистонда бошқаларга ўрнак бўлиш учун республиканинг таъзирини бериб қўйишга ҳаракат қилишди. Порахўрлик фақат Ўзбекистонда бўлган бўлса кошки эди! СССРнинг қоқ марказида пойтахт Москвада порахўрлик бошқа жойлардан кучли бўлган бўлса, бўлганки, лекин асло кам бўлган эмас.

“Тоталитар - буйруқбозлик тузуми яратган хато ва ўпирилишларни минтақавий ёки миллий ҳодиса деб қараш ғирт туҳматдан бошқа нарса эмас эди. Давлат ва халқ мулкини талон-тарож қилиш, порахўрлик, мансабга тайинлашда ошна оғайнигарчилик ва маҳаллийчиликка йўл қўйиш фақат Ўрта Осиё республикаларига, хусусан, Ўзбекистонга хосдир. Бундай хато ва камчиликлар турғунлик йилларида совет жамиятининг ҳамма ерида, биринчи навбатда, марказнинг ўзида чуқур илдиз отиб кетган эди”[70].

Энг ачинарли, даҳшат нарса шундан иборат бўлганки, гдлянчилар вертолётларда итлар билан бориб, халқ депутатларини, Меҳнат Қаҳрамонларини кечалари қамоққа олишган, кексаларни, ҳомиладор аёлларни ҳам аяб ўтиришмаган.

Гдлянчилар ҳеч нарсадан тап тортмай иш олиб боришган, қонунга бўйсунмаганлар, аксинча, қонун уларга бўйсундирилган. Руҳий таъсир ўтказиш мақсадида маҳбуслар узоқ муддат ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда сақланган, ҳатто ойлаб сўроқ қилинмаган. Куракда турмайдиган сўкишлар, ўлим жазоси берамиз, деб қўрқитишлар, ёқадан бўғиб,

[70] Э.Юсупов. Истиқлол шабадалари. 26-27- бетлар

судрашлар, томоқдан ушлаб, бўғишлар, дубинка билан савалашлар, зўрлаб кўп миқдорда совуқ сув ичиришлар, изғирин шамол эсадиган жойларда пол устида ухлашга мажбур этишлар орқали тергов қилинаётган кишиларни қалбаки гувоҳлик беришга кўндиришлар.[71]

“Адолат ҳимоячилари” ўз фаолиятларини ўзбек миллатига қарши жамоатчилик фикрини уйғотиш мақсадида олиб бордилар. Совет ва жаҳон матбуотида “Ўзбек мафияси”, “Ўзбеклар иши” деган ҳақоратомуз атамалар пайдо бўлди. Гдлянчилар ҳатто ўзбекларда порахўрлик уят эмас, балки ўзига хос анъанадир, дейишгача бориб етдилар. Бу ҳақда улар томонидан мақолалар, ҳисоботлар, китоблар ёзилди, радио ва телевидениеда намойиш қилинди, маърузалар ўқилди. Бундай туҳматлар билан халқимизнинг кўзини бўямоқчи, фикрини ўзгартирмоқчи бўлдилар.

Буларнинг ҳаммаси халқимизни ҳақорат қилиш ва камситишга қаратилган нотўғри хатти-ҳаракат эди. Шуниси қизиққи, ўтмишда, ҳатто энг қаҳатчилик йилларида ҳам ўзбеклар ўғрилик, фоҳишабозлик, порахўрлик, тиланчилик нималигини билишмаган. Аксинча, ейдиган нонини, киядиган кийимини ҳам ўзининг ҳалол меҳнати, пешона тери, қадоқли қўллари билан топган, бировнинг ҳақига ҳеч қачон хиёнат қилмаган, ҳалол, покиза ҳаёт кечирган, иймон-эътиқодини ҳеч қачон қўлдан бермаган, ҳаром-харишлик йўлига кирмаган.

Марказий оммавий ахборот воситалари турғунлик йилларида Ўзбекистонда рўй берган хато ва камчиликларни ёки минтақавий ҳодиса сифатида талқин этиш маъмурий буйруқбозлик тузуми моҳиятидан келиб чиқадиган иллатларни хаспўшлашдан бошқа нарса эмас эди.

Асрлар оша чегара нималигини билмаган, оға-ини, қуда-анда бўлиб яшаган ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ халқларига совет ҳокимияти даврида “мустақиллик”, “эркинлик”, “ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи” берилди. Туркистон парчаланиб ташланди. Янгидан ташкил этилган “мустақил” республикаларга бундай қараганда жуда кўп ҳуқуқ ва имкониятлар берилгандай эди. Лекин уларнинг ҳаммаси хўжакўрсинга эди.

[71]В.Илюхин. Қабоҳат. (“Ўзбеклар иши” деган уйдирма хусусида). Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993 йил, 43-бет.

Мустабид тузум жумҳуриятларга ваъда қилинган ҳуқуқларни ҳам, тенглик, озодлик ва мустақилликни ҳам аслида бермади.

Шўро ҳокимияти йилларида “қардош жумҳуриятларнинг”, “тўла мустақиллиги”, “тенг ҳуқуқлилиги”, “ўзини ўзи идора қилиш” ҳақида бекаму кўст гапирилди. Бу ҳақда сон-саноқсиз китоблар, рисолалар, монографиялар ёзилди, диссертациялар ҳимоя қилинди, илмий анжуманлар ўтказилди, мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Сиртдан қараганда бу фикр тўғридек бўлиб кўринади. Чунки коммунистлар жумҳуриятлар “миллий мустақиллик”нинг тарихда илгари мисли кўрилмаган шундай бир шаклини ўта устамонлик ва ҳийлакорлик билан яратган эдиларки, унинг туб моҳиятига унча-мунча одам бирданига тушуниб етолмас эди. Унда мустақил давлатнинг барча анъанавий белгиларига, яъни ҳар бир мустақил жумҳурият ўз номига, миллий тилига, Конституциясига, ўз ҳудуди ва ҳукуматига, парламентига, ўз миллий байроғи, мадҳияси ва давлат нишонларига эга эди. Гўё иттифоқ жумҳуриятларнинг ҳар бири СССР таркибидан эркин чиқиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг Конституцияларида бу ҳақда ёзиб ҳам қўйилганди.

М.Мирзабоев. Ўша даврда давлат хўжалигида фаолият олиб борган М.Мирзабоев Гдляннинг кўрсатмаси бўйича икки кеча хизмат кабинетига қамалиб, устидан қулфлаб қўйилади. 1984 йил 7 июль куни у эрталаб ўзини деразадан ташлайди ва ҳалок бўлади.

Ўша вақтда трест бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган Қорақалпоғистон АССР Нукус шаҳар кенгашининг депутати Х. Худойберганов ҳам 1985 йил январида хизмат хонасида терговчи Н.В.Иванов томонидан икки кеча мобайнида қамаб қўйилган. Ўша кезларда терговчиларнинг қўлида уларни қамоққа олиш ва устидан жиноий иш қўзғатиш тўғрисида ҳеч қандай рухсатнома йўқ эди. Шунинг учун уни қамоқхона эмас, кабинетга чақириб, устидан қулфлаб қўйишган.

Ўзларини ҳеч ким назорат қилмаётганига амин бўлган Гдлян гуруҳидаги терговчилар шу даражага бориб етадиларки, улар 1987 йилнинг кузида Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида ўзларига бўйсунмаган, исталган маълумотни бермайдиган, камгап гувоҳлар учун

махсус изоляторлар очиб олдилар. Ушбу изоляторларга одамларни бир неча кунгача қамаб қўйиб, уларни овқатсиз, оч-начор қолдирдилар. Бундан кўзланган мақсад ҳам яна ўша ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни қўлга киритиш эди.

1985 йилда Ўзбекистонда Гдлян ва Ивановнинг қамаш ишлари бошланди. Бирин-кетин туман ва вилоят партия қўмиталарининг котиблари қамоққа олинади. Кейинчалик эса милицияни ҳам "тозалаш"га киришадилар. Озгина фурсат ичида бир неча ўзбекистонлик генерал ва полковниклар ҳибсга олинди. Улар катта миқдорда пора бериш ва пора олишда айбландилар, лекин Гдлян ва Иванов учун бу чегара эмас эди. Улар шов-шув кўтаришни яхши кўришарди. Ишнинг бир учини собиқ Бош котибнинг куёвига боғласалар, ўзлари ҳам машҳур бўлиб, "қаҳрамон"га айланишларини билишарди. Шунинг учун улар Ю.Чурбанов вазир ўринбосари бўлган пайтда икки марта Ўзбекистонга келганини аниқлашади.

Ю. Чурбанов беш нафар ўзбек генерали билан бир жойда қамоқ муддатини ўтади. Зўравонлик, хўрлаш натижасида уларнинг бири ақлдан озди, қолганлари эса ногирон бўлиб қолишди. Бухоро вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби А. Каримов ҳам булар билан бир жойда қамоқ муддатини ўтади. Унинг сўзларига қараганда, "айби"ни бўйнига олдириш учун хотини ва қизини қамаб қўйишган, қийнашган ва видеотасвирга тушириб, А.Каримовга кўрсатишган. Унинг ўлими ҳам фожиали бўлган. Бутунлай авф этилганини эшитиб, юраги дош беролмади. Умуман олганда, Гдлян ва Иванов ўзбекларнинг қонини сўриб, СССР халқ депутатлари бўлишди.

Бугун ҳаммаси ортда қолди. Юрий Чурбанов билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган ўзбекистонлик генераллар Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Муин Норов, Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Салим Собиров, полковниклар–Ўзбекистон Ички ишлар Вазири ўринбосари Пётр Бегалмон, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ёқубов, Муҳаммаджоновлар озодликка чиқдилар. Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Тоштемир Қаҳрамонов

эса айби исботланмагани учун ўша пайтда суд залидан чиқариб юборилган эди. Демак, кеч бўлса-да ҳақиқат қарор топди.

Гдлян гуруҳининг мақсади порахўр жиноятчиларни ушлаб, қамаш эмас эди. Улар Марказнинг топшириғига асосан аввало республикамизга кўп йиллар раҳбарлик қилган Шароф Рашидовни, бошқа обрўли кишиларимизни, шу йўл билан бутун ўзбек халқининг шаънини оёқости қилишга уриндилар. Гдлян ва Иванов кимни қамаган бўлса, биринчи навбатда марҳум Рашидовга қарши кўрсатма беришни талаб қилардилар ва ўз мақсадларига эришдилар. Бундан ташқари, улар қонунни бузиш билан шуғулландилар. Барча терговларни қонунга хилоф равишда олиб бордилар. Отанинг жинояти учун фарзандларини, хотинини қамадилар.

Гдлян ва Иванов жиноятчиларни ушлаш билан бирга катта жиноят ҳам қилишди. Бу икки терговчи бошчилигидаги гуруҳнинг фаолиятини ўрганган комиссиянинг хулосасига қараганда, улар фуқаролардан пул ва турли хил қимматбаҳо буюмларни тортиб олишда мутлақо қонунга амал қилмаганлар ва ўз чўнтакларига солиб, олиб кетишган[72].

80-йиллардаги бундай ноҳақликлар кишилар кечира олмайдиган иш бўлди.

1988-1989 йиллар СССР Прокуратурасининг кўпгина ходимлари учун оғир йиллар бўлди. Кавказорти ва Ўрта Осиёдаги миллий зиддиятлар оммавий қонли тўқнашувларга айланиб кетди. Бош тергов бошқармасининг ходимлари бутун мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан ўз ҳузурларига терговчиларни чақириб, тергов бригадаларини тузишга ва улар билан бирга энг қайноқ нуқталарга “ур-йиқит”лар авж олган жойларга етиб боришга аранг улгуришарди. Бундай жойларда уларнинг ўз ҳаётлари ҳам доимий хавф-хатар остида кечарди, чунки у жойларда жиноятчилар уй-жойларга ўт қўйишар, одамларни отиб, сўйиб, ўлдиришар, уларнинг мол-мулкларини талон-тарож қилишарди.

Тергов ишларини қай йўсинда ва қандай олиб боришни тўғри белгилаш ғоят муҳим эди. Олти йил мобайнида Гдлян ва унинг командаси деярли 200 нафар кишини ушлаб, ҳибсга олиш тўғрисида қарорлар чиқарган. Шулардан 640 нафар киши порахўрлик учун,

[72] Б. Эгамов. “Гдлянни уриш осон эмасди”. Тошкент, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1995 йил, 16 июль.

қолганлари эса бошқа ҳар хил жиноятлар учун ва асосан “жиноий йўл билан топилган бойликларни сақлагани учун” ҳибсга олинган.

Бевосита Гдлян ва Иванов томонидан 150 та жиноий иш судларга жўнатилган. Шу билан бирга бу ишлар бўйича фақат 310 нафар киши устидан ҳукм чиқарилган. Кузатилган 4 та ишни қайта қўшимча тергов қилиш учун уларнинг ўзларига қайтариб беришганида бу ишларни иккинчи марта судга оширишга асос топилмаган.

Гдлян ҳали ишлаб юрган вақтларидаёқ, у жўнатган ҳужжатлар бўйича суд ҳибсда сақланаётган Ўзбекистон Ички ишлар Вазирининг ўринбосари Қаҳрамоновни ҳамда Қарши шаҳар саноат моллари савдо идорасининг директори Ғойиповни оқлаб, қамоқдан озод қилади. Гдлянни ишдан озод қилиш пайтигача унинг терговчилардан бошқа терговчилар қўлига олиб берилган ишлар бўйича ҳали яна 29 нафар киши ҳибсда сақланаётган эди. Кейинчалик улардан фақат 14 нафар кишигина айбдор деб топилиб, судланади, қолганларнинг айбсизлиги тан олиниб, улар бутунлай оқланадилар. Шундай қилиб, порахўрлик учун қамалган кишилардан 25 нафар киши 1991 йилнинг 1сентябрига қадар бутунлай оқланди. Айбсиз кишилар 7-9 ойдан 3-7 йилгача ҳибсда сақланишган. Масалан, Қаҳрамонов 3 йилу 3 ой турма камерасида ётди. Унинг ҳамкасби – милиция генерали А. Муҳаммадиев 2 йилу 2 ой, милиция майори Иззатов 7 йил, авиация отрядининг командири Арслон Рўзметов 3 йилу 9 ой ва яна 21 кун турмада ётишган. Навоий вилояти ижроия қўмитасининг раиси ҳеч қандай айбсиз 3 йилдан кўпроқ даврда ҳибсда сақланган. Ана шу вақт ичида унинг хотини вафот этади, бироқ терговчилар унга марҳум билан видолашиб келиш имконини бермайдилар. Аёлининг ўлими ҳақида Ҳайитовга орадан 1 йил ўтгач, айтишади. Мақсуд Барноевга ҳам ўз отасининг дафн маросимида қатнашишга рухсат беришмайди. Отаси ўлган куни у қонунсиз равишда ҳибсда сақланаётган эди.

Бир қатор айбланувчиларнинг берган маълумотларида Гдлян билан Иванов Ш.Рашидовга обрўсини туширадиган маълумотлар беришни талаб қилганликлари эслатиб ўтилади. Бу иккала терговчи Рашидовни порахўрликда айблаб, уни кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда

нотўғри йўл тутган, деб ҳисоблайдилар ва кўп айбларни унинг устига ағдариб гапирганлар ва ёзганлар.

Ўзбекистон КП МКнинг иккинчи котиби Т.Осетровнинг бошига оғир кунлар тушади. Уни 1986 йил 13 декабрда қамоққа оладилар. Орадан 2 йилу 5 ой ва яна 16 кун ўтганидан кейингина ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги учун озодликка чиқаришади. Осетров барча азоб-уқубатларга чидаб берган, лекин иродаси букилмаган кишилар сирасига киради. У барча дўқ-пўписалар, қўрқитишлар ва ёлғон-бўҳтонларга мардонавор дош беради. Ўзига қилинган туҳматларни фош қилади ва ўзи ҳеч кимга туҳмат қилмайди. Гдлян ўз ихтиёридаги барча қонунсизлик қуролларини унинг устига ёғдиради. Гдлян Ўзбекистоннинг собиқ Ички ишлар вазири Ҳайдар Яҳёев ҳибсда сақланаётганида ундан ҳам фойдаланмоқчи бўлди. Ҳ. Яҳёев Осетровни маълумот беришга кўндиришга “уриниши” лозим эди. 1987 йил февраль ойининг охири март ойининг бошларида Осетров билан Ҳ. Яҳёев 4 марта юзлаштириладилар. Илгари Яҳёевни Осетров масаласида сўроқ қилмаган эдилар. Яҳёев ҳам унга “пора берганлиги”ни бўйнига олмаган эди. Осетров ҳам Яҳёев тўғрисида сўроқ қилинмаган эди. Жиноят-процессуал норма талабларига биноан бир хилдаги воқеа-ҳодисалар юзасидан сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатмаларида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлганлигидан бундай юзлаштириш тадбирлари ўтказилади. Бу ерда эса ҳеч қандай зиддият мавжуд эмас эди.

1989 йил охирига келиб, Ўзбекистонда қонунчиликнинг бузилганлиги билан боғлиқ ишларни текшириш давомида муайян хулоса чиқариш учун етарли маълумот тўпланган эди.

1991 йил апрелида СССР Олий Кенгаши сессиясида у Гдлян билан Ивановни одил суддан олиб қолиш учун бор кучини сарфлади. Яна алдамчилик ишга солинди. У Гдлян билан Ивановни прокуратурада ишдан бўшатиш учун СССР Олий Кенгашининг ҳам розилиги бўлиши зарур, деб ҳаммани зўр бериб ишонтиришга уринди. Чунки уларнинг иккаласи ҳам халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган эди. Арманистон халқ депутатлигига сайловлар тўғрисидаги қонунда бундай шартлар кўзда тутилмаган. Аммо шунга қарамай Г. Сторовойтова ўз

сўзида туриб олади ва юқорида айтилган ёлғонни бутун мамлакатга ҳақиқат қилиб кўрсатади.

1991 йил 19 апрелда СССР Бош прокурори уларни хизмат доирасида интизомни қўпол равишда бузганликлари учун прокуратура органларидан ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарди. Буйруқ холисона ва адолатли эди. Чунки иккала терговчи ҳам ўз хизмат мавқеларини суиистеъмол қилибгина қолмасдан, балки шу билан бирга прокуратура билан алоқани аллақачон узгандилар: ишга чиқишмас, тергов билан шуғулланишдан бош тортар эдилар, аммо ҳар ой иш ҳақини олиб туришдан тортинмасдилар.

Гдлян ва Ивановлар гуруҳи Ўзбекистон ҳудудида 200-300 нафар кишидан иборат таркибда иш кўрганлар. Уларнинг сони доимо ўзгариб турган. Гуруҳга кирган терговчилар аксариятининг савияси Гдлян ва Иванов савиясидан анча паст бўлган. Гдлян ва Ивановларнинг ўзлари ҳам малакалари паст, ҳуқуқ тизимларини билмасликлари, улар гуруҳига кирган терговчилар ўз бошлиқларининг топшириқларини кўр-кўрона бажарувчи, мансабпараст, ном чиқариш учун тўғри келган қабоҳатлардан тоймайдиган шахслар бўлишган.[73]

Мазкур монографияда талабаларга билим бериш билан биргаликда яна мавзумиз учун 9-10-11-синфларда Ўзбекистон тарихи фани бўйича 2 соатдан дарс ажратилгандир. Ўрта мактаб ўқувчиларига таълимий билим бериш жараёнида қатағонлик даври тарихини жуда чуқур ўрганишга тўғри келади.

1990-йилларга қадар бўлган дарсликларда бу мавзу ёритилмаган эди. Оммавий қатағон қилишлар 30-йилларда юз берган эди. Бу тўлқин собиқ совет иттифоқининг деярли ҳамма республикаларини бир вақтда қамраб олган эди.

Мактаб ўқувчилари ва талабаларга таълимий билим бериш жараёнида 30-йиллардаги қатағонлар асосан партия, совет, хўжалик, ҳарбий кадрлар хусусида бўлишининг сабабларини мисоллар асосида кенг ёритиб бермоқ лозимдир.

40-йиллардаги қатағонлар эса асосан маданият ва илмий фан арбобларига тааллуқли бўлди. Бу қатағонлар учун ВКП(б) 1946 йил

[73] “Қабоҳат ёхуд...”. В.Илюхин. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993 йил.

февралда қабул қилинган “Звезда”, “Катта ҳаёт” фильмлари тўғрисида В.Мураделнинг “Буюк дўстлик операси ҳақида” қарорлари мафкуравий асос бўлиб хизмат қилганлигини ўқувчиларга батафсил баён етиб бериш лозимдир. Ўша йиллардан бошлаб адабиёт ва санъатнинг ижодий, демократик тараққиёти узоқ йилларгача сусайиб қолди, жойларда эса ўзгача фикр қилишга барҳам берила бошланди. Айниқса, ўқувчиларга ва талабаларга таълим бериш жараёнида бегуноҳ қурбон бўлган Чўлпон, Фитрат, Боту, Элбек, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби шоир ва ёзувчиларимизнинг машаққатли меҳнатлари, уларнинг ижоди ўзбек халқининг маънавий бойлиги эканлигини ва уларнинг ҳаёт фаолияти бадиий баркамол асарларини ўрганиш миллий бурчимиз эканлигини ўқувчиларга тушунтира билишимиз керак. Кейинги йилларда бу адибларимизнинг ижодий фаолиятига оид мақолалар ва рисолалар, уларнинг асарлари кўплаб чоп этилмоқда. Мактаб ўқувчилари ва талабаларга тўла эътироф этган ҳолда ҳали уларнинг асарлари чуқурроқ ўрганиш ва атрофлича таҳлил қилишимиз лозимлигини билдириш керак. Бундан ташқари, давлат ва партия аппаратида кўп йиллар ишлаган Ватаним, халқим, деб жон куйдирган Турор Рисқулов, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Теша Неъматов, Тўра Ҳусанов каби юзлаб ватанпарвар раҳбарларимиз Сталиннинг репрессияга дучор бўлдилар. “Сталинизм – ажал уруғи ўлкамиз осмони узра қиличини қайраб турган йилларда она юртимиз фарзандларидан 8 миллион нафардан ортиқ кишининг ёстиғи қуриди”.[74]

50-йилларда матбуотда “Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда” сарлавҳали мақола пайдо бўлди. Унда ўзбек адабиётининг Ойбек, Ҳ.Зарипов, Ҳ.Ёқубов, И.Султонов ва бошқа арбоблар жиддий мафкуравий хатолар ва бузғунчиликда айбландилар. Ёзувчилардан Мақсуд Шайхзода, Шукрулло Юсупов, Ғулом Алимов ва баъзи бошқа адиблар 1951 йили “советларга қарши миллатчилик фаолияти”да айбланиб, қамоққа олиндилар. Кейин эса 25 йил муддат билан озодликдан маҳрум этилдилар.

Монографиянинг иккинчи бўлимида 80-йиллардаги қатағонликнинг юз бериши масаласига тўхталганда шу нарса этибор бериш кераклиги,

[74] Ш.Каримов. “Қафасдаги қуш орзуси”. “Фан”, Тошкент, 1991 йил.

турғунлик йиллари қатағонликлари даврида ҳозирги даврда қурбонлар сабабини, моҳиятини ўқувчиларга чуқур тушунтирмоқ керак. Шунингдек, сохта ўйлаб тўқиб чиқарилган “Ўзбеклар иши”, “Ўзбеклар мафияси”, “Пахта иши”, “Рашидовчилик” кабилар туфайли қанчадан-қанча одамларнинг юрак-бағирлари қон бўлди. Ўқитувчи мактаб ўқувчилари ва талабалар таълим-тарбия жараёнида 80-йиллар воқеасидан тўғри хулоса чиқаришга йўлланма бериши лозим. Агар биз эътибор бериб қарайдиган бўлсак, босмачиларга қарши кураш йилларидаги халқимиз бошидаги қирғинликлар Фарғона, Қўқон, Бўка, Паркент, Ўш, Ўзган ва Намангандаги даҳшатли фожиалар ҳар қандай киши қалбини титратиб юборади. Мактаб ўқувчисининг ва талабанинг бу тўғрисидаги тасаввури қандай экан?..

“Пахта иши” деган иш тўқилиб, майдонга олиб чиқилди. Бу иш, айниқса, Марказий матбуотда кишининг иззат-нафсига тегувчи “Ўзбек иши” деган ном билан аталди. Юқоридан махфий топшириқ билан юборилган Гдлян ва Иванов бошчилигидаги гуруҳ бир неча юз минглаб ҳалол кишиларни ва умуман республикани бадном қила билди. Ўзбек халқининг бахт-саодати йўлида самарали фаолият кўрсатган, ўша йилларда ЎзКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари бўлган Ш.Р.Рашидов ҳам бадном қилинди. У билан биргаликда эса бутун республиканинг шаъни-шавкати ва қадр-қиммати қораланди. Жафокаш қалби минг пора бўлган она халқимизнинг шўрлик бошида яна қандай қайғулар, дарду аламлар бор экан? Бундай фожиа ва жафолардан қутилиш учун нима қилмоқ керак? Бунинг йўли бор. Бу йўл адолат йўли, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўли, “Ўзбекистон жумҳуриятининг тўла сиёсий мустақиллиги йўлидидир”. Бунинг учун Ўзбекистон халқи ана шу эзгу мақсад йўлида бирдам бўлиши, ўзининг ғоявий-сиёсий ҳушёрлигини ва фаоллигини ошириши, бошимизга бало бўлаётган маҳаллийчилик касалига чек қўйилиши, миллий бирликка эга бўлиши, миллий, эрк ва ҳуррият байроғини ўз муқаддас боши узра баланд кўтармоғи лозим.[75]

Таълим-тарбия жараёнида мактаб ўқувчиси ва талабаларга тушунча бериш жараёнида “Пахта иши”нинг чиндан ҳам мавжуд бўлган

[75] Ш.Каримов. “Қафасдаги қуш орзуси”. Тошкент, 1991 йил, 62-бет.

камчиликлар ва ҳатто жиноятларни очиб ташлашга ёрдам берганлигини айтиб ўтмаслик адолатдан бўлмайди, лекин бу нарсани бадном қилишга олдиндан мўлжалланган ўзбек халқига ҳеч бир алоқаси йўқ эканлигини ҳар томонлама фактлар асосида тушунтирмоқ керак.

Юсуф Товбоев. Сирдарёнинг фидойи фарзандларидан бири, ўзининг бутун умрини, ғайрат-шижоатини элга хизмат қилишга бағишлаган, кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган Юсуф Товбоев Сирдарё ва Жиззах областларининг кўриқ ерларида янги ташкил этилган совхозларда агроном, бўлим бошқарувчиси, совхоз директорининг ўринбосари, совхоз директори лавозимларида ишлаб элга танилган. Ю. Товбоев 1937 йил 17 январда ҳозирда Сирдарё область Мирзаобод райони ҳудудида туғилган.

Юсуф Товбоевнинг тақдирига 1986 йилнинг август санасида Жиззах вилояти суди жиноят ишлари коллегиясининг очиқ суд мажлиси қора чизиқ тортган, ҳаётини остин-устун қилиб, умрини пароканда қилиб юборган. Унда Ю. Товбоев билан ёнма-ён меҳнат қилган беш нафар мутахассиснинг ҳам шаънига иснод келтирадиган иғво ва бўҳтонлардан иборат айбномалар мужассамланган. Бу оилаларнинг бирида ўн нафар, яна бирида саккиз нафар, етти нафар, олти нафар вояга етмаган норасидалар чирқираб қолган. Уларнинг оталари эса «порахўр» деб номланган сохта айбловлар билан қамоқхоналарда азоб тортган эдилар.

Юраги пахтадек юмшоқ бу заҳматкаш элнинг гуноҳи нима эди? Тонг ёришмасдан даласига отланган, саратоннинг жазирамаларида ҳордиқ нималигини билмай пахтасини парваришлаган, ой ёруғида жўякларга сув тараган, ғўзасини сел-ёмғирдан кўкси билан тўсиб, асраб-авайлаган, ҳосилини йиғиб-териб олмагунча шийпонида тунаган, кўзларига уйқу қўнмаган деҳқон элни бадном қилиш кимларга керак бўлиб қолган эди? Ҳалол нонини, топган тансиқ таомини ўзи емай, меҳмонга илинадиган ўзбек халқининг покиза шаънига туҳмат тошларини отаётганларнинг не муддаоси бор эди? Бу адолатсизликка, бу иғволарга чек қўйилишига халқимизнинг ҳақоратланган, топталган шаъни, албатта, мустақиллик шарофати билан тикланди.

1984 йил 7 июль куни Сирдарёда совуқ бир хабар тарқалди. «Юсуф Товбоев қамалибди, унга қайсидир раҳбарга пора берган, деб айб

кўйилаётган эди. У билан бирга қўл остида ишлаётган бир гуруҳ мутахассис кадрлар ҳам тергов қилинаётган эди».

Бу хабарлар Ю. Товбоевнинг маҳалладошларини, уни яхши биладиган, ёнма-ён ишлаган, меҳнатсеварлигига, ташкилотчилигига, юксак инсоний фазилатларига ҳавас қиладиган, адолатли холис раҳбар сифатида қадрлайдиган дўстларини қаттиқ ташвишга солди.

...Юсуф Товбоев ҳақиқий чўл фарзанди эди. Қишлоқ хўжалик техникумини битириб келиб, шу хўжаликда участка раҳбари бўлиб иш бошлаган. У бошлаган ишини рисоладагидай қилиб охирига етказмагунча тиниб-тинчимайдиган, кўз қарашлари ўткир, мустақил фикрлайдиган, қайсарроқ ва бир сўзли, шахду шиддати баланд бўйи ўзига ярашиб турадиган йигит эди. У ишчанлиги билан тезда элга танилиб қолди. Қишлоғида бир оз муддат ишлагач, қўшни Оқолтин туманида янги ташкил этилган «Андижон» совхозига ишга юборилди. У ерда аввал агроном, сўнгра бўлим бошқарувчиси вазифаларида меҳнат қилди. Қайси вазифада ишламасин, тиниб-тинчимаслиги, қатъияти ва юксак масъулияти, янада муҳими, атрофидаги одамларнинг кўнглига йўл топа оладиган, самимияти билан ҳурмат-эътибор топди, сиртдан ўқиб, олий маълумот олди.

1972 йилда Оқолтин районидаги 10-“А” совхозга бўлим бошқарувчиси бўлиб ишга кирди. Ўшанда совхоз директори республикага таниқли раҳбар Худоёр Латипов эди. Ю. Товбоев у кишининг яқин шогирдларидан бири бўлди.

1974 йилдан Сирдарё область Оқолтин райони “Фарғона” совхозида бош агроном бўлиб ишлай бошлади. Совхоздаги раҳбар Собиржон Сиддиқов билан бирга ишлаб раҳбарликнинг кўп сирларини ўрганди. У 1976 йилда Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги Саркисов номли 12-совхозга директор этиб тайинланди. Беш йил мазкур хўжаликка раҳбарлик қилди ва уни энг яхши хўжаликлар қаторига олиб чиқди.

1981 йилда тажрибали, салоҳиятли раҳбар сифатида Жиззах областининг Дўстлик районидаги 27-совхозга директор этиб тайинланди. Совхознинг марказий посёлкасини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ишларига ёшу қарини сафарбар қила олди, қишлоқнинг қиёфасини ўзгартириб

юборди, ҳатто пахта экиладиган карталарнинг четида ҳам ўрикзорлар барпо этилди. Ҳар бир бўлимнинг шийпони атрофига экилган сархил ўрик кўчатлари уч йилда мевага кирди, совхоз марказидаги йўллар четига экилган ўриклар ширин ҳосил қилди.

Юсуф ака ҳар куни тонгда қишлоқинг кўчаларидан ўтаётиб, саришта ҳовлиларга кўз ташлар, чўл ўрнида бунёд бўлган шу сўлим қишлоқни яратишда ўзининг ҳиссаси борлигидан фахрланиб кўярди. Юсуф ака меҳнат қилиб, маънавий кувват оларди, қилган ишидан лаззат оларди, ҳаётдан мамнун эди, элу юрти олдида юзи ёруғ эди.

...1984 йил ёз фасли. У Жиззахга мажлисга бориши керак эди. Юсуф ака эртароқ ишга отланди-да, идорага кириб, зарур маълумотларни олиб, «Волга»сига ўтирди. Совхоз марказидан чиқиб, Жиззах йўлига бурилиши билан машинани бир йигит тўхтатди. Юсуф ака ҳайрон бўлиб машинадан тушиб, унга юзма-юз бўлди, машинани тўхтатган одамнинг кўм-кўк кўзларида такаббурлик, беписандлик акс этиб турарди. У ўзини таништиришни ҳам, мақсадини айтишни ҳам лозим топмай, чўнтагидан қизил гувоҳнома чиқариб, Юсуф аканинг юзига тутди. Унда «Начальник следственного отдела по особо важным делам прокуратуры СССР Ю.Колесниченко» деган ёзувни ўқиди, вужуди музлаб кетди. Юсуф ака унга вилоятга мажлисга бориши зарурлигини тушунтирмоқчи булди. Лекин у эшитишни ҳам истамай, қўлларига кишан солди. Бу воқеа шунчалик тез содир бўлдики, Юсуф ака ҳали ўзини нималар кутаётганини билмасди.

...Область марказига мажлисга отланган Юсуф ака шу куни Жиззах шаҳридаги ички ишлар бошқармаси ҳибсхонасининг ертўласига қамаб қўйилди. Уни нима учун қамалганининг сабабини ҳеч ким тушунтирмади ҳам. Бир ҳафта ўтгач, оиласи, фарзандлари бу воқеадан хабар топишди. Юсуф Товбоев қамалгач, у раҳбарлик қилган совхозда ҳар куни бир ваҳимали хабар тарқалар, кўча-кўйда одамлар бир-бирлари билан гаплашгани ҳам ҳадиксираб туришар, қўни-қўшнилар бир-бирларининг уйига кириб, чиқишдан ҳам чўчишарди. Боиси Москвадан келган 12 нафар кишидан иборат тергов гуруҳи ҳар куни совхоздан бир гуруҳ одамларни гувоҳ сифатида терговга чақирар, эрталабдан то тунга қадар уларни сўроқ қилиб, ҳолдан тойдирар эди.

Ички ишлар ҳибсхонасининг зах деворларидан нам тепчиб турган ертўласида ётган Юсуф Товбоев бўлаётган воқеалар қандайдир англашилмовчилик туфайли содир бўлган, деб ўйлар, бугун-эрта уни чиқариб юборишларига умид қилар, лекин кун ўтган сайин кўнглининг бир четида милтиллаб турган умид учқунлари сўниб бораётганини ҳис қилиб турарди. Ҳар куни уни махсус топшириқ билан келган терговчилар сўроқ қилар, ҳаммаси «кимга пора бергансан? Қанча пора бергансан?» деган саволларни такрорлар эди. Юсуф ака нафрат билан уларнинг кўзига тик қараб, «Ҳеч кимга пора бермаганман!» деб бир гапда туриб олиши туҳматчиларнинг ғазабини оширарди. Айрим кунлари Юсуф ака улар тинимсиз такрорлаётган саволдан вужуди титраб, ўзини аранг тутиб турарди.

Икки йилдан ортиқ давом этган қийноқлар, ҳибсхонанинг совуқ, бадбўй хоналаридаги азобли кунлар Юсуф аканинг метин иродасини бука олмади, ҳақиқатнинг юзага чиқишига бўлган ишончини сўндирмади. Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси ҳибсхонаси ертўласида, сўнгра Ховосдаги 13-сонли тергов изоляторида ўтказган кунларини, кўрган азобларини Юсуф ака ҳеч кимга, ҳатто умр йулдоши Турсуной опага ҳам, ўғилларига ҳам айтмаган. Тўнғич фарзанди Абдураҳим биз билан бўлган суҳбатда шундай хотирлайди:

– Отамнинг тергови 1984 йилнинг 7 июлидан 1986 йилнинг август ойигача икки йилдан ортиқроқ давом этган. У кишини ҳеч кимга кўрсатишмасди, ҳеч ким билан гаплаштиришмасди. Оиламизда ҳаловат йўқ, 10 нафар фарзандмиз, мен энг каттасиман. Онам бу мусибатдан довдираб қолди. Гўёки атрофимиздагилар бизни қўли билан кўрсатиб, «жиноятчининг болалари», деб нафратланаётгандек туюлаверади. Одамларга кўшила олмай қолганмиз. Ҳеч эсимдан чиқмайди, онам шўрлик бир куни бир тоғора манти пишириб, қўлимга тутқазди: «Болам, олиб бор, зора ҳибсхонадагиларнинг ичидан бирорта инсофлиси чиқиб, овқатни отангга олиб кириб берса...»

Онаизоримнинг юраклари эзилиб айтган гапларини қайтара олмай, бир тоғора мантини олиб, Ховосга жўнадим. Эрталаб бориб, то қош қорайгунча ҳибсхона эшиги олдида у ердагиларга илтимос қилиб, сарғайдим, отамни кўрсатишмади. Тоғорадаги мантини кўтариб, ярим

тунда Ховосдан Янгиергача пиёда келдим. Янгиерда катта каналнинг бўйига бориб, ҳўнграб йиғлаб, кўнглимни бўшатдим. Йигит кишининг йиғлаганидан ҳам аянчлироқ ҳолат борми? Сўнгра мантиларни каналга ағдариб, бўш тоғорани кўтариб уйга қайтдим. Уйда умид билан мени кутиб ўтирган онамнинг кўнглини тинчитдим: «Отамни кўрдим, “мендан хавотир олманглар, яхшиман”, дедилар. Овқатни олиб кириб беришди», - дедим.

Бу мусибатли кунлар фақат Юсуф Товбоев хонадонида эмас, у билан бирга ишлаган совхознинг бош ҳисобчиси, уруш қатнашчиси Маҳкам Алимов, бош иқтисодчиси Яхшилик Қобилов, кассирлар Ислом Бегманов, Хўжамберди Дўстматов, бош ҳисобчининг ёрдамчиси Бердимурод Рустамовнинг ҳам бошига тушган, фарзандларининг бошини хам қилиб кўйганди.

...Ниҳоят 1986 йилнинг 22 август куни Жиззах вилоятининг Дўстлик районидаги 27-совхоз идорасида Жиззах вилоят суди жиноят ишлар коллегиясининг очиқ суд мажлиси бўлди. Суд Юсуф Товбоевни 14 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш колониясида ўташ белгиланди. Қолганлар 10 йил, 8 йил, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Ҳукм ўқилди, залда пашша учса, эшитиладиган жимлик чўкди.

Ю. Товбоевга охирги сўз берилди. Совхоз аҳли ўз раҳбарининг нима дейишини кутарди. Юсуф ака ўрнидан турди, у одамларнинг кўзларига тик қаради, лекин ҳеч кимнинг кўзида ўзига нисбатан нафратни кўрмади, аксинча, унга термулган юзлаб нигоҳлардаги хайрихоҳликни, ҳамдардликни, кувватлашни қалб кўзи билан ҳис қилди ва хотиржам, мардона, ўктам овозда шундай деди:

– Менга берилган жазога розиман. Лекин ёнимдагиларнинг бирортаси ҳам айбдор эмас, улар менинг, яъни раҳбарнинг топшириғини бажаришган, уларга енгиллик беришингизни сўрайман.

Залда гулдурос қарсаклар янгради, «Оббо азамат-ей, отангга раҳмат, ҳақиқий йигитнинг гапини айтди», дейишди залда ўтирган кексалар. Улар Юсуф Товбоевнинг мард, адолатли инсон эканлигига яна бир бор амин бўлдилар.

Ю.Товбоев жазо муддатини ўташ учун Учқудуқдаги жазони ўташ муассасасига жўнатилди. Ўша йилларда унинг оиласи, фарзандлари бошига тушган кўргиликларнинг ниҳояси кўринмасди. Умр йўлдоши Турсуной опа 10 нафар фарзандининг ўксиб турган кўзларига, мунғайган чеҳрасига қараб, юраклари эзила-эзила ҳолдан тойди. Она-да, болаларига кўрсатмай пана-панада йиғлаб-йиғлаб, кўнглини бўшатиб олади, Худодан ўзига сабр тилайди, яна рўзғор юмушларига уриниб кетади.

1989 йил. Ўзбекистонда адолат шабадалари эсиб қолди. «Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов «Пахта иши» билан ноҳақ қамалганларни озод қилдирар эмиш», деган хушхабар тарқалди. «Хушхабарнинг қаноти бор», дейишади. Бу хабар Юсуф Товбоевнинг хонадонига ҳам ёруғ кунларни олиб келди. Орадан кўп ўтмай, ноҳақ қамалганлар озодликка чиқиб, оилалари бағрига қайта бошладилар. Юсуф ака оқланиб, ёруғ юз билан уйига кириб келганида маҳалласида тўй бўлиб кетди.

Қамоқхонада ўтган беш ярим йил Юсуф аканинг умридаги энг оғир йиллар бўлди. Уни биргина умид асраб қолди. Ўзининг теран тафаккури билан ҳақиқатнинг юзага чиқишига ишониб яшади, ички бир овоз: «Бу кунлар ўткинчи, юзинг, албатта, ёруғ бўлади, бардам бўл!» деб такрорлайверарди. Фақат бир фикр адоқсиз азоб берарди. «Бошимга тушган бу кунлар ўн нафар фарзандимнинг тақдирига «қора тамға» босмасмикан?» деган хаёл вужудини титратарди. Тўрт девор ичида офтобнинг уфқдан бош кўтаришини, тонг ёришишини, қуёш ботишини кўришдан бенасиб ўтган ўша машъум йиллардан омон ўтиб, қутлуғ хонадонига қайтиш, нонуштада аёли ҳозиргина тандирдан узиб келтирган иссиқ нонни қўллари куйиб-куйиб ушатиш, фарзандлари қуршовида ўтириб, дуога кўл очиб, Яратгандан ҳалол ризқ-насиба сўрайдиган кунларга етиш умиди билан яшади. Аммо соғлигини йўқотиб, юрак касалини орттириб қайтди.

Юсуф ака ўзи аввал ишлаган совхозга директор ўринбосари этиб тайинланиб, иш бошлаганида кўксида нураб ётган ғурур тоғи тикланди. Одамларга, элига кераклигини ҳис қилиш унинг забардаст билакларига қувват берди. Инсонлик шаънини, қадр-қимматини, пок номини,

ғурурини тиклаб берган Ислом Каримовга миннатдорлик мактуби йўллашга жазм қилди. Кўп ўтмай Президентдан унга жавоб мактуби келди.

Азоб-уқубатли кунларда қамоқхонанинг дим, бадбўй хоналарида ётиб, камситиш ва хўрликларга чидаган, кўзига ёш олмаган Юсуф ака давлатимиз раҳбарининг имзоси билан юборилган мактубдаги «Ўзингизни асранг, Сизга соғлик-омонлик тилайман», деган жумлаларни ўқир экан, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди, беихтиёр мактубни кўзларига, юзларига босди. У Ўзбекистон раҳбари ҳар бир фуқаронинг ҳаёти ва тинчлиги учун ишончли кафолат эканлигини юрак-юракдан ҳис қилди... Юрагида сўз билан ифодалаб бўлмайдиган фахрни туйди.

Юсуф Товбоев Сирдарё область Мирзаобод районидаги ўзи туғилиб, ўсган “Москва” хўжалиги (ҳозирги “Тошкент” ҚФЙ)га директор этиб тайинланди. Уч йилда қолоқ хўжаликни ҳамма кўрсаткичлар бўйича илғор хўжаликлар қаторига олиб чикди. Сўнгра Оқолтин районидаги Бобур номли хўжаликда (1997-1998 йиллар) директор, Жиззах вилояти Зомин районидаги «Ғалаба» номли 3-совхоз директори лавозимларида ишлади. Меҳнат фаолиятини бошлаганидан то нафақага чиққунга қадар турли вазифаларда ишлади, жамоаларга раҳбарлик қилди, кимнидир кўллади, кимнидир суяди, кимнингдир тўйини ўтказишга бош-қош бўлди, кимнингдир муаммосини ечишга кўмаклашди. Ҳаёти давомида «Инсондан яхшилик қолади», деган шиорга қатъий амал қилди. Турмуш ўртоғи Турсуной Товбоева билан 5 нафар ўғил ва 5 нафар қиз фарзандларни вояга етказиб, уйли-жойли қилди.

Юсуф Товбоев 2012 йил 24 мартда 75 ёшида юрак хуружи туфайли оламдан ўтди. Лекин ҳамюртлари, уни яхши танийдиганлар, тенгқурлари, дўсту биродарлари қалбларида Юсуф аканинг мунаввар хотираси яшамокда. У одамларнинг кўнглида ёруғ излар қолдирган инсон эди.

1980-1981 йилларда Ворошилов райони (ҳозирги Сайхунобод тумани) пахта йиғим-теримида жуда катта қийинчиликларга дуч келган. Чунки ўша йиллари бутун вилоят бўйича пахта хом ашёсини давлатга ҳар йилгидан кўпроқ топшириш зиммаси юклатилган эди. Ворошилов

райони “Ўзбекистон 50 йиллиги” совхози директори Аликул Зулқайнаров, совхоз бош ҳисобчиси Иномжон Раҳмоналиев, совхоз пахта пункти классификатори Эшпўлат Шодмонов, совхоз бош кассири Абдисоқи Холматов, совхоз пахта қабул қилиш пункти ишчиси Жунисбай Ибрагимов “Шўрўзак” пахта қабул қилиш пунктига 134 та сохта накладной бўйича 915650 килограмм пахтани қўшиб ёзиб берганликда айбланганлар. Аслида улар бу ишни қилишга мажбур бўлган эдилар.

1981 йилги район партия комитетининг 1-секретари ва район агросаноат бирлашмаси бошлиғининг мажбурлови, яъни кучли тазйиқи остида ушбу ишларни қилишга мажбур бўлганлар. Район раҳбарлари тазйиқи остида жазодан ва жиноий жавобгарликдан қўрқиб, қилинмаган ишларга нарядлар ва ведомостлар тузишиб, пахтани қўшдириб ёздириб олган, лекин ўзлари ҳеч қандай моддий манфаатдор бўлишмаган. Натижада 1986 йил 26 декабрда Сирдарё область суди ҳукми билан Ж.Ибрагимов 3 йил, А.Зулқайнаров 6 йил озодликдан, 5 йил мансабдорлик лавозимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. И.Раҳмоналиев 3 йил озодликдан, 4 йил мансабдорлик лавозимида ишлаш ҳуқуқидан, Э.Шодмонов 4 йил 6 ой озодликдан, А. Холматов 3 йил озодликдан маҳрум қилиш ва 4 йил мансабдорлик лавозимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Бундай тазйиқ ва мажбурловларнинг сири фош бўлиб, 1991 йил 5 март куни улар оқландилар.

Холмўмин Усмонов. Ворошилов райони “Гулистон” совхозида яшовчи Холмўмин Усмонов 1946 йилда Самарқанд область Бахмал районида туғилган. 1954 йилда Ворошилов райони “Гулистон” совхозига кўчиб келган. 26-ўрта мактабни 1964 йилда тамомлаб, Низомий давлат педогогика институтининг Биология факультетига ўқишга кирган. 1980 йилда ҳоким чақириб, “Балиқчилик” соҳаси, кейинчалик товуқчилик соҳасида фаолият юритишини сўраган.



Холмўмин Усмонов

1982 йилда Абдуғани Илашев совхоз директори лавозимида бўлган шахс пахта қабул қилиш пунктига тарозибон ўрнига ишга қабул қилган. 1986 йилда бошланган тергов ишлари “гулистон”ликларни ҳам четлаб ўтмади.

“Бизни ҳар куни эрталабдан чақириб олишарди район марказига. То кечгача кутиб турар эдик, қабул қилмасдилар. На бир жойга кетар эдик, на бир жойга борар эдик. Ҳар куни бир хил ҳолат такрорланар эди. Бир куни чарчаганимдан ҳар куни борадиган жойимга бормадим. Бир соатнинг ичида милиция ходимлари келиб, дарров идорага олиб кетишди. Шу даражада қийинчиликлар, асабийлик бизни қийнар эди. Айримлар қийинчиликларга чидай олмасдан вафот этишди. Суд раиси Ўлмас Расулов деган киши эди. Тергов ишларини Зокиржон Отабоев олиб борган, вилоятда бизни Олимжон Ибрагимов тергов қилган. Биз билан бирга ишлайдиганлар бир-бирига пахта пули олди-сотдиси билан боғлиқ бўлган пулларни ким кимдан олиб, кимга берганлиги сўралар эди. Мен тарозибон бўлганлигим учун тушган пулларни олар эдим, қўл остимда бўлганлар пулни менга берганликлари тўғрисида кўрсатма берган эканлар, мен ҳам пулларни белгиланган жойга топширганимдан кейин ҳамма нарсалар ойдинлашиб, тергов ишлари тугатилди. Айбларига кўра, қамоқ муддати берилди, кимларгадир 10 йилдан ортиқ, кимларгадир 5-6 йил, кимларгадир 3-4 йил берилди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг хизматлари туфайли “Пахта иши” билан қораланганлар оқланди” деган хабар бизни ва якинларимизни жуда хурсанд қилди”, деб маълумот берди айни пайтда ҳожи ота бўлган Холмўмин Усмонов.



Абдуғани Илашев 1943 йилда Жиззах области Зомин райони Пишоғар қишлоғида туғилган. У қайси соҳада ишламасин, ҳаётининг салмоқли қисми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан чамбарчас боғлиқ. Абдуғани Илашевнинг ташкилотчилиги, раҳбарлик маҳорати ва тўплаган тажрибаси ҳисобга олиниб, у 1983 йилда ҳали чўл ерларининг ўзлаштирилиши давом этаётган

Меҳнатобод райони ижроқўми раислигига тавсия этилди. Чўлни ўзлаштиришга эътибор сусайган, ерларнинг нормал мелиоратив холатини таъминлаб туришга ажратиладиган маблағлар камайиб қолган йиллар эди. Меҳнатобод районида ёки олдинроқ муайян хўжалик миқёсида ҳам Абдуғани Илашевнинг муваффақиятли ишлагани ҳамда ўзининг серғайрат, янгиликларга ўч, ташаббускор эканлиги инобатга олиниб, 1985 йилда у Ховос райони партия қўмитасининг котиби этиб тайинланди.

Марказ ташаббуси ва кўрсатмаси билан олиб борилган “Пахта иши” доирасида унга ҳам айб қўйилган. Гўёки у 1981 йилда “Гулистон” давлат совхозига раҳбарлик қилган пайтларида пахта топширишда қўшиб ёзган эмиш. Тирноқ остидан кир қидириш, бегуноҳ кишиларни қийноқ ва бошқа ноқонуний йўллар билан гуноҳкорга айлантириш устаси бўлган гдлянчилар унга “дело” очиб, ишдан олиб, қаматиб юборганлар[76]. Тергов жараёнида партия ташкилотидан вакил ажратиб, тегишли мутахассисларни бу ишга жалб қилиб, партия аъзосининг қилган ишларининг таҳлили қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигига ўз нақтаи назарини билдирса бўлади-ку? Шу билан қанчалар соф одамларнинг тақдири синмасди. Афсуски, партия аъзоси турмада партия билети билан ўтирмасин деб, “меҳрибончилик” қилиб, уни ўз сафидан тезкорлик билан ўчириб, терговга ем қилиб ҳам қўйишади. 1990 йилда унинг иши бекор қилиниб, озодликка чиқди.



Иномжон Раҳималиев 1947 йилда ҳозирги Сирдарё область Ворошилов райони “Гулистон” маҳалласида ишчи оиласида туғилган. Отаси Рахимали Қўзибоев, онаси Лолахон давлат хўжалигида ишлашган.

Тарихдан илмли инсонлар элда азиз, деганларидек, Иномжон Раҳималиев 1954-1965 йилларда 26-мактабда ўқиб, мактаб тарихида биринчи марта кумуш медаль билан битирган. Ушбу йилларда талабалик кўп инсонларга насиб этавермаган. 1965-1969 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтида

[76] Собиржон Усмонов. Ёднома.: “Зиё” 2020 йил 186-бет.

ўқиган. Бугунги кунда миллат фидойиси деб таъриф этилаётган И. Раҳималиев меҳнат фаолиятини 1969-1973 йилларда “Гулистон” совхозида ҳисобчи лавозимида ишлашдан бошлаган. 1974-1983 йилларда Сирдарё область Ворошилов райони “Ўзбекистон ССР 50 йиллиги” совхозида ҳисобчи вазифасида ишлаган. 1984-1986 йилларда 1 декабргача бош ҳисобчи муовини вазифасида фаолият юритган.

1986 йил 26 декабрда Сирдарё область судининг ҳукми билан “Пахта иши” юзасидан режаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни оширишда айбдор, деб топилиб, Ўзбекистон ССР ЖКнинг 149-155- ва бошқа моддалари билан 3 йилга шартли равишда озодликдан маҳрум этилган.

Ўзбекистон Совет давлатини асосий пахта хом ашёси билан таъминловчи минтақаси бўлганлиги сабабли қўшиб ёзишлар иллати “ривожланган” жой Ўзбекистон деб қаралди ва қўшиб ёзишларга қарши мамлакат миқёсида катта ҳаракатлар бошланиб, Ўзбекистон биринчи нишонга олинган республикалардан бўлиб қолди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, дарҳақиқат, халқ хўжалигидаги қўшиб ёзишлар Ўзбекистонда мавжуд бўлиб, аксарият ҳолларда колхоз ва совхозларнинг мансабдор шахслари томонидан юқоридан мажбурлашлар орқали қўшиб ёзишлар пахта тозалаш корхоналарининг тайёрлов ташкилотларига тайёрланмаган ва топширилмаган пахтани “топширилди” деб товарсиз фактураларни тузиш йўли билан амалга оширилган. Бундай қўшиб ёзишларга колхоз ва совхознинг бригадасида, бўлимида тузилган, ички хўжалик ҳисобга олиш маълумотлари, сўнгра завод пахта пунктининг товарсиз ёзилган, бир томондан - колхоз ва совхоз томонидан, иккинчи томондан - пахта тозалаш саноати корхонаси томонидан режанинг бажарилганлиги тўғрисидаги давлат ҳисоботи кўрсатилган маълумотларни баланслаштирган товарсиз квитанциялар асос қилиб олинганди. Завод директори ва бухгалтери ушбу маълумотлардан режани бажаришгани тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ошириш учун фойдаланишган ва

уларни республика пахта тозалаш саноати вазирлигига ҳамда статистика бошқармасига топширганлар[77].



“Ўзбекистон 50 йиллиги” давлат хўжалигида. (Ворошилов райони) И. Раҳималиев (чапда) ва бош ҳисобчи Б. Ким. 1978 йил.

“Пахта иши”, “Қўшиб ёзишлар” масаласи ҳам аслида 1983 йилда бошланган. Ўз Компартия МКнинг ХВИ Пленуми ва унда Иномжон Усмонхўжаевнинг Марказдан Ўзбекистонга кадрлар билан “ёрдам бериш”ни сўраб қилган

мурожаатидан сўнг бу иш авж олди. Ўзбекистонга юзлаб, минглаб кадрлар юборилди. Улар Анишчев, Огарок, Клепиков, Сатин, Нестеренко, Бутурлин, О.Гайданов, Е.Дидоренко, Любимов, Калиниченко, Королёв, Майданюк, Маврин, Литвиненко, Иванов, Галкин, Карташян ва бошқалардир. “Пахта иши” бўйича жуда кўп гуруҳлар ташкил қилинди. Маҳаллий халқниг “характер ва психологияси”ни яхши билган жаллодлар бу гуруҳларга туб ерлик прокурор ва терговчиларни бош қилиб, уларга “яхши консультация”лар бердилар ва шу тариқа сопини ўзидан чиқардилар. Мана шу жараёнларни ташкиллаштириш оқибатида марказдан келган “десантчи”

[77] Xakimov I. Qo‘shib yozish – jinoyat //O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi. - Toshkent, -№11, 1989. - B. 51

номли порахўрлар ўзларини қониқтирган маблағ эвазига бошқарув ўринларини сотдилар, айбсиз айбдорларни эса бадном қилдилар.

Иномжон Раҳималиев ўзининг айбсизлигини била туриб қамалгани ва жамиятда инсон ҳуқуқлари бузилаётганига ич-ичидан қайғуриб, қуйидагиларни эсга олади:

“ Ховос турмасида 26 кун давомида ўтирганимиздан сўнг суд бўлди. Шартли равишда 3 йил озодликдан махрум қилиш жазоси берилди. 2 ой Гулистонда “Химия” промзонасида ишладик. Кейин бизларни Бекободга, бир қисмимизни Чирчиққа жўнатдилар. Бекоботдаги металл заводида 1 ярим йил ишладик. Труба заводида Сапархон Қосимбеков бухгалтер, Пўлат Содиқов кассир бўлиб ишладилар. Холмўмин Усмонов ҳам бизлар билан бирга қамалган эди.”

Туҳмат ва уйдирмадан иборат «Пахта иши», «Ўзбек иши» деб аталган, 1983 йилда бошланиб, 1989 йилгача давом этган қатағон даврида 4 мингдан зиёд ҳамюртимиз Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Россия қамоқхоналарига ташланган эди. Халқимиз таҳқирланган, ҳақоратланган, хўрланган бир давр эди[78]. Қамоқда ётганларнинг оила аъзолари, яқинлари ёрдам сўраб, турли идоралар эшиклари олдида йиллаб сарсон-саргардон бўлиб юрганди. Бу адолатсизликларга барҳам бериб, одамларда эртанги кунга ишонч уйғотиш муҳим аҳамиятга эга эди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан махсус комиссия тузилди, унга «Пахта иши», «Ўзбек иши» бўйича судланганлар ишини қайта кўриб чиқиш вазифаси юкланди. Собиқ Иттифоқ Бош прокуратураси, Олий суди раҳбарларининг қаршилиги, дўқ-пўписасига қарамай қамалганларнинг аксарияти оқланиб, оиласи бағрига қайтарилди. Марказ сиёсатига қарши бўлган бундай ишларни катта журъат ва жасоратга эга, ўз халқи ор-номуси, обрўси, тақдири учун чинакамига қайғурган миллат учун жафокаш инсонгина қила оларди.

Иномжон Раҳималиев 1988 йил ноябрь ойида қамоқдан чиққан. 1989 йил 1 ноябрдан “Гулистон” совхозида 2008 йилгача ҳисобчи вазифасида иш фаолиятини юритган. 2008 йилдан пенсияга чиқиб,

[78] https://xdp.uz/uz/mamlakatimizda/111

турмуш ўртоғи Холбодом ая билан биргаликда пенсионерлар қаторида умргузаронлик қилди. Фарзандлари 2 нафар қиз, 6 нафар ўғил бўлиб, ҳаммаси уйли-жойли, ҳар хил ишларда ишлашади. 23 нафар невара, 12 нафар чевараниng бобоси бўлиб, 2020 йил 4 октябрь куни оламдан ўтди.

Шифохонада ётганида Ховос райони “Пахтакор” маҳалласида яшовчи Нилуфар Мирзаева деган ҳамшира Иномжон акага қараган. И. Раҳималиев ҳеч кимга айтмаган болалик даврларини ҳамширага сўзлаб берибди. Ҳамшира қиз кейинчалик у кишининг оила аъзолари билан учрашганида Иномжон ака ҳақиқий миллатимизнинг фидойи инсони, жонкуяр инсон бўлганлигини, бировнинг ҳақига ҳеч қачон хиёнат қилмагани, одамлар билан гаплашганида мазмунли фикрлар айтишини таъкидлаган экан. “Шифохонада ётган вақтида ҳам нималарнидир ўйлаб, фикрлаб, кимларнингдир дарди билан яшаётгани билинар эди. Мен у кишига “бу ер ҳамма нарсани эсдан чиқариб, дам оладиган жой, ташвишларни эсдан чиқаринг”, деганимга қарамай “эҳ, қизим, бу дунёнинг ишлари ғалати экан”, деб чуқур мазмунга бой гапларни айтарди”, дея гапириб берган.



Эшпўлат Шодмонов 1951 йил 15 май куни Ворошилов райони “Шўрўзак” совхози “Паймард” маҳалласида туғилган. Ўша маҳалладаги 38-ўрта мактабни тугатган. Андижон текстиль техникумини битириб, пахта йиғиш пунктида ишлаган. 1985 йил октярь ойида бошланган Иванов ва Гдляннинг текширув натижасида айблов эълон қилиниб, суд қилинди ва ноҳақдан 4 йил 6 ой қамалиб чиқди. Мустақиллик туфайли оқланди. 2002 йил 14 декабрь куни вафот этган.

Бозорбой Анорбоев 1955 йида Қозоғистон ССР Чимкент области, Пахтаорол районида туғилган. Муқаддам судланмаган. “Мирзачўл” совхози 3-бўлим катта ҳисобчиси бўлиб ишлаган. Ўз ССР ЖКнинг 17-119-прим моддаси билан 5 йилга, 149-моддаси билан 3 йилга 55-моддаси билан 12 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40- ва 42-моддаларига кўра, 5 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, уни кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат

колонияларида ўташ белгиланган. Мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиш кўрсатилган.

Нурмуҳаммад Анорбоев 1937 йилда туғилган. Муқаддам судланмаган. Мирзаобод райони пахта тозалаш заводи ходими бўлиб ишлаган. Жиноий иш бўйича 1986 йил 17 январдан бошлаб қамоққа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 119- прим моддаси билан 10 йилга, 149-моддаси билан 3 йилга, 155-моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40-моддасига кўра, 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, уни кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташга, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиши белгиланган. Сирдарё область судининг 1986 йил 17 январдаги ҳукми билан 10 йил ОМҚ қўлланилган, 4 йил МҲМЭ га юборилган, мол-мулки мусодара қилинган.



Абдисоқи Холматов 1953 йилда Ворошилов райони (ҳозирги Сайхунобод тумани) “Шўрўзак” совхозининг Жданов номли участкасида туғилган. Маълумоти ўрта. 1981-1985 йилларда совхоз бош кассири вазифасида ишлаган. 1986 йил 26 декабрда Сирдарё область судининг ҳукми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилинган ва 4 йил масъул вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан махрум қилинган. 1991 йил 5 март куни оқланган.

Болтабой Деҳқонбоев 1940 йилда Самарқанд вилояти Нурота райони, Тўра қишлоғида туғилган. Оиласи Мирзачўлни ўзлаштириш кўчириб келинган. 1982 йилдан бошлаб Ворошилов районида раис лавозимида ишлаган. 1985 йил декабрда пахта иши бўйича сўроқ қилиниб, ҳибсга олинган. Ўз ССР ЖК нинг 119-I 149-I, 153-2 155-моддалари билан 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Ўз ССР Олий Суди Президумининг қарори билан 1990 йил май ойида озод этилган.

Анвар Давурбоев 1938 йилда Жиззах области Бахмал районида туғилган. Гулистон пахта пунктида мудир вазифасида ишлаган. Унга нисбатан ёпиштирилган “ведомостларни қалбакилаштириб, давлат мулкини бир неча йил давомида талон-тарож қилган” деган айб орган суд ҳукмида кўрсатилмаган. Ўзбекистон ССР Олий Суди Жиноят

ишлари бўйича судлов коллегиясининг 1986 йил 21 апрелдаги 03-224-К-сонли ажримига кўра, Сирдарё область судининг 1986 йил 31 январдаги ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган. Ўзбекистон ССР Олий суди Президиумининг 1987 йил 12 декабрдаги 4-236-87-сонли қарори билан Сирдарё область судининг 1986 йил 31 январдаги ҳукми ва Олий Суднинг 1986 йил 21 апрелдаги ажрими ўзгартирилиб, жиноят кодексининг 119-моддаси, 1-қисмидан, 118-моддаси 3-қисми ва 169-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилиниб, шу моддалар билан Ўз ССР ЖКнинг 40-моддасига асосан жазони ўташ учун мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, муддати 6 йил ОМҚ жазоси қўлланилиб, кучайтирилган колонияларда ўташ белгиланган.

Ҳасан Ирматов 1943 йилда туғилган. Оқолтин райони “Мир” пахта тозалаш заводида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган. 1982 йилда куз оғир келгани учун қабул қилинган пахта толаларининг сифати пасайиб кетганлиги, район партия комитетининг секретари Тетуев ҳар куни заводга келиб, “нам, ифлос пахталарни қайтармасдан олинглар, ҳар қандай ҳолатда ҳам районнинг пахта режаси бажарилиши шарт, агар пахталарни қабул қилмасаларинг, мен сенларнинг ҳаммаларингни қаматаман,” деб қўрқитганини, амалда 790900 сўмлик чиқинди ортиқ чиқиб, заводга зарар етказилгани, шундан сўнг Байтуллаев ва Улуғбековлар моддий жавобгар шахслар бўлганликлари учун қариндошларидан 40 минг сўм пул тўплаб, Ҳ. Ирматовга берганликлари, улар биргаликда Чимкент фабрикасига бориб, Рўзиматов билан гаплашиб, 40 минг сўмни берганликлари, “157 тонна 640 килограмм 6 –сорт пахта қабул қилиб олдим,” деб накладной ёзиб берганлиги айтиб ўтилган ва шу айблов билан ҳукм ўқилган. Ўз ССРнинг 40-моддасига кўра, ўташ учун 7 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, жазони уни 2-гуруҳ ногиронлигини ҳисобга олган ҳолда умумий режим колониясида ўташ белгиланган.

Абдуғаффор Султонов 1956 йилда Сирдарё область Комсомол райони, “Мирзачўл” совхози ҳудудида туғилган. “Мирзачўл” совхози 3-бўлими агрономи вазифасида ишлаган. Ўз ССР ЖК 206-моддасининг 1-қисми билан судланган. Иш юзасидан тилхат орқали очиқда бўлган. Ўз ССР ЖК 17-118-моддасининг 3-қисми билан 4 йилга, 149-моддаси

билан 4 йилга, 155-моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40-42- моддаларига кўра, 4 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, уни кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган.

Жуман Ходжанов 1940 йилда туғилган. Комсомол райони "Юбилейний" совхозининг 3-бўлими ҳудудида яшаган. "Мирзачўл" совхози директори лавозимида ишлаган. Сирдарё область судининг 1986 йил 17 январдаги ҳукми билан 13 йил ОМҚ, 5 йил МҲМЭ га юборилган, мол-мулки мусодара қилинган. Давлат архивида фақат 1 дан 5 гача, 17 дан 20 гача бўлган жилдлар мавжуд бўлиб, ушбу жилдларда судланувчиларга оид бирорта маълумот мавжуд эмас. Навоий шаҳар қамоқхонасига жўнатилган. Ўз ССР ЖКнинг 119-прим 1-моддаси билан 13 йилга, 149-моддаси билан 3 йилга, 149-прим моддаси билан 4 йилга, 155-моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40-моддаси талабига кўра, 13 йил озодликдан маҳрум этилиш жазоси қолдирилиб, унга кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ жазоси қўлланилган, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган. 1989 йилда оқланган.

Ахилбек Эргашев 1946 йилда Сирдарё область Ворошилов районидаги Свердлов номли колхоз ҳудудида туғилган. Ховос район "ХРУ-І-Д" совхози бош бухгалтери лавозимида ишлаган. А. Эргашевга Сирдарё областъ прокуратураси томонидан Ўз ССР ЖКнинг 119^1-моддаси, 149-моддаси, 155-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилган.

А. Эргашев бир гуруҳ шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ўзининг хизмат вазифасидан фойдаланиб, жами 4590 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганликда айбланган. Унга қўйилган айблар тасдиқланмагач, Сирдарё область судининг 1986 йил 31 январдаги ҳукми билан Ўз ССР ЖКнинг 149-моддаси билан оқланган, ЖКнинг 40-моддасига кўра, 10 йил ОМҚ, мол-мулки мусодара қилиниб, асосий жазони ўтаганидан сўнг 3 йил муддатга муайян вазифаларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Ўзбекистон ССР Олий Суди жиноят ишлари бўйича судлов

коллегиясининг 1986 йил 21 апрелдаги 03-224-К-сонли ажримига кўра, Сирдарё область судининг 1986 йил 31 январдаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

“Пахта иши”- мустабид совет режими томонидан Ўзбекистонда 1983-1990 йилларда амалга оширилган қатағонларни ниқоблаш учун ўйлаб топилган расмий ном.

XX аср 80-йиллари бошлашларига келганда совет режими, унинг сиёсий тизими ва хўжалик юритиш усуллари ўзининг ривожланиш имкониятларини тугата бошлади. Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам катта хом ашё ва табиий бойликлар захирасига эга бўлишга қарамасдан СССРнинг марказий ҳудудларидан жуда тез ортда қола бошлаган.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида 1984 йил 23 июнда бўлган Ўзбекистон Компартияси МК XVI пленуми (асосий марузачи: Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби И.Б.Усмонхўжаев) жуда машъум роль ўйнаган. Москва ташаббуси ва кўрсатмаси билан тшкил қилинган бу пленумда қабул қилинган ҳужжатлар Ўзбекистон, айниқса, ўзбек халқининг асоссиз бадном этиш компаниясини бошлаб берди.

СССР бош прокурори ҳузурида алоҳида муҳим ишлар бўйича махсус 12 кишилик терговчилар гуруҳи (гуруҳ рахбари: Т.Х.Гдлян; терговчилар: М.Б.Иванов, Г. Караказов (Карказян) ва бошқалар) тузилиб, 1983 йилдаёқ Ўзбекистонга юборилган эди.[79]

Ўзбекистонда пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлардаги “қўшиб ёзиш”, “ўғирлик”, “кўзбўямачилик”, “порахўрлик” ва ҳоказо каби (аслида бундай молиявий жиноятлар ва қинғирликлар бутун СССР ҳудудидаги иқтисодиётдаги чуқур илдиз отиб кетган эди) тергов қиливчи Гдлян ва Иванов гуруҳининг талаби билан республикадаги жамоа хўжаликлари раислари ва совхоз директорларининг фоизи, қишлоқ хўжалиги етакчи мутахассисларнинг

[79]Қаҳрамон Ражабов.,“Пахта иши” ва “Ўзбеклар иши” ёхуд топталган тақдирлар хусусида. “Тарихий хотира-маънавият асослари” мавзусида республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро-2010. - Б.96.

45 фоизи, пахтачилик бригада бошлиқларининг 35 фоизи, шунингдек, Ўзбекистон пахта [80]тозалаш саноати вазирлиги тизимидаги кўплаб раҳбарлар, вилоятлар ва туманлар партия комитети котиблари, республика миқёсидаги партия, совет ва хўжалик раҳбарлари ўз вазифаларидан олиб ташланди ва уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Кўплаб собиқ раҳбарлар қамоққа тушмаслик учун ўз жонларига қасд қилишди.

1983-1990 йилларда Ўзбекистонда “Пахта иши” деган уйдирма бўйича жами 40000 нафар киши тергов қилинди, уларнинг аксарияти тергов изоляторларида прокурор санкциясисиз ўтирди, 5000 нафар киши эса сохта айблар билан жиноий жавобгарликка тортилди. Тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари топталиб, тутқунларга жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказилди. Уларнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғлари ҳам қамоққа ташланди. Қатағон қиличи энг аввало марҳум Шароф Рашидов хотирасига қарши кўтарилди. У билан бирга ишлаган турли даражадаги раҳбар ходимлар ёппасига ишдан олиб ташланди. Кадрларни алмаштириш сиёсати оммавий тус олиб, аянчли асоратларга олиб келди.

Гдлян ва Иванов Ўзбекистондан зўравонлик ва алдов йўли билан ноқонуний тарзда қўлга киритган катта бойликни ўзлаштириб, унинг бир қисмини Москвадаги “демократлар” ва журналистларни сотиб олишга сарфлашади.

Ўша даврда фаолият юритган Жуман Ходжанов “Мирзачўл” савхози директори билан биргаликда жами 27 нафар киши судланган, шулардан 22 нафари турли даврларга қамалган. Қуйидаги маълумотлар шу даврда айбсиз айбланганлардир.

1. Ходжанов Жуман
2. Жуманов Аҳмад
3. Сафаров Холиқул
4. Сангиров Мустафо
5. Қурчиев Собир
6. Холиқов Уммат

80

7. Холмурадов Равшан
8. Анорбоев Нурмуҳаммад
9. Арзиқулов Сувонқул
10. Аббосов Қурбонали
11. Анорбоев Бозорбой
12. Жўраев Абубакр
13. Мусурмонов Абдурашид
14. Юнусов Азиз
15. Султонов Абдуғаппор
16. Қултоев Ўрол
17. Ходжимурадов Анорбой
18. Бобонов Эгамбой
19. Рустамов Суюн
20. Арзиқулов Эгам
21. Арзиқулов Хўжамқул
22. Арзиқулов Раҳмонқул

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретарига Сирдарё область Комсомол районига қарашли “Мирзачўл” совхозининг 4-бўлимида истиқомат қилувчи Хўжанова Ойимхондан

ШИКОЯТ

Мен, Хўжанова Ойимхон, нажот ва ҳақиқатни қарор топишига ёрдам истаб, ушбу шикоятни сизга, ҳурматли Р.Нишоновичга ёзишга жазм қилдим, чунки бундан бошқа ҳеч қандай иложим йўқ.

Ушбу шикоятимни сизга йўллашимга асосий сабаб бўлган воқеа, оиламизнинг бошига тушган оғир айрилиқ ҳамда кўнгилсиз воқеа юз берганлигидир.

Маълумки, ҳозирги кунда ҳам Республикамизда кейинги йилларда авж олиб кетган қўшиб ёзишлар, давлат мулкини талон-тарож қилиш ва бошқа жамиятимиз қонунларига хос бўлмаган ишлар билан

шуғулланган шахсларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Шу жумладан, турмуш ўртоғим Хўжанов Жуман “Мирзачўл” совхозининг директори лавозимида салкам 2 йил ишлаб, 1986 йил январь ойида давлат мулкини талон-тарож қилиш ўзлаштиришда айбланиб, Сирдарё область судлов коллегияси томонидан 13 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Жазони кучайтирилган меҳнат колониясида ўташ ҳамда ўзига тегишли мол-мулкини мусодара қилиш тўғрисида ноҳақ ҳукм чиқарилди ва бу ҳукм Республика марказида маъқулланиб, тасдиқланди. Натижада мен ва 7 нафар фарзандим қарийб 3 йилдан бери оғир кунларни бошдан кечирмоқдамиз. Айниқса, 4 нафар вояга етмаган фарзандларим “дадам қачон қамоқдан келадилар?” деб сўраганида юрак-бағрим эзилиб, “болам, хафа бўлмагин, даданг албатта келадилар,” деб уларни бирма-бир юпатаман, ўзимни тута олмай йиғлайман, менга қўшилиб болаларим ҳам йиғлашади. Айниқса, тили бийрон кичкина қизим “ойижон, айтинг-чи, дадам қачон келадилар?” деб сўрайвериб мени қийнайди, 13 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган турмуш ўртоғимнинг аҳволини ўйлаб, юрагим сесканиб кетади.

Наҳотки у шунчалик оғир жиноят қилган бўлса? Ахир мен у билан қарийб 27 йил бирга турмуш қуриб, оддийгина ишчилар қатори яшаганида унинг ножўя хатти-ҳаракатларини ёки бирор текин йўл билан бировнинг ёки давлатнинг нарсасини уйга олиб келганлигини сезган эмасман. У ёшлигидан ҳаётда ниҳоятда қийналган. Онасидан ажраб, ўгай она қўлида катта бўлган. Бегона яхши кишилар ёрдамида ўқиб, 42 ёшида зўр- базўр олий маълумотли бўлди.

Ҳурматли Р. Нишонович! Турмуш ўртоғим Хўжанов Жуман охирги раҳбарлик лавозимида ишлаган “Мирзачўл” совхозида 10 йиллик маълумотни олиб, оддий тракторчи бўлиб ишлаган, сўнгра 1960-1962 йилларда шу совхозда ҳайдовчилик қилган.

1962-1965 йилларда Чиноз қишлоқ-хўжалик техникумида ўқиб, битириб, техник-механик деган квалификациясини олган. Ўзимизнинг совхозга ишга келиб, техника соҳасида ишлади. У совхозга ишга келиб, техника бўйича ҳамма босқичдан касблар бўйича ҳалол ишлади. Механик ёрдамчиси, бўлим механиги, назоратчи механик, ММО механиги, ММО бошлиғи, марказий устахона мудири ва совхоз бош инженер - механиги лавозимларида ишлади. Сўнгра сиртдан Тошкент

қишлоқ хўжалиги институти агрономия факультетини тамомлади. Шу сабабли у ўзининг севган касби бош инженерликдан совхоз бош агрономлиги лавозимига тайинлади.

У бош агрономлик лавозимида ҳам муваффақиятли ишлади. Ўзининг ҳалол ва машаққатли меҳнатлари туфайли 1982 йилнинг ноябрь ойидан совхоз директорлигига тайинланди. Ана шу охирги икки йилда давлат планларини бажараман, деб юқори партия ва совет раҳбарларининг тазйиқи остида йўлдан адашиб, шунча йилдан бери қилган қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасидаги машақатли меҳнатлари зое кетди. Охир-оқибатда у оғир жазо олди.

Ҳурматли Р. Нишонович!

Мен турмуш ўртоғимни батамом оқлай олмайман, чунки шахсан ўзим ва фарзандларим узоқ 6 ой давом этган суд процессида деярли тўлиқ қатнашдик. Ўзи билан барча судланганларни ҳамда судда қатнашган барча гувоҳларнинг сўзларини ўз қулоғимиз билан эшитдик. Ҳақиқатан ҳам давлат маблағи совхоз ишчиларига нотўғри берилганлиги ва маълум қисми талон-тарож қилинганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Бу ҳақда совхознинг бўлим бошлиқлари, кассирлар, мутахассислар бирма- бир кўрсатма бердилар. Бу суммалар, албатта менинг турмуш ўртоғим Хўжанов Жуманнинг айби билан содир бўлган.

Ҳурматли Р. Нишонович!

Сизни Республикамизнинг раҳбари сифатида ишонтириб айтаманки, Ўзбекистон ССР Олий Суди Президиуми томонидан 3885 сўмни шахсан ўзи ўзлаштирган, деб қўйилаётган айбга мутлақо қўшилмайман, чунки у бу суммаларни шахсан ўзи ўзлаштирганида заррача бўлса ҳам бизнинг оилавий турмушимиз яхши томонга ўзгарган бўларди, буни мен албатта билган бўлардим.

У директорлик қилган 2 йил давомида турмушимиз яхшиланиши у ёқда турсин, орқага кетди. Оиламизга мутлақо қарамай қўйди. Эрта-ю кеч югуриб, ўзига берилган ишончни оқлаш учун меҳнат қилди, хўжаликни бошқаришда ўзини ўнглаб олишга ҳаракат қилди.

Ишонасизми, йўқми, уйимизга айрим шахслар томонидан олиб келинган нарсаларни қайтариб, ўша кишиларни жазолаган ва ишдан

бўшатган. Ҳаттоки доимо совхоз директорлари яшаган алоҳида ажратилган уйга бориб яшашдан ҳам бош торгтан эди.

Шунинг учун ҳам бизнинг оилавий шароитимиз оддий ишчи-хизматчиларни яшаш шароитидан асло фарқ қилмаган. Ҳозир эса мутлақо қийналиб яшамоқдамиз.

Ҳозир яшаётган уйимиз 1964 йилда отаси ва яқин танишларимиз ёрдамида ғиштдан тикланган оддий иморатдир. У ҳозир оиламиз учун мутлақо кичкина бўлиб, унинг икки хонасида иккинчи механизатор ўғлим оиласи яшаяпти. Катта ўғлим эса, отамизнинг уйида ўз оиласи билан алоҳида яшаяпти, унинг 3 нафар фарзанди бор. Мен эса 4 нафар вояга етмаган фарзандларим билан ўзимиз уйимизнинг 2- хонасида қийналиб яшаб турибман. Хуллас, шароитимиз оғир, кундалик турмушимиз қийинчиликлар билан ўтаяпти. Ҳар 6 ойда турмуш ўртоғимни рухсатнома орқали кўришга боришда эса етишмовчиликни айтмайсизми!

Судланаётган Ж.Хўжанов
Томонидан ёзилган

Тушунтириш хати

Мен, судланувчи Хўжанов Жуман, 1940 йилда “Мирзачўл” совхозининг 2-бўлимида камбағал деҳқон оиласида туғилдим. Шу ерда ўқиб, 10 йиллик маълумотни олиб, сўнгра шофёрлик касби ва тракторчилик курсларини битириб, аввал тракторчи, кейинроқ шофёрлик касби бўйича ишладим. 1962-1965 йилларда Вревский қишлоқ хўжалик техникумини тамомлаб, яна ўзим ишлаган совхозга ишга келдим ва механизациялаш соҳаси бўйича ишлай бошладим. Аввал механик ёрдамчиси, сўнгра бўлим механиги, ММО механиги, насослар станциясининг бошлиғи ва ниҳоят 1976-1981 йилларда “Мирзачўл” совхозининг бош инженер- механиги лавозимида ишладим.

Ишлаб юриб, сиртдан Тошкент қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирдим. 1979 йилда институтни тамомладим ва олий маълумотли агроном даражасига эга бўлдим**.** Шу сабабли 1981 йилнинг ўрталарида юқори ташкилот органларининг тавсияси билан совхоз бош инженерлик лавозимидан совхоз бош агрономлик лавозимига ўтказилдим ҳамда шу вазифада 1982 йилнинг октябрь ойигача

ишладим. 1982 йилнинг ноябрь ойидан эса, Қишлоқ хўжалик министрлигининг буйруғи билан совхоз директорлиги лавозимига тайинландим.

Ревизия ва тергов хулосаларига асосан ишлаб чиқаришда йўл қўйган катта хато ва талон-тарожлик ишларим учун 1984 йилнинг сентябрь ойида совхоз директорлиги лавозимидан бўшатилдим. Район партия комитетининг пленум аъзолигидан ҳамда қишлоқ совети депутатлигидан чиқарилдим. Кейинчалик эса, юқоридаги ишларим бўйича КПСС аъзолигидан ҳам ўчирилдим. Қамоққа олинган кунимгача совхозда агроучастка бошқарувчиси бўлиб ишладим.
Жуман Хўжановнинг қамоқхонада онасига бағишлаб ёзган шеъри.

ОНАГИНАМ

Жудоликдан сарсон бўлган фарзандинг кечир,
Юракдаги ушбу доғлар бир куни ўчар.
Сени ғам-у андуҳга қўйган Жуманни кечир,
Ғам- ғусса ҳам бир кун куни, бизни тарк этар.
Тилагим шу, ҳеч бир инсон кўрмасин бу кун,
Онасининг юрак- бағрин қилмасин тутун.
Боланг ётар бунда темир шпонкаларда
Ғамгинликдан жароҳат бор юракда танда,
Асло сени тушларимдан қилмасман канда.
Биламан, сен ғам- ғуссадан куйиб йиғларсан,
Фарзандингга ғойиблардан мадад тилайсан.
Уйда қолган невараларинг бошин силайсан,
Кўп ғам чекма, онажоним, абгор бўлгайсан.
Эсон- омон қайтиб келсам мен қошларингга,
Кўтарардим сизларни ҳам мен бошларимга.
Қани энди озодлик кун эртароқ келса,
Бу азоб-у уқубатлар туш бўлиб қолса.
Онагинам, онагинам, кечир мени,
Кечир мени фарзандингдирман.

СП.13. Камера 33
25/ VIII. 85 г. воскресенье.

1. ХОДЖАНОВ ЖУМАН 1940 йилда туғилган. Комсомол район “Юбилейний” жамоа хўжалигининг 3-бўлимида яшаган. “Мирзачўл” совхози директори лавозимида ишлаган. Сирдарё область судининг 1986 йил 17 январдаги ҳукми билан 13 йил ОМҚ, 5 йил МҲМЭ қўлланилган, мол-мулки мусодара қилинган. Давлат архивида факат 1 дан 5 гача, 17 дан 20 гача бўлган жилдлар мавжуд бўлиб, ушбу жилдларда судланувчиларга оид бирорта маълумот мавжуд эмас. Навоий шаҳар қамоқхонасига жўнатилган. Ўз ССР ЖКнинг 119- прим 1- моддаси билан 13 йилга, 149- моддаси билан 3 йилга, 149- прим моддаси билан 4 йилга, 155- моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40 -моддаси талабига кўра, 13 йил озодликдан маҳрум этилиш жазоси қолдирилиб, уни кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ жазоси қўлланилган, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган. 1989 йилда оқланган.

2. **ЖУМАНОВ АҲМАД** 1937 йилда туғилган. Мирзаобод райони пахта тозалаш заводи ишчиси бўлган. Пахта иши юзасидан 1985 йил 18 мартдан бошлаб қамоққа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 119 -прим моддаси билан 11 йилга, 149 -моддаси билан 3 йилга, 155- моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Сирдарё область судининг 1986 йил 11 январдаги ҳукми билан 11 йил ОМҚ, 4 йил МҲМЭ қўлланилган, мол-мулки мусодара қилинган, сургун қилинмаган уни кучайтирилган режимли аҳлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ, мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган. 1989 йилда Жуманов Аҳмад қамоқдан чиқарилган.

3. **САФАРОВ ХОЛИҚУЛ** 1949 йилда Ўз ССР Сирдарё область Комсомол райони, “Мирзачўл” совхозида туғилган. Совхознинг 2-бўлимида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган. Ўз ССР ЖКнинг 119-прим, 149-155-моддалари бўйича айблов эълон қилинган. Ўз мансабини суиистеъмол қилиб, бир гуруҳ бўлишиб, давлатнинг жуда кўп миқдорда талон-тарож қилишган. Сирдарё область судининг 1986 йил 17 январдаги ҳукми билан 10 йил ОМҚ, 4 йил МҲМЭ қўлланилган, мол-мулки мусодара қилинган, сургун қилинмаган. Давлат архивида факат 1 дан 5 гача, 17 дан 20 гача бўлган жилдлар мавжуд бўлиб, ушбу

жилдларда судланувчиларга оид биронта маълумот мавжуд эмас, фақатгина гувоҳ ва накладной ҳужжатлар тикилган.

4. **САНГИРОВ МУСТАФО** 1932 йилда туғилган. Муқаддам судланмаган. Мирзачўл райони пахта тозалаш заводи 1-бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган. “Мирзачўл” совхозининг 2-бўлимида яшаган. Ўз ССР ЖК ни 119- прим моддаси билан 7 йилга, 149- моддаси билан билан 4 йилга, 155- моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этиб, ЎЗ ССР ЖКнинг 40-42- моддаларига кўра, 7 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, Сирдарё область судининг 1986 йил 17 январдаги ҳукми билан, 10 йил ОМҚ, 4 йил МҲМЭ қўлланилган, мол-мулки мусодара қилинмаган.

5. **ҚЎРЧИЕВ СОБИР ҒАНИЕВИЧ** 1958 йилда туғилган. Мирзаобод райони пахта тозалаш заводи ишчиси бўлиб ишлаган. Иш бўйича тилхат орқали очиқда бўлган. Ўз ССР ЖКнинг 118 -моддасининг 3-қисми билан 6 йилга, 149 -моддаси билан 3 йилга, 155 -моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этиб, Ўз ССР ЖКнинг 46 -моддасига кўра 6 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, уни кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ ва мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган.

6. **ХОЛИҚОВ УММАТ СУЛАЙМОНОВИЧ** 1960 йилда туғилган. Комсомол райони “Мирзачўл” совхозида туғилган. Совхознинг 1-бўлимида катта бухгалтер, пахта тозалаш заводи ишчиси бўлиб ишлаган. Муқаддам судланмаган. Ўз ССР ЖК 118-моддаси 3-қисми, 149-155-моддалари бўйича айбланган. Мансабини суиистеъмол қилиб, бир гурух бўлишиб, давлатнинг жуда кўп миқдорда талон-тарож қилишган. Сирдарё область судининг 1986 йил 17 январдаги ҳукми билан 6 йил ОМҚ, 2 йил МҲМЭ қўлланилган, мол-мулки мусодара қилинган. Иш юзасидан 1985 йил 18 мартдан бошлаб қамоқда сақланган. Ўз ССР ЖКнинг 119-прим моддаси билан 11 йилга, 149-моддаси билан 3 йилга, 155- моддаси билан 2 йилга, Ўз ССР ЖКнинг 40 -41-моддаларига кўра, 11 йилу 3 ойга озодликдан маҳрум этилиб, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ жазоси қўлланилган, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган.

7. **ХОЛМУРОДОВ РАВШАН АЛИБАЕВИЧ** 1945 йилда Сирдарё область Комсомол районида туғилган. “Мирзачўл” совхозининг 2-бўлимида яшаган. 1985 йил 18 мартдан бошлаб қамоқда сақланган. Ўз ССР ЖКнинг 119-прим моддаси билан 11 йилга, 149- моддаси билан 3 йилга, 155 - моддаси билан 2 йилга, Ўз ССР ЖКни 40- 41-моддаларига кўра 11 йилу 3 ойга озодликдан маҳрум этиб, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинган.

8. **АНОРБОЕВ НУРМУҲАММАД ОРОЛОВИЧ** 1937 йилда туғилган. Муқаддам судланмаган. Мирзаобод райони пахта тозалаш заводи ходими бўлиб ишлаган. Иш бўйича 1986 йил 17 январдан бошлаб қамоққа олинган. Ўз ССР ЖКнинг 119 -прим моддаси билан 10 йилга, 149- моддаси билан 3 йилга, 155- моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этиб, Ўз ССР ЖКнинг 40 -моддасига кўра, 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташга, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилишга белгиланган. Сирдарё область судининг 1986 йил 17 январдаги ҳукми билан 10 йил ОМҚ 4 йил МҲМЭ қўлланилган, мол-мулки мусодара қилинган.

9. **АРЗИҚУЛОВ СУВОНҚУЛ** 1958 йилда Сирдарё область Комсомол райони “Мирзачўл” совхозида туғилган. 1-3-бўлимларда бошлиқ лавозимида ишлаган. Муқаддам судланмаган. Иш бўйича 1985 йилда 21 июнь куни айблаш фикрини олган. Тилхат орқали очиқда юрган. Ўз ССР ЖКнинг 119- прим моддаси билан 10 йилга, 149- моддаси билан 4 йилга, 155- моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40- моддасига кўра, 10 йилга озодликдан маҳрум этилиб, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ, мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган. Асосий жазони ўтаб бўлгандан сўнг 4 йил муддатга муайян мансабда ишлашдан маҳрум қилинган.

10. **АББОСОВ ҚУРБОНАЛИ** 1949 йилда Сирдарё область Гулистон райони “Красная заря” колхозида туғилган. “Мирзачўл” совхозида 3-бўлим бухгалтери вазифасида ишлаган. Муқаддам судланмаган. Иш бўйича тилхат орқали очиқда бўлган. Ўз ССР ЖКнинг 118- моддасини

3- қисми билан 7 йилга, 149- моддаси билан 4 йилга, 155- моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этиб, пахта иши бўйича Ўз ССР ЖКнинг 40-моддасига кўра, 7 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, уни кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ, мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган. Ўз ССР Олий Суди томонидан 1990 йил 13 декабрда Аббосов Қурбонали оқланган.

11. **АНОРБОЕВ БОЗОРБОЙ АРАЛОВИЧ** 1955 йида Қозоғистон ССР Чимкент область Пахтаорол районида туғилган. Муқаддам судланмаган. “Мирзачўл” совхози 3-бўлим катта ҳисобчиси бўлиб ишлаган. Ўз ССР ЖКнинг 17-119 -прим моддаси билан 5 йилга, 149 - моддаси билан 3 йилга 55- моддаси билан 12 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40-42 моддаларига кўра, 5 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, уни кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ белгиланган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинган.

12. **ЖЎРАЕВ АБУБАКИР ЭРГАШЕВИЧ** -1957 йилда Сирдарё область “Мирзачўл” совхозида туғилган. Совхознинг 4-бўлими катта бухгалтери лавозимида ишлаган. Иш юзасидан тилхат орқали очиқда сақланган. Ўз ССР ЖКнинг 118- моддаси 3-қисми билан 6 йилга, 149 - моддаси билан 3 йилга, 155 -моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40-моддасига кўра, 6 йилга озодликдан маҳрум этиб, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ ва мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган.

13. **МУСУРМОНОВ АБДУРАШИД УНГАРОВИЧ** 1947 йилда туғилган. Мирзаобод райони пахта тозалаш заводи ишчиси бўлиб ишлаган. 1986 йил 17 январдан қамоқда сақланмоқда. Ўз ССР ЖКнинг 119- прим моддаси билан 10 йилга, 149 -моддаси билан 3 йилга, 155 - моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40-моддасига кўра, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган.

14. **ЮНУСОВ АЗИЗ ТУРДИҚУЛОВИЧ** 1958 йилда Сирдарё область Комсомол районида туғилган. “Мирзачўл” совхозида кассир бўлиб ишлаган. Муқаддам судланмаган. Иш бўйича тилхат орқали очиқда бўлган. Пахта тозалаш заводида Ўз ССР ЖКнинг 118- моддаси 3- қисми билан 6 йилу 6 ойга, 149 -моддаси билан 4 йилга, 155-моддаси билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40-моддасига кўра, 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, уни кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташга, мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган.

15. **СУЛТОНОВ АБДУҒАФФОР** 1956 йилда Сирдарё область Комсомол райони, “Мирзачўл” совхозида туғилган. Совхознинг 3-бўлими агрономи вазифасида ишлаган. Ўз ССР ЖКнинг 206 -моддасининг 1-қисми билан судланган. Иш юзасидан тилхат орқали очиқда бўлган. Ўз ССР ЖКнинг 17-118-моддасининг 3 қисми билан 4 йилга,149- моддаси билан 4 йилга, 155- моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40 -42 -моддаларига кўра, 4 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, уни кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган.

16. **ҚУЛТАЕВ ЎРОЛ ЖЎРАБОЕВИЧ** 1951 йилда Сирдарё область Комсомол районида туғилган. “Мирзачўл” совхозида бош агроном лавозимида ишлаган. Ўз ССР ЖКнинг 119-прим, 149 -155-моддалари бўйича жазо қўлланилиб, ўз мансабини суиистеъмол қилиб, бир гуруҳ бўлишиб, давлатнинг жуда кўп миқдордаги маблағини талон-тарож қилишган. Сирдарё область судининг 1986 йил 17 январдаги ҳукми билан 10 йил ОМҚ 4 йил МҲМЭ жазоси қўлланилган, мол-мулки мусодара қилинган.

17. **ХОДЖИМУРОДОВ АНОРБОЙ ХУСАНОВИЧ** 1958 йилда Сирдарё область Комсомол районида туғилган. “Мирзачўл” совхози 1-бўлими бригадири бўлиб ишлаган. Муқаддам судланмаган. Иш бўйича 1986 йил 17 январдан бошлаб қамоқда сақланган. Ўз ССР ЖКнинг 119-прим моддаси билан 10 йилга, 149- моддаси билан 3 йилга,155 -моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ССР ЖКнинг 40-

моддасига кўра, 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, уни кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ, мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиш жазоси белгиланган.

18. **БАБАНОВ ЭГАМБОЙ** 1935 йилда туғилган. Ўз ССР ЖКнинг 118 -моддасининг 2 -қисми билан 3 йил муддатга, 149 -моддаси билан 2 йилга, 155- моддаси билан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, Ўз ЖКнинг 23-2- ва 40- моддаларига кўра, 3 йил муддатга шартли равишда озодликдан маҳрум этиб, мажбуран меҳнатга жалб этилган.

19. **РУСТАМОВ СУЮН ОРТИҚОВИЧ** 1958 йилда Сирдарё область Комсомол райони "Мирзачўл" совхозида туғилган. Совхознинг 1-бўлимида хўжалик мудири бўлиб ишлаган. 1985 йил 20 майдан қамоқда сақланган. Ўз ССР ЖКнинг 118- моддасининг 3 -қисми билан 4 йилга, 155- моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этиб, жазони Ўз ССР ЖКнинг 40-42 -моддаларига асосан 4 йил озодликдан маҳрум этиш қолдирилиб, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиш, асосий жазони ўтагандан сўнг 4 йил муддатга муайян мансабда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш белгиланган.

20. **АРЗИҚУЛОВ ЭГАМ ҲУСАНОВИЧ** 1961 йилда Сирдарё область Комсомол районида туғилган. "Мирзачўл" совхози 1-бўлими бригадири вазифасида ишлаган. Муқаддам судланмаган. Иш юзасидан тилхат орқали очиқда бўлган. 1988 йил 21 сентябрь ҳукмига кўра, Ўз ССР ЖКнинг 118-моддаси 3 -қисми ва 42 –моддаси қўлланилиб, 4 йилга, 149-модда билан 3 йилга, 155- модда билан 2 йилга озодликдан маҳрум этиб, Ўз ССР ЖКнинг 40 -моддасига кўра 4 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, уни кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташга, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиш ва асосий жазони ўтаганидан сўнг 3 йил муддатга муайян мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этиш белгиланган. Ўз ССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 июнда Арзиқулов Эгам ишида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли оқланган.

21. **АРЗИҚУЛОВ ХЎЖАМҚУЛ УСАНОВИЧ** 1959 йилда Комсомол райони "Мирзачўл" совхозида туғилган. Совхознинг 2-бўлимида

хўжалик мудири бўлиб ишлаган. Муқаддам судланмаган. Иш юзасидан тилхат орқали Ўз ССР ЖКнинг 118 -модда 2- қисми билан 2 йилга,155 моддаси билан 1 йилга озодликдан маҳрум этиб, Ўз ССР ЖКнинг 23-2 ва 40-моддаларига кўра, 3 йилга шартли равишда озодликдан маҳрум этиб,меҳнатга мажбуран жалб этилган. Сирдарё область судининг 1986 йил 17 январдаги ҳукми билан,2 йил ОМҚ 2 йил МҲМЭ қўлланилган. Жазони ўтагандан сўнг 2 йил муддатга муайян мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Ўз ССР Олий Суди томонидан 1991 йил 8 августда Арзиқулов Хўжамқул ишида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли оқланган.

22. **АРЗИҚУЛОВ РАҲМОНҚУЛ ЮЛДАШЕВИЧ** 1961 йилда Сирдарё область Комсомол райони “Мирзачўл” совхозида туғилган. Совхознинг 4-бўлими катта агроном лавозимида ишлаган. Муқаддам судланмаган. Ўз ССР ЖКнинг 149 – 155- моддалари билан Ўз ССР ЖКнинг 23-2 ва 40 -моддаларига кўра жалб этилган. Сирдарё область судининг 1986 йил 17 январдаги ҳукми билан 3 йил озодликдан маҳрум январдаги этилган. Ўз ССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Раҳмонқул Арзиқулов ишида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли оқланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан “Пахта иши”нинг тамомила шармандаси чиқди. Гуноҳсиз озор чеккан неча минглаб кишилар оқландилар ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Ўзбекистоннинг атоқли давлат арбоби ва жамоат арбоби Ш.Р.Рашидовнинг номи тикланди, унинг 75 йиллик юбилейи Ватанимизда муносиб нишонланди. Бугунги кунда ҳам Ш. Рашидов номи мамлакатимиздаги кўчаларга берилган. 2017 йилда Ш.Рашидов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди ва Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида музей ҳамда ёдгорлик мажмуаси қурилди.

Мазкур мавзуни мактаб ўқувчилари ва талабаларга тушунтириш жараёнида мавзуга оид бўлган манбалар историографиясига чуқур тўхтаб ўтиш лозим, шунингдек, ҳақиқатнинг букилмаслиги ҳақида ва хақиқий инсонпарварлик ва ватанпарварлик тўғрисида ўқувчиларга таълим бериш лозим. Тарбиявий томонларини оладиган бўлсак, ҳозирги давр ўқувчиси ва талабасининг тарбиявий томони мукаммаллашган бўлиб, ёшлар она – Ватанни, халқни, ўртоқларининг яхши томонларини кўра билиши ва ўзига бўйсундириши лозимдир.

ХУЛОСА

Элимизнинг ўтмиши Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг қуйидаги мисраларида мужассам бўлган:

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Айтсам, адо бўлмас армонларинг бор.
Ўтмишингни ўйлаб, оғрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Ҳар бир халқ ўз тарихини авайлаб келади, бу тарих неъматлари бўлмиш меросдан келажак сари илдам йўл босиш учун куч-қувват олади. Халқ озодлиги учун қурбон бўлган миллий қаҳрамонлар жасорати, миллат равнақи учун жонбозлик кўрсатган илм-фан соҳибларининг фаолияти эса ҳар бир авлод учун намуна бўлиб хизмат қилади. Уларнинг хотирасини абадийлаштириш эса бугунги ва келгуси авлодларнинг муқаддас бурчидир. Зеро, тарихини асраган ва билган халқ қудратли ва тенглар ичида тенг халқдир.

Тарихимизнинг аянчли, ҳасратли, фожеали саҳифаларини чуқур ва атрофлича ўрганишда ҳам бор ҳақиқатни акс эттириш вақти келди. 1860 йилдан 1990 йилгача бўлган қатағон даври бугунги кунда чуқур тадқиқ қилинмоқда.

Айни пайтда қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолияти илмий тадқиқ этиш борасида, бир қатор ишлар амалга ошириб борилмоқда. Илмий-тарихий китоблар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратилмоқда. Қатағон қурбонлари бўлган шахсларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида вилоятдаги 20 га яқин умумтаълим мактабларида қатағон қурбонларига бағишлаб хотира бурчаклари ташкил этилди.

“Инсон - азиз, хотираси муқаддас” мавзусида вилоятимизнинг туманлари кесимида тадбирлар ташкил қилиниб, унда қатағон қурбони бўлган шахсларнинг номлари тилга олинди.

Ҳар ойнинг 30-санасида ўқув йили давомида миллатимиз маърифатпарварлари бўлган жадидчилар хаёти ва фаолияти ўрганилиб, улар тўғрисида янги топилган материаллар университет талаба ёшлари, тадқиқотчи ўқитувчилар ва мазкур даврга қизиқувчиларга таништирилиб келинмоқда.

Ўзбек халқи олис ўтмишини ўрганиш, мозийни қайта кашф этиш йўлида муҳим ютуқларга эришди. Аммо турғунлик даврида тарихшунослик борасида ҳам қатағон этилган сарҳадлар, ёлғон ҳукмронлик қилган даврлар бор эди. Натижада халқимиз ўтмишининг муҳим ва катта бир даври тарих ҳақидаги тадқиқотларда ҳам, адабий асарларда ҳам чинакам аксини топмади.

Жамият тарихида ўтган жамики буюк инсонлар фан, маданиятимизнинг улуғ кишилари ҳақиқат, озодлик йўлида меҳрибон халқи, она-Ватани учун ўз жонини аямаган сиймолар юлдузларига ўхшайдилар. Уларнинг баъзилари бир муддат зулмат ичра чарақлаб туради-ю, сўнг сўнади. Аммо уларнинг айримлари юлдуз янглиғ шуълага эга бўлиб, одамлар билан йўлдош бўладилар. Само юлдузларининг бошқалари эса мангу ёғду сочиб турадилар. Истеъдодли ва доно одамлар ҳеч қачон оёқ остига қараб яшамайдилар. Улар туяга миниб, узоқни кўзлаган донишмандлардек олис уфқларни мўлжалга олиб юрадилар. Эртанги кун, яшаш ва кураш, яратиш завқи билан яшайдилар. Маърифатпарвар сиймо, моҳир тарихчи, зийрак иқтисодчи олим, дипломат, оташин нотиқ ва публицист Файзулла Хўжаев ўзининг жўшқин серқирра ва сермаҳсул ҳаёт ва ижод фаолиятини меҳнаткаш халқ бахту саодатига, она-Ватан истиқболига бағишлади.

Инсон яшаш учун курашади. Аммо ҳеч вақт ҳақиқатдан туҳмат устун келмасин экан…

Биз бугунги кунда қораланаётган, лаънатлашга сўз топа олмаётган шахсга сиғиниш даври элимизнинг қанчадан-қанча асл фарзандлари ёстиғини қуритди. Уларга ёруғликни насиб кўрмади. Юрт манфаати, миллат равнақи учун ўзини масъул деб билган минглаб зиёлилар мангуликка бош қўйишди. Энг фожиалиси шуки, 30-50-йилларда туҳмат билан ҳибсга олинган ҳалол инсонлар машъум ҳукмлар билан бизга ҳамон номаълум бўлиб келаётган шароитларда ҳаётдан кўз юмишган. Аниқроғи, уларнинг жонига қасд қилишган. Фақат биргина: “Отилсин! Отилсин! Отилсин!” деган жазо такрорланаверган ва такрорланаверган…”[81]. Ҳозир ноҳақ қурбон бўлганларнинг қачон ва қандай ҳолатларда қатл қилинганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ.

[81] И.Усмонов. Қатағон қурбонлари. Тошкент, 1992 йил. 28-бет.

